

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Ж.М.Қурбонов

**ПАТЕНТШУНОСЛИК, ЛИЦЕНЗИЯЛАШ
ВА СЕРТИФИКАТЛАШ**

Олий таълимнинг

**810 000-Хизматлар кўрсатиш соҳаларининг магистратура мутахассисликлари
учун мўлжалланган дарслик.**

САМАРҚАНД – 2019

Ж.М.Қурбонов - СамИСИ «Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш» кафедраси ,
т.ф.д., профессор

Такризчилар:

- Комилов М. - «ELXOLDING» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Янги техника» бўлими бошлиғи
Нормахматов Р. - СамИСИ профессори, т.ф.н, «Маркетинг» кафедраси мудири.

Дарсликда Ўзбекистонда интеллектуал мулк муҳофазаси бўйича ишларнинг ташкиллаштирилиши, патентшунослик асосларини ташкил этувчи манбаълар, яъни интеллектуал мулк, саноат мулки, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, шунингдек товар ва хизмат кўрсатиш белгилари, тушунчаларининг моҳияти, ҳуқуқий муҳофазаси ва уларни расмийлаштирилиши, стандартлаштириш, сертификатлаш ва лицензиялаш бўйича маълумотлар келтирилган.

Дарслик магистратура мутахассисликлари учун мўлжалланган.

Мундарижа

	КИРИШ	
1 - БОБ	Ўзбекистонда интеллектуал мулк муҳофазаси бўйича ишларнинг ташкиллаштирилиши	4
1-Мавзу	Сўз боши. Ўзбекистонда интеллектуал мулк муҳофазаси бўйича ишларнинг ташкиллаштирилиши.....	4
2-БОБ.	ПАТЕНТШУНОСЛИК	
2-Мавзу.	Интеллектуал мулк ҳуқуқий муҳофазаси асослари.....	17
3 Мавзу.	Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари мазмуни, тушунчаси, моҳияти.....	29
4-мавзу.	Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарига талабнома тузиш, топшириш ва расмий ҳужжат олиш.....	40
5-мавзу.	Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарлар келиб чиқиш жой номлари тушунчаси, мазмуни, моҳияти.....	57
6-мавзу.	Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товарлар келиб чиқиш жойларини расмийлаштириш.....	68
7-мавзу.	Саноат мулкидан ташқари интеллектуал мулкларнинг ҳуқуқий муҳофазаси.....	83
8-мавзу.	ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топлогиялари, интеллектуал мулк объекти эканлиги.....	91
9-Мавзу.	Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар.....	101
4-БОБ.	СЕРТИФИКАТЛАШ.	
10-Мавзу.	Стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг Ўзбекистонда ташкиллаштирилиши.....	117
11-Мавзу.	Ўзбекистон давлат стандартларини ишлаб чиқиш, жорий этиш тартиби.....	134
12-Мавзу.	Стандартлаштириш бўйича давлат назорати, халқаро стандартлаштириш.....	149
13-Мавзу.	Ўзбекистонда метрология, ўлчамлар бирлигини таъминлаш давлат тизими, метрологик назорат.....	169
14-Мавзу.	Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий	

	тизими, миллий идоралар ва уларнинг вазифалари.....	190
15-Мавзу.	Маҳсулотлар сертификацияси ва унинг назорати.....	209
16-Мавзу.	Сертификатланган маҳсулотлар сифатини таъминлаш ва бошқариш.....	225
17-Мавзу.	Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш ва сифатни таъминлаш тизими истиқболлари.....	241
3 – БОБ.	ЛИЦЕНЗИЯЛАШ	
18-Мавзу.	Лицензия ва уларнинг сотиб олиниши ва сотилиши, молиявий муносабатлар.....	260
	ГЛОССАРИЙ	
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	277

КИРИШ

Ҳозирги вақтда интеллектуал мулкнинг яратилиши ва ҳуқуқий муҳофазаси бўйича ишларнинг ташкиллаштириш дунё мамлакатларида давлат миқёсида – муҳим давлат ишлари сифатида олиб бориляпти. Чунки, ҳар қандай мамлакатнинг ривожланиш даражаси, ундаги таълим, билим,, илмга, умуман фаннинг ривожланиши бўлган муносабатини белгилайди ва мамлакатнинг илмий ва технологик салоҳияти ҳисобланади. Худди шунингдек интеллектуал мулк бўйича ишларнинг қандай даражада олиб борилишига, унинг янги техника-технологиялар яратилишига, жамият ва табиат қонунларини ўрганиб, ҳаётга тадбиқ этганлигига боғлиқдир.

Сўнгги йилларда республикада мамлакатнинг инновацион салоҳиятини янада ривожлантириш учун кулай шарт-шароитларни яратишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқишга, илмий-инновацион фаолиятни ривожлантириш ва уни ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли фаровонлигини тубдан ошириш ва турмуш сифатини яхшилаш, жамият ва давлатни ҳар томонлама жадал ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилиш ва ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича аниқ мақсадлар белгилаб олинган.

Илғор хорижий тажриба, жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантиришни

таъминлаш , мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек, инновацион фаолиятни кўллаб-қувватлаш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар, илмий ютуқларни жорий этишни рағбатлантиришнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сон фармони қабул қилинди

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар марказига айлантирилди. Жумладан унга, халқаро даражада патентлаш имкониятига эга бўлган илмий ҳажмдор ва илғор технологияларни яратиш, янги инновацион маҳсулотларнинг намуналарини макетлаштириш, моделлаштириш, тайёрлашда ва уларни текширишда иштирок этиш; маҳаллий ва хорижий илмий ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда, шу жумладан инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш, технологияларнинг трансфери ва интеллектуал мулк объектларини коммерциализациялаш, экспорт потенциалини ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг дунё иқтисодий ҳамжамиятига интеграциясини амалга ошириш белгиланган.

Шу аснода, юртимизда кўпгина ривожланган мамлакатлар қатори интеллектуал мулкнинг муҳофазаси ҳуқуқий асослари яратилгани, мулк соҳибларининг барча ҳуқуқлари, қабул қилинган қонун ва қоидалар орқали тўла муҳофазаланади. Шунинг учун, “Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаш” фанининг мақсади, булажак мутахасис булмиш талабаларни интеллектуал мулк ҳуқуқий ҳимоясида ихтирочилик, патент, стандартлаштириш, лицензиялаш ва сертификатлаш буйича билимга ва уларнинг ҳужжатлари билан боғлиқ бўлган кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Уйлаймизки, “Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаш” фанини ўрганган талабалар интеллектуал мулк ҳуқуқий асослари бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва патент идораси қоидаларига риоя қилиб, мустақил равишда ихтирочилик ишлари билан шуғулланиши, ихтиролар, фойдали моделлар, хизмат кўрсатиш белгилари, товарлар келиб чиқиш жойларининг номлари, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар баъзаларини, фирма номлари ва бошқаларни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш, худи шунингдек стандартлаштириш, сертификатлаш, лицензияларни расмийлаштириш ишларини олиб бориш ва бошқа кўникмаларга эга бўлишади.

1-боб .. Ўзбекистонда интеллектуал мулк муҳофазаси бўйича ишларнинг ташкиллаштирилиши.

1-МАВЗУ. Ўзбекистонда интеллектуал мулк муҳофазаси бўйича ишларнинг ташкиллаштирилиши.

1. Маърузанинг таълим технологияси .

Вақти - 2 соат	Талабалар сони: 5-10 нафар
Уқув машгулотининг шакли	Ахборот маъруза, ва “Б.Б.Б” жадвали график организадациядан фойдаланган ҳолда.
Маъруза машгулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ўзбекистонда интеллектуал мулк муҳофазаси бўйича ишларнинг ташкиллаштирилиши ва Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини йулга қуйилиши. 2. Интеллектуал мулк муҳофазасида патент ва унинг фан, ижод, илмий – техникавий ривожланишидаги роли. 3. Ўзбекистон патент идораси ҳақида. 4. Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификациялаш курсининг мақсади, предмети ва вазифалари.
<p><i>Уқув машгулотининг мақсади:</i>. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида интеллектуал мулкнинг яратилиши учун қилинган ташкилий-бошқарув ишлари ҳақида маълумот бериш.</p>	
<ul style="list-style-type: none"> • <i>Педагогик вазифалар:</i> Ўзбекистонда интеллектуал мулк муҳофазаси бўйича маълумот беради Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини йулга қуйилиши билан таништиради. Интеллектуал мулк муҳофазасида патент ва унинг фан, ижод, илмий – техникавий ривожланишидаги роли курсатилади. 	<p><i>Уқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> • интеллектуал мулк муҳофазаси ҳақида маълумотга эга булишади • Инновацион ривожланиш вазирлиги вазифалари унинг таркиби билан танишиб чиқадилар. • патент ва унинг фан, ижод, илмий – техникавий ривожланишидаги роли ҳақида маълумотга эга булишади

Ўзбекистон патент идораси ҳақида маълумот берилади. Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификациялаш курсининг мақсади, предмети ва вазифалари.	патент идораси унинг вазифалари ва таркибий тузилиши ҳақида маълумот берилади. Курснинг мақсади, предмет ива вазифалари билан танишади.
Укитиш услуги ва техникаси	Ахборот маърузаси, блиц-суров, презентация, график органайзер техникалари фойдаланилади.
Укитиш шакли	Фронтал маъруза, индивидуал, гуруҳ, билан ишлаш
Укитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, коғоз, маркер, КТ/ОТВ, доска, бур
Укитиш шароитлари	Жихозланган аудитория

2. Маърузанинг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	укитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	1.1. Уқув машгулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Эришадиган натижалар билан таништиради.	1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.
2-босқич. Асосий (60 мин)	2.1. Билимларни янада анцлаштириш мақсадида Б.Б.Б жадвалини дафтарга чизишни таклиф этади (1-илова). Доскага чикаради. 2.2 Ўзбекистонда интеллектуал мулк муҳофазаси бўйича ишларининг ташкиллаштирилиши ва Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини йулга қуйилиши.	2.1. Талабалар жавоб берадилар, дафтарларига чизадилар, жадвалнинг 1 ва 2 устунларини тулдирадилар. 2.3. Ёзиб олдилар ва уз билимлари билан солиштирадилар. 2.4. Оптимал ечимлар юзасидан таклифлар берадилар.

	<p>2.3. Интеллектуал мулк муҳофазасида патент ва унинг фан, ижод, илмий – техникавий ривожланишидаги роли курсатиб утилади.</p> <p>2.4. Ўзбекистон патент идораси ҳақида маълумот берилади.</p> <p>2.5. Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификациялаш курсининг мақсади, предмети ва вазифалари билан таништиради.</p>	<p>Б.Б.Б. жадвалининг 5-устунини тулдирадилар.</p>
<p>3-боскич Яқуний (10 мин)</p>	<p>3.1. Мавзуга хулоса қилади.</p> <p>3.2. Режадаги натижага эришишда фаол иштирокчиларни рағбатлантиради.</p> <p>3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.</p>	<p>Эшитадилар, узларининг Шумавзу буйича билимларини бойитадилар</p> <p>Ёзиб оладилар</p>

1. Ўзбекистонда интеллектуал мулк муҳофазаси бўйича ишларнинг ташкиллаштирилиши ва инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини йулга қуйилиши.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг ривожланганлик даражаси, ундаги интеллектуал мулкнинг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Шунинг учун, барча мамлакатлар ўз интеллектуал мулкларини ривожланиши борасида, айниқса унинг давлатда ва бутун дунёда ҳимояланишига катта эътибор берадилар.

Агар биз инсоннинг ақлини, тафаккурини, билимини ва илмини, заковатини, қобилятини ва ҳ.к. унинг интеллекти десак, унда ана шулар ёрдамида яратилган, ижод этган маҳсулот ёки мулк унинг интеллектуал мулки деб юритилади.

Интеллектуал мулкнинг асосий манбаи бўлиб инсоннинг илмий-тадқиқот фаолияти, инсон яшаб турган жамиятнинг бу фаолиятга, айниқса,

билимига, илмига, умуман фанга техникавий ривожланишга бўлган муносабати ва мамлакатнинг илмий ва технологик салоҳияти ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда интеллектуал мулкнинг яратилиши ва ҳуқуқий муҳофазаси бўйича ишларининг ташкиллаштириш дунё мамлакатларида давлат миқёсида – муҳим давлат ишлари сифатида олиб бориляпти. Чунки, ҳар қандай мамлакатнинг ривожланиш даражаси, ундаги интеллектуал мулк бўйича ишларнинг қандай даражада олиб борилишига, унинг янги техника-технологиялар яратилишига, жамият ва табиат қонунларини ўрганиб, ҳаётга тадбиқ этганлигига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, ер юзидаги минглаб илмий муассаса ва корхоналарда, мунтазам равишда миллионлаб илмий тадқиқот натижалари олиниб, таҳлил этилиб инсон ҳаёти – амалиётига тадбиқ этиб – башарият цивилизациясининг ривожланишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам ўзининг ривожланган интеллектуал мулки материал баъзаси кенг илмий фонди, илмий ишлари дунё миқёсида тан олинган юқори малакавий илмий кадрлари билан Марказий Осиёдаги катта салоҳиятга эга бўлган илмий марказ ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси илмий-изланиш комплексини жами соҳалар профили бўйича куплаб академик, олий таълим ташкилотлари ташкил топган.

Бунда илмий-изланиш институтлари, олий ўқув юртлири илмий-изланиш бўлимлари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва экспериментал корхоналар, ахборот-ҳисоб марказлари мавжуд. Жумладан, юртимизда ҳозирги вақтда 85 та олий таълим муассасаси бўлиб, унинг 21 таси университет, 35 таси институт, 2 таси академия, 18 таси ОТМ филиали, 1 таси консерватория, 1 таси олий мактаб, 7 таси хорижий олий таълим муассасалари.филиалларидир.

Ўзбекистон ўзининг фан ва технологиялари ривожланишини дунё ҳамжамияти билан қадамма-қадам ҳамкорликда, ўзаро келишувда олиб бормоқда. Ҳозирда, Ўзбекистон Рио Декларациясига, БМТнинг иқлим ўзгариши, биологик турли хиллик, саҳроланишга қарши конвенциясига, озон қатламини ҳимоялаш Вена конвенциясига, хавфли чиқиндиларнинг ташилиши ва чиқарилишини назорат қилиш Базен конвенциясига қўшилиб узаро муносабатларни ратификация қилган. Бундан ташқари, яна 12 дан кўп атроф-муҳитни сақлаш бўйича халқаро битимлар ва ҳамкорлик шартномаларига қўшилган. Масалан: “Ўзбекистон Республикасининг 1968 йил 8 октябрда Локарнода имзолаган Саноат намуналарининг халқаро тавсифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно битимига қўшилиши ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 июлда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги Шартномага қўшилиши ҳақида”ги қонунлари чиқарилди.

Ўзбекистон ҳукумати фаоллигида Орол денгизи ва Орол денгизи бассейнида экологик муҳитни яхшилаш учун концепция ишлаб чиқилди ва бу концепция 1994 йили Марказий Осиё давлатлари томонидан қабул қилинди ва бу ҳақда Халқаро конференция (1995 йил сентябр Нукусда) ўтказилди ва Нукус Декларацияси қабул қилинди.

Юртимиз ҳаётида турли хилдаги Миллий дастурлар ишлаб чиқилганки, уларнинг асосий вазифаси иқтисодийимиз асосий тармоқларини технологик модернизация қилиш, экспорт потенциалини ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг дунё иқтисодий ҳамжамиятига интеграциясини амалга оширишдан иборатдир.

Сўнгги йилларда республикада мамлакатнинг инновацион салоҳиятини янада ривожлантириш учун кулай шарт-шароитларни яратишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқишга, илмий-инновацион фаолиятни ривожлантириш ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли фаровонлигини тубдан ошириш ва турмуш сифатини яхшилаш, жамият ва давлатни ҳар томонлама жадал ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилиш ва ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича аниқ мақсадлар белгилаб олинди.

Илғор хорижий тажриба, жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иқтисодийнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантиришни таъминлаш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар, илмий ютуқларни жорий этишни рағбатлантиришнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сон фармони қабул қилинди

Фармон билан стратегик режалаштириш тизимини яратиш, давлат бошқарувининг инновацион шаклларини амалга киритиш, фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш, инвестицияларни кенг жалб қилиш, ҳуқуқий базани такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг долзарб соҳаларига илғор технологияларни фаол жорий этиш каби мамлакат инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари белгиланди.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди ҳамда унинг давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий ривожланиш, илғор технологияларни жорий этиш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳаларидаги фаолиятининг асосий йўналишлари назарда тутилди. Бундан келиб чиқиб, Инновацион ривожланиш вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг инновацион ва илмий-техник ривожланиши соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи орган этиб белгиланди. Вазирлик давлат илмий-техникавий дастурлари ва лойиҳаларининг ягона буюртмачиси бўлади, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш бўйича давлат бошқарув органлари, илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлил муассасалари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради.

Инновацион технологиялар ҳисобига ривожланишнинг замонавий ёндашувларини ишлаб чиқувчи, шартли равишда “келажак вазирликлари” деб номланувчи ихтисослаштирилган идораларни ташкил қилиш бўйича жаҳон тенденциясини қайд этиб ўтиш лозим. Жумладан, хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришга ва унинг тузилмасини тубдан ўзгартиришга, энг аввало, инновацион ишланмалар ва технологияларни жорий этиш ҳисобига унинг сифатини ва ялпи ички маҳсулотни шакллантиришдаги ролини оширишга кўмаклашади; инновацион ёндашувларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали туризм соҳасининг рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашади; иқтисодиёт тармоқларига инновацияларни жорий этиш соҳасида хизматлар соҳасини тубдан такомиллаштириш, энг аввало, инновацион ишланмалар ва технологияларни жорий этиш ҳисобига уларнинг сифатини ва ялпи ички маҳсулотни шакллантиришдаги ролини ошириш; қишлоқ хўжалигига инновацияларни жорий этиш соҳасида: энг аввало, мавжуд ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини берувчи “Ақлли қишлоқ хўжалиги” концепциясига асосланган қишлоқ; ижтимоий ривожланишга инновацияларни жорий этиш соҳасида, “Ақлли тиббиёт” ва “Ягона тиббиёт ахборот маркази” “Хавфсиз шаҳар”, “Ақлли шаҳар” концепцияларини жорий этиш вазифалари курсатиб утилди.

Фаолиятда бир-бирини такрорлашни истисно этиш, ягона ёндашувларни таъминлаш мақсадида 2018 йил 1 январдан бошлаб Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси, Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси ҳузуридаги Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси, шунингдек, Фан ва технологиялар агентлиги тугатилди.

Ташкил этилган Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ўтказилаётган тадқиқотлар бўйича ҳисобот беришнинг шаффоф тизимидан фойдаланган ҳолда инновацион ғоялар ва уларни ишлаб чиқишни молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаси ҳисобланади.

Худди шунингдек, технопаркларни ташкил этиш мақсадида Фанлар академияси ва Олий аттестация комиссиясининг фаолиятини танқидий ўрганиш топширилди. Фармонда инновацияларни жорий этишнинг қонуний асосларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу муносабат билан, илмий ва инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш принциплари ҳамда қўллаб-қувватлаш шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришни белгиловчи “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ва “Фан тўғрисида”ги қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилади.


Ушбу фармонни ижро этиш юзасидан 2017 йил 30 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3416-сон қарори қабул қилинди ва унга мувофиқ вазирликнинг ташкилий тузилмаси (1-расм), вазирлик бошқарув ходимларининг чекланган сони (82 нафар), марказий аппарати тузилмаси (2-расм), вазирлик тўғрисидаги низом (3-расм), инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижро этувчи дирекциясининг тузилмаси (4-расм), унинг Кузатув кенгашининг таркиби ва инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартиби, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгиловчи Низомида: Вазирлик ва унинг марказий аппарати вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, Вазирлик раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари, жавобгарлиги, Вазирлик фаолиятини ташкил этиш, фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари, молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш, ҳисобдорлиги белгилаб берилди.

1 – расм. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



2 – расм. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги марказий аппаратининг ТУЗИЛМАСИ



Ўзбекистон республикаси президентининг 2018 йил 19 апрелдаги пқ-3674-сонли « Ўзбекистон республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида илғор технологиялар марказини ташкил қилиш тўғрисида қарори га асосан : илмий ва инновацион фаолиятнинг ривожланишини


фаоллаштириш, фан, таълим ва ишлаб-чиқаришнинг янада кенг интеграциясини таъминлаш, янги билимларни яратиш ва кўллаш, илғор инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни ишлаб-чиқиш ва жорий этишда илмий-инновацион салоҳиятдан ва илмий лаборатория базасидан самарали фойдаланиш бўйича шароитлар яратиш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар Академияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Юқори технологиялар ўқув-экспериментал маркази» Давлат корхонасини Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар марказига айлантирилди. Жумладан унга, халқаро даражада патентлаш имкониятига эга бўлган илмий ҳажмдор ва илғор технологияларни яратиш, янги инновацион маҳсулотларнинг намуналарини макетлаштириш, моделлаштириш, тайёрлашда ва уларни текширишда иштирок этиш; маҳаллий ва хорижий илмий ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда, шу жумладан инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш, технологияларнинг трансфери ва интеллектуал мулк объектларини коммерциализациялаш масалалари юзасидан илмий конференциялар, семинарлар, тренинглар ва маҳорат дарсларини ташкиллаштириш белгиланган.

Мазкур ҳолатлар инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкил қилиш соҳасида давлат бошқарувининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришни талаб қилади.

Юқорида келтирилган манбалардан маълум бўлдики, Ўзбекистон сўнгги йилларда интеллектуал мулк бўйича фаолияти самарадорлигини оширишга, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишда, мамлакатни демократик янгилашда фаннинг ролини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилиб келмоқда. Замонавий саноат ишлаб чиқариш, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, фан ва техниканинг ғоят муҳим илмий ва технологик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновация ишлар соҳасидаги 25 давлат илмий-техника дастури бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Илмий-тадқиқот муассасаларини базавий таъминлаш тизимидан илмий-техник вазифаларни ҳал қилишга қаратилган мақсадли лойиҳаларни молиялашга ўтиш илмий жамоалар ижодий фаоллигини рағбатлантирилишини, уларнинг саъй-ҳаракатлари реал якуний натижаларга эришишга сафарбар қилинишини, фан ва техника тараққиётининг долзарб

**3 – расм. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги
қошидаги Илғор технологиялар марказининг
ТУЗУЛМАСИ**



масалалари ҳал қилинишини, уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилишини таъминлади. Илмий-техника, айниқса интеллектуал мулкни муҳофазаси соҳасида халқаро алоқалар жадал ривожланмоқда. Бундай натижалар, албатта илмий изланиш ишлари юртимизда давлат томонидан тўғри йўналтирилганлигини натижасидир.

Юқорида қайд этилган барча ташкилий-амалий ишлар Ўзбекистонда интеллектуал мулкнинг яратилиши унинг муҳофазаси бўйича қилинган муҳим ишлар ҳисобланиб, унинг равнақига ўз ҳиссасини қўшади. Пировард натижада, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг инновацион йўли иқтисодий ўсишнинг ҳаракатлантирувчи кучи, мамлакат барқарорлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг омили бўлишига ишонамиз.

**2. Интеллектуал мулк муҳофазасида патент ва унинг фан, ижод,
илмий техникавий ривожланишдаги роли**

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, интеллектуал мулк асосини фан-ижод, техника ва ишлаб чиқариш бўлиб, булар бир-бирига чамбарчас боғланган. Энг янги илмий ижод маҳсулидан унинг амалиётга тадбиқ этилишигача бўлган йўлни ташкил тади.

Бундаги илмий-техникавий ривожланиш, халқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасида иқтисодий қонунларига асосланган ҳолда,

мунтазам равишда фан ва техника ютуқларини амалиётда қўллаб бориш билан олиб борилади.

Илмий-техникавий ривожланишда, мамлакатдаги ихтирочиликга бўлган муносабат ўта муҳим ҳисобланади. Ихтироларнинг халқ хўжалигида қўлланилиши натижасида олинган иқтисодий самара илмий-техникавий ривожланишнинг ҳал қилувчи омилларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам интеллектуал мулк бўлган ихтиро – патентларнинг янги технология, техника сифатида халқ хўжалигига тадбиқи юртимиз иқтисодиётига ялпи ишлаб чиқариш суръатини жадаллаштиради.


Иқтисодиётимизнинг жадал ривожланиш вақтида мавжуд ва бўлажак интеллектуал мулкнинг муҳофазасига юртимизга катта эътибор берилаяптики, бунга айниқса юқорида келтирилган, мустақиллик йилларида қабул қилинган қонун ва қоидалар бунинг исботи бўла олади.

Интеллектуал мулк структуравий таркиби бўйича у асосан саноат мулки, носаноат мулки ва фан адабиёт саноат асарлари ва улардан фойдаланиш бўйича бўлинади (расм 1.1).

Юртимизда кўпгина ривожланган мамлакатлар қатори интеллектуал мулкнинг муҳофазаси ҳуқуқий асослари яратилгани, мулк соҳибларининг барча ҳуқуқлари, қабул қилинган қонун ва қоидалар орқали тўла муҳофазаланади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда бу борада жуда муҳим ишлар бажарилди. Жумладан: “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарлар келиб чиқиш жойларининг номлари тўғрисида”ги, “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги, “Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Фирма номлари тўғрисида”ги, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қабул қилиниши, шулардан келиб чиққан ҳолда, интеллектуал мулкларни соҳибига айланиш учун талабномалар бериш, уни кўриб чиқиш ва Давлат рўйхатидан ўтиш қоидаларининг яратилиши мисол бўла олади. Шу билан бирга Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси қошидаги ваколатли Давлат Патент идорасини ташкил этилиши ва шу орқали саноат мулки, жумладан ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиққан жой намуналарини, шунингдек селекция ютуқлари, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар, маълумотлар баъзалари ва интеграл микросхемалар топологияларининг ҳуқуқий

муҳофазаси соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга иштирок этади.



4 – расм.. Интеллектуал мулк структуравий таркиби.

3. Ўзбекистон патент идораси ҳақида

Ўзбекистон Патент идораси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 июндаги 209-сонли қарорига асосан такшил этилган бўлиб, шу қарор билан тасдиқланган Низом асосида иш юритади.

Низомнинг умумий қоидаларига асосан, “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарлар келиб чиқиши жойларининг номлари тўғрисида”, “Селекция ютуқлари тўғрисида”, “Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг (кейинги ўринларда – Патент идораси деб аталади) асосий вазифалари, функциялари ва ваколатларини белгилайди.

Патент идораси саноат мулкани, шу жумладан ихтироларга, саноат намуналарига, фойдали моделларга, товар белгиларига, хизмат кўрсатиш белгиларига ва товарлар келиб чиқиши жойларининг номлари (кейинги ўринларда – саноат мулки объектларига) ҳуқуқларни муҳофаза қилиш соҳасида, шунингдек селекция ютуқларини, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурларни (кейинги ўринларда – ЭҲМ учун дастурлар деб аталади), маълумотлар базаларини ва интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш борасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва рўёбга чиқаришда иштирок этувчи ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Патент идораси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

Патент идораси ўз фаолиятини давлат органлари, ихтирочилар ва рационализаторларнинг жамоат ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари, фаолияти интеллектуал мулк муҳофазаси билан боғлиқ бўлган бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

Патент идорасининг асосий вазифалари ва функцияларига қуйидагилар киради:

- саноат мулки объектларини, селекция ютуқларини, ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини, интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш;

- саноат мулки объектлари, селекция ютуқлари, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологияларига ҳуқуқий муҳофаза хизмати кўрсатиш;

- расмий рўйхатдан ўтказилган ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологияларига оид патент ҳужжатларининг давлат фондини ва маълумотлар банкини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикасида илмий-техника, бадиий конструкторлик ва бошқа ижодиётларнинг ривожланиши учун шароитлар яратишга кўмаклашиш.

Бундан ташқари Патент идораси ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради: ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш бўйича таклифлар киритади ва уни рўёбга чиқаришда бевосита иштирок этади; қонун ҳужжатларини тайёрлашда қатнашади, шунингдек ўз ваколатлари доирасида зарур норматив ҳужжатлар қабул қилади; рўйхатдан ўтказишга оид буюртманомаларни давлат экспертизасидан ўтказади; берилган буюртманомаларнинг белгиланган талабларига мувофиқлигини текшириш натижаларига кўра расмий рўйхатдан ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарорлар қабул қилади; давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади, шунингдек муҳофаза қилиш ҳужжатларини беради, тегишли давлат реестрларини юритади; муҳофаза қилиш ва бошқа зарур ҳужжатларнинг ягона шаклларини белгилайди; давлат илмий-техника экспертизасини ўтказишда қатнашиш учун манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар мутахассисларини белгиланган тартибда жалб этади; фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги лицензия шартномаларини, шунингдек, уларни тўлиқ ёки қисман бериш тўғрисидаги ёки уларнинг кафолати тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказади; рўйхатдан ўтказилган шартномалар ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотлар банкини юритади;

Патент идорасининг бюллетенларини ва бошқа расмий нашрларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича бошқа маълумотлар ва материалларни чоп этишни ташкил қилади ва амалга оширади; давлат патент тизимини ривожлантиришнинг муҳим истиқболли муаммоларини ишлаб чиқиш ва ҳал этиш учун вақтинчалик ижодий илмий жамоларни ташкил қилади; ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги кадрларни тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади.

Бундан ташқари, Патент идорасининг халқаро фаолияти мавжуддир.

Патент идораси:

- ителлектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни белгиланган тартибда амалга оширади;

- ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномалари (битимлари)дан келиб чиқадиган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг бажарилишини таъминлайди;

- тегишли халқаро ташкилотлар, патент идоралари ва чет мамлакатларнинг бошқа ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ва шартномалар тузиш тўғрисида музокаралар олиб боради ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига биноат мазкур шартномаларни имзолайди;

- интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасидаги чет эл тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланишни ташкил қилади.

Шунингдек, патент идорасининг ҳуқуқлари, Патент идорасининг жавобгарлиги, Патент идорасининг фаолиятини ташкил этиш ҳам ушбу Низомда батафсил кўрсатилган.

Патент идорасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод қилинадиган Директор бошқаради.

Директорнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод қилинадиган икки нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

Патент идорасида ҳайъат тузилади, унинг таркибига Директор (ҳайъат раиси) ва унинг ўринбосарлари, шунингдек Патент идорасининг бошқа раҳбар ходимлари киради. Ҳайъат 7 кишидан иборат таркибда тузилади.

Ҳайъат маслаҳатлашув органи ҳисобланади, у ўзининг мунтазам равишда ўтказиладиган мажлисларида Патент идораси ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятининг муҳим масалаларини кўриб чиқади.

Апелляция кенгаши таркибига Патент идораси директори, унинг ўринбосарлари ва бош экспертлар киради.

Ҳозирги вақтда Патент идорасининг қуйидаги бўлимлари мавжуд:

- Кадрлар бўлими.
- Молия бўлими.
- Эксперт бўлими.
- Халқаро алоқалар ва патент кооперацияси бўлими.
- Ахборот технологиялари бўлими.
- Интеллектуал мулк объектларини таъминоти бўлими.
- Интеллектуал мулк объектларининг расмий экспертизаси бўлими.
- Ихтиролар ва фойдали моделларнинг давлат илмий-техника экспертизаси бўлими.
- Саноат намуналари, товар белгилари ва товарлар келиб чиққан жой номларини давлат экспертизаси бўлими.

- Интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш ва муҳофаза ҳужжатларини бериш бўлими.
- Патент – ахборот таҳлили маркази (ПАТМ).
- Патент ҳужжатлари давлат фонди.
- Маъмурий-хўжалик бўлими.
- Хавфсизлик хизмати бўлими.
- Истиқболли ва тезкор режалаштириш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлим.

4. Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаш курсининг мақсади ва вазифалари

“Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаш” фанининг мақсади, талабаларни интеллектуал мулк ҳуқуқий ҳимоясида ихтирочилик патент **лицензиялаш ва сертификатлаш** ҳужжатлари билан боғлиқ бўлган кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Фаннинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, унга қуйидаги вазифалар кўйилади: патент ишларининг ташкиллантирилиши, ихтирочилик – патентлаштириш ишларининг қонуний ҳимояланиши, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товарлар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товарлар келиб чиқиш жойларининг номлари, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаларини, фирма номлари ҳақида маълумот ва уларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши, Ўзбекистон патент идораси ахборотномаси, ихтирочиликнинг молиялаштирилиши ва бошқалар ҳақида маълумотлар бериш.

“Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаш” фанини ўрганган магистр: интеллектуал мулк ҳуқуқий асослари бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Ўзбекистон патент идораси қоидаларига риоя қилиб, мустақил равишда ихтирочилик ишлари билан шуғулланиши, ихтиролар, фойдали моделлар, хизмат кўрсатиш белгилари, товарлар келиб чиқиш жойларининг номлари, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар баъзаларини, фирма номлари ва бошқаларни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш – расмийлаштириш ишларини олиб бориш ва бошқа кўникмаларга эга бўлиши керак.

Таянч иборалар: Интеллектуал мулк, устувор йўналишлар, Вена конвенцияси, инновация, инновацион ривожланиш, патент, патент идораси, саноат мулки, селекция ютуқлари.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистонда интеллектуал мулк.
2. Интеллектуал мулк муҳофазаси, моҳияти.
3. Интеллектуал мулкнинг материал базаси.
4. ДИТД номлари ва унинг моҳияти.
5. Интеллектуал мулк муҳофазасида патент ва унинг фан, ижод ривожланишидаги роли.
6. Ўзбекистонда Патент идораси ва вазифалари.
7. Патентшунослик, лицензиялашва сертификатлаш фанининг мақсади ва вазифалари.

Талабининг мустақил иш топшириқлар:

1. Ўзбекистонда интеллектуал мулк муҳофазаси бўйича ишларининг ташкиллаштирилиши моҳияти бўйича тўлиқ маълумотга эга бўлиши лозим.
2. Интеллектуал мулк муҳофазасида патент ва унинг фан, ижод, илмий – техникавий ривожланишидаги роли ҳақида тушунчаларга эга бўлиши керак..
3. Ўзбекистон патент идораси ҳақида маълумотларни билиши лозим..
4. Патентшунослик, лицензиялашва сертификатлаш курсининг мақсади, предмети ва вазифалари бўйича кўникмаларга эга бўлиши керак.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати: 1, 2, 3, 4

2-БОБ. ПАТЕНТШУНОСЛИК.

2- маъруза. Интеллектуал мулк ҳуқуқий муҳофазаси асослари

1.Маърузанинг таълим технологияси.

Вақти - 2 соат	Талабалар сони: 5-10
Уқув машгулотининг шакли	Ахборот, визуал маъруза.
Маъруза машгулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунининг моҳияти. 2. Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарлар келиб чиқиш жойлари номларининг моҳияти. 3. Электрон ҳисоблаш машиналари интеграл микросхемалар топологияларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида қонуннинг аҳамияти. 4. Фирма номлари, селекция ютуқлари ва муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунлар ҳақида умумий маълумотлар. 5. Интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳақида халқаро келишувлар тўғрисида.
<p><i>Уқув машгулотининг мақсади:</i> Ўзбекистонда ихтирочилик – патент ишларининг қонуний ҳимояланиши ҳақида маълумот бериш .</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <p>“Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари қонуний асослари билан таништирилади.</p> <p>Барча товарлар ва хизмат кўрсатиш белгилари , товарлар келиб чиқиш жойлари номларининг моҳияти ҳақида тушунчага эга булиш.</p> <p>Интеграл микросхемалар топологияларни ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисидаги қонунни билиш.</p> <p>Фирма номлари, селекция ютуқлари ва муаллифлик ҳуқуқи ва турдош</p>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талабалар:Интеллектуал мулк қонуний асослари билан танишиб тасавур ҳосил киладилар.</p> <ul style="list-style-type: none"> • товарлар ва хизмат кўрсатиш белгилари , товарлар келиб чиқиш жойлари номлари билан танишадилар. • Интеграл микросхемалар топологияларни ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисидаги қонуннинг моҳияти билан танишадилар. • турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунлар, халқаро келишувлар

хуқуқлар тўғрисидаги қонунлар ҳақида умумий маълумотлар бериш.	ҳақида умумий тасаввурга эга буладилар.
Уқитиш услуби ва техникаси	Маъруза, муаммоли ҳолатларни ечиш, блиц-суров, график органайзер: жадвал.
Уқитиш воситалари	Проектор, таркатма материаллар, график органайзерлар, доска, бур
Уқитиш шакли	Индивидуал, фронтал, умумжамоа ва жуптликда ишлаш
Уқитиш шароитлари	Проектор ва компьютер билан таъминланган аудитория

2. Маърузанинг технологик харитаси

--

Боскичла	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчининг	талабанинг
1-боскич. Кириш (5 мин.)	1.1. Мавзу, мақсад ва режалаштирилган ўқув натижаларини эълон қилади. 1.2. Режа ва муаммоли ҳолатларни ифодаловчи саволларни экранга	1.1. Эшитадилар, ёзиб оладилар. 1.2.Эътиборберадилар
2-боскич. Билимларни фаоллаштириш (10 мин.)	2.1. Асосий категория ва тушунчаларни ва маъруза охирида ечиладиган масалаларни намойиш қилади. 2.2. Ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари	2.1. Аниклик киритадилар. Саволлар беради.

<p>3-боскич. Асосий (55 мин.)</p>	<p>1.“Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунининг моҳияти тушунтиради.</p> <p>2. Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарлар келиб чиқиш жойлари номлари ҳақида қонун тушунчалари билан таништиради.</p> <p>3. Электрон ҳисоблаш машиналари интеграл микросхемалар топологияларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида қонуннинг аҳамияти.</p> <p>4. Фирма номлари, селекция ютуқлари ва муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунлар ҳақида умумий маълумотлар ва интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳақида халқаро келишувлар тўғрисида гапириб беради.</p>	<p>3.1.Омилларни санайди.</p> <p>Таърифларни ёзиб оладилар.</p> <p>3.2. Ёзиб оладилар, муҳокама қиладилар.</p> <p>3.3 Ёзиб оладилар, муҳокама қиладилар.</p>
<p>4-боскич. Яқуний (10 мин.)</p>	<p>4.1. Мавзуга хулоса ясайди. Уқув жараёнида фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради.</p> <p>4.2. Мустақил ишлаш ва назарий билимларни мустаҳкамлаш учун саволарни беради:</p>	<p>4.1.Эшитади. Аниклаштиради.</p> <p>4.2. Топширикни ёзиб оладилар.</p>

1. “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунининг моҳияти

“Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни 1994 йил 6 майда мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида қабул қилинган эди (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил № 5, 138-модда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил № 3, 38-модда).

Лекин унгача, яъни 1 октябр 1992 йилдан Ўзбекистонда Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 15 сентябр 1992 йил №432 қарори билан “ Ўзбекистон Республикаси саноат мулки вақтинча низоми” қабул қилинган эди. Ушбу низом, юқорида қайд этилган қонунни қабул қилингунга қадар қўлланилиб келинди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал суръатларда ривожланиши ва унинг халқаро муносабатларда салоҳиятининг ошиши билан ушбу қонуннинг бутун дунё амалиётини ўрганган ҳолда янги таҳрири ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 29 августда “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонун жами 39 модда, VII бўлимдан иборат бўлиб, унда умумий қоидалар (1-8 моддалар), Саноат мулки объектнинг ҳуқуқ субъектлари (9-13 моддалар), патент бериш ҳақидаги талабнома (14-19 моддалар), патент бериш ҳақидаги талабномани экспертизадан ўтказиш (20-23 моддалар), Саноат мулки объектига патент олиш ва бу патентнинг амал қиллишини тугатиш (24-29 моддалар), Саноат мулки объектларидан фойдаланиш (30-33 моддалар) ва яқунловчи қоидалар (34-39 моддалар)дан ташкил топган.

Ушбу қонуннинг мақсади 1-моддада белгиланганидек – ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини (бундан буён матнда саноат мулки объектлари деб юритилади) яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси (бундан буён матнда Патент идораси деб юритилади) саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди.

Патент идораси саноат мулки объектларига патент бериш ҳақидаги талабномаларни (бундан буён матнда патент бериш ҳақидаги талабнома деб юритилади) кўриб чиқиш учун қабул қилади, улар бўйича давлат экспертизасини ўтказди, уларни давлат рўйхатига олади, саноат мулки объектларига патентлар беради, расмий ахборотнома нашр этади, саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланилишига доир қоидалар қабул қилади ва тушунтиришлар беради ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Патент идораси тўғрисидаги низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Давлат бюджети маблағлари, патент божлари, шунингдек Патент идораси томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва тақдим этиладиган материаллар учун тўланадиган ҳақ Патент идораси фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

Патент идорасининг Апелляция кенгаши (бундан буён матнда Апелляция кенгаши деб юритилади қарорлар чқаришда мустақилдир ва ўқз фаолиятида ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

Апелляция кенгаши:

Патент идорасининг талабномада кўрсатилган саноат мулки объектлари хусусидаги қарори устидан;

саноат мулки объектларига патент берилганлигига қарши манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар томонидан;

саноат мулки объектлари патентларининг ҳуқиқийлигига қарши берилган апелляцияларни кўриб чиқади.

Апелляция кенгаши ўз ваколатлари доирасида апелляцияларнинг бошқа турларини ҳам кўриб чиқиши мумкин.

Апелляция кенгаши тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқ муаллифга (хаммуаллифларга) ёки унинг (уларнинг) ҳуқуқий ворисига (ҳуқуқий ворсиларига) тегишли бўлади ва патент билан тасдиқланади.

Агар саноат мулки объектини бир нечта шах сбир-биридан мустақил равишда яратган бўлса, патент олиш ҳуқуқи патент бериш ҳақидаги талабномани Патент идорасига биринчи бўлиб топширган шахса тегишли бўлади.

Муаллиф (хаммуаллифлар), агар ўзи (ўзлари) яратган саноат мулки объектини бошқалар ғайриқонуний ўзлаштириб олиши натижасида бу объектга талабнома топширилган ёки патент олинган бўлса, патент берилганлигига қарши эътироз билдириш ёхуд патент эгаси сифатида ўзига (ўзларига) патентнинг ўтказилишини суд тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Саноат мулки объектининг ҳуқуқий субъектлари. Ижоди меҳанти билан саноат мулки объектини яратган жисмоний шахс шу объектнинг муаллифи деб эътироф этилади.

Агар саноат мулки объекти бир нечта жисмоний шахснинг биргаликдаги ижодий меҳанти асосида яратилган бўлиб, улар ўртасида

тузилган шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, уларнинг барчаси шу объектнинг тенг ҳуқуқли ҳаммуаллифлари деб эътироф этилади.

Патент эгаси; патент эгасининг саноат мулки объектдан фойдаланиш ҳуқуқи; патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши сифатида эътироф этилмайдиган ҳаракатлар; патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши; ихтирога патент бериш ҳақидаги талабнома; фойдали моделга патент бериш ҳақидаги талабнома; саноат намунасига патент бериш ҳақидаги талабнома; саноат мулки объекти устуворлиги; талабномаларни ўзгартириш.

Патент бериш ҳақидаги талабномани экспертизадан ўтказишда: патент бериш ҳақидаги талабноманинг давлат экспертизаси; расмий экспертиза; фойдали модель ҳақидаги талабнома экспертизаси.

Саноат мулки объектига патент олиш ва бу патентнинг амл қилишини тугатишида: саноат мулки объектини давлат рўйхатига олиш; саноат мулки объекти рўйхатга олингани тўғрисидаги маълумотларни расман эълон қилиш; саноат мулки объектига патент бериш; саноат мулки объекти патентини ҳақиқий эмас деб эътироф этиш; саноат мулки объекти патентининг амал қилиниши тугатиш; саноат мулки объекти патентидан воз кечиш.

Саноат мулки объектларидан фойдаланишда: ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан фойдаланиш; аввал фойдаланганлик ҳуқуқи; саноат мулки объектдан фойдаланиш ҳуқуқини бериш; саноат мулки объектларидан фойдаланишнинг давлат томонидан рағбатлантирилиши.

Қонуннинг яқунловчи қоидаларида: патент божлари, яъни саноат мулки объектларига ҳуқуқий муҳофаза бериш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни бажарганлик учун патент божлари ундирилади. Патент божлари Патент идорасига тўланади.

Патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари, уларни тўлашдан озод қилиш, тўлов миқдорларини камайтириш ёки уларни қайтариб бериш учун асослар, шунингдек патент божларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Патент вакиллари; саноат мулки объектларини бошқа давлатларда патентлаш; чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари; низоларни ҳал этиш; саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

2. Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарлар келиб чиқиш жойлари номларининг моҳияти

Интеллектуал мулкнинг саноат мулки таркибига кирувчи товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқиш жойлари номлари тўғрисида ҳуқуқий муҳофазаси ҳам мустақилликнинг дастлабки кунларидан ишлаб чиқилиб, юртимиз иқтисодиёти ҳаётида қўлланилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган “Маҳсулот белгилари ва хизмат белгилари тўғрисида”ги қонун (Олий Кенгаш ахборотномаси, 1993 йил №6, 244-модда), 1997 йил 26 декабардаги ҳамда 2000 йил 15 декабрданги қабул қилинган кўшимчалар ва ўзгартиришлар билан, 2001 йил 30 августгача амалиётда қўлланилиб келинди.

Ушбу қонунлар такомиллаштирилиб, давр талабларидан келиб чиққан ҳолда, бутун дунё тажрибалари натижаларидан келиб чиққан ҳолда “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни ишлаб чиқилиб 2001 йил 30 августда қабул қилиниб, амалга критилди.

Ушбу қонун 38 моддадан иборат бўлиб, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.

Қонуннинг 1-5 моддаларида асосан, қонун мақсади, ҳужжатлари товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқиш жой номлари, рўйхатдан ўтказилиши ва ҳ.к. ҳақида маълумотлар берилгани билан муҳофазаси кўрсатилган.

Товар келиб чиққан жой номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазаси, ушбу қонуннинг 6-моддасида келтирилган: Товар келиб чиққан жой ҳуқуқий жиҳатдан уни ушбу Қонунда белгиланган тартибда шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ равишда муҳофаза қилинади.

Товар келиб чиққан жой номи мазкур жўғрофий объектдаги, номи ўзлари ишлаб чиқараётган, ишлатиладиган бир ёки бир неча юридик ёки жисмоний шахс томонидан рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказган шахс бу номдан, башарт мазкур шах сёки асосан мазкур жўғрофий объектга хос табиий шароитлар ёки бошқа омиллар билан ёхуд табиий бирикмаси билан белгиланадиган товарни ишлаб чиқараётган бўлса, фойдаланиш ҳуқуқини олади.

Ушбу қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиққан жой номидан жўғрофий объектда жойлашган ва айнан шундай

хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқариш жисмоний шахсга ҳам берилиши мумкин.

Қонуннинг 7-моддасида кўрсатилганидек Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси товар келиб чиққан жой номларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли органи ҳисобланади.

Қонунда: Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номларини рўйхатга олиш учун талабнома бериш; товар белгисини ва товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун бериладиган талабномага доир талаблар; Товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар; Товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган товар белгилари; Товар белгисининг устуворлиги; Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номдан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани давлат экспертизасидан ўтказиш; товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани расмий экспертизадан ўтказиш; талабнома ифодаланган белгини экспертизадан ўтказиш ва давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари устидан шикоятлар ҳақида ҳам батафсил кўрсатилган.

Товар белгиси, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан ҳуқуқий рўйхатдан ўтказишга доир моддалар 17, 18, 19 – моддаларда келтирилган.

Рўйхатдан ўтказилган товар белгисига доир гувоҳнома ва товар келиб чиққан жой чиққан жой номидан фойда олиш, амал қилиш ҳамда 20, 21, 22 ва унга ўзгартиришлар критиш 23-модда, ҳақиқий эмас деб топиш, тугатилиши 24, 25 – моддаларда келтирилган.

Бундан ташқари қонунда: товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқ; товар белгисидан фойдаланиш; товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш; огоҳлантирувчи тамғалаш; товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш; товар белгиси эгаси бўлмиш юридик шахсни қайта ташкил этиш пайтида; товар белгисини такрорий рўйхатдан ўтказиш шартлари ҳақида ҳам батафсил айтиб ўтилган.

Қонуннинг 33-моддасида патент божлари ҳақида шундай дейилади: Товар белгиларини, товар келиб чиққан жой номини ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик учун патент божлари олинади. Бу унинг Ушбу Қонунда назарда тутилган вазифаларни бажаришга доир ҳаражатларни коплаш учун тўланади.

Албатта, қонун сўнгида патент вакиллари; товар белгисини ва товар келиб чиққан жой номини бошқа давлатларда; чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари; низоларни ҳал этиш; товар белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларга жавобгарлик тўғрисида ҳам маълумотлар ёритиб ўтилган.

3. Электрон ҳисоблаш машиналари интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида қонуннинг моҳияти

Фан, техника ва ишлаб чиқаришда электрон ҳисоблаш машиналарининг (ЭҲМ) кириб бориши, ҳозирги вақтда илмий-техника истиқболини бусиз тасаввур ҳам қилиб бўлмаслиги ва бе борада бутун ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда истиқболли дастурларнинг бажарилишида, уларнинг асоси бўлган интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофазасини қонун билан белгиланиши ўта муҳим ҳисобланади.

“Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қоуни 30 август 2001 йилда қабул қилинган бўлиб, 21 моддадан иборатдир.

Ушбу қонун, бу тўғрисидаги барча муносабатларни тартибга солиш билан бирга интеграл микросхемалар, интеграл микросхемалар топологияси, уларнинг ҳуқуқий эгаси тушунчаларини асослаб беради (2-модда).

Интеграл микросхемалар топологияларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш объекти ва шартларида: Интеграл микросхеманинг ушбу белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзига хос топологияси (бундан буён матнда топология деб юритилади) интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш объекти ҳисобланади.

Муаллифнинг ижодий фаолият натижасида яратилган ва яратилган санасида интеграл микросхемалар ишлаб чиқувчи ёки тайёрловчиларга маълум бўлмаган топология бошқача ҳолат исботлангунга қадар ўзига хос деб эътироф этилади.

Яратилган санасида интеграл микросхемалар ишлаб чиқувчи ёки тайёрловчиларга маълум бўлган элементлардан таркиб топган топологияга, агар бундай элементлар йиғиндиси ушбу модда иккинчи қисмининг талабларига тўла мувофиқ бўлсагина, ҳуқуқий муҳофаза берилади.

Ушбу Қонун билан бериладиган ҳуқуқий муҳофаза топологияга сингдирилган ғоялар, усуллар, тизимлар, технология ёки кодлаштирилган ахборотга нисбатан татбиқ этилмайди.

Яратилган топологиялар муаллифи, ҳаммуаллифлик, топологияларданг фойдаланиш ҳуқуқининг берилиши ва мутлоқ ҳуқуқнинг бузилиш ҳоллари ҳам қонуннинг 4, 5, 6 – моддаларида келтирилган.

Масалан, топология муаллифи деб, ижодий меҳнат билан топологияни яратган шахс шу топология муаллифи деб эътироф этилади. Агар топология икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахсларнинг биргаликдаги ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, улар биргаликда муаллифлар (ҳаммуаллифлар) деб эътироф этилади.

Топологияни яратишга шахсан ижодий ҳисса қўшмаган, бироқ муаллифга техник, ташкилий кўмаклашган жисмоний шахслар муаллифлар деб эътироф этилмайди.

Муаллифнинг топологияга бўлган ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайдиган шахсий номулкий ҳуқуқ ҳисобланади ва қонун билан муҳофаза қилинади.

Ушбу қонунда хизмат топологияси деган тушунча критилиб, унда (7-модда), бу қуйидагича изоҳланади: Ходим ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчининг бажариши вақтида яратган (хизмат топологияси) топологиянинг рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома олиш ҳуқуқи, башарти бу улар ўртасидаги шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади.

Хизмат топологияси учун муаллифга мукофот пулининг миқдори, шартлари ва тартиби у билан иш берувчи ўртасидаги шартнома билан белгиланади.

Ушбу қонунда: топологияни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома бериш; топологияни рўйхатдан ўтказишга доир талабноманинг давлат экспертизаси; давлат экспертизасининг хулосаси устидан шикоят қилиш; топологияни рўйхатга олиш; топология рўйхатдан ўтказилганитўғрисидаги маълумотномаларни эълон қилиш тартиблари ҳам батафсил берилган.

Рўйхатдан ўтказилган топологияларга гувоҳнома берилади, гувоҳнома фойдаланиш муддати, уларга бўлган ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтказилиши, гувоҳноманинг бекор бўлиши, патент божларининг тўлаб борилиши ва бошқалар ҳақида қолган моддаларда берилган.

Албатта, ушбу қонун электрон ҳисоблаш машиналари интеграл микросхемалар топологияларини Ўзбекистонда ривожланишида катта роль ўйнайди деб ҳисоблаймиз.

4. Фирма номлари, селекция ютуқлари ва муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунлар ҳақида умумий маълумотлар

Юртимизда сўнгги вақтларда тадбиркорликка бўлган эътибор, кўплаб фирма ва корхоналарнинг ташкил этилиши, уларнинг кун сайин ривожланиб бораётганлиги, бозор иқтисодиёти муносабатида ўтишдаги шарт-шароит талабларига биноан уларнинг ривожланишини ва муҳофазасини ҳуқуқий ҳимояланиши йўлида қабул қилинган ҳужжатлардан бири бу “Фирма номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳисобланади.

Ушбу қонун 2006 йил 20 июнда қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган. 2006 йил 25 августида Сенат томонидан мақулланиб, 2006 йил 18 сентябрда № УРҚ-51 Президент томонидан амалга критилган бўлиб, унинг мақсади фирма номларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Фирма номи деганда: Фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг (бундан буён матнда юридик шахс деб юритилади) индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади.

Юридик шахс тўлиқ фирма номи билан бирга қисқартирилган фирма номига ҳам эга бўлиши мумкин.

Юридик шахснинг фирма номида унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилиши керак.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда фирма номида юридик шахс фаолитининг хусусияти кўрсатилиши керак.

Қонунда фирма номида кўрсатилиши лозим бўлган белгилар қуйидагича изоҳланади:

1) давлатнинг расмий номи, халқаро, ҳукуматлараро ёки нодавлат нотижорат ташкилотининг қисқартирилган ёки тўлиқ номи;

2) тарихий ёки Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган шахснинг тўлиқ ёки қисқартирилган исми, белгиланган тартибда бериладиган рухсатсиз;

3) фирма номининг эгаси, унинг фаолият тури ёки у келиб чиққан фалоқат хусусидаги сохта ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар;

4) жамият манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ принципларига зид бўлган белгилар кўрсатилмаслиги керак.

Фирма номида:

- илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа юридик шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, илгарироқ устуворликка эга бўлган фирма номлари;

- илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай муҳофаза қилинадиган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

- белгиланган тартибда қонун ҳужжатлари билан муҳофаза қилинадиган товарлар келиб чиққан жойларнинг номлари билан, шундай номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиш ҳоллари бундан мустасно, адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшаш бўлган белгилар ҳам кўрсатилмаслиги керак.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандида кўрсатиб ўтилган белгилар, агар бунга тегишли давлат органининг ёки ташкилотнинг рухсати бўлса, фирма номига критилиши мумкин.

Фирма номи тўғрисидаги қонун жами 17 моддадан иборат бўлиб, унда муҳофаза қилиш, унинг ҳуқуқи, фойдаланишлиги, ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиш ва бошқалар келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонун 1996 йил 30 августда қабул қилинган бўлиб, 2002 йил 29 августда эса унинг такомиллашган, замон талабларига жавоб берувчи янги тахририда қабул қилинди ва амалга критилди.

Ушбу қонун 5 бўлим, 45 моддадан иборат бўлиб, унинг мақсади селекция ютуқларини яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Унинг асосий тушунчасини селекция ютуқлари, яъни ўсимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зоти ташкил этади ва асосан: селекция ютуқининг патентга лаёқатлилиги; селекция ютуғига патент олиш; патент эгасининг ҳуқуқи; патент амал қилишнинг тугатилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуни 2006 йил 23 мартда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, 2006 йил 9 июнда Сенат томонидан мақулланган ва 2006 йил 20 июнда Президент томонидан амалга критилган.

Ушбу қонун 6 бобдан 70 моддадан иборат бўлиб: мақсади фан, адабиёт ва санъат асарларини (муаллифлик ҳуқуқи), ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи такшилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришларини (турдош ҳуқуқлар) яратиш ҳамда

улардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Қонуннинг асосий тушунчаларини: асар нусхаси; асарни омма олдида намойиш этиш; асарни ошкор қилиш; аудиовизуал асар; аудиовизуал асарни тайёрловчи; барчанинг эътиборига етказиш; барчанинг эътибори учун юбориш; ёзув; ижро; ижрочи; кабел орқали юбориш; манзарали-амалий санъат асари; маълумотлар базаси; муаллиф; омма олдида ижро этиш; прокатга бериш; репрографик такрорлаш; ретрансляция; такрорлаш; фонограмма; фонограмма нусхаси; фонограммани тайёрловчи; халқ ижодиёти асарлари; чоп этиш; эфирга узатиш; эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот; эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттириши ва ҳуқуқ эгаси ташкил этади.

Бундан ташқари муаллифлик ҳуқуқи, унинг мулкӣ ҳуқуқлари, турдош ҳуқуқлар, мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий бошқариш, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва бошқалар кўрсатилганки, улар ҳозирги замон талабларига тўла жавоб беради.

Таянч иборалар: Ихтиро; фойдали модель; саноат намуналари; экспертиза; Патент идораси; объект; апелляция; патент эгаси; товар белгилари; хизмат кўрсатиш белгилари; ЭҲМ; микросхемалар топологияси; фирма номлари.

Назорат учун саволлар:

1. “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” Ўз.Р. Қонунининг моҳияти.
2. Саноат мулки объектларига патент бериш бўйича талабномалар.
3. “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқиш тўғрисида” Ўз.Р. Қонуни.
4. ЭҲМ да интеграл микросхемалар топологиялари моҳияти.
5. Фирма номлари ҳақида умумий маълумотлар.
6. Селекция ютуқлари ва муаллифлик ҳуқуқлари ҳақида умумий маълумотлар.

Талабанинг мустақил иш топшириқлар:

1. “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунининг моҳиятини билиши керак.
2. Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарлар келиб чиқиш жойлари номларининг моҳияти бўйича етарлича тушунчага эга бўлиши керак.

3. Электрон ҳисоблаш машиналари интеграл микросхемалар топологияларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида қонуннинг аҳамияти тўғрисида маълумотларга эга бўлиши лозим.

4. Фирма номлари, селекция ютуқлари ва муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунлар ҳақида умумий маълумотлар. Интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳақида халқаро келишувлар тўғрисида етарлича билимларга эга бўлиши керак.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати: 1, 2, 3, 4

3-мавзу. Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарига мазмуни тушунчаси, моҳияти

1. Маърузанинг таълим технологияси

Вақти - 2 соат	Талабалар сони: 5-10 нафар
Уқув машгулотининг шакли	Ахборот, визуал маъруза,
Маъруза машгулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Саноат мулки тушунчаси ва унинг таркиби. 2. Ихтиронинг мазмуни, тушунчаси ва тузилиши. 3. Фойдали моделлар мазмуни, тушунчаси ва кўриниш ҳоллари. 4. Саноат намуналари мазмуни, тушунчаси ва тузилиши.
<p><i>Уқув машгулотининг мақсади:</i> Саноат мулки тушунчаси, таркиби ва уларнинг моҳияти ҳақида маълумотлар бериш.</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Ихтиронинг мазмуни, тушунчаси ва тузилиши нималардан иборат • Фойдали моделлар мазмуни, кўриниш ҳоллари тугрисида тушунча беради • Саноат намуналари тузилиши, тушунчаси аҳамияти тугрисида айтиб беради • Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарининг патентга лаёқатлик шартлари ҳақида айтиб беради • 	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Ихтиронинг мазмуни, тушунчаси ва тузилиши ҳақида билиб оладилар • Саноат намуналари тузилиши, тушунчаси тугрисида билиб оладилар. • Саноат намуналари тузилиши тузилмасини кила билладилар • лаёқатлик шартлари ҳақида маълумотга эга буладилар

Укитиш услуги ва техникаси	Мунозарали маъруза, инсерт, аклий хужум, блиц-суров,
Укитиш шакли	Фронтал, гурухий, жуфтликда ишлаш
Укитиш воситалари	Маъруза матнлари, проектор, график органзайзерлар, доска, бўр
Укитиш шарт-шароити	Намуналар аудитория

2. Маърузанинг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	укитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	1.1. Маъруза мавзуси ва режаси эълон қилинади. Аввалги мавзуга савол-жавоб оралиқ босқичи	1.1. Эшитадилар, ёзадилар
2-босқич. Асосий (60 мин.)	<p>Мавзуни ёритиш учун муаммоли саволларни таклиф этади.</p> <p>Саноат мулк тушунчаси ва унинг таркиби хақида маълумотлар келтирилади.</p> <p>Ихтиронинг мазмуни, тушунчаси ва тузилиши конун талаблари ва унинг мохияти ёритилади.</p> <p>Фойдали моделлар мазмуни, тушунчаси ва кўриниш ҳоллари. конун талаблари ва унинг мохияти ёритилади.</p> <p>Саноат намуналари мазмуни, тушунчаси ва тузилиши хақида маълумотлар тушунтириб берилади.</p>	<p>2.1.Муаммоли саволларга эътибор берадилар: «биламан-билдим» жадвалининг 1-устунини тулдирдилар.</p> <p>2.2.Эшитадилар, ёзадилар.</p> <p>2.3Эшитадилар, ёзадилар.</p> <p>2.4.Эшитадилар, ёзадилар.</p> <p>2.5 Эшитадилар, ёзадилар.</p> <p>2.6 Эшитадилар, ёзадилар.</p>

<p>3- боскич. Якуний (10 мин.)</p>	<p>3.1. Мавзуга хулоса чиқаради. Асосий масала устида тухталади. 3.2. Мустакил иш учун топшириқлар беради:</p>	<p>3.1.Эшитадилар, саволларини беради ёзиб оладилар. 3.2.Топшириқларни ёзиб оладилар.</p>
--	--	---

1. Саноат мулки тушунчаси ва унинг таркиби

Саноат мулки интеллектуал мулкнинг муҳим таркибий қисми бўлиб у ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналарини ҳамда товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номларини ўз ичига олади. Саноат мулки сифатида бирон-бир моддий объектларни – корхоналар биноларини, асбоб-ускуналарни ва бошқаларни кўзда тутиш нотўғри ҳисобланади.

Саноат мулкига бўлган ҳуқуқлар муаллифлик ҳуқуқидаги каби уларнинг яратилиши факти билан эмас, балки улар Патент идорасида белгиланган тартибда экспертизадан, Давлат рејстрида рўйхатдан ўтказилганидан, рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни Патент идорасининг бюллетенида эълон қилинганидан ва муҳофаза ҳужжатлари берилганидан кейингина пайдо бўлади.

Селекция ютуқлари, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологиялари каби объектлар саноат мулки объектлари бўлиб ҳисобланмайдилар. Улар интеллектуал мулкнинг алоҳида турлари бўлиб ҳисобланадилар. Селекция ютуқлари, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологияларига муҳофаза ҳужжатлари шунингдек Патент идораси томонидан берилади.

Патент бу – патент эгасининг ихтиро, саноат намунаси, фойдали модел, селекция ютуқларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишга бўлган мутлақ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофазаси ҳақида гапирар эканмиз, бундай муҳофаза “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” қонунда батафсил келтирилган.

Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш. Саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқ муаллифга (ҳаммуаллифларга) ёки унинг (уларнинг) ҳуқуқий ворисига (ҳуқуқий ворисларига) тегишли бўлади ва патент билан тасдиқланади.

Агар саноат мулки объектини бир неча шах сбир-биридан мустақил равишда яратган бўлса, патент олиш ҳуқуқи патент бериш ҳақидаги талабномани Патент идорасига биринчи бўлиб топширган шахсга тегишли бўлади.

Муаллиф (ҳаммуаллифлар), агар ўзи (ўзлари) яратган саноат мулки объектини бошқалар ғайриқонуний ўзлаштириб олиш натижасида бу объектига талабнома топширилган ёки патент олиган бўлса, патент берилганлигига қарши эътироз билдириш ёхуд патент эгаси сифатида ўзига (ўзларига) патентнинг ўтказилишини суд тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Саноат мулки объектининг патенти давлат экспертизаси ўтказилгандан кейин берилади.

Ихтиро патенти ихтиронинг янгилигини, ихтиролик даражасини, унинг ҳақиқийлигини ва патент эгасининг ихтирога эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасаруф этишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Фойдали модель патенти фойдали моделнинг янгилигини, унинг ҳақиқийлигини ва патент эгасининг фойдали моделга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этишга доир мутлақ ҳуқуқини тадиқлайди.

Саноат намунаси патенти саноат намунасининг янгилиги ва ўзига хослигини; унинг ҳақиқийлигини ҳамда патент эгасининг саноат намунасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Саноат мулки объекти патентининг тўла ҳажмдаги ҳуқуқий муҳофазаси ёки бу муҳофазанинг фақат бир қисми ҳақиқий эмаслигини исботлаш вазифаси патенти ҳақиқий эмас деб даъво қилётган тараф зиммасига юкланади.

Патент эгасининг мутлақ ҳуқуқи саноат мулки объекти рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маъумотлар Патент идорасининг расмий

ахборотномасига эълон қилинган санадан эътиборан амалда деб ҳисобланади.

Патент идорасига патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан ҳисобланганда ихтиро патенти йигирма йил мобайнида, саноат намунаси патенти ўн йил мобайнида, фойдали модель патенти беш йил мобайнида амал қилади.

Ихтиро патентининг амал қилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда патент эгасининг илтимосномасига биноан Патент идораси томонидан кўпи билан беш йил муддатга узайтирилиши мумкин. Бундай ихтиро патентининг амал қилишини ўзлаштириш тартиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Саноат намунаси патентининг ва фойдали модель патентининг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосномасига биноан Патент идораси томонидан тегишлича беш йилга ҳамда уч йилга узайтирилиши мумкин.

Ихтиро ҳамда фойдали модель патенти таъминлайдиган ҳуқуқий муҳофаза ҳажми уларнинг формуласи билан, саноат намунаси патенти таъминлайдиган ҳуқуқий муҳофаза ҳажми эса буюмнинг (макетнинг, расмнинг) тасвирида акс этирилган муҳим белгилари ва (ёки) уларнинг комбинацияси (бундан буён матнда унинг муҳим белгилари мажмуи деб юритилади) билан белгиланади.

Саноат мулки объекти патенти, шунингдек уни олиш ҳуқуқи мерос бўлиб ўтади.

Саноат мулки объектининг ҳуқуқ субъектлари. Саноат мулки объектининг муаллифи. Ижодий меҳнат билан саноат мулки объектини рағбат жисмоний шахс шу объектнинг муаллифи деб эътироф этилади.

Агар саноат мулки объекти бир нечта жисмоний шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати асосида яратилган бўлиб, улар ўртасида тузилган шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, уларнинг барчаси шу объектнинг тенг ҳуқуқли ҳаммуаллифлари деб эътироф этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи бошқага ўтказилмадиган ва топширилмайдиган шахсий номулкий ҳуқуқдир.

Патент эгаси. Саноат мулки объектининг патенти қуйидагиларга берилади:

- саноат мулки объектининг муаллифига (ҳаммуаллифларига) ёки унинг (уларнинг) меросхўри томонидан патент бериш ҳақидаги талабномада ёки саноат мулки объекти рўйхатдан ўтказилгунга қадар Патент идорасига топширилган талабнома берувчини ўзгартириш ҳақидаги аризада кўрсатилган юридик ва (ёки) жисмоний шахсларга (уларнинг ўзи рози бўлган тақдирда);

- ушбу моддада назарда тутилган ҳолларда иш берувчига.

Ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчидан олган аниқ топшириқни бажариш муносабати билан яратилган саноат мулки объектининг патентига бўлган ҳуқуқ, агар бу ҳол улар ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади.

Агар иш берувчи билан муаллиф (ҳаммуаллифлар) ўртасидаги шартномада ушбу модданинг иккинчи қисмидаги қоидалар назарда тутилган бўлмаса, у ҳолда муаллиф (ҳаммуаллифлар) талабнома топшириш ва саноат мулки объектининг патентини ўз номига олиш ҳуқуқига эга бўлади. бунда иш берувчи патент эгасига шартномага белгиланадиган миқдорда товон тўлаб, ўз ишлаб чиқаришида тегишли саноат мулки объектдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Иш берувчи саноат мулки объектини сир сақлаган тақдирда муаллифга (ҳаммуаллифларга) мутаносиб равишда ҳақ тўлаши шарт, ҳақ миқдори шартномада белгиланади.

2. Ихтиронинг мазмуни, тушунчаси ва тузилиши

Ўзбекистон Республикасининг “Ихтирлар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” Қонунига (янги таҳрири 29.08.2002 й. да тасдиқланган) мувофиқ қурилмалар, усуллар, моддалар, микроорганизмларнинг штаммлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар турлари, аввалдан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддаларни янги вазифада қўлланилиши ихтирлар сифатида тан олинади.

Ўзбекистонда жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда илмий назариялар ва математик усуллар, ташкилий ва бошқарув усуллари, шартли белгилар, иш жадваллари, қоидалар, ақлий операцияларни бажариш қоидалари ва усуллари, электрон ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар, бинолар, иншоотлар, ҳудудларнинг жойлашиши лойиҳалари ва схемалари, эстетик эҳтиёжларни қаноатлантиришга йўналитирилган буюмларнинг фақат ташқи кўринишига тааллуқли ечимлар, интеграл микросхемалар топологиялари, ўсимликлар павлари ва ҳайвон зотлари, жамият манфаатлари, инсонпарварлик ва ахлоқ принципларига қарама-қарши бўлган ечимлар ихтиро деб тан олинмайди.

Ихтирога бўлган ҳуқуқ патент билан тасдиқланади. Патент эгасига ихтирога эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш мутлақ ҳуқуқи берилади.

Ихтиро патентланиши учун янги, саноатда қўлланила олиши ва ихтирочилик даражасига эга бўлиши лозим (сўнгги талаб таклиф қилинаётган техник ечим ушбу соҳадаги мутахассис учун яққол аён бўлмаслиги кераклигини англатади).

Патент тегишли патент божлари тўланган ҳолларда давлат экспертизаси ўтказилганидан сўнг ижобий қарор чиқарилганига берилади ва Патент идорасига патент бериш учун талабнома топширилган санадан бошлаб йигирма йил давомида амал қилади.

Ихтиронинг патентга лаётқатлилиқ шартлари. Агар ихтиро сифатида кўрсатилган объект янги, ихтиролик даражасига эга ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар ихтиро техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, у янги деб ҳисобланади.

Агар ихтиро техника тараққиёти даражаси ҳақидаги маълумотлардан яққол аён бўлмаса, у ихтиролик даражасига эга бўлади.

Техника тараққиёти жаҳонда оммага ошкор бўлган ҳар қандай маълумотларни ўз ичига олади.

Ихтиронинг янгилигини аниқлаш чоғида бирмунча олдин устуворликка эга бўлган ҳолда топширилган ва чақириб олинмаган патент бериш ҳақидаги талабномалар ҳам ҳисобга олинади.

Агар ихтиродан саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда фойдаланиш мумкин бўлса, у саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

Ихтирога тааллуқли ахборотнинг муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита шу ахборотни олган ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор этилиши, агар ихтирога патент бериш ҳақидаги талабнома ахборот ошкор этилган санадан эътиборан кўпи билан олти ой ичида Патент идорасига топширилган бўлса, ихтиронинг патентга лаётқатлилигини тан олишга таъсир кўрсатадиган ҳолат сифатида эътироф этилмайди. Бунда ушбу ҳолни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Қуйидагилар ихтиро сифатида эътироф этилади:

- қурилмалар;
- усуллар;
- моддалар;
- микроорганизмларнинг штаммлари;
- ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари;
- илгаридан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддаларнинг, микроорганизмлар штаммларининг янги мақсадида қўлланилиши.

Қуйидагилар ихтиро сифатида эътироф этилмайди:

- илмий назариялар ва математика усуллари;
- ташкил этиш ва бошқариш усуллари;
- шартли белгилар, жадваллар, қоидалар;

- ақлий операцияларни бажариш қонидлари ва усуллари;
- электрон ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар;
- бинолар, иншоотлар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва чизма тарҳлари;

- эстетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган, буюмларнинг фақат ташқи кўринишига оид ечимлар;

- интеграл микросхемаларнинг топологиялари;
- ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари;
- жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ агар ихтиро сифатида кўрсатилган объект янги, ихтирлик даражасига эга ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар ихтиро техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, у янги деб ҳисобланади.

Агар ихтиро техника тараққиёти даражаси ҳақидаги маълумотлардан яққол аён бўлмаса, ихтиролик даражасига эга бўлади.

Техника тараққиёти даражаси ихтиро устуворлиги санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган ҳар қандай маълумотларни ўзи ичига олади.

Агар ихтиро саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда фойдаланиш мумкин бўлса, саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

Қонуннинг 6-моддаси саккизинчи қисмига мувофиқ қурилмалар, усуллар, моддалар, микроорганизмларнинг штамлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари, илгаридан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддаларнинг, микроорганизмлар штамларининг янги мақсадда қўлланилиши ихтиро сифатида эътироф этилади.

а) Ихтиро тури – “қурилма”

ихтиро тури сифатида қурилмаларга конструкциялар, конструктив элементлар ёки уларнинг функционал конструктив бирликда бўлган мажмуидан иборат буюмлар киради.

Қурилмаларга машиналар, асбоблар, аппаратлар, ускуналар, инструментлар, маҳкамловчи буюмлар, машина деталлари, алоқа воситалари, қурилиш конструкциялари ва бошқалар киради.

б) Ихтиро тури – “усул”

ихтиро тури сифатида усулларга моддий объект (қурилма, муҳит, электр заряди, магнит майдони ва бошқалар) устида моддий воситалар ёрдамида ўзаро боғлиқ ҳаракатларни бажариш жараёнлари киради.

в) Ихтиро тури – “модда”

Ихтиро тури сифатида моддаларга:

- кимёвий бирикмалар, буларга шартли равишда юқори молекуляр бирикмалар ва ген инженерияси маҳсулотлари бўлган рекоминант нуклеин кислоталар, векторлар киритилган;

- композициялар (таркиблар, аралашмалар, қотишмалар, эритмалар ва бошқалар);

- ядровий парчаланиш маҳсулотлари киради.

г) Ихтиро тури – “микроорганизм штамми, ўсимликлар ва ҳайвонлар хужайраларининг турлари (линиялари)”

Микроорганизм штаммлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар хужайраларининг турлари (линиялар)га:

- бактериялар, вируслар, бактериофаглар, микро сув ўтлари, микроскопик замбуруғлар ва бошқаларнинг штаммлари;

- микроорганизмлар, ўсимликлар ёки ҳайвонлар хужайраларининг турлари (линиялари) консорсиумлари;

- хусусан микроорганизмлар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг плазмидлари, векторлари, барқарор трансформасияланган хужайралари, трансген ўсимликлар ва ҳайвонларга доир бўлган генетик конструкциялар киради.

д) Ихтиро тури – “аввалдан маълум бўлган қурилма, усул, модда, штамми янги мақсадда қўлланилиши”

Ихтиро тури сифатида аввалдан маълум бўлган қурилма, усул, модда, штамми янги мақсадда қўлланилишига уларнинг ўзгача мақсадга мувофиқ ишлатилиши киради.

Аввалдан маълум бўлган (табiiй ва сунъий йўл билан олинган) моддаларни ижтимоий истеъмолни қаноатлантириш учун биринчи марта ишлатилиши янги мақсадда ишлатишга тенглаштирилади.

Қуйидагилар:

- илмii назариялар ва математика усуллари;

- ташкил этиш ва бошқариш усуллари;

- шартли белгилар, жадваллар, қоидалар;

- ақлий операцияларни бажариш қоидлари ва усуллари;

- электрон ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар;

- бинолар, иншоотлар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва схемалари;

- эстетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган, маҳсулотларнинг фақат ташқи кўринишига оид ечимлар;

- интеграл микросхемаларнинг топологиялари;

- ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари;

- жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар ихтиролар деб тан олинмайди.

Қонуннинг 15-моддаси биринчи қисмига мувофиқ талабнома битта ихтирога ёки ягона ихтирочилик фикрини (ихтиро бирлиги талабини) ташкил этган тарзда бир-бири билан узвий боғланган ихтиролар гуруҳига тааллуқли бўлиши керак.

Агар ихтиро формуласида битта ихтиро тавсифланган бўлса;

- ихтиро формуласида бир турдаги (бир қанча қурилмалар, бир қанча турлар ва бошқалар), бир хил мақсадда фойдаланишга мўлжалланган, принципиал айнан бир хил йўл (вариантлари) билан айнан бир хил техника натижасини олишни таъминлайдиган объектларга тааллуқли ихтиролар гуруҳи тавсифланган бўлса;

- бири иккинчисини олиш (тайёрлаш) учунг мўлжалланган бўлса (масалан, қурилма ёки модда ва қурилма ёки моддани бутунлай ёки уларнинг бир қисмини олиш усули);

- бири иккинчисини амалга ошириш учун мўлжалланган бўлса (масалан, усул ва усулни бутунлай ёки унинг амалларидан бирини ошириш учун қурилма);

- бири иккинчисидан (иккинчисида) фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса (масалан, усулда фойдаланиш учун мўлжалланган учул ва қурилма; усул ёки қурилма ва унинг бир қисми; қурилма ёки моддани улардан янги мақсадда фойдаланиш учун қўллаш ва ушбу мақсадга мувофиқ улардан фойдаланиш усули; қурилма ёки моддадан янги мақсадда фойдаланиш ва таркибий қисми бўлган қурилма ёки композиция) ихтиро бирлиги талабига риоя қилинган деб ҳисобланади.

3. Фойдали моделлар мазмуни, тушунчаси ва кўриниш ҳоллари

Фойдали модел қонунга асосан, қурилмаларнинг конструктив бажарилишига тушунилади. Агар, фойдали модел ҳақиқатан ҳам янги бўлса, унга қонунга асосан ҳукуқий ҳимоя патент кўринишида Патент идораси томонидан беш йил муддатга берилади.

Фойдали моделнинг патентга лаёқатлилиқ шартлари “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-моддасида келтирилган. Жумладан, шундай дейилган: Агар фойдали модель сифатида кўрсатилган объект янги бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, у ҳукуқий муҳофаза қилинади.

Агар фойдали моделнинг муҳим белгилари мажмуи техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, у янги деб ҳисобланади.

Техника тараққиёти даражаси талабномада кўрсатилган фойдали модель амалга ошириши мумкин бўлган вазифаларни бажара оладиган воситалар ҳақидаги Ўзбекистон Республикасида ҳамма фойдалана оладиган барча маълумотларни, шунингдек уларни қўллашга доир маълумотларни ўз ичига олади.

Фойдали модель, агар ундан амалда фойдаланиш мумкин бўлса, саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

Фойдали моделга тааллуқли ахборотнинг муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита шу ахборотни олган ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор этилиши, агар фойдали моделга патент бериш ҳақидаги талабнома ахборот ошкор этилган санадан эътиборан кўпи билан олти ой ичида Патент идорасига топширилган бўлса, фойдали моделнинг патентга лаёқатлилигини тан олишга таъсир кўрсатадиган ҳолат сифатида эътироф этилмайди. Бунда ушбу ҳолни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Қурилманинг конструктив йўл билан бажарилиши фойдали моделларга тааллуқлидир.

Ушбу Қонун 6-моддасининг тўққизинчи қисмида кўрсатилган объектлар фойдали моделлар сифатида муҳофаза қилинмайди.

4. Саноат намуналари мазмуни, тушунчаси ва тузилиши

Саноат намуналари - бу саноатда ишлаб чиқариладиган буюмнинг (товарнинг) ташқи оригинал кўриниши белгиларидан унинг бадийий конструкторлик ечимига айтилади.

Саноат намунасига ҳуқуқий муҳофазаси учун Қонунда белгиланганидек (8-модда) унинг патентга лаёқатлилиқ шартлари бажарилиши керак.

Агар саноат намунаси сифатида кўрсатилган объект янги ва оригинал (ўзига хос) бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар саноат намунасининг муҳим белгилари мажмуи саноат намунасига устуворлик бериш санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган маълумотлардан аён бўлмаса, у янги деб эътироф этилади.

Саноат намунасининг янгилигини аниқлаш чоғида бирмунча олдин устуворликка эга бўлган ҳолда топширилган ва чақириб олинмаган патент бериш ҳақидаги талабномалар ҳам ҳисобга олинади.

Саноат намунаси, агар унинг муҳим белгилари мажмуи буюм хусусиятларининг ижодий жиҳатлари билан боғлиқ бўлса, оригинал деб эътироф этилади.

Саноат намунасига тааллуқли ахборотнинг муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита шу ахборотни олган ҳар

қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор этилиши, агар саноат намунасига патент бериш ҳақидаги талабнома ахборот ошкор этилган санадан эътиборан кўпи билан олти ой ичида Патент идорасига топширилган бўлса, саноати намунасининг патентга лаёқатлилигини тан олишга таъсир кўрсатадиган ҳолат сифатида эътироф этилмайди. Бунда ушбу ҳолни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, таабнома берувчи зиммасида бўлади.

Буюмнинг ташқи кўринишини ифодалайдиган бадий-конструкторлик ечими саноат намуналари жумласига киради.

Қуйидагилар саноат намуналари деб эътироф этилмайди:

- матбаа маҳсулотлари;
- архитектура объектлари (кичик архитектура шаклларида ташқари), саноат, гидротехника иншоотлари ва бошқа стационар иншоотлар;
- суюқ, газсимон, сочилувчан ёки шунга ўхшаш моддалардан иборат ўзгарувчан шаклдаги объектлар;
- буюмнинг фақат техник вазифаси билан боғлиқ бўлган ечимлар;
- жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

Таянч иборалар: Саноат мулки тушунчаси; мулк таркиби; Давлат реестри; ЭҲМ учун дастурлар; саноат мулки объектлари; фойдали модель; патент эгаси; талабнома; ихтиро тури; саноат намуналари.

Назорат учун саволлар:

1. Саноат мулки тушунчаси ва моҳияти.
2. Патент қандай маънони билдиради?
3. Саноат мулки объектининг ҳуқуқ субъектлари.
4. Ихтиронинг мазмуни ва тузилиши.
5. Ихтиро сифатида эътироф этиладиган турлари.
6. Фойдали моделлар тушунчаси ва унинг кўриниш ҳоллари.
7. Саноат намуналари тушунчаси ва тузилиши.

Талабанинг мустақил иш топшириқлар:

1. Саноат мулки тушунчаси ва унинг таркиби ва ихтиронинг мазмуни, тушунчаси ва тузилиши тўғрисида етарлича маълумотларга эга бўлиши лозим.
3. Фойдали моделлар мазмуни, тушунчаси ва кўриниш ҳоллари ҳақида билши керак.
4. Саноат намуналари мазмуни, тушунчаси ва тузилиши ҳақида маълумотларга эга бўлиши лозим.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати: 3, 4, 5, 6

2-боб. Патентшунослик.

4-мавзу. Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарига талабнома тузиш, топшириш ва расмий хужжат олиш

1. Маърузанинг таълим технологияси

Вакти - 2 соат	Талабалар сони: 30-60 нафар
Укув машгулотининг шакли	Ахборот, визуал маъруза,
Маъруза машгулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none">1. Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарига патент олиш учун талабнома тузиш.2. Патент идорасига талабномани топшириш тартиби.3. Патент идораси томонидан топширилган талабномаларни кўриш тартиби.4. Патент идораси томонидан ихтиро, фойдали моделлар ва саноат намуналарига патент хужжатини берилиши.
<i>Укув машгулотининг мақсади:</i> Саноат мулки бўлган объектларга расмий хужжат – патент олиш қоидалари ҳақида маълумотлар бериш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> <ol style="list-style-type: none">1. Ўзбекистон патент идорасидан патент олиш учун талабнома тузиш талаблари ва тартиби маълумотлар бериш.2. Патент идорасига талабномани топшириш урнатилган тартиби, талаб этиладиган хужжатлар тугрисида ахборот берилади.3. Патент идораси низоми буйича топширилган талабномаларни кўриш тартиби ҳақида маълумот берилади.4. Патент идораси томонидан ихтиро, фойдали моделлар ва саноат намуналарига расмий патент хужжатини берилиши тартиби ҳақида маълумотлар берилади.	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> <p>патент олиш учун талабнома тузиш талаблари ва тартиби ҳақидаги қонуний маълумотлар эга буладилар.</p> <p>Патент талабномасини топшириш тартиби, талаб этиладиган хужжатлар сони, ном ива мазмуни ҳақида ахборотлар оладилар</p> <p>Топширилган талабномаларни кўриш тартиби ҳақида маълумот эга буладилар.</p> <p>Ихтиро, фойдали моделлар ва саноат намуналарига расмий патент хужжатини берилиши тартиби билан танишадилар.</p>

Укитиш услуби ва техникаси	Мунозарали маъруза, инсерт, аклий хужум, блиц-суров, кластер, УТВ/КТ
Укитиш шакли	Фронтал, гурухий, жуфтликда ишлаш
Укитиш воситалари	Маъруза матнлари, проектор, график органзайзерлар, доска, бўр
Укитиш шарт-шароити	Намунадаги аудитория

2. Маърузанинг технологик харитаси.

Боск [^] ичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	укитувчи	талаба
1-боск [^] ич. Кириш (10 мин)	1.1. Маъруза мавзуси ва режаси эълон қилинади. Аввалги мавзуга савол-жавоб ора [^] ати боғланади	1.1. Эшитадилар, ёзадилар
2-боск [^] ич. Асосий (60 мин.)	2.1. Мавзуни ёритиш учун муаммоли саволларни таклиф этади. 2.2.. Узбекистон патент идорасидан патент олиш учун талабнома тузиш талаблари ва тартиби маълумотлар бериш. 2.3. Патент идорасига талабномани топшириш урнатилган тартиби, талаб этиладиган хужжатлар тугрисида ахборот берилади. 2.4. Патент идораси низоми буйича топширилган талабномаларни кўриш тартиби хақида маълумот берилади. 2.5. Патент идораси томонидан ихтиро, фойдали моделлар ва саноат намуналарига расмий патент хужжатини берилиши тартиби хақида маълумотлар берилади.	2.1.Муаммоли саволларга эътибор берадилар: «биламан-билдим» жадвалининг 1-устунини тулдирадилар. 2.2.Эшитадилар, ёзадилар. 2.3Эшитадилар, ёзадилар. 2.4.Эшитадилар, ёзадилар. 2.5 Эшитадилар, ёзадилар. 2.6 Эшитадилар, ёзадилар.

3-боскич. Якуний (10 мин.)	3.1. Мавзуга хулоса чиқаради. Асосий масала устида тухталади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқлар беради:	3.1.Эшитадилар, саволларини беради ёзиб оладилар. 3.2.Топшириқларни ёзиб оладилар.
----------------------------	--	--

1. Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарига патент олиш учун талабнома тузиш

Патент олиш учун талабнома, бу қонун-қоидага биноан тузилган ҳужжатлар мажмуаси ҳисобланади.

Талабнома таркиби. Қонуннинг 15-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ талабнома қўйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши керак:

а) ихтиро муаллифи (муаллифлари) ва номига патент берилиши сўралаётган шахс (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади), шунингдек уларнинг яшаш турар жойи кўрсатилиб, патент берилиши сўралган ариза (1-илова);

б) ихтиронинг уни амалга ошириш учун етарли бўлган даражада тўлиқ баён этилган тавсифи;

в) ихтиро моҳиятини ақс эттирувчи ва унинг тавсифига тўла мувофиқ бўлган ихтиро формуласи;

г) ихтиро моҳиятини тушуниш учун зарур бўлса, чизмалар ва бошқа материаллар;

д) реферат.

Талабномага белгиланган миқдорда бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат ёки бож тўлашдан озод қилиш ёхуд унинг миқдорини камайтириш учу насос бўлувчи ҳужжат илова қилинади.

Патент вакили ёки бошқа ишончли вакил орқали берилган талабномага талабнома берувчи томонидан берилган ишончнома ёхуд унинг керакли тарзда расмийлаштирилган нусхаси илова қилинади.

Конвенцион утуворлик сўраб берилган талабномага талабнома берувчи томонидан Саноат мулки муҳофазаси бўйича Париж конвенцияси иштирокчиси бўлган давлатда берилган биринчи талабноманинг тасдиқланадиган нусхаси ва шу талабноманинг ўзбек ёки рус тилига таржимаси илова қилинади ва улар конвенцион талабнома Патент идорасига келиб тушган санадан уч ойдан кечиктирмай берилиши лозим.

Биринчи талабнома берилган санадан ўн икки ой ўтгандан кейин, лекин ўн икки ойлик муддатдан икки ойдан кечиктирмай берилган талабнома бўйича конвенцион устуворлик сўралганда, талбаноммага қуйидагилар илова қилинади:

- конвенцион устуворликни сўраш муддатини узайтириш учун белгиланган миқдорда патент божи тўланганлиги тўғрисида ҳужжат;

- белгиланган ўн икки ойлик муддатдан кечикиб талабнома беришнинг талабнома берувчига боғлиқ бўлмаган сабабларини кўрсатувчи ҳужжат илова қилинади ва бу сабаблар Патент идорасига маълум эмас деб ҳисобланса, уларни тасдиқловчи далиллар келтирилади.

Конвенцион устуворликни белгилаш тўғрисидаги илтимос талабнома берилган (аризанинг тегишли графасида кўрсатилади) ёки талабнома Патент идорасига келиб тушиш санасидан бошлаб икки ой ичида берилиши мумкин.

Янги микроорганизм штамми, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳужайралари линияларига, уларни олиш ёки улардан фойдаланишга оид талабномага штаммнинг расмий ваколатга эга бўлган коллекция-депозитарияда депонентланганлиги тўғрисидаги ҳужжат илова қилинади.

Нуклеотидлар ва ёки аминокислоталар кетма-кетлиги рўйхатини ичига олган талабномага айнан ушбу рўйхатнинг нусхаси ёзилган ва БМТнинг СТ.25 стандарти талабларини қаноатлантирувчи ахборотни машинада ўқиш мумкин бўлган ташувчи (дискета) (бундан буён матнда МЎТ деб юритилади) ҳамда талабнома берувчи томонидан имзоланган машинада ўқиш мумкин бўлган шаклдаги тақдим этилаётган ахборот босма равишда тақдим этилаётган рўйхат билан бир хил эканлиги ҳақидаги ариза илова қилинади.

Ушбу Қоидаларнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатлари уч нусхада тақдим этилади: 2 нусхаси қоғозда, учинчи нусхаси сифатида эса ахборотни машинада ўқиш мумкин бўлган ташувчида электрон кўринишдаги нусхаси тақдим этилиши мумкин.

Агар айнан ушбу талабнома ҳужжатлари бошқа тилда тузилган бўлса бир нусхада, уларнинг ўзбек ёки рус тилига таржимаси эса уч нусхада: 2 нусхаси қоғозда, учинчи нусхаси эса электрон кўрнишда тақдим этилиши мумкин.

Талабнома ҳужжатлари ёки қўшимча материалларнинг қоғоздаги ва ахборотни машинада ўқиш мумкин бўлган ташувчидаги мазмуни айнан бир хил бўлиши керак. Қоғоздаги ва ахборотни машинада ўқиш мумкин бўлган ташувчидаги материалларнинг айнан бир хил бўлишига талабнома берувчи жавобгардир.

а) агар бирон-бир маълумотларни тегишли графаларда тўлиқлигича жойлаштириш мумкин бўлмаса, у ҳолда улар тегишли графада “давомини

қўшимча варақда қаранг” ёзуви кўрсатилган ҳолда қўшимча варақда айнан шундай шаклда келтирилади.

Хорижий номлар ва корхона номлари ўзбек ва рус тили транслитерациясида кўрсатилади.

Талабнома берувчининг номи, ихтиро номи ўзбек ва рус тилларида тақдим этилади.

Аризанинг “ариза” сўзидан юқорида жойлашган графалари талабнома Патент идорасига келиб тушгандан кейин маълумотларни киритиш учун мўлжалланган бўлиб, талабнома берувчи томонидан тўлатилмайди.

“Талабнома берувчи” коди остида берилган графада талабнома буревчи(лар) ҳақидаги маълумотлар: жисмоний шахснинг фамилияси, исми (отасининг исми), бунда фамилияси исмидан олдин кўрсатилади, ёки юридик шахснинг тўлиқ расмий номи (таъсис ҳужжатларига мувофиқ) ва шунингдек, яшаш жойи ёки жойлашган манзили тўғрисидаги маълумотлар, мамлакатнинг расмий номи ва тўлиқ почта манзили ва мамлакатнинг Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ)нинг СТ.3 стандарти бўйича коди кўрсатилади (агар белгиланган бўлса) келтирилади.

“Ёзишмалар учун манзил” коди остидаги графада ёзишмалар учун манзил, ёзишмалар тезроқ етиб бориши учун одатдаги талабларини қаноатлантирадиган хат олувчининг исми ёки номи, ва телефон, факс рақамлари, e-mail (агар бўлса) келтирилади.

б) Ихтиро тавсифи ихтирони амалга ошириш учун етарли равишда тўлиқ очиб бериши керак.

Тавсиф ихтиро номини келтириш билан бошланади (талабнома берилаётган ихтиро тегишли бўлган Халқаро патент классификациясининг амалдаги туҳрири рубрикаси белгиланган ҳолда, ушбу рубриканинг индекси ихтиро номи олдида келтирилади) ва қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- ихтирога оид бўлган техника соҳаси;
- техника даражаси;
- ихтиро моҳияти;
- чизмалар ва бошқа материаллар рўйхатининг (агар улар бўлса) қисқача тавсифи;
- ихтиронинг амалга ошириш мумкинлигини тасдиқлови маълумотлар;
- нуклеотидлар ва ёки аминокислоталар кетма-кетлиги рўйхати (агар бундай кетма-кетликдан ихтирони тавсифлаш учун фойдаланилган бўлса).

Ихтиро номи аниқ, қисқа бўлиб, ихтиро моҳиятига мос келиши, ихтиро тегишли бўлган объектнинг умумий тушунчасини аниқлаши ва объектнинг вазифасини характерлаши (унинг бажарадиган функциясини ёки техниканинг қайси соҳасига оид эканлигини кўрсатиши) керак.

Ихтиро номи ХПКнинг бирор рубрикасига мос келиши керак. Ихтиро моҳиятига мос рубрикани аниқлаш мумкин бўлмаса, ихтиронинг номи қабул қилинган тармоқ, умумий техника атамаларига мувофиқ кўрсатилади.

Агар ихтиро ҳар хил соҳаларда қўлланилиши мумкин бўлиб, номи буни ифодаласа, ихтиро номида “афзал”, “айниқса” сўзларини ишлатиб, ихтиро қайси соҳалардан бирида айнақса кўп қўлланишини аниқлашга рухсат этилади.

Ихтиро номида қўллаш мумкин бўлган соҳаларнинг фақат биттасини таъкидловчи “масалан” ва “хусусан” деган иборалар қўлланилмайди.

Ихтиро номи атамага хос ёки тавсифий бўлиши мумкин.

Атамага хос ном, техниканинг шу соҳа бўйича мутахассисига маълум бўлган объектнинг муҳим аломатлари мажмуини улар санаб ўтилганли ёки йўқлигидан қатъий назар ҳарактерлайди.

Тавсифий ном объектнинг вазифаси ва у томондан техниканинг бир ёки турли хил соҳаларида бажарадиган функцияси ҳақида тасаввур беради, аммо талабнома берилган ихтирони тавсифловчи муҳим аломатларнинг зарур бўлган мажмуаси тўғрисида аниқ фикр юритиш имкониятини бермайди.

Тавсифнинг “Техника даражаси” бўлимида талабнома берувчига маълум бўлган ихтиро аналоглари келтирилади ва улар орасидан ихтирога муҳим аломатлар мажмуи бўйича энг яқин бўлган аналог ажратиб кўрсатилади.

Ихтиронинг аналоги сифатида ихтиронинг устуворлик санасигача оммага ошқор бўлган маълумотлардан маълум бўлган ва ихтиронинг муҳим белгилари мажмуига ўхшаш белгилар билан тавсифланадиган ихтиро бажарадиган вазифани бажарадиган восита кўрсатилади.

Агар ихтиро конкрет вазифага ёки биологик актив хусусиятларга эга бўлган аниқланмаган таркибли аралашмани олиш усулига оид бўлса, аналог сифатида худди шундай вазифага ва биологик актив хусусиятга эга бўлган аралашмалар олиш усули кўрсатилади.

Агар ихтиро янги индивидуал кимёвий, шунингдек, юқори молекуляр бирикма олиш усулига ёки ген инженерияси объектига оид бўлса унга ўхшаш аналогни олиш усули ҳақида маълумотлар келтирилади.

Микроорганизм шатмми, ўсимлик ва ёки ҳайвонлар ҳужайралари линияларига – модда продусентига оид бўлган ихтиронинг энг яқин аналогини тавсифлашда ҳосил бўладиган модда ҳақида маълумотлар киритилади.

Агар ихтиро аввал маълум бўлган қурилма, усул, модда, штамми янги мақсадда қўлланилишига оид бўлса, унинг аналогларига худди шу вазифада ишлатиладиган маълум қурилмалар, усуллар, моддалар, штаммлар киради.

Ихтиролар гуруҳини тавсифлашда аналоглар (шу жумладан энг яқини) ҳақидаги маълумотлар ҳар бир ихтиро учун алоҳида келтирилади.

Тавсифнинг “Ихтиро моҳияти” бўлимида ихтиро моҳияти ихтиро орқали техник натижага эришиш етарли бўлган муҳим аломатлар мажмуи орқали ифодаланади.

Аломатлар эришиладиган техник натижага таъсир кўрсатса, яъни техник натижа билан сабаб-оқибат боғланишида бўлса, муҳим аломатларга киради.

Мазкур бўлимда ихтиро ҳал қилиши керак бўлган вазифаси ихтиро амалга оширишда олинадиган техник натижа кўрсатилган ҳолда очиб берилади.

Ихтирони ҳарактерловчи барча муҳим аломатлар келтирилади, энг яқин аналогдан фракланувчи аломатлар ажратилади, бунда сўралаётган ҳуқуқий муҳофаза ҳажми амал қиладиган барча ҳолларда техник натижани олишни таъминлайдиган муҳим аломатлар мажмуи ва ихтирони хусусий ҳолларда, бажарилиши аниқ шаклларда ёки ундан фойдаланишнинг алоҳида шароитларида тавсифлайдиган аломатлар кўрсатилади.

Техник натижа ўзи билан ихтирони намоён қилувчи воситани амалга оширишда (тайёрлашда) ёки ундан фойдаланишда олиниши мумкин бўлган техник самара, хусусият, ҳодисалар ва бошқаларнинг тавсифини ифодалайди.

Қурилмаларни тавсифлаш учун хусусан қуйидаги аломатлар ишлатилади:

- конструктив элемент (элементлар) мавжудлиги;
- элементлар орасидаги боғлиқлик мавжудлиги;
- элементларнинг ўзаро жойлашиши;
- элементнинг (элементларнинг) ёки умуман қурилманинг бажарилиш шакли, хусусан геометрик шакли;
- элементлар орасидаги боғлиқлик бажарилиши шакли;
- элементнинг (элементларнинг) параметрлари ва бошқа характеристикалари ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик;
- элемент (элементлар) ёки умуман қурилма тайёрланган материал;
- элемент функциясини бажарувчи муҳит.

Тавсифнинг “Чизмалар фигуралар рўйхати” бўлимида фигуралар рўйхатидан ташқари уларнинг ҳар бирида нима тасвирланганлигини қисқача таърифи келтирилади.

Агар ихтиро моҳиятини тушунтирувчи бошқа материаллар берилган бўлса, уларнинг қисқача мазмуни келтирилади.

“Ихтирони амалга ошириш мумкинлигини тасдиқловчи маълумотлар” бўлимида ихтирони талабнома берувчи томонидан кўрсатилган вазифада амалга ошириш мумкинлиги кўрсатилади.

Моҳиятини умумий тушунча билан ифодаланган, хусусан функционал умумлаштириш даражасида келтирилган аломатдан фойдаланиш билан характерланувчи ихтирони амалга ошириш имконияти бевосита талабнома материалларида бундай аломатни ҳосил қилиш учун воситаларни ёки уни олиш методлари ёки восита ёки методларнинг маълум эканлигига кўрсатмани ифодалаш билан тасдиқланади.

Қурилмага оид ихтирога унинг конструкциясининг (статик ҳолатдаги) тавсифи чизма фигураларига изоҳ берилган ҳолда келтирилади. Конструктив элементларнинг тавсифидаги рақамли белгилари чизма фигураларидаги рақамли белгиларга мос келиши керак ва уларнинг кетма-кет таҳрифлаш давомида бирдан бошлаб ўсиш тартибида келтирилади.

Усулга оид ихтирони тавсифлаш учун моддий объект устида бажариладиган ҳаракатлар кетма-кетлиги ва шунингдек, ҳаракатлар олиб бориладиган шарт-шароитлар, агар зарур бўлса аниқ режимлар (ҳарорат, босим ва бошқалар) ишлатиладиган қурилмалар, моддалар, штаммлар кўрсатилади. Агар усул бирор устуворлик санасигача маълум бўлган воситалардан, қурилма, модда ва штаммлардан фойдаланиш орқали тавсифланса, бу воситаларни ихтирони амалга ошириш мумкин бўлган ҳолда очиқ бериш kifоя. Номаълум воситалардан фойдаланилган бўлса, уларнинг характеристикалари келтирилади, зарур ҳолларда график тасвирлар илова қилинади.

Қурилма, усул, модда, штаммни янги вазифада қўлланилишига тааллуқли ихтиро учун ушбу вазифани амалга ошириш имкониятларини тасдиқловчи маълумотлар келтирилади.

Ихтиронинг формуласи, патент орқали бериладиган ҳуқуқий муҳофаза ҳажмини белгилаш учун мўлжалланган.

Ихтиронинг формуласи тавсифига ва чизмаларга тўлиқ асосланган бўлиши, яъни ихтирони унинг тавсифида мавжуд бўлган ва чизмаларда кўрсатилган тушунчалар билан таърифлаб бериши лозим.

Ихтиронинг формуласи унинг моҳиятини ифодалаш керак, яъни талабнома берувчи томонидан кўрсатилган техникавий натижага эришиш учун етарли даражада ихтиронинг муҳим аломатлари мажмуини ўз ичига олиши лозим.

Ихтиронинг аломатлари ихтиро формуласида шундай ифода этилиши лозимки, уларни айнанлаштириш, яъни маълум бўлган техника тараққиёти

даражаси асосида уларнинг маъноси ва мазмуни мутахассислар томонидан бир хил маънода тушунилиши имкониятини таъминлансин.

Ихтиро форумаласидаги аломат таърифини ахборот манбаига илова қилиш билан алмаштирилиши мумкин эмас. Аломатни талабнома тавсифи ёки чизмаларга ҳавола қилмасдан таърифлашнинг иложи бўлмаса, ушбу Қоидаларнинг 65-банди талабларини бузмаган ҳолда, аломат таърифи бундай ҳавола қилиш билан алмаштирилиши мумкин.

Ихтиро формуласи хусусан агар у қуйидагиларни: %

- кимёвий бирикма;
- микроорганизм штамми, ўсимлик ва ҳайвон ҳужайралари линияси;
- аввал маълум бўлган қурилма, усул, модда, штамми янги мақсадда қўлланилиши;

- аналогларга эга бўлмаган ихтирони ҳарактерласа, бандни чекловчи ва фарқловчи қисмларга бўлинмай тузилади.

Формуланинг банди битта гап кўринишида баён этилади.

Ихтиро моҳиятини тушунтирадиган материаллар, график тасвирлар (чизмалар, схемалар, графиклар, эпюралар, расмлар, осилограммалар ва ҳ.к.) тасвирлар ва жадваллар кўринишида бажарилиши мумкин.

Тавсифини чизмалар ёки схемалар билан тасвирлашнинг иложи бўлмаган ҳолда расмлар топширилади.

Фотосуръатлар график тасвирларга қўшимча сифатида топширилиши мумкин.

Чизмалар, схемалар, расмлар алоҳида варақларда ва ҳар бир варақнинг юқорисидан ўнг бурчагида ихтиронинг номи кўрсатилган ҳолда тақдим этилади.

Реферат ихтиро ҳақида маълумот олиш учун хизмат қилади ва ихтиро тавсифининг қисқартирилган баёни бўлиб, ихтиро номи, ихтиро мансуб бўлган техника соҳасининг ҳарактеристикаси, моҳият ҳарактеристикаси, у ва ёки қўлланилиш соҳаси, агар бу номидан аниқ бўлмаса эришиладиган техник натижани моҳият ҳарактеристикасини ўз ичига олади. Рефератда ихтиро моҳияти ихтиро формуласининг мустақил пунктдаги ҳамма муҳим аломатларини сақлаган ҳолда эркин ифодаланиши орқали ҳарактерланади.

Зарур ҳолларда ихтиро рефератига чизма ёки кимёвий формула киритилади. Рефератга киритилган чизма алоҳида варақда, реферат матни миқдоридаги нусхалар сонидан, шу жумладан тавсифга илова қилинган чизмалар фигураларидан бирига мос келган ҳолларда ҳам берилади.

Реферат қўшимча маълумотлар, хусусан боғланган бандлар, график тасвирлар, жадваллар мавжудлиги ва сони кўрсатилиши мумкин.

Реферат матнининг тавсия этиладиган ўртача ҳажми 1000 та босма белгигача.

2. Патент идорасига талабномани топшириш тартиби

Патент бериш ҳақидаги талабномани топшириш. Патент бериш ҳақидаги талабнома муаллиф, иш берувчи ёки уларнинг ҳуқуқий вориси томонидан Патент идорасига топширилади.

Патент бериш ҳақидаги талабномаларга белгиланган миқдорда патент божи тўланганлигини ёки патент божи тўлашдан озод қилишнинг ёхуд унинг миқдори камайтирилишининг асосларини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинади.

Патент бериш ҳақидаги талабнома ҳужжатларига доир талаблар Патент идораси томонидан белгиланади.

Патент бериш ҳақидаги талабнома шахсан, патент вакили ёки ишончли шахс орқали топширилиши мумкин.

Талабнома материаллари Патент идораси талабларига биноан расмийлаштирилиши керак.

Ҳамма ҳужжатлар, зарур бўлган ҳолларда уларни бевосита препродукция қилиниб, чекланмаган миқдорда нусха кўчириш имконияти бўлган тарзда расмийлаштирилади.

Ҳар бир варақнинг фақат бир томонидан, қаторларни варақнинг кичик томонига параллел жойлаштирилган ҳолда фойдаланилади.

Талабноманинг ҳужжатлари пишиқ, оқ, текис, ярқирамайдиган қоғозда бажарилади. Талабнома ҳужжатларини МЎТда ҳам бериш мумкин.

Талабноманинг ҳар бир ҳужжати алоҳида варақдан бошланади. Варақлар 210x297 мм. форматга эга бўлади. тавсиф, формула, чизма ва рефератларни ўз ичига олган варақнинг ҳошияси қуйидагича бажарилади, мм.:

- юқориги – 20;
- ўнгдаги – 20;
- пастки – 20;
- чапдаги – 20.

Чизмалар чизилган варақлардаги фойдаланиладиган сстахнинг ўлчами 170-262 мм. дан ошмаслиги лозим, ҳошияларнинг ўлчами қуйидагилардан кам бўлмаслиги керак, мм.:

- юқориги – 25;
- ўнгдаги – 25;
- пастки – 10;
- чапдаги – 25.

Бу варақларда фойдаланилган ёки фойдаланишга яроқли сатҳ атрофида рамка чизилмаслиги лозим.

Тасвирлар формати талабнома ҳужжатлари варақларининг белгиланган ўлчамларидан ошмаган ҳолда танлаб олинади. Кичик форматдаги тасвирлар (фотосуръатлар) варақ формати ва сифатига қўйилган талабларга риоя қилган ҳолда қоғоз варақларига ёпиштирилган ҳолда тақдим этилади.

Талабнома ҳар бир ҳужжатнинг варақлари ва нуклеотидлар ва аминокислоталар кетма-кетлиги рўйхати бир-бирига боғлиқ бўлмаган бирдан бошланадиган варақлар рақамига эга. Варақларнинг рақамлари иккинчи варақдан бошлаб араб рақамлари билан қўйилади.

Ҳужжатлар қора рангли шрифтда босма ҳаврлар билан машинкада ёзилади. Тавсиф, формула, реферат матни 1,5 интервалда ёзилади, бош ҳарф катталиги 2,1 мм. дан кам бўлмаслиги керак.

График белгилар, лотинча номлар, лотин ва юнонча ҳарфлар, математик ва кимёвий формулалар ва белгилар қора сиёҳ, туш билан ёзилиши мумкин. Формулани босма ҳарфда ва қўлда аралаш ёзиш мумкин эмас.

Талабномани топшириш. Ихтиро муаллифи, иш берувчи ёки уларнинг ворислари талабнома топшириш ва патент олиш ҳуқуқига эга.

Талабнома бевосита Патент идорасига топширилади ёки почта орқали юборилади.

Талабнома бевосита талабнома берувчи томонидан ёки Патент идорасида рўйхатдан ўтказилган патент вакиллари ёхуд бошқа вакил орқали топширилиши мумкин.

Қонуннинг 35-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшаётган жисмоний шахслар ёки хорижий юридик шахслар, агар Ўзбекистон Республикаси иштирок этган халқаро шартномада бошқача кўзда тутилмаган бўлса, талабнома бери шва патент олиш билан боғлиқ ишларни Патент идорасида рўйхатдан ўтказилган патент вакиллари орқали олиб борадилар.

Вакил тайинлаш. Талабнома бўйича ишларни олиб бориш ва талабномани кўриб чиқишда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун талабнома берувчи ишончнома бериш орқали вакил тайинлаш мумкин.

Патент идораси билан ёзишмаларни олиб бориш. Ёзишма талабнома берувчи билан ёки ушбу ишга ваколат берилган унинг вакили билан ҳар бир талабнома бўйича алоида олиб борилади.

3. Патент идораси томонидан топширилган талабномаларни кўриш тартиби

Патент идорасига келиб тушган талабнома материаллари, агар энг камида ўзбек ёки рус тилида патент бериш тўғрисидаги ариза ва белгиланган

миқдорда патент божи тўланганини тасдиқлайдиган ёки миқдорда патент божини тўлашдан озод этиш учун ёхуд унинг миқдорини камайтириш учун асосларни тасдиқлайдиган ҳужжатдан иборат бўлса, улар келиб тушган санаси кўрсатилган ҳолда рўйхатга олинади.

Талабномага Патент идорасининг рўйхат рақами берилади.

Талабнома берувчи рўйхат рақами ва келиб тушган санасини маълум қилган ҳолда талабнома материалларида расмий экспертизасини муддатдан илгари бошлаш ҳақидаги илтимоснома бўлса, талабнома берувчи талабнома ҳужжатларининг таржимаси олинмагунга қадар расмий экспертизани ўтказиш мумкин эмаслиги ҳақида хабардор қилинади.

Рўйхатдан ўтказилган талабнома материаллари қайтарилмайди.

Талабнома материаллари Патент идорасига келиб тушгандан патент берилганлиги тўғрисидаги маълумотлар расмий нашрда чоп этилгунга қадар конфиденсиал ҳисобланади ва талабнома берувчининг розилигисиз эълон қилиниши мумкин эмас.

Патент идораси патент беришга талабнома бўйича Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ расмий экспертиза ва ихтирога талабноманинг моҳияти бўйича илмий техник экспертизадан иборат бўлган давлат экспертизасини ўтказиши.

Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ талабноманинг расмий экспертизаси у Патент идорасига келиб тушган санасидан икки ой ўтгандан сўнг ўтказилади.

Расмий экспертиза ўтказиш давомида қуйидагилар текширилади:

а) талабнома таркибида бўлиши ёки унга илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларнинг мавжудлиги;

б) ихтиро моҳиятини таҳлил қилмасдан туриб аниқланадиган белгиланган талабларга риоя қилинганлиги;

в) Қонуннинг 14-моддаси тўртинчи қисмида кўзда тутилган ҳолларда талабнома топшириш тартибига, жумладан патент вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ишончноманинг мавжудлиги ва тўғри расмийлаштирилишига риоя қилинганлиги;

г) талабнома ихтиро сифатида муҳофазаланадиган объектларга оид таклифга берилганлиги;

д) талабнома бўйича Патент идорасига келиб тушган санасидан аввалроқ устуворликни сўраш асосланганлиги;

е) ихтирони ХПТнинг амал қилаётган таҳриридаги таснифланиши тўғрилиги (агар талабнома берувчи томонидан таснифланмаган бўлса таснифланади).

Рўйхатга олинган талабномада талабномани топшириш учун белгиланган миқдорда бож тўланганини тасдиқладиган ҳужжат мавжудлиги текширилади.

Агар расмий экспертиза жараёнида талабнома ҳужжатлари қўйилган талабларга риоя қилинмаган ҳолда расмийлаштирилгани аниқланса, талабнома берувчига камчиликларни кўрсатиб, зарур ҳуқуқий асосларни келтирган ҳолда ва етишмаган ёки тузатилган ҳужжатларни сўроchnома жўнатилган санадан эътиборан уч ой ичида тақдим этиш таклиф этилган сўроchnома юборилади.

Агар талабнома берувчи белгиланган муддатда сўралган материалларни ёки уларни топшириш муддатларини узайтириш ҳақидаги илтимосномани ушбу Қоидаларнинг 10-§ида кўзда тутилган шартларга риоя қилинган ҳолда тақдим этмаса, талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади ва бу ҳақида талабнома берувчига хабар берилади. Талабнома бўйича иш юритиш тўхтатилади.

Талабнома моҳиятини бирон-бир техника соҳасига оидлигини аниқлаш мақсадида Патент идораси талабнома берилган ихтирони ХПТнинг амалдаги таҳрири бўйича таснифлайди.

Таснифлаш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- талабнома расмий экспертизани ўтказишда;
- талабноманинг моҳияти бўйича экспертиза ўтказишда;
- таснифлаш “ХПТга кириш”да белгиланган қоидаларга мувофиқ ўтказилади.

Талабнома берилган ихтиро тушуниш учун тавсиф ва чизмалардан фойдаланилади. Агар талабнома ХПТнинг турли рубрикаларига тегишли бир неча объектларни ичига олган бўлса, барча мос тасниф индекслари аниқланади. Бу ҳолда биринчи индекс ихтиро номи билан аниқланади. Расмий экспертиза босқичида аниқланган тасниф индекслари талабноманинг моҳияти бўйича экспертиза ўтказиш жараёнида ўзгартирилиши мумкин.

Ихтирога талабнома экспертизасида қуйидагилар амалга оширилади:

- ихтиро устуворлигини белгилаш, агар у Қонуннинг 18-моддаси иккинчи-тўртинчи қисмларига кўра сўралаётган бўлса;
- талабнома берувчи томонидан ихтиро формуласининг ушбу Қоидаларнинг 62-85-бандларида келтирилган талабларга мувофиқлигини текшириш;
- қўшимча материалларни ушбу Қоидаларнинг 22-§ига мувофиқ текшириш, агар талабнома берувчи томонидан бундай материаллар тақдим этилган бўлса;

- талабнома берувчи томонидан талабноманинг дастлабки материалларида ёки талабномани кўриб чиқишда эътиборга олинган кўшимча материалларда таклиф қилинган формулада таърифланган ихтиронинг патентга лаёқатлилиқ шартларига мувофиқлигини текшириш.

Саноат мулки объектининг устуворлиги патент бериш учун талабнома Патент идорасига топширилган сана бўйича белгиланади.

Текшириш ихтиронинг талабнома расмий экспертизаси тугаган вақтдаги дастлабки материаллардаги формуласига нисбатан ўтказилади, агар у талабнома берувчи томонидан бундан кейин ўзгартирилган ҳолда, ушбу Қоидаларнинг 20-§ида кўрсатилган талаблар бажарилган бўлса, ўзгартирилган формула текширилади.

Формулани текширишда ихтиро бирлиги талаби бажарилганлиги аниқланади.

Формулани текшириш, шунингдек қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) ихтиро кўп звеноли формуласининг боғлиқ бандларида ихтиронинг тегишли хусусий бажарилиш ҳолларидаги ёки жамият манфаатлари, инсонпарварлик ёки ахлоқ-одоб қоидаларига зид белгилар мавжудлигини аниқлаш;

б) ихтиро формуласида ўзи боғлиқ бўлган банднинг белгиларини чиқариб ташлашни ёки алмаштиришни кўзда тутадиган боғлиқ банднинг мавжудлиги.

Талабнома берилган ихтиронинг патентга лаёқатлилигини кўшимча равишда у патентга лаёқатли деб, тан олинмайдиган таклифлар рўйхатга оид эмаслиги текширилади ва ихтиронинг саноатда қўллаш мумкинлиқ, янгилик ва ихтиролик даражаси шартларига мувофиқлиги аниқланади.

Қонуннинг 6-моддаси учинчи қисмига кўра ихтиро агар мутахассис учун техника тараққиёти даражасидан яққол келиб чиқмаса, ихтирлик даражасига эга деб ҳисобланади.

Ихтиролик даражасини текшириш ихтиро формуласининг мустақил бандида келтирилган ихтирога нисбатан ўтказилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ушбу Қоидаларнинг 28-бандига мувофиқ энг яқин аналогни аниқлаш;
- талабнома берилган ихтиро энг яқин аналогдан фарқланадиган белгиларни (фарқлануви белгилар) аниқлаш;
- техника тараққиёти даражасидан ихтиронинг фарқланувчи белгилари билан мос бўлган техникавий ечимларини аниқлаш.

4. Патент идораси томонидан ихтиро, фойдали моделлар ва саноат намуналарига патент ҳужжатини берилиши

Талабнома берувчи томонидан таклиф этилган формула билан ифодаланган талабнома берилган ихтиро (агар ихтиролар гуруҳига талабнома берилган бўлса, гуруҳдаги ҳар бир ихтиро) ҳамма патентга лаёқатлилиқ шартларига мувофиқлиги аниқланган ҳолда, талабнома берувчига шу формула билан ихтирога патент берилиши мумкинлиги ҳақида ва ушбу билдиришнома жўнатилган санадан эътиборан уч ой ичида экспертиза хулосаларига нисбатан ўз фикрини маълум қилиш таклиф этилган билдиришнома юборилади.

Агар тавсиф ва чизмаларда камчиликлар бўлиб, аввал талабнома берувчи уларни йўқотиш ҳақида огоҳлантирилмаган бўлса, таклиф жўнатилган санадан эътиборан уч ой ичида аниқликлар киритилган тавсиф ва ёки чизмаларни тақдим этиш ҳақидаги таклиф юборилади.

Бу ҳолда, талабнома берувчига бу муддат камлик қилса, у ушбу муддат ўтгунга қадар патент божини тўлаш шarti билан бошқа, мобайнида аниқликлар киритилган тавсиф ва ёки чизмаларни тақдим этадиган, муддат ҳақидаги таклиф жўнатилган санадан эътиборан олти ойдан ошмаган муддат ҳақида маълум қилиши мумкинлиги хабар қилинади.

Талабнома берувчи, шунингдек агар эслатиб ўтилган уч ойлик муддат ичида аниқлик киритилган тавсифни ёки кўрсатиб ўтилган мазмундаги хабарни тақдим этмаса, бундай хабар келган ҳолда эса, аниқлик киритилган тавсифни ушбу хабарда кўрсатилган муддатда тақдим этмаса, талабнома бўйича ушбу сўровномада баён қилинган ихтиро формуласи билан қарор қабул қилиниши ва нашр этишда биринчи берилган ихтиро тавсифидан фойдаланилади.

Талабнома берувчидан экспертизанинг фикрига нисбатан розилиги келиб тушганда унга ихтирога сўровномада кўрсатилган формула билан патент бериш тўғрисидаги қарор юборилади.

Агар талабнома берилган формула ихтиро моҳиятини ифодаласа ва тавсифга тўлиқ асосланган бўлса, лекин энг яқин аналогни (ёки умуман аналогни) ҳисобга олмай тузилган бўлса ёки таркибида талабнома берилган объект белгилари билан бир қаторда бошқа объект белгилари бўлиб, талабнома берувчи ўзи тузган таҳрирдаги формулани қолдиришни қаттиқ туриб талаб қилса, патент бериш тўғрисидаги қарорда талабнома берувчининг таҳриридаги формула келтирилади.

Талабнома берувчи таклиф қилган таҳрирдаги формула, шунингдек формуладаги белгилар стандарт бўлмаган ёки ҳамма қабул қилмаган атамалардан фойдаланган ҳолда таърифланган бўлса (лекин бу уларни

айнанлаштиришга тўсқинлик қилмаса) ва талабнома берувчи қисмига мувофиқ кўриб чиқилган барча ихтироларнинг патентга лаётқатлилиги аниқланган ҳолда ҳам келтирилади.

Талабнома берувчи томонидан таклиф этилган ихтиро формуласида орфографияга, тиниш белгиларига оид ва бошқа хатолар бўлган тақдирда патент бериш тўғрисидаги қарорни тайёрлашда формулага тегишли тузатишлар киритилади.

Белгиланган патент божи тўланган тақдирда Патент идораси Қонуннинг 24-моддасига кўра ихтирони Ихтиролар давлат рејстрида рўйхатдан ўтказди ва Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ ихтиро рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотларни нашр қилади.

Талабнома берувчи таклиф этилган формула билан ифодаланган талабнома берилган ихтиро патентга лаётқатлилигининг ҳеч бўлмаганда бирорта шартига (“саноатда қўллаш мумкинлик”, “янгилик”, “ихтирлик даражаси”) мувофиқ эмаслиги аниқланган ҳолда талабнома берувчига ихтирога патент берилиши мумкин эмаслиги ҳақида, ушбу сўровнома жўнатилган санадан эътиборан уч ой ичида экспертиза хулосаларига нисбатан ўз фикрини маълум қилиш таклиф этилган сўровнома юборилади.

Талабнома берувчига, шунингдек агар, эслатиб ўтилган уч ойлик муддат ичида кўрсатиб ўтилган мазмундаги хабарни тақдим этмаса, талабнома чиқариб олинган деб ҳисобланиши ҳақида хабар қилинади.

Таянч иборалар: Талабнома; ихтиро муаллифи; талабнома тузиш; Париж конвенцияси; БМТ СТ,25 стандарти; талабнома ҳужжатлари; код; БИМТ; штамм; чизмалар фигураси; талабнома ҳужжутлари ўлчамлари; расмий ҳужжат.

Назорат учун саволлар:

1. Талабноманининг таркиби. Патент олиш учун талабнома тузиш.
2. БМТ нинг СТ.25 стандартининг моҳияти.
3. Ихтиро номининг атамага хослиги.
4. Қурилмаларни тавсифлаш аломатлари.
5. Патент идорасига талабномани топшириш тартиби.
6. Топширилган талабномаларни кўриш тартиби.
7. Ихтиро, фойдали моделлар ва саноат намуналарига патент ҳужжатларининг берилиш қоидалари.

Талабанинг мустақил иш топшириқлари:

1. Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарига патент олиш учун талабнома тузиш бўйича билиши ке маълумотга эга бўлиши керак.

2. Патент идорасига талабномани топшириш тартиби ва топширилган талабномаларни кўриш тартиби тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлиши лозим.

3. Патент идораси томонидан ихтиро, фойдали моделлар ва саноат намуналарига патент хужжатини берилиши ҳақида кўникмаларга эга бўлиши лозим.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати: 3, 4, 5, 6

5-мавзу. Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарлар келиб чиқиш жой номлари тушунчаси, мазмуни, моҳияти

1. Маъруза таълим технологияси

Вақти - 2 соат	Талабалар сони: 5-10 нафар	
Уқув машгулотининг шакли	Маъруза - конференция.	
Маъруза машгулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Товар белгилари тушунчаси, тузилиши ва моҳияти. 2. Хизмат кўрсатиш белгиларининг тузилиши ва кўриниш ҳоллари. 3. Товарлар келиб чиққан жой номларини кўриниш ҳоллари, мазмуни тўғрисида. 4. Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарлар келиб чиқиш жой номларининг устуворлик тушунчаси ҳақида. 	
<i>Уқув машгулотининг мақсади:</i> Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарлар келиб чиқиш жой номлари тушунчаси, мазмуни, моҳияти тўғрисида қонунга асосланган ҳолда тушунчаларни талабаларга тушунтириш		
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Уқуе фаолиятининг натижалари:</i>	
<ul style="list-style-type: none"> • Товар белгилари тузилиши ва унинг моҳияти тугрисида маълумот беради. • Хизмат кўрсатиш белгиларининг тузилиши, кўриниш ҳоллари ҳақида гапириб беради • Товарлар келиб чиққан жой номларининг кўриниш ҳоллари 	<p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Хизмат кўрсатиш белгиларининг тузилиши, кўриниш ҳоллари ҳақида маълумотга эга булади • Товарлар келиб чиққан жой номларининг кўриниш ҳоллари • ҳақида билиб олишади 	

<p>хақида гапириб беради</p> <ul style="list-style-type: none"> Товарлар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товарлар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш талаблари хақида гапириб беради 	<ul style="list-style-type: none"> Товарлар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товарлар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш талаблари хақида билиб олишади
Укитиш услуби ва техникаси	Маъруза - конференция, муаммоли маъруза, ак^лий хужум, мунозара, такдимот
Укитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, график органайзерлар.
Укитиш шакли	Фронтал, индивидуал, гуруҳ, билан ишлаш,
Укитиш шароитлари	Намунадаги аудитория

Маърузанинг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	укитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	1.1. Маъруза мавзуси ва режаси эълон қилинади. Аввалги мавзуга савол-жавоб орқали боғланади	1.1. Эшитадилар, ёзадилар
2-босқич. Асосий (60 мин.)	2.1. Мавзуни ёритиш учун муаммоли саволларни таклиф этади. Товар белгилари тузилиши ва унинг моҳияти тугрисида маълумот беради. Хизмат кўрсатиш белгиларининг тузилиши, кўриниш ҳоллари хақида гапириб беради Товарлар келиб чиққан жой номларининг кўриниш ҳоллари хақида гапириб беради Товарлар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товарлар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш талаблари хақида гапириб беради	2.1.Муаммоли саволларга эътибор берадилар: «биламан-билдим» жадвалининг 1-устунини тулдирадилар. 2.2.Эшитадилар, ёзадилар. 2.3.Эшитадилар, ёзадилар.

3-боскич. Якуний (10 мин.)	3.1. Мавзуга хулоса чиқаради. Асосий масала устида тухталади. 3.2. Муस्ताкил иш учун топшириклар беради:	3.1.Эшитадилар, саволларини беради ёзиб оладилар. 3.2.Топширикларни ёзиб оладилар.
----------------------------------	---	--

1. Товар белгилари тушунчаси, тузилиши ва моҳияти

2001 йилнинг 22 сентябрида амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида” Қонунига мувофиқ товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси – бу бир юридик ва жисмоний шахсларнинг товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги ўхшаш товарлари ва хизматларидан фарқлаш учун хизмат қилувчи белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгидир.

Товар белгилари сифатида тасвирий, сўзли, ҳажмий ва бошқа телгилар ёки уларнинг исталган рангдаги ёки ранглар бирикмасидаги комбинациялари бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда товар белгисига ҳуқуқий муҳофаза фақат у расмий рўйхатдан ўтказилгандан сўнг берилади.

Товар белгиси тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахслар номига рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун Қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилган талабномани Давлат патент идорасига топшириш зарур. Қонунда белгиланган экспертиза ўтказилгандан сўнг ва патент божи тўланганлиги тўғрисида ҳужжат олинган санадан бошлаб бир ой давомида товар белгиси рўйхатдан ўтказилади.

Товар белгиси рўхатдан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотлар Патент идорасининг бюллетенида эълон қилинади.

Товар белгисига гувоҳнома товар белгиси рўйхатдан ўтказилганидан кейин бир ой давомида Патент идораси томонидан берилади ва талабнома санадан бошлаб ўн йил давомида амал қилади.

Товар белгисига гувоҳноманинг амал қилиши муддати ҳуқуқ эгасининг гувоҳнома амал қилишининг сўнги йили давомида топширилган аризасига кўра ҳар гал ўн йилга узайтирилиши мумкин.

Товар белгилари сифатида хусусан, қуйидаги белгилар рўйхатдан ўтказилмайди:

- фарқлаш хусусиятига эга бўлмаган белгилар;

- умум қабул қилинган тимсоллар ва атамалар ҳисобланган белгилар;
- товарларнинг сифати, миқдори, хусусиятлари, вазифаси, қимматлилигини ҳамда уларнинг ишлаб чиқарилган ёки сотилган вақтини таърифлаш учун фойдаланиладиган белгилар;
- товар ёки унинг тайёрловчисига нисбатан ёлғон ёки адаштиришга олиб келиши мумкин бўлган белгилар.

Товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар тўлалигича “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 10-моддасида санаб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат патент идораси (матнда “Патент идораси” деб юритилади) товар келиб чиққан жой номларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Патент идораси:

- товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширишга қатнашади;
- товар белгисини, товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқий талабномаларни кўриб чиқиш учун қабул қилади, улар юзасидан давлат экспертизасини ўтказади;
- товар белгиларини, товар келиб чиққан жой номларини ва товар келиб чиққан жой номларидан фойдаланишга доир ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказишни амалга ошириш.

Товар белгилари давлат рејстерини ва товар келиб чиққан жой номлари давлат рејстерини (бундан буён давлат рејстри деб юритилади) юритилади:

- товар белгиси учун гувоҳнома ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида маълумот;
- товар белгилари рўйхатга олинганлиги ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи маълумотларни эълон қилади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

2. Хизмат кўрсатиш белгиларнинг тузилиши ва кўриниш ҳоллари

Хизмат кўрсатиш белгиларига қўйилган талаблар товар белгиларига қўйилган талабларга тўғри келади.

Жумладан: Хизмат кўрсатиш белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар.

Қуйидагилар хизмат кўрсатиш белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

- 1) давлат герблари, байроқлари ва давлат мукофотларининг тасвири туширилган белгилар;

2) давлатнинг расмий номлари, халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ ёзилган номлари белгилари;

3) расмий назорат, кафолат тамғалари ва намуна йўсинидаги тамғалар, муҳрлар;

4) давлат хизматларининг Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ажратиш ва фарқлаш белгилари тасвирлари;

5) фарқлаш хусусиятига эга бўлмаган белгилар;

6) муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар;

7) умум эътироф этилган рамзлар ва атамалар ҳисобланган белгилар;

8) хизматларни, шу жумладан уларнинг тури, сифати, сони, хусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги, уларнинг ишлаб чиқариладиган ёки ўтказиладиган жойи ва вақтини тавсифлаш учун фойдаланиладиган белгилар;

9) товар ёки унинг тайёрловчиси хусусидаги ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиш мумкин бўлган белгилар;

10) товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда сиқарилганлиги ҳақида тасаввур берувчи белгилар;

11) маданли сувлар, вино ёки кучли спиртли ичимликларнинг аслиятини акс эттирувчи жўғрофий номларини ифодалаовчи белгилар, мазкур жойда чиқарилмаган товарларни белгилаш учун ишлатилган белгилар, шунингдек “кўринишдаги”, “турдаги”, “усулдаги” ва бошқа шунга ўхшаш сўзлар билан кўшилган ҳолдаги белгилар;

12) жамият манфаатларига, одамийлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлган белгилар;

13) қуйидаги белгилар:

- илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатда берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилганлиги ёки шу турдаги товарларга нисбатан анча илағирроқ устуворликка эга бўлган товар белгилари билан адаштирилган ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

- ҳар қандай хизматларга нисбатан бошқа шахсларнинг белгиланган тартибда умум эътироф этилган даражада бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

- ушбу Қонунга мувофиқ муҳофаза қилинадиган хизмат кўрсатиш белгилари бўлган белгилар билан ва бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар, бу белгилар ҳар қандай хизматларга нисбатан шундай мақомга эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиладиган хизмат кўрсатиш белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисм бундан мустасно;

- белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сертификатлаш белгилари билан адаштириб юбориш даражаси ва шунга ўхшаш бўлган белгилар;

14) қуйидаги белгилар:

- ўзга шахсларга тегишли ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таниқли бўлган фирма номларини номга бўлган ҳуқуқ бир турдаги товарларни белгилаш учун товар белгисига доир талабнома келиб тушганлиги бўлса, такрорловчи белиглар;

- саноат намуналарини, агар уларга ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасида ўзга шахсларга берилган белгилар;

- Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган илмий асарлар, адабиёт ва санъат асарларининг номларини ва ибораларини, санъат асарларини ёки улардан кўринишларни муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар;

- атоқли шахсларнинг фамилиялари, исмлари, тахаллуслари ва улардан ясалган сўзларини, башарти булар Ўзбекистон Республикасининг тарихий ва маданий бойлиги бўлса, ана шундай меросхўрлари ёки давлат органи розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1-4 бандларида кўрсатилган белгилар, агар бунга тегишли давлат органлари розилиги бўлса, товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисмлар сифатида киритилиши мумкин, ушбу бандларда кўрсатилган белгилар, агар улар товар белгисига мавқега эга бўлмаса, бу белги киритилиши мумкин.

Ушбу модда биринчи қисмининг 5-8 бандларида кўрсатилган белгиларни рўйхатдан ўтказишга, башарти фойдаланиш натижасида фарқланиш хусусиятига эга бўлган тақдирдагина, йўл қўйилиши мумкин.

Ушбу модда биринчи қисмининг 13-бандидаги иккинчи ва учинчи хатбошиларда кўрсатилган даражада уларга айнан ўхшаш бўлган белгиларни рўйхатдан ўтказишга товар белгиси эгасини розилиги бўлган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин.

3. Товарлар келиб чиққан жой номларини кўриниш ҳоллари, мазмуни тўғрисида

Товар келиб чиққан жой номи. Мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки бошқа жўғрофий объектнинг (бундан буён матнда “жўғрофий объект” деб юритилади) белгилаш учун ишлатиладиган, унинг алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий объектнинг ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган номи товар жой номи эътироф этилади.

Товар келиб чиққан жой номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш. Товар келиб чиққан жой номи ҳуқуқий жиҳатдан уни ушбу Қонунда белгиланган тартибда, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ равишда муҳофаза қилинади.

Товар келиб чиққан жой номи мазкур жўғрофий объектдаги, номи ўзлари ишлаб чиқараётган товар ишлатиладиган бир ёки бир неча юридик ёки жисмоний шахс томонидан рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказган шахс бу номдан, башарти мазкур шахс ёки асосан мазкур жўғрофий объектга хос табиий шароитлар ёки бошқа омиллар билан ёхуд табиий хусусиятлар бирикмаси билан белгиланадиган товарни ишлаб чиқараётган бўлса, фойдаланиш ҳуқуқини олади.

Ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиққан жой номидан жой ёки бошқа жўғрофий объектга жойлашган ва айнан шундай хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқараётган жисмоний шахсга ҳам берилиши мумкин.

Товар белгисини ва товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номларини ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун бериладиган талабномага доир талаблар. Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиши учун бериладиган талабнома товар белгисига ёки товар келиб чиққан бирж ой номига тааллуқли бўлиши лозим.

Талабномада қуйидагилар бўлиши керак:

- товар белгиси сифатида белгини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза;

- талабномада кўрсатилган белгининг тасвири;

- белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун товарлар ва хизматларнинг халқаро таснифига мувофиқ гуруҳланган тартибда рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарларнинг рўйхати;

- товар ишлаб чиқарилган жойни жўғрофий объект чегарасида кўрсатган ҳолда товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товар турининг номи тавсифи.

Талабномага қуйидагилар илова қилиниши зарур:

- талабнома берганлик учун патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

- талабнома патент вакили орқали берилган тақдирда талабнома берувчининг ишончномаси;

- талабнома берувчининг зикр этилган жўғрофий объектда жойлашганлигини ва алоҳида хусусиятларининг табиий шароитлар ёки бошқа омиллар билан ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омиларнинг бирикмасини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- чет эллик талабнома берувчининг товар келиб чиққан жойининг талабномада ифодаланган бошқа мамлакатда фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига доир талабномани расмийлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатларга тааллуқли талаблар Патент идораси томонидан берилади.

Товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган ҳужжатлар. Қуйидаги белгилар товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

- товар келиб чиққан жой хусусида истеъмолчини чалғитиб қўядиган жўғрофий ном бўлган белгилар;

- товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида берувчи белгилар;

- товар тайёрланган жой номи билан боғлиқ бўлмаган жўғрофий номни англатувчи ва Ўзбекистон Республикаси товар белгиси сифатида фойдаланишда бўлган белгилар.

4. Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарлар келиб чиқиш жой номларининг устуворлик тушунчаси ҳақида

Ўзбекистон Республикасида Патент идораси олдида вакиллик қилиш учун расмийлаштириладиган ишончнома, оддий ёзма шаклда тузилади ва нотариус томонидан тасдиқланиши талаб этилмайди. Ишончнома талабнома билан бир вақтнинг ўзида ёки талабнома келиб тушган санадан икки ойдан кечиктирилмай топширилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшовчи жисмоний шахснинг ёки чет эллик юридик шахснинг манфаатларига вакиллик қилиш учун патент идорасида рўйхатдан ўтказилган патент вакилига ишончнома, талабнома берувчи шахснинг ўзи томонидан, шунингдек талабнома берувчи томонидан берилган тешигли ишончномага эга патент вакили томонидан ҳам берилиши мумкин. Бундай ҳолларда кўрсатиб ўтилган икала ишончнома ёки унинг тўғри расмийлаштирилган нусхаси илова қилинади.

Агар ишончнома Патент идорасида рўйхатдан ўтказилган бир неча патент вакилларига берилган бўлса, у ҳолда талабнома бўйича маҳсулот белгисини рўйхатдан ўтказиш бўйича ишлар, уларнинг исталган бири томонидан олиб борилиши мумкин. Ишончнома бўйича вакил қилинган

патент вакилининг ҳар қандай ҳатти-ҳаракати, ариза берувчининг ҳатти-ҳаракатидир деб баҳоланади.

Конвенция усутворлиги сўраб берилган талабномага (бундан буён конвенция талабнома) талабнома берувчи томонидан саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси қатнашчиси бўлган давлатда берилган биринчи талабноманинг тадиқланган нусхаси ва унинг ўзбек ёки рус тилига қилинган таржимаси илова қилинади, улар конвенция талабномаси Патент идорасига келиб тушган санадан бошлаб уч ой муддатдан кечиктирилмай топширилади. Талабнома нусхасининг таржимаси таржимон имзоси билан тасдиқланади. Конвенция усутворлигини белгилаш тўғрисидаги илтимоснома, талабнома бериш пайтида (гувоҳнома бериш тўғрисидаги аризанинг тегишли графасида келтирилади) ёки Патент идорасига келиб тушган санадан бошлаб икки ой муддат давомида топширилиши мумкин.

Кўргазмага оид усутворлик сўраб берилган талабномага, бундай усутворлик сўрашнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжат илова этилади, у Патент идорасига талабнома келиб тушган санадан бошлаб уч ойдан кечиктирилмай топширилади. Талабнома берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжат, саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясининг қатнашчиси бўлган давлатлардан бирининг ҳудудида ташкил этилган кўргазманинг мақомни, яъни расмий халқаро кўргазма ёки халқаро деб расман тан олинган кўргазмалигини тасдиқлаши ва товарларни намойиш этган шахснинг номини, белгини, шу белги қўйилган товарлар рўйхатини, шунингдек, экспонатларни очик намойиш этиш бошланган санани ўз ичига олиши лозим. Ҳужжат тегишли кўргазманинг маъмурияти ёқит ташкилий қўмитаси томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

Талабномада кўрсатилган белгини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза ўзбек ёки рус тилида топширилади. Талабноманинг бошқа ҳужжатлари ўзбек, рус ёки бошқа тилда топширилади.

Агар талабнома ҳужжатлари бошқа тилда топширилган бўлса, талабномага уларнинг ўзбек ёки рус тилига таржимон имзоси билан тасдиқланган таржимаси илова қилинади. Бошқа тилда топширилган ҳужжатлар Патент идорасига келиб тушган санада топширилган деб ҳисобланади, агар уларнинг таржималари бошқа тилда топширилган ҳужжатлар келиб тушган санадан бошлаб икки ой муддат ичида топширилса, акс ҳолда ҳужжатлар, уларнинг таржималари келиб тушган санада топширилган деб ҳисобланади.

Талабнома (белгини рўйхатдан ўтказишга талаб этилаётган тасвирдан ташқари) икки нусхада топширилади.

Белгининг рўйхатдан ўтказиш учун талаб этилаётган тасвири 5 нусхада топширилади.

Талабномага илова этилаётган ҳужжатлар бир нусхада топширилади.

Товар белгисининг устуворлиги Патент идорасига таркибида талабнома берувчи ва унинг жойлашган манзили ёки яшаш жойи, талабномада келтирилган белги, унинг тавсифи ва товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товар ва хизматлар рўйхати келтирилган ариза бўлган талабнома топширилган сана бўйича белгиланади. Агар талабномада дастлаб юқорида санаб ўтилган маълумотлар ва ёки ҳужжатлардан бири бўлмаган бўлса, товар белгисининг устуворлик санаси деб, етишмаган устуворликни белгилаш учун зарур бўлган маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатларнинг энг охиригиси келиб тушган сана ҳисобланади.

Товар белгисининг устуворлиги шунингдек Париж конвенциясига аъзо давлатда берилган биринчи талабнома санаси бўйича ёки Париж конвенциясига аъзо давлатлардан бирининг ҳудудида ташкил қилинган расмий ёки расмий тан олинган халқаро кўрғазмада ушбу белги билан белгиланган экспонатларнинг очиқ намойиш қилинган санаси бўйича белгиланиши мумкин, агар Қонуннинг 12-моддаси 2, 3 ва 4 – қисмида кўзда тутилган талабларга риоя қилинган бўлиб, талабнома берувчи томонидан сўралаётган устуворликни тасдиқлайдиган зарур ҳужжатлар тақдим этилган бўлса.

Қонуннинг 12-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмига мувофиқ конвенция устуворлик сўралган ҳолда қуйидагилар текширилади:

а) талабнома берувчи томонидан Париж конвенциясига аъзо давлатда топширилган биринчи талабноманинг нусхаси мавжудлиги;

Агар кўрсатилган нусха талабнома Патент идорасига келиб тушган санасидан кейин тақдим этилса, талабнома нусхаси тақдим этилиши лозим бўлган уч ойлик муддатга риоя қилинганлиги;

б) биринчи талабнома топширилган санадан ҳисобланадиган конвенция устуворлиги сўралган талабнома топширилиши лозим бўлган олти ойлик муддатда талабнома берувчи томонидан риоя қилинганлиги;

в) конвенция устуворлигининг белгилаш ҳақидаги илтимоснома Патент идорасига талабнома топширилган санадан бошлаб икки ой ичида берилганлиги;

г) талабномада кўрсатилган белгини товар ва хизматлар рўйхатининг биринчи талабномадаги белги ва товар хизматлар рўйхатига мувофиқлиги.

Кўрғазма устуворлиги сўралган ҳолда Қонуннинг учинчи, тўртинчи қисмига мувофиқ қуйидагилар текширилади:

а) кўргазма устуворлигини тасдиқлайдиган ҳужжат мавжудлиги ушбу Қоидаларнинг 11-бандида кўзда тутилган талабларга мувофиқлиги;

б) кўргазма устуворлиги сўралган талабнома Патент идорасига келиб тушиши лозим бўлган экспонат кўргазмасида очиқ кўрсатиб бошланган санадан бошланадиган олти ойлик муддатга риоя қилинганлиги;

в) кўргазма устуворлигини белгилаш тўғрисидаги илтимосни Патент идорасига талабнома келиб тушган санадан икки ойдан ошмаган муддатда тақдим этилиши;

г) кўргазма устуворлигини белгилаш сўралган белги билан белгиланган товар кўргазмада намоиш қилинган бўлса, талабномада кўрсатилган белги намоиш этилган товарлардаги белгиларга мувофиқлиги.

Талабномада кўрсатилган белгининг Қонуннинг 3 ва 10-моддаларида ва ушбу қоидаларнинг 4-бандида белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади.

Барча элементларда белги бошқа белги билан мос тушса айнан бир хил деб ҳисобланади. Агар белги белгига умуман олганда ўхшаш бўлса, алоҳида фарқларига қарамасдан бошқа белги билан аралаштириб юбориш даражасида ўхшаш деб ҳисобланади.

Товарларнинг бир хил жинслигини белгилашда истеъмолчида шу товарлар битта ишлаб чиқарувчига қарашли деган тасаввур пайдо бўлиши эҳтимоли аниқланади. Товарларнинг бир жинслигини белгилашда товарларнинг тури вазифаси, улар тайёрлаган материал тури, товарларни сотиш шарти исмеъмол доираси ва бошқа аломатлар.

Таянч иборалар: Товар белгилари; хизмат кўрсатиш белгилари; гувоҳнома; бюллетень; Давлат органи; сертификатлаш; жўғрофий объект; ҳуқуқий муҳофаза қилиш; талабнома иловаси ва талаблари; ишончнома.

Назорат учун саволлар:

1. Товар белгилари тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Ваколатли давлат органлари.
3. Хизмат кўрсатиш белгиларининг тузилиши ва унинг моҳияти.
4. Товарларнинг келиб чиққан жой номлари ҳақида.
5. Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларининг устуворлиги ҳақида тушунча.
6. Талабномага илова этиладиган ҳужжатларнинг топширилиши.

Талабанинг мустақил иш топшириқлари:

1. Товар белгилари тушунчаси, тузилиши ва моҳиятини билиши ва етарли маълумотга эга бўлиши керак.
2. Хизмат кўрсатиш белгиларининг тузилиши ва кўриниш ҳоллари бўйича билимларга эга бўлиши лозим.

3. Товарлар келиб чиққан жой номларини кўриниш ҳоллари, мазмуни, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарлар келиб чиқиш жой номларининг устуворлик тушунчаси ҳақида тўлиқ билиши ва кўникма ҳосил қилиши лозим.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати: 2, 3, 5, 6

6-мавзу. Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товарлар келиб чиқиш жой номларини расмийлаштириш

1. Маърузанинг таълим технологияси

Вақти - 2 соат	Талабалар сони: 5-10 нафар	
Уқув машгулотининг шакли	Маъруза - конференция.	
Маъруза машгулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига талабнома тузиш, топшириш. 2. Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини Патент идораси рўйхатидан ўтказилиши. 3. Товарлар келиб чиқиш жой номларига берилган талабномага гувоҳнома олиш. 4. Патент идорасидан тасдиқловчи ҳужжат олиш бўйича ишларнинг айрим ҳолатлари тўғрисида. 	
<p><i>Уқув машгулотининг мақсади:</i> Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товарлар келиб чиқиш жой номларини расмийлаштириш тўғрисидаги қоидага асосан талабнома тузиш, топшириш ва расмий ҳужжат олиш ҳақида тушунча бериш.</p>		
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига талабнома тузиш, патент идорасига топшириш қоидалари билан таништирилади. 2. Патент идораси рўйхатидан товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини экспертизасининг ўтказилиши. 3. Товарлар келиб чиқиш жой 	<p><i>Уқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <p>Белгиларга талабнома тузиш, патент идорасига топшириш ҳоллари ҳақида маълумотга эга булади</p> <p>Белгиларни патент идораси томонидан экспертиза ўтказилиш тартиби, тушунчалари билан танишадилар.</p> <p>Товарлар келиб чиққан жой</p>	

номларига берилган талабномага гувоҳнома олиш тартибихақида маълумот бериш. 4. Патент идорасидан тасдиқловчи ҳужжат олиш бўйича ишларнинг айрим ҳолатлари тўғрисида ахборот бериш.	номларини рўйхатдан ўтказиш талаблари, тартиби хақида билиб олишади ҳужжат олиш бўйича ишларнинг умумий коидаларда айрим ҳолатлари учрайдиган ҳолатлар билан танишадилар.
Укитиш услуби ва техникаси	Маъруза - конференция, муаммоли маъруза, ак^лий ҳужум, мунозара, тақдимот
Укитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, график органайзерлар .
Укитиш шакли	Фронтал, индивидуал, гуруҳ, билан ишлаш,
Укитиш шароитлари	Намунадаги аудитория

Маърузанинг технологик харитаси.

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	укитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	1.1. Маъруза мавзуси ва режаси эълон қилинади. Аввалги мавзуга савол-жавоб тарқати боғланади	1.1. Эшитадилар, ёзадилар
2-босқич. Асосий (60 мин.)	1. Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига талабнома тузиш, патент идорасига топшириш коидалари билан таништирилади. 2. Патент идораси рўйхатидан товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини экспертизасининг ўтказилиши. 3. Товарлар келиб чиқиш жой номларига берилган талабномага гувоҳнома олиш тартиби хақида маълумот бериш. 4. Патент идорасидан тасдиқловчи ҳужжат олиш бўйича ишларнинг айрим ҳолатлари тўғрисида ахборот бериш.	2.1.Муаммоли саволларга эътибор берадилар: «биламан- билдим» жадвалининг 1-устунини тулдирадилар. 2.2.Эшитадилар, ёзадилар. 2.3.Эшитадилар, ёзадилар.

3-боскич. Якуний (10 мин.)	3.1. Мавзуга хулоса чиқаради. Асосий масала устида тухталади. 3.2. Мустакил иш учун топшириклар беради: 1. Тажриба ва кузатишларнинг аҳамияти ҳақида таҳлил қилиш. 2. Кохрен ва Фишер критерияларини таҳлил қилиш 3. Информатив ва метаинформатив усулларнинг моҳиятини таҳлил қилиш. 4. Давлат системасида илмий ишлар	3.1.Эшитадилар, саволларини беради ёзиб оладилар. 3.2.Топширикларни ёзиб оладилар.
----------------------------------	--	--

1. Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига талабнома тузиш, топшириш

Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ товар белгиси – бу бир ҳуқуқий ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларининг бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиладиган белгидир.

Ҳудудий ва (ёки) жисмоний шахслар бирлашасининг улар томонидан ишлаб чиқариладиган ва (ёки) реализация қилинадиган бир хил сифатга ёки бошқа умумий тавсифларга эга бўлган товарларни белгилаш учун мўлжалланган товар белгиси жамоавий белги ҳисобланади.

Қонуннинг 3-моддаси бешинчи қисмига кўра тасвирлар, сўзлар, муайян шакл тарзидаги белгилар ва бошқа белгилар уларнинг бир рангдаги ёки турли рангдаги жамлама ифодаси товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин

Сўзли белгиларга сўзлар, сўз бирикмалари, қаплар, бошқа сўз бирикмалари ва шунингдек уларнинг бирикмалари киради.

Тасвирий белгиларга жонли мавжудотлар, предметлар, табиий ва бошқа объектлар ва шунингдек исталган шаклдаги фигуралар, чизиклар, доғлар, текисликдаги шакллар композициялари киради.

Муайян шаклли ҳажмли белгиларга уч ўлчамли объектлар, фигуралар ва чизиклар, фигураларнинг комбинациялари киради.

Жамлама белгиларга турли ҳарактердаги, яъни тасвирий, сўзли, муайян шаклдаги ҳажмли ва бошқа белгилар элементларидан ташкил топган белгилар киради.

Бошқа белгиларга рақамли, ҳарфли, товушли, ёруғликдан иборат бўлган, ҳидли ва бошқа белгилар киради.

Рақамли белгилар сифатида рақамларнинг комбинациясидан иборат бўлган белгиларга талабнома берилиши мумкин.

Ҳарфли белгилар сифатида ҳарфларнинг сўз характериға ва мазмуниға эға бўлмаған комбинациясига талабнома берилиши мумкин.

Товушли белгилар сифатида мусиқа асарлари, кўшиқлар, жўр овозлар, таниш товушлар ва табиатда учрайдиган ноёб товушлар, табиатда учрамайдиган электрон товушлар ва бошқаларға талабнома берилиши мумкин.

Ёруғликдан иборат белгилар сифатида ёруғлик эффектидан ҳосил бўлган белгиларға талабнома берилиши мумкин.

Ҳидли белгиларға ҳид сезиш органлари билан қабул қилишға мўлжалланган белгилар киради.

Белгиларнинг исталган бир рангдаги ёки турли рангдаги уйғунлашган ифодаси товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Қуйидагилар товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

а) давлат герблари, байроқлари ва давлат муофотларининг тасфири туширилган белгилар;

б) давлатнинг расмий номлари, халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ номлари;

в) расмий назорат, кафолат тамғалари ва намуна йўсинидаги тамғалар, муҳрлар;

г) давлат хизматларининг Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ажратиш ва фарқлаш белгилари тасвирлари.

Ушбу банднинг (а)-(г) бандчаларида кўрсатилган белгилар, агар бунга тегишли давлат органининг ёки белги эғасининг розилиги бўлса, товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисмлар сифатида критилиши мумкин.

а) хусусан қуйидагилар таалуқли бўлиши мумкин бўлган фарқлаш хусусиятиға эға бўлмаған белгилар:

1) ўзига хос график тасвирға эға бўлмаған алоҳида ҳарфлар, рақамлардан иборат бўлган белгилар;

2) чизиқлар, оддий геометрик фигуралар ва уларнинг таркибига кирган алоҳида элементларидан фарқли, сифат жиҳатдан бошқа қабул қилиш даражасини берадиган композициялар ҳосил қилмайдиган бирикмалари;

3) товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишға топширилган талабномадаги товарларни белгилаш учун уларнинг ҳақиқий ёки схематик тасвирлари;

4) шакли фақат функционал вазифасидан келиб чиқадиган уч ўлчамли объектлар;

5) товарларнинг умум эътироф этилган оддий номлари шу товарларни белгилаш учун;

б) ташкилот, корхона ва соҳаларнинг умумқабул қилинган қисқартирилган номлари ва уларнинг аббревиатуралари;

е) муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар. Бундай белгилар деб маълум бир товар ёки турли ишлаб чиқарувчиларнинг шунга ўхшаш товарлари учун узок вақт ишлатилганлиги туфайли тушунча (видовое понятие) бўлиб қолган белгилар тушунилади;

ж) умум эътироф этилган рамзлар ва атамалар ҳисобланган белгилар. Бундай белгиларга одатда, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарлар рўйхатидаги товарлар оид бўлган хўжалик ёки фаолият соҳасини акс эттирувчи белгилар ва шунингдек, фан ва техникада қўлланиладиган шартли белгилар киради. Умум эътироф этилган атамаларга фан ва техниканинг аниқ бир соҳасига хос бўлган сўз бирликлари киради;

з) товарларни шу жумладан уларнинг тури, сифати, сони, хусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги ва қийматини шунингдек уларнинг ишлаб чиқариладиган ёки ўтказиладиган жойи ва вақтини тавсифлаш учун фойдаланиладиган белгилар.

Ушбу банднинг (з) бандчасида белгиларга товарларнинг оддий номлари, товарлар сифат тоифасининг белгиси, товарларнинг хусусиятини кўрсатувчи (шу жумладан, мақтов ҳарактерига эга бўлган) белгилар, ҳам ашё материални ва таркибини кўрсатувчи белгилар, товарларнинг оқирлиги, ҳажми, нархини, ишлаб чиқарилган санасини кўрсатувчи белгилар, товар тайёрловчиларнинг ва воситачи фирмаларнинг манзилгоғлари, қисман ёки тўлиқ жўғрофий номдан иборат бўлиб, товар тайёрловчининг жойлашган жойи каби қабул қилиниши мумкин бўлган белгилар.

Ушбу банднинг (д)-(з) бандчаларида белгиларни рўйхатдан ўтказишга, башарти бу белгилар амалда улардан фойдаланиш натижасида фарқланиш хусусиятига эга бўлганлиги исботланган тақдирдагина, йўл қўйилиши мумкин.

Исбот сифатида талабнома топширилган санагача талабномада кўрсатилган белгидан фойдаланилганлиги натижасида фарлаш хусусиятига эга бўлганлигини талабномада тасдиқлайдиган қуйидаги маълумотлар тақдим этилади:

- талабнома кўрсатилган белги билан белгиланган товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми;

- талабномада кўрсатилган талабнома берилган белгини талабномада кўрсатилган товар (хизмат)ларни белгилаш учун ишлатиш муддати;

- талабномада кўрсатилган белги билан белгиланган товар (хизмат)ларнинг рекламаси учун сарфланадиган ҳаражатлар ҳажми;

- талабномада кўрсатилган белги ваш у белги билан белгиланган товарларнинг ишлаб чиқарувчилари ҳақида истеъмолчиларнинг хабардорлик даражаси тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан социологик сўровларнинг натижалари;

- талабномада кўрсатилган белги билан белгиланган товарлар ҳақидаги ахборот очик матбуотда нашр қилинганлиги тўғрисида маълумотлар;

- талабномада кўрсатилган белги билан белгиланган товарлар Ўзбекистон Республикаси ёки чет мамлакатлардаги кўرғазмаларга намойиш қилинганлиги тўғрисида маълумотлар ва бошқа маълумотлар.

5. Қонуннинг 9-моддаси, биринчи қисмига мувофиқ талабнома битта товар белгисига тегишли бўлиши лозим.

6. Талабномада қуйидагилар бўлиши керак:

а) товар белгиси сифатида белгини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза;

б) талабномада кўрсатилган белгининг тасвири;

в) белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун товарлар ва хизматларнинг халқаро таснифига мувофиқ гуруҳланган, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарларнинг рўйхати.

Талабномага талабномани топшириш учун патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асли ёки банк муассаси ёхуд бухгалтерия томонидан тасдиқланган нусхаси илова қилиниши лозим.

Агар талабнома жамоавий белгига оид бўлса, ва ёки жисмоний шахслар бирлашмаси қатнашчиларининг жамоавий белгидан фойдаланиш тўғрисидаги келишувчи илова қилинади.

Келишувда қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

а) жамоавий белгини ўзининг номига рўйхатдан ўтказишга ваколат берилган шахснинг номи;

б) ушбу белгидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати (тўлиқ расмий ном ива манзилгоҳини кўрсатган ҳолда);

в) жамоавий белгини рўйхатдан ўтказиш мақсади;

г) жамоавий белги билан товарларнинг рўйхати ва гона сифат ёки бошқа умумий кўрсаткичлари;

д) жамоавий белгидан фойдаланиш шартлари;

е) жамоавий белгидан фойдаланишни назорат қилиш тартиби;

ж) келишувни бузганлик учун жавобгарлик.

Келишув ушбу белгидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан имзоланади (ҳуқуқий шахслар учун муҳр билан тасдиқланади). Имзо чекан шахсларнинг фамилияси ва исми-шарифи кўрсатилади.

9. Талабнома патент вакили орқали берилган бўлса, талабнома берувчи томонидан берилган ва унинг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома, ёки унинг тўғри расмийлаштирилган нусхаси илова қилинади.

2. Товар ва хизмат кўрсатиш белгисини Патент идораси рўйхатидан ўтказилиши

Агар Патент идорасига келиб тушган талабнома энг камида ўзбек ёки рус тилида товар белгисини рўйхатдан ўтказишга ариза ва талабномани топшириш учун патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлса талабнома келиб тушиш санаси кўрсатилган ҳолда рўйхатга олинади.

Ўзбек ёки рус тилидан бошқа тилда топширилган талабнома рўйхатга олинмайди ва топширган шахсга қайтариб юборилади.

Талабномага учта ҳарфли ва саккиз хонали рақамли код берилади. Унда биринчи ҳарф (Т) саноат мулки объекти тури – товар белгисини, кейинги икки ҳарф (ГУ) муҳофаза ҳужжати тури – товар белгисини рўйхатдан ўтказишга гувоҳномани билдиради, сонлар (катта разряддаги 4 та сон) эса талабнома топширилган йилни ва (кичик разрядли 4 та сон) шу йилдаги ҳар йили бирдан бошланадиган тартиб рақамини билдиради.

Расмий экспертизанинг вазифаси материллари таркибини, зарур ҳужжатлар мавжудлигини ва уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш. Расмий экспертиза натижалари бўйича талабнома берувчига Патент идорасининг талабнома кўриб чиқишга қабул қилинганлиги ёки қабул қилинмаганлиги ҳақидаги қарори юборилади.

Расмий экспертиза муддати талабнома Патент идорасига келиб тушган санадан бошлаб 30 кунни ташкил қилади. Талабнома берувчига сўровнома юборилган ҳолда бу муддат мос равишда узайтирилади.

Расмий экспертиза ўтказишда материллар ичида қуйидаги ҳужжатлар мавжудлиги ва уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади:

- а) белгини товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишга ариза;
- б) талабнома берувчининг номи ёки номланиши, манзилгоҳининг кўрсатилганлиги;
- в) патент вакилининг исми-аширфи, агар мавжуд бўлса;
- г) талабномада рўйхатдан ўтказиш сўралаётган белгининг тасвири;
- д) рўйхатга ўтказиш сўралаётган товарлар ва хизматлар рўйхати;
- е) конвенция устуворлиги сўралган бўлса биринчи талабнома нусхаси;

ж) кўргазма устуворлигини сўраш қонунийлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;

з) товар белгисини рўйхатдан ўтказишга талабномани топшириш учун патент божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат;

и) талабнома жамоавий белгига оид бўлса, келишув;

к) патент вакилига берилган ишончнома;

л) ўзбек ёки рус тилидаги бошқа тилда топширилган материалларнинг таржимаси.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказишга талабномани топшириш ушбу Қоидаларнинг (а), (б), (г), (д), (з) бандчаларида санаб ўтилган ҳужжатлар ва маълумотлар талабнома билан бирга топширилган бўлса ёки улардан энг охиргиси келиб тушган санадан белгиланади.

Ўзбек ёки рус тилидан бошқа тилда топширилган талабноманинг таржимаси тақдим этилмагунча ҳужжатлар топширилмаган деб ҳисобланади.

Талабнома материалларида (в), (е), (ж), (и) бандчаларида кўрсатилган маълумотларнинг ёки ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги ёки уларнинг ушбу Қоидалардаги талабларга мувофиқ эмаслиги талабномани кўриб чиқишга қабул қилинганлиги ҳақида қарор чиқариш ва талабнома келиб тушган санани белгилаш учун тўсиқ бўла олмайди.

Рўйхатга олинмаган талабномада талабномани топшириш учун патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжудлиги текширилади. Агар тақдим этилган ҳужжатда талабнома топшириш учун патент божи ТХХКнинг битта синфи учун белгиланган миқдорда тўланган бўлиб, талабномада кўрсатилган синфлар сонига мос келмаса талабнома берувчига тегишли билдиришнома юборилган санадан эътиборан уч ой ичида зарур бўлган патент божининг етишмаган қисмини тўлаш ёки синфлар сонини мувофиқлаштириш таклиф қилинади. Уч ойлик муддат ичида патент божининг белгиланган миқдорга етишмаган қисмини тўланганлиги тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаса, кўриб чиқиш талабномада биринчи бўлиб кўрсатилган ТХХК синфига нисбатан олиб борилади.

Агар расмий экспертиза ўтказиш жараёнида талабнома ҳужжатлари ушбу Қоидаларда белгиланган талабларга риоя қилинмаган ҳолда расмийлаштирилганлиги аниқланса, талабнома берувчига сўровнома юборилади, сўровномада аниқланган камчиликларни кўрсатилган ва ушбу сўровнома жўнатилган санадан эътиборан уч ой ичида етишмаган ёки тузатиш маълумотлар ёки ҳужжатларни тақдим этиш таклиф қилинади.

Сўровнома юбориш учун хусусан қуйидагилар асос бўлади:

а) талабнома материалларида ушбу Қоидаларнинг 82-банди (а), (б), (г), (д), (з) бандчаларида кўрсатилган маълумотлар ёки ҳужжатлар мавжуд эмаслиги;

б) тўланган патент божининг суммаси белгиланган миқдорга мувофиқ эмаслиги.

Ушбу қоидаларнинг 82-банди (в), (е), (ж), (и) бандчаларидаги маълумотлар ёки ҳужжатларнинг фақат бирортаси етишмаса талабнома расмий экспертиза босқичига сўровнома юборилмайди.

Агар талабнома берувчи тақдим этган жавобда сўралган барча маълумотлар ва ёки ҳужжатлар бўлмаса яна қайта сўровнома юборилади.

Расмий экспертиза сўровига жавоб олинмаса, жавоб бериш учун белгиланган муддат бузилган бўлса ва бу муддат ичида қабул қилиниши ҳақида илтимоснома юборилмаса, талабнома берувчига талабнома кўриб чиқишга қабул қилинишини рад этиш тўғрисида қарор юборилади.

Талабнома материаллари белгиланган талабларга мувофиқ бўлган, шунингдек сўралган маълумотлар талабнома берувчи томонидан ўз вақтида тақдим этилган ҳолда талабнома топширилган сана белгиланади ва талабнома кўриб чиқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги қарор талабнома берувчига юборилади.

Агар талабнома берувчи томонидан сўровномасига расмий экспертизанинг тақдим этилган жавобда сўралган маълумотлар ва ёки ҳужжатлар бўлмаса, талабномани кўриб чиқишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қарор чиқарилади.

Талабномани кўриб чиқишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги бундай қарор чиқариш учун асослар кўрсатилади.

Талабномани кўрсатилган белги экспертизаси. Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ талабнома кўрсатилган белги экспертизасининг вазифаси товарларнинг белгиси устуворлигини белгилаш ва талабнома берилган белгининг Қонуннинг 3 ва 10-моддаси қоидаларига мувофиқлигини текширишдир.

Товар белгиси устуворлигини белгилаш. Товар белгисининг устуворлиги Патент идорасига таркибида талабнома берувчи ва унинг жойлашган манзили ёки яшаш жойи, талабномада келтирилган белги, унинг тавсифи ва товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товар ва хизматлар рўйхати келтирилган ариза бўлган талабнома топширилган сана бўйича белгиланади. Агар талабномада дастлаб юқорида санаб ўтилган маълумотлар ва ёки ҳужжатлардан бири бўлмаган бўлса, товар белгисининг устуворлик санаси деб, етишмаган устуворликни белгилаш учун зарур бўлган

маълумотларни ўз ичига олаган ҳужжатларнинг энг охиригиси келиб тушган сана ҳисобланади.

Талабномада кўрсатилган белгининг муҳофазага лаёқатлигини текшириш. Агар талабномада кўрсатилган белги элементлари сифатида ушбу Қонуннинг 4-банди (и-м) бандчаларида кўрсатилган белгилардан бирини ўз ичига олса ёки фақат ушбу қоидаларнинг 4-банди (а-з) бандчаларида кўрсатилган белгилардан иборат бўлса, шу белгини товар белгиси сифатида рўйхатга олиш мумкин эмаслиги ҳақида хулосага келинади. Агар талабномада кўрсатилган белги фақат ушбу Қоидаларнинг 4-банди (а-з) бандчасида кўзда тутилган муҳофазага лаёқатли бўлмаган белгилардан иборат бўлмаса лекин улардан бирини ўз ичига олган бўлса:

а) ушбу Қоидаларнинг 4-банди (а-г) бандчаларида кўрсатилган белгилар мавжуд бўлган ҳолда тегишли вақолатли орган ёки уларнинг эгаларининг розилиги тасдиқланган ҳужжат мавжудлиги текширилади. Бундай розиликсиз товар белгиси рўйхатдан ўтказишга йўл қўйилмайди;

б) ушбу Қоидаларнинг 4-банди (д, е, ж, з) бандчаларида кўрсатилган белгилар мавжуд бўлган ҳолда улар товар белгисида устун мавқеига эгаллиги текширилади.

Талабномада кўрсатилган белги талабнома берувчи томонидан тақдим этилган товарлар ва хизматлар рўйхатидаги барча товар ва хизматлар учун Қонуннинг 3 ва 10-моддаларида белгиланган талабларга жавоб бериши аниқланса, шу рўйхатда берилган товар ва хизматлар учун товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Агар Қонуннинг 15-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ўтказилган талабномада кўрсатилган белги экспертизасини ўтказиш натижасида белги товар ва хизматлар рўйхатининг ҳаммаси учун ушбу қоидаларнинг 4-бандида кўрсатилган талабларга мувофиқ келмаса, талабнома берувчига товар белгисини рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор юборилади.

3. Товарлар келиб чиқиш жой номларига берилган талабномага гувоҳнома олиш

Патент идораси давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари асосида, патент божи тўланганлиги ҳақида эътиборан бир ой мобайнида товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва (ёки) товар келиб чиқиш ҳуқуқини тегишли рејстрда рўйхатга олади.

Рејстрга киритилган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Товар белгиси, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиши тўғрисидаги маълумотлар Патент

идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинади. Эълон қилинадиган маълумотлар Патент идораси томонидан белгиланади.

Товар белгисига доир гувоҳнома товар белгиси сифатида талабномада ифодаланган белги рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида белгисининг устуворлигини ва товар эгасининг гувоҳномада кўрсатилган товарларга нисбатан товар белгиларини тасдиқлайди.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома товар келиб чиққан жой номида ифодаланган белги рўйхатдан ўтказилганлиги фактни ва гувоҳнома эгасининг ундан гувоҳномага кўра фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайди.

Товар белгисига доир гувоҳнома ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тегишли, кейин сўнг бир ой давомида Патент идораси томонидан берилади. Гувоҳномалар шакли ва улар Патент идораси томонидан белгиланади.

Товар белгисига доир гувоҳнома ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида берилган санадан эътиборан ўн йил мобайнида амал қилади.

Товар белгисига доир гувоҳноманинг ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида амал қилиш муддати гувоҳнома амал қилаётган охириги йил мобайнида унинг эгаси томонидан берилган аризага кўра узайтирилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган аризага қуйидагилар илова қилиниши лозим:

- патент божи тўланганлиги тасдиқловчи ҳужжат;
- патент вакили орқали ариза берилган тақдирда талабнома берувчининг ишончномаси;
- товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс мазкур жўғрофий объектда кўрсатилган хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқарилаётганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Товар белгисига доир гувоҳноманинг ёки товар келиб чиққан жойи номидан фойдаланиш ҳуқуқига амал қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги ёзув тегишли реестрга киритилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган аризани бериш муддати гувоҳноманинг амал қилиш ой мобайнида гувоҳнома эгаси берган илтимосномага биноан узайтирилиши мумкин.

Товар белгисининг эгаси ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги иборасини ўз номи, фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгрганлиги тўғрисида, товар белгиси ёки товар келиб

чиққан жойда ўтказишга тааллуқли бошқа ўзгартиришлар тўғрисида, товар белгиси учун эса – товар белгиси номи қисқартирилганлигини, товар белгисининг айрим қисмлари унинг моҳиятини бузмайдиган тарзда ўзгартирилганлиги.

Ушбу ўзгартиришлар тўғрисидаги ёзув Патент идораси томонидан товар белгисига доир гувоҳномага ва унинг номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномага ва тегишли рејстрга киритилади.

Товар белгисига доир гувоҳнома унинг бутун амал қилиш муддати давомида, башарти у ушбу қоидада ва 10-моддаси биринчи қисмининг 1-12-бандларида белгиланган талабларни бузган ҳолда берилган, рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар расмий ахборотномада эълон қилинган санадан эътиборан, ушбу Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисмининг 13 ва 14-бандларида белгиланган талаблари бузган ҳолда қисман ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома унинг амал қилишини, башарти у ушбу Қонунда белгиланган талабларни бузган ҳолда берилган бўлса, ҳақиқий эмас деб топилиши.

Товар келиб чиққан жой номи рўйхатдан ўтказилганлиги қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

- мазкур жўғрофий объект учун хос бўлган шароитлар йўқолганда ва рејстрда кўрсатилган ҳолларда ишлаб чиқаришнинг иложи бўлмаганда;

- чет эллик юридик ёки жисмоний шахслар товар келиб чиққан мамлакатда товар келиб чиққан жой номи ҳужжатини йўқотганда.

Товар белгисига доир гувоҳноманинг ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида амал қилиши унинг амал қилиш муддати тугаганлиги муносабати билан тугатилади.

Товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши товар белгиси рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб маълум муддат мобайнида ундан узлуксиз равишда фойдаланилмаганда, шунингдек жамоавий белгидан фойдаланиш тақдирида манфаатдор шахснинг аризасига биноан қабул қилинган суд қарори асосида муддатдан олдин берилиши мумкин. Товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилишини ундан фойдаланилмаганлиги муносабати тўғрисидаги масалани ҳал қилаётганда товар белгисининг эгаси томонидан тақдим этилган унга боғлиқ бўлган белгисидан фойдаланилмаганлигини исботловчи далиллар эътиборга олиниши мумкин.

Товар белгисига доир гувоҳноманинг ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига амал қилишни:

Апелляция кенгаши қарори асосида;

Товар белгиси эгасининг ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги иборасига берган аризаси асосида;

Суд қарори асосида муддатидан илгари тугатилади.

4. Патент идорасидан тасдиқловчи ҳужжат олиш бўйича ишларнинг айрим ҳолатлари тўғрисида

Товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқ. Товар белгисининг эгаси товар белгисдан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш мутлақ ҳуқуқига эга.

Товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқ гувоҳномада кўрсатилган товарларга нисбатан амал қилади ва ахборотномада эълон қилинган санадан эътиборан рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиши даври мобайнида мутлақ ҳуқуқга эга.

Товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўлаш, чоп этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда сақлаш, ёхуд маълум даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдги товарларни белгилаш товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқи бузилганлиги.

Товар белгисидан фойдаланиш. Товар белгиси уни ишлатиш учун рўйхатга олинган товарларда ва (ёки) уларнинг идиши ҳамда Патент идораси томонидан ёки ушбу Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ лицензия шартномаси асосида бундай ҳуқуқнинг қўлланилиши товар белгисидан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Товар белгисини рекламада, босма нашрларда, расмий бланкаларда, пешлавҳаларда, Ўзбекистон Республикаси кўргазмалар ва ярмаркаларда экспонатларни намойиш этиш вақтида ишлатиш ҳам товар белгисидан фойдаланиш мумкин.

Воситачилик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар товарларни тайёрловчининг розилиги билан шартнома асосида ўз товар белгисидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш. Товар келиб чиққан жой номини товарда, унинг идиши ҳамда ўровида, пешлавҳаларда, расмий бланкаларда, нашрларда ва товарни фуқаро муомаласига киритиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларда ишлатиш товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Лицензия шартномаси асосида: товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини, бошқа ҳуқуқдан бошқа шахслар фойдасига воз кечиш тўғрисида битимлар тузишга ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш учун беришга йўл қўйилмайди.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаси бўлмаган шахснинг жойнинг рўйхатдан ўтказилган номидан

фойдаланишга, ҳатто башарти бунда товар келиб чиққан жойнинг битта ном таржима қилиб ёхуд “кўринишдаги”, “турдаги”, “усулдаги” ва шунга ўхшаш сўзларни қўшиш, шунингдек ҳар қандай товар келиб чиққан жой номи ва товарнинг алоҳида хусусиятлари хусусида ва шунга ўхшаш белгилардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Огоҳлантирувчи тамғалаш. Товар белгисининг эгаси ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома ёки товар келиб чиққан жой номи билан бир қаторда товарда ёки унинг идиши ҳамда ўровида Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган товар белгиси ёки товар келиб чиққан жой номи эканлигини билдирувчи белги айлана ичига олинган “Р” ҳарфи тарзида огоҳлантирувчи тамға қўйиши мумкин.

Товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш. Товар белигисига доир мутлақ ҳуқуқ бу ҳуқуқнинг эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга ўтказиш мумкин.

Товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказишга, башарти у истеъмолчини товар ёки уни чалғитадиган бўлса, йўл қўйилмайди.

Товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи товар белгисининг эгаси (лицензиар томонидан лицензия шартномасига асосан (лицензиатга) берилиши мумкин.

Лицензия шартномасида лицензиат товарларининг сифати лицензиат товарларининг сифатидан паст бўлган бўлиши ва лицензиар бу шартнинг бажарилишини назорат қилиши кўрсатилиши лозим.

Товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома ёки лицензия рўйхатдан ўтказилиши керак.

Жамоавий белги ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин эмас.

Товар белгиси эгаси бўлмиш юридик шахсни қайта ташкил этиш. Товар белгиларининг эгалари бўлмиш юридик шахслар қўшиб юборилганда товар белгилари қайта шахсга ўтади.

Товар белгиси эгаси бўлмиш юридик шахс бўлинганда товар белгиси товарларни ишлаб чиқариш вазифаси рўйхатдан ўтказилган юридик шахсга ўтади. Товар белгисининг эгаси товар белгиси рўйхатдан ўтказилган бир қисмини ўзида сақлаш қолган тақдирда ҳар иккала юридик шахс ўзаро келишувчига (шартномага) кўра эгаси деб эътироф этилиши мумкин. Бу ҳақдаги келишув (шартнома) Патент идорасида рўйхатдан ўтказилади.

Товар белгисининг эгаси бўлмиш юридик шахс бошқа юридик шахсга қўшиб олинганда товар белгилари юридик шахсга ўтади.

Товар белгисини такрорий рўйхатдан ўтказиш шартлари. Гувоҳномасининг амал қилиш муддати ўтган товар белгиси товар белгисига

доир гувоҳноманинг амал қилиш муддатига эътиборан уч йил мобайнида бошқа шахс номига қайта рўйхатдан ўтказилиши мумкин эмас. Мазкур гувоҳномада ундан товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугашига қадар воз кечган ҳолларда ҳам қайта рўйхатдан ўтказилиши мумкин эмас.

Патент божлари. Товар белгиларини, товар келиб чиққан жой номини ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик учун патент божлари олинади. Унинг ушбу Қонунда назарда тутилган вазифаларни бажаришга доир ҳаражатларини қоплаш учун тўланади.

Патент божларининг миқдорлари ва уларни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Патент вакиллари. Патент вакили Патент идорасида юридик ва жисмоний шахсларнинг вакиллик ҳуқуқини амалга оширади.

Ўз мамлакат ҳудудида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси патент вакили бўлиши мумкин. Қўйиладиган малака талаблари, уларни аттестациядан ва рўйхатдан ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшовчи жисмоний шахслар ёки чет эллик юридик шахслар товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш ишларини юритишни ҳамда бу ишлар билан олиб борган ҳаракатларни Патент идорасида рўйхатдан ўтган патент вакиллари орқали амалга оширадilar.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи, лекин вақтинчалик унинг ҳудудидан ташқарида бўлган, лекин товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш ишларини ва бу ишлар билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни ёзишма учун Ўзбекистон Республикаси доирасидаги манзилени кўрсатган ҳолда патент олиши мумкин.

Патент вакилининг ваколатлари билан тасдиқланади.

Товар белгисини ва товар келиб чиққан жой номини бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказиш. Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари товар белгисини ёки келиб чиққан жой номини бошқа давлатларда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишга ҳақли.

Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари. Чет эллик юридик ва жисмоний шахслар ушбу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахслари билан тенг равишда ёки ўзаро келишув принципи асосида фойдаланадilar.

Низоларни ҳал этиш. Товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини ҳуқуқий жихатдан муҳофаза қилиш ҳамда келиб чиққан низолар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Таянч иборалар: Талабномани тузиш; сўзли, тасвирий белгилар; патент божи; талабнома коди; расмий экспертиза; ТХХК; товар белгиси устуворлиги; рејстр; расмий ахборотнома; апелляция; воситачилик; лицензия; тамға; патент вакиллари.

Назорат учун саволлар:

1. Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига талабнома тузиш ва уни топшириш.
2. Қандай белгилар товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмайди?
3. Товар ва хизмат кўрсатиш белигисининг рўйхатдан ўтказилиши.
4. Товарларнинг келиб чиқиш жой номларига гувоҳномалар олиниши.
5. Товар белгисига доир ҳуқуқнинг моҳияти.
6. Товар белгисидаги огоҳлантирувчи тамғалар моҳияти.

Талабанинг мустақил иш топшириқлар:

1. Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш бегисига талабнома тузиш, топшириш ва уларни Патент идораси рўйхатидан ўтказилиши бўйича етарли маълумот ва билимга эга бўлиши лозим.
2. Товарлар келиб чиқиш жой номларига берилган талабномага гувоҳнома олиш ҳақида билиши керак.
4. Патент идорасидан тасдиқловчи ҳужжат олиш бўйича ишларнинг айрим ҳолатлари тўғрисида тушунчаларга эга бўлиши лозим.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати: 3, 4, 5, 6

7-Мавзу. Саноат мулкидан ташқари интеллектуал мулкларнинг ҳуқуқий муҳофазаси

1. Маърузанинг таълим технологияси

Вақти - 2 соат	Талабалар сони: 5-10 нафар
Уқув машгулотининг шакли	Визуал маъруза, икки томонлама таҳдил.
Маъруза машгулотининг режаси	1. Саноат мулкидан ташқари интеллектуал мулклар 2. Фирма номлари. 3. Рационализаторлик ишлари ҳақида умумий маълумот.

Укув машгулотининг мақсади Саноат мулкидан ташқари интеллектуал (носаноат) мулкларнинг ҳуқуқий муҳофазаси бўйича умумий тушунчалар бериб, уларга расмий ҳужжат олиш ҳақида маълумотлар бериш.

Педагогик вазифалар:

1. Саноат мулкидан ташқари интеллектуал мулклар таркиби, уларга куйилган талаблар, интеллектуал мулклар ҳуқуқий муҳофазаси тугрисида маълумотлар берилади.

2. Фирма номлари бўйича конунда курсатилган талаблар ва **асосий тушунчалар келтирилади.**

3. Рационализаторлик ишлари ҳақида умумий маълумотлар берилади .

Укуе фаолиятининг натижалари:

Талаба:
Саноат мулкидан ташқари интеллектуал мулк таркибида ЭҲМ дастурлари, ЭҲМ маълумот базалари; Интеграл микросхемалар топологиялари, Селекция ютуқлари ва фирма номлари билан танишади..
Фирма номини ҳуқуқий жихатдан муҳофаза қилиш ва улар ҳақидаги умумий тушунчалар билиб олишади.

Кайси таклифлар рационализаторлик иши турига кирмаслиги ва кириши мумкин булганлари ҳақида маълумотларга эга булишади.:

Укитиш услуби ва техникаси	Маъруза, баён, ахборот,
Укитиш шакли	Гуруҳий, коллектив
Укитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, график органазаер
Укитиш шарт-шароити	Жихозланган аудитория

2. Маърузанинг технологии харитаси.

Боск^ичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	укитувчи	талаба
1-боск^ич. Кириш (10 мин)	1.1. Маъруза мавзуси ва режаси эълон қилинади. Аввалги мавзуга савол-жавоб берилади	1.1. Эшитадилар, ёзалилар

<p>2-боскич. Асосий (60 мин.)</p>	<p>2.1. Мавзуни ёритиш учун муаммоли саволларни таклиф этади. 2.2. Даре аввалида ва сунгида “биламан-билдим”жадвалини тулдириш учун саволлар тарқдтилади. 2.3. Саноат мулкидан ташқари интеллектуал мулк таркибида ЭҲМ дастурлари, ЭҲМ маълумот базалари; Интеграл микросхемалар топологиялари, Селекция ютуқлари ва фирма номлари хакида маълумотлар берилади. 2.4. Фирма номини ҳуқуқий жихатдан муҳофаза қилиш ва улар хакидаги умумий тушунчалар келтирилади. 2.5. Кайси таклифлар рационализаторлик иши турига кирмаслиги ва кириши мумкин булганлари хакида маълумотларга берилади. 2.6. Б.Б.Б. жадвалининг 2-устунини тулдиришни таклиф этади.</p>	<p>2.1. Муаммоли саволларга эътибор берадилар: «биламан-билдим» жадвалининг 1-устунини тулдирадилар. Эшитадилар, ёзадилар. Эшитадилар, ёзадилар. Б.Б.Б. жадвалининг 2-устунини тулдиради.</p>
<p>3-боскич. Якуний (10 мин.)</p>	<p>3.1. Мавзуга хулоса чиқаради. Асосий масала устида тухталади. Б.Б.Б. жадвалини тулдиришдаги савол-жавобларни тахлил қилади ва фаол талабаларни баҳолайди. 3.2. Мустақил иш учун топшириқлар беради: 1. Илмий ҳужжатлар турлари ва уларни билиш ҳамда тахлил қилиб келиш. 2. УДҚ нинг умумий белгиларини ўрганиб, санаб бериш. 3. Компьютер ёрдамида ахборотни янгилаш жараёнлари билан боғлиқ инсон</p>	<p>3.1. Эшитадилар, саволларини беради ёзиб оладилар. 3.2. Топшириқларни ёзиб оладилар.</p>

1. Саноат мулкидан ташқари интеллектуал (носаноат) мулклар

Носаноат мулк таркибида ЭҲМ дастурлари, ЭҲМ маълумот базалари; Интеграл микросхемалар топологиялари, Селекция ютуқлари ва фирма номлари киради. Албатта, буларнинг носаноат мулк деб ажратиш шартли равишда бажарилади.

Маълумотлар базаси, бу системалашган, объектив формада мақолалар, ҳисоблар ва ҳ.к. кўринишидаги маълумотлар бўлиб, буларни ЭҲМ ёрдамида топиш ва қайта ишлаш мумкин бўлсин:

- ЭҲМ учун дастурлар объектив формада ЭҲМ ишлаши ва ЭҲМ тармоқларининг маълум натижа олиш учун маълумотлар ва кўрсатмалар;

- бошланғич текст – дастурлаш тилида ёзилган, компилятор ёрдамида қайта ишлови мумкин бўлган текст;

- объектив код – бошланғич текстни машина кодига айлантиришда вужудга келган дастур;

- ЭҲМ учун декомпилировланган дастур деб, структура ва ЭҲМ кодлашни ўрганиш мақсадида объект коддини бошланғич текстга айлантириш техникавий приёми;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базаси учун адаптация дастури – конкрет шароитларда ЭҲМ дастурларини ишлаши учун, муаллифлик бошланғич текстни ўзгартирмаган ҳолда маълумотлар базасига қўшимчалар критиш;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базаси дастурларини адаптацияси (қайта ишлови) – бошланғич текстни ўзгартирмаган ҳолда критилган ўзгартиришлар;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базасини дастурини қайта ишлаб чиқариш;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базасини бир ёки ҳоҳлаган нусхаларда материал формада, ёки хотирада тайёрлаш;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базаси дастурларини тарқатиш;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базаси дастурларини сотиш, прокатга бериш, импорт қилиш ва ҳ.к. билан ишлашга йўл қўйилишига тушунилади;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базасини чоп этиш – муаллифнинг розилиги билан ЭҲМ ёки маълумотлар базасини печатга, ишлашга бериш;

- ҳуқуқ эгалари деганда, унинг муаллиф, ёки меросхўри юридик ёки жисмоний шахсларнинг қонун асосида тўла мулкчилик ҳуқуқига эгалигига тушунилади.

Ушбу асосий тушунчалар ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларининг моҳиятини ечиш учун қонунда қўлланиб келинмоқда.

Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. Интеграл микросхемаларнинг

топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Асосий тушунчалар. Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

- интеграл **микросхема** – электрон вазифаларни бажаришга мўлжалланган, туга лёки оралиқ шаклдаги микроэлектрон буюм бўлиб, ундаги элементларининг ҳеч бўлмаганда бири фаол ҳисобланади, буюмдаги боғланишларнинг айримлари ёки борчаси бу буюм тайёрланган жисмлар таркибида ва (ёки) сиртида узвий шакл топган бўлади;

- **интеграл микросхема топологияси** – интеграл микросхема элементларининг ва улар ўртасидаги боғланишлар мажмуининг моддий жисмда қайд этилган фазовий-геометрик жойлашуви;

- **ҳуқуқ эгаси** – интеграл микросхема топологиясининг муаллифи, унинг меросхўри, шунингдек интеграл микросхема топологиясидан фойдаланиш мулкӣ ҳуқуқларини қонунга ёки шартномага асосан олган ва уларга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш объектлари ва шартлари. Интеграл микросхеманинг ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзига хос топологияси (бундан буён матнда топология деб юритилади) интеграл микросхема топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш объекти ҳисобланади.

Муаллифнинг ижодий фаолияти натижасида яратилган ва яратилган санасида интеграл микросхемалар ишлаб чиқувчи ёки тайёрловчиларга маълум бўлмаган топология бошқача ҳолат исботлангунга қадар ўзига хос деб эътироф этилади.

Яратилган санасида интеграл микросхемалар ишлаб чиқувчи ёки тайёрловчиларга маълум бўлган элементлардан таркиб топган топологияга, агар бундай элементлар йиғиндиси ушбу модда иккинчи қисмининг талабларига тўла мувофиқ бўлсагина, ҳуқуқий муҳофаза берилади.

Ушбу Қонун билан бериладиган ҳуқуқий муҳофаза топологияга сингдирилган ғоялар, усуллар, тизимлар, технология ёки кодлаштирилган ахборотга нисбатан тадбиқ этилмайди.

Топология муаллифи. Ижодий меҳнати билан топологияни яратган жисмоний шахс шу топология муаллифи деб эътироф этилади. Агар

топология икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахсларнинг биргаликдаги ижодий меҳанти билан яратилган бўлса, улар биргаликда муаллифлар (хаммуаллифлар) деб эътироф этилади.

Топологияни яратишга шахсан ижодий ҳисса қўшмаган, бироқ муаллифга техник, ташкилий ёки моддий ёрдам кўрсатган ёхуд топологиядан фойдаланиш ҳуқуқини расмийлаштиришга қўмаклашган жисмоний шахслар муаллифлар деб эътироф этилмайди.

Муаллифнинг топологияга бўлган ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайдиган шахсий номулкий ҳуқуқ ҳисобланади ва қонун билан муҳофаза қилинади.

Топологиядан фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқ эгасига топологиядан ўз ихтиёрига биноан фойдаланиш, шу жумладан уни тайёрлаш, қўллаш ва тарқатиш мутлақ ҳуқуқи тегишлидир.

Ҳуқуқ эгаси топологияда, шунингдек шундай топологияни ўз ичига олган буюмларда “Т” ҳарфи ёки айланадаги “Т” ҳарфи ёхуд бошқача тарзда ифодаланган “Т” ҳарфини жойлаштиради ва бу унинг Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинишини кўрсатади.

Бир нечта ҳуқуқ эгаларига тегишли ҳуқуқлардан фойдаланиш тартиби улар ўртасидаги шартномага биноан белгиланади.

2. Фирма номлари

Фирма номи. Фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг (бундан буён матнда юридик шахс деб юритилади) индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади.

Юридик шахс тўлиқ фирма номи билан бирга қисқартирилган фирма номига ҳам эга бўлиши мумкин.

Юридик шахсининг фирма номида унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилиши керак.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда фирма номида юридик шахс фаолиятининг хусусияти кўрсатилиши керак.

Фирма номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш. Фирма номи юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан эътиборан, чет эл юридик шахсининг фирма номи эса, чет эл юридик шахси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаролик муомаласи иштирокчиси сифатида фаолиятни амалга оширишни бошлаган санадан эътиборан ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

3. Рационализаторлик ишлари ҳақида умумий маълумот

Рационализаторлик талабномасини тузиш ва унинг берилиши керак. Рационализаторлик талабномаси нафақат ихтиродан, балким ҳар хил

кўринишда бериладиган новаторлик ишларидан ҳам, ўзининг тузилиши билан фарқ қилади.

Қуйидаги ижодий таклифлар рационализаторлик иши турига кирмайди:

1. Хўжаликни бошқариш ва ишини ташкил этиш бўйича бўлган таклиф.
2. Илмий-изланиш, лойиҳа, конструкторлик, технологик ташкилотлар ва шунга ўхшаш корхона бўлимлари муҳандис-техник ишчиларининг (ихтиродан ташқари) таклифлари (агар бу таклифлар шу корхоналар бажараётган мавзуда, жараён бўйича бўлса).

3. Ихтиро ва рационализаторлик таклифи тажриба алмашилиш тартиби бўйича қўллаш таклифи.

Албатта, юқорида кўрсатилган таклифлар турлари бўйича ҳамма ишлар корхона томонидан инobatга олинади, тақдирланади. Лекин буларнинг ҳаммаси корхона раҳбарининг қарорига мувофиқ бошқа манбаалардан сарфланади. Ихтиро ёки рационализаторлик манбаига кирмайди.

Худди, шунингдек рационализаторлик таклифлари, агар шу корхона ишини тасдиқловчи юқори ташкилот раҳбарлари ёки улар билан бирга берилса ҳам, қабул қилинмайди, ҳисобланмайди.

Илмий-техникавий ва илмий ишчиларнинг таклифлари, қуйидаги вақтда рационализаторлик таклифларини қабул қилишга рухсат берилади:

1. Бу ишчилар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларни ишчи чизмалар ёки техникавий лойиҳалар тасдиқлангандан сўнг берилса;
2. Агар конструктив иш бўлса, асосий намунани серияда қабул қилингандан сўнг берилса;
3. Агар технологик жараён бўлса, маълум тартибда эксплуатацияга қабул этилгандан сўнг берилса.

Умуман, берилган таклифлар лойиҳани, конструкция ва технологик жараёни техникавий тавсифини яхшиласа, бундай таклифлар қабул қилиниб маълум тартибда рағбатлантирилади.

Худди шунингдек, таклифларда аниқ техникавий ечим бўлмаса ҳам, бундай таклифлар рационализаторлик таклифи сифатида қабул қилинмайди.

Рационализаторлик таклифлар тузилгандан сўнг, қайси корхонада ишлатиладиган бўлса, шу корхонага берилиши керак.

Рационализаторлик таклиф тушгандан сўнг чуқур текширилиши ва шу корхона профилига тўғри келиш-келмаслиги аниқланиши керак. Агар текшириш натижалари ижобий бўлса, сўнг рационализаторлик таклифнинг аризаси расмий равишда қабул қилиниб, регистрация этилади. Агар текшириш натижаси ижобий бўлмаса, сабаби тушунтирилиб, ариза қайтарилиб берилади.

Кўп ҳолда, аризани қайси ташкилотга берилиши ҳақида тушунмовчилик бўлиши мумкин. Шунинг учун норматив актларда бу ҳақда аниқ кўрсатмалар берилган.

Масалан, маҳсулотни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар, фақат шу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхонага берилиши керак, яъни бу маҳсулотларни қўлловчиларга эмас.

Худди шунингдек, ишлаб чиқариш услубини ўзгартиришга тааллуқли рационализаторлик таклиф, шу таклиф муаллифи ким бўлса ҳам, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда подрядчикга (ишга ёлланган корхонага) берилади.

Қабул қилинган ариза албатта махсус китобда қабул қилинган кунни кўрсатилиб, регистрация қилиниши керак. Регистрация қилинишнинг моҳияти, кўриб чиқиш учун қабул қилинганлигини, шаклларини биринчи бўлиб берилганлигини тасдиқласа, шу билан бирга корхонанинг ушбу аризани кўриб чиқишини жавобгарлигини оширади, шу кундан бошлаб аризани кўриб чиқиш вақти саналади, умуман олганда, ариза - таклифларни регистрация қилинган кундан бошлаб ушбу ҳужжат расмий ҳисобланади ва муаллиф уни қайтиб ололмайди.

Бериладиган ёзма аризада рационализаторлик таклифнинг мазмуни ёзиб берилади. Агар керак бўлса, аризага қўшимча равишда чизмалар, схемалар ёки эскиз, расмлар берилиши мумкин. Умуман олганда, берилган ёзма тушунтириш хати ёрдамида, қилинган таклиф амалиётда тадбиқ этиши мумкин бўлсин.

Давлат ихтиро комитети томонидан, рационализаторлик таклиф аризаси ва шунга боғлиқ берилган бошқа ҳужжатлар формаси ишлаб чиқилган. Аризага фақат битта техникавий ечим берилади. Агар берилган аризада бир нечта техникавий ечим ҳақида ёзилган бўлса, муаллифга 15 кунлик муҳлат бериладики, бу вақтда муаллиф, ҳар бир техникавий ечим бўйича, алоҳида-алоҳида ариза тайёрлаб бериши керак. Лекин, биринчилик вақти, биринчи биргаликда берилган ариза бўйича ҳисобланади.

Корхона аризани қабул қилинганлиги тўғрисида беш кун муҳлат ичида, муаллифга маълумотнома бериши керак.

Берилган ариза-таклифларни кўриб чиқиш вақтида, муаллиф қўшимчалар киритиши ёки ўзгартиришлар киритиши ҳуқуқига эга. Лекин қилинган ўзгартиришлар ариза - таклиф моҳиятини ўзгартирмаслиги лозим.

Агар бериладиган ариза - таклиф, амалиётда қўлланилаётган бўлса, унда муаллиф фақат уч ойдан сўнг ариза-таклиф бериши мумкин.

Ариза-таклифни тўла кўриб чиққунга қадар, муаллифлар, муаллифлар сонини кўпайтириши ёки камайитириши ҳам мумкин. Берилган ариза

таклифларни кўриб чиқиш муддати: корхоналар учун 15 кун, вазирлик учун эса 1,5 ой, келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади.

Агар берилган ариза-таклиф бошқа корхоналарга ҳам ишлатилиши мумкинлиги аниқланса, унда корхона 3 ойлик муддатда юқори ташкилотларга хабар бериши керак.

Ариза-таклиф кўриб чиқилгандан сўнг унинг натижасида қуйидаги қарорлар қилиниши лозим: таклифни рационализаторлик таклиф деб уни қўлланилиши ҳақида ёки тажриба ўтказиш ва текшириш ёки қайтарилиши албатта сабабларини кўрсатилган ҳолда таклифнинг қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги ҳақидаги қарор техник, илмий кенгашларда кўриб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Рационализаторлик таклифнинг қабул қилиниши ва унга муаллифлик ҳуқуқини берилиши рационализаторлик таклиф гувоҳномаси берилиши билан тасдиқланади. Агар муаллифлар бир неча киши бўлса, гувоҳнома ҳам ҳар бир кишига маълум қоидага асосан берилади.

Муаллифлик гувоҳномасини шу ариза - таклифни қабул қилган корхона томонидан берилади. Агар таклифни бир неча корхона қабул қилган ва ўз ишлаб чиқаришда қўлламоқчи ёки қўллаётган бўлса, барча корхоналарга алоҳида-алоҳида гувоҳнома берилади.

Агар шу корхоналар вазирлиги томонидан берилса, унда корхоналар томонидан берилган гувоҳномалар ўз кучини йўқотади.

Агар гувоҳнома нотўғри берилган бўлса, унда у тўла ёки қисман қайтарилиши мумкин.

Гувоҳнома нотўғри берилган деб ҳисобланса, унда тўла қайтарилади, агарда қисман нотўғрилиги (муаллифлар сонидан, моҳиятининг бир қисми ва ҳоказо) аниқланса, қисман қайтарилади, яъни нотўғри деб топилган хатоликлар ҳисобга олинади ва бекор қилинади.

Таянч иборалар: носаноат мулк; ЭХМ дастури; интеграл микросхема; селекция ютуқлари; объектив код; ҳуқуқ эгаси; топология муаллифи; фирма номи; муҳофаза қилиш; рационализаторлик; ёзма ариза; муаллифлик гувоҳномаси.

Назорат учун саволлар:

1. Носаноат мулкларига нималар киради?
2. Фирма номлари, муаллифлик ҳуқуқи ва рационализаторлик ишларининг умумий маълумотлари.
3. “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуннинг асосий тушунчалари.
4. Рационализаторлик иш турига қандай таклифлар кирмайди?
5. Қандай ҳолларда рационализаторлик таклифлари қабул қилинади?

6. Муаллифлик гувоҳномаси қандай амалга оширилади?

Талабанинг мустақил иш топшириқлар:

1. Саноат мулкидан ташқари интеллектуал мулклар бўйича билимга эга бўлиши ва билиши лозим.

2. Фирма номлари тўғрисида тўлиқ маълумотларга эга бўлиши керак.

3. Рационализаторлик ишлари ҳақида умумий маълумот ҳақида тушунча ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати: 1, 2, 3, 4

8-мавзу. ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар баъзалари, интеграл микросхемалар топологиялар интеллектуал мулк сифатида

1. Маърузанинг таълим технологияси

Вақти - 2 соат	Талабалар сони: 5-10 нафар
Уқув машгулотининг шакли	Ахборот визуал маъруза, аниқ, ҳолатларни ечиш.
Маъруза машгулотининг режаси	1. Электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) учун дастурлар ва маълумотлар баъзалари тушунчаси, моҳияти. 2. Интеграл микросхемалар топологиялар, селекция ишлари тушунчаси, уларнинг ҳуқуқий ҳимояланиши. 3. ЭҲМ дастурлари ва маълумотлар баъзалари, интеграл микросхемалар топологияларига талабнома тузиш, бериш ва гувоҳнома олиш.
<i>Уқув машгулотининг мақсади:</i> ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар баъзалари, интеграл микросхемалар топологиялар интеллектуал мулк сифати ҳақида маълумотлар бериш.	

<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <p>1. Электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) учун дастурлар ва маълумотлар баъзалари тушунчаси, моҳияти очиб бериш.</p> <p>2. Интеграл микросхемалар топологиялар, селекция ишлари тушунчаси, уларнинг ҳуқуқий ҳимояланиши хақида ахборот бериш.</p> <p>3. ЭҲМ дастурлари ва маълумотлар баъзалари, интеграл микросхемалар топологияларига талабнома тузиш, бериш ва гувоҳнома олиш тартиби билан таништириш.</p>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <p>ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасини тушунчаларини билишади ва уларни расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш куникмасига эга бўлишади.</p> <p>ЭҲМ микросхемалар топологиялар, селекция ишлари тушунчаси хақида маълумотга эга бўлишади.,</p> <p>Патент идорасига талабнома тузиш, бериш ва гувоҳнома олиш тартиби билан танишадилар.</p>
<p>Уқитиш услуби ва техникаси</p>	<p>Маъруза, кластер, мунозара, техника: таклимот, блиц-суров, график</p>
<p>Уқитиш воситалари</p>	<p>Маъруза матни, проектор,</p>
<p>Уқитиш шакли</p>	<p>Фронтал маъруза, гуруҳ, ва жуфтликларда</p>
<p>Уқитиш шароитлари</p>	<p>Намунадаги аудитория</p>

2. Маърузанинг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	уқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	1.1. Маъруза мавзуси ва режаси эълон қилинади. Аввалги мавзуга савол-жавоб оқнади боғланади	1.1. Эшитадилар, ёзалилар

<p>2-боскич. Асосий (60 мин.)</p>	<p>2.1. Мавзуни ёритиш учун муаммоли саволларнитаклиф этади. 2.2. Талабаларга Электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) учун дастурлар ва маълумотлар баъзалари тушунчаси, моҳияти очиб берилади. 2.3.Интеграл микросхемалар топологиялар, селекция ишлари тушунчаси, уларнинг ҳуқуқий ҳимояланиши хақида ахборот берилади. 2.4. ЭҲМ дастурлари ва маълумотлар баъзалари, интеграл микросхемалар топологияларига талабнома тузиш, бериш ва гувоҳнома олиш тартиби билан таништирилади.</p>	<p>2.1.Муаммоли саволларга эътибор берадилар: «биламан-билдим» жадвалининг 1-устунини тулдирадилар. 2.3.Эшитадилар, ёзадилар. 2.4. Эшитадилар, ёзадилар.</p>
<p>3-боскич. Якуний (10 мин.)</p>	<p>3.1. Мавзуга хулоса чиқаради. Асосий масала устидатухталади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқлар беради:</p>	<p>3.1.Эшитадилар, саволларини беради ёзиб оладилар. 3.2.Топшириқларни ёзиб оладилар.</p>

1. Электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) учун дастурлар ва маълумотлар базалари тушунчаси, моҳияти

ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофазаси ва унинг қўлланилиши, рўйхатдан ўтказилишини тартибга солиб туриш мақсадида 6 май 1994 йил №1060-ХП Ҷазбирон Республикаси “ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базасини ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги қабул қилинган Қонун, 05.04.2002 йил №364-П, 30.08.2002 йил №405-П қўшимчалари билан амал қилинапти.

Ушбу қонуннинг (1-моддаси) билан қуйидаги тушунчалар қабул қилинган:

- маълумотлар базаси, бу системалашган, объектив формада мақолалар, ҳисоблар ва ҳ.к. кўринишидаги маълумотлар бўлиб, буларни ЭҲМ ёрдамида топиш ва қайта ишлаш мумкин бўлсин:

- ЭҲМ учун дастурлар объектив формада ЭҲМ ишлаши ва ЭҲМ тармоқларининг маълум натижа олиш учун маълумотлар ва кўрсатмалар;

- бошланғич текст – дастурлаш тилида ёзилган, компилятор ёрдамида қайта ишлови мумкин бўлган текст;

- объектив код – бошланғич текстни машина кодига айлантиришда вужудга келган дастур;

- ЭҲМ учун декомпилированган дастур деб, структура ва ЭҲМ кодлашни ўрганиш мақсадида объект коддини бошланғич текстга айлантириш техникавий приёми;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базаси учун адаптация дастури – конкрет шароитларда ЭҲМ дастурларини ишлаши учун, муаллифлик бошланғич текстни ўзгартирмаган ҳолда маълумотлар базасига қўшимчалар критиш;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базаси дастурларини адаптацияси (қайта ишлови) – бошланғич текстни ўзгартирмаган ҳолда критилган ўзгартиришлар;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базасини дастурини қайта ишлаб чиқариш;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базасини бир ёки ҳоҳлаган нусхаларда материал формада, ёки хотирада тайёрлаш;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базаси дастурларини тарқатиш;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базаси дастурларини сотиш, прокатга бериш, импорт қилиш ва ҳ.к. билан ишлашга йўл қўйилишига тушунилади;

- ЭҲМ ёки маълумотлар базасини чоп этиш – муаллифнинг розилиги билан ЭҲМ ёки маълумотлар базасини печатга, ишлашга бериш;

- ҳуқуқ эгалари деганда, унинг муаллиф, ёки меросхўри юридик ёки жисмоний шахсларнинг қонун асосида тўла мулкчилик ҳуқуқига эгалигига тушунилади.

Ушбу асосий тушунчалар ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларининг моҳиятини ечиш учун қонунда қўлланиб келинмоқда.

ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасини расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабнома. Қонуннинг 9-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ талабнома битта ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасига тааллуқли бўлиши лозим.

Талабнома куйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

а) ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи (муаллифлари) ва номига рўйхатдан ўтказилиш сўраётган шахс (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади) ҳамда уларнинг яшаш жойлари ёки жойлашган манзили кўрсатилган ҳолда расмий рўйхатдан ўтказиш учун ариза;

б) ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасини идентификация қиладиган материаллар, рефератни ҳам ўз ичига олган ҳолда.

Талабномага патент бојини белгиланган миқдорда тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ёки патент бојини тўлашдан озод қилиш ёхуд унинг миқдорини камайтириш учун асосларни тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинади.

ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасининг реферати қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

а) ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасининг номи (аризада кўрсатилганидек ҳолда);

б) ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасининг вазифаси, қўлланилиш соҳаси ва функционал имкониятлари очиб берилган аннотация. Аннотациянинг ҳажми 700 та белгидан ошмаслиги лозим;

в) ишлатиладиган ЭҲМнинг типии;

г) дастур тили (ЭҲМ учун дастурга);

д) маълумотлар базасини бошқариш тури ва версияси (маълумотлар базасига);

е) операция тизимининг тури ва версияси;

ж) ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасининг машинада ўқиладиган шаклдаги ҳажми килобайтларда.

2. Интеграл микросхемалар топологиялар, селекция ишлари тушунчаси, уларни ҳуқуқий ҳимояланиши

Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. Интеграл микросхемаларнинг топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Асосий тушунчалар. Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

- интеграл **микросхема** – электрон вазифаларни бажаришга мўлжалланган, туга лёки оралиқ шаклдаги микроэлектрон буюм бўлиб, ундаги элементларининг ҳеч бўлмаганда бири фаол ҳисобланади, буюмдаги боғланишларнинг айримлари ёки борчаси бу буюм тайёрланган жисмлар таркибида ва (ёки) сиртида узвий шакл топган бўлади;

- **интеграл микросхема топологияси** – интеграл микросхема элементларининг ва улар ўртасидаги боғланишлар мажмуининг моддий жисмда қайд этилган фазовий-геометрик жойлашуви;

- **ҳуқуқ эгаси** – интеграл микросхема топологиясининг муаллифи, унинг меросхўри, шунингдек интеграл микросхема топологиясидан фойдаланиш мулкый ҳуқуқларини қонунга ёки шартномага асосан олган ва уларга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш объектлари ва шартлари. Интеграл микросхеманинг ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзига хос топологияси (бундан буён матнда топология деб юритилади) интеграл микросхема топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш объекти ҳисобланади.

Муаллифнинг ижодий фаолияти натижасида яратилган ва яратилган санасида интеграл микросхемалар ишлаб чиқувчи ёки тайёрловчиларга маълум бўлмаган топология бошқача ҳолат исботлангунга қадар ўзига хос деб эътироф этилади.

Яратилган санасида интеграл микросхемалар ишлаб чиқувчи ёки тайёрловчиларга маълум бўлган элементлардан таркиб топган топологияга, агар бундай элементлар йиғиндиси ушбу модда иккинчи қисмининг талабларига тўла мувофиқ бўлсагина, ҳуқуқий муҳофаза берилади.

Ушбу Қонун билан бериладиган ҳуқуқий муҳофаза топологияга сингдирилган ғоялар, усуллар, тизимлар, технология ёки кодлаштирилган ахборотга нисбатан тадбиқ этилмайди.

Топология муаллифи. Ижодий меҳнати билан топологияни яратган жисмоний шахс шу топология муаллифи деб эътироф этилади. Агар топология икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахсларнинг биргаликдаги ижодий меҳанти билан яратилган бўлса, улар биргаликда муаллифлар (хаммуаллифлар) деб эътироф этилади.

Топологияни яратишга шахсан ижодий ҳисса қўшмаган, бироқ муаллифга техник, ташкилий ёки моддий ёрдам кўрсатган ёхуд топологиядан фойдаланиш ҳуқуқини расмийлаштиришга кўмаклашган жисмоний шахслар муаллифлар деб эътироф этилмайди.

Муаллифнинг топологияга бўлган ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайдиган шахсий номулкий ҳуқуқ ҳисобланади ва қонун билан муҳофаза қилинади.

Топологиядан фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқ эгасига топологиядан ўз ихтиёрига биноан фойдаланиш, шу жумладан уни тайёрлаш, қўллаш ва тарқатиш мутлақ ҳуқуқи тегишлидир.

Ҳуқуқ эгаси топологияда, шунингдек шундай топологияни ўз ичига олган буюмларда “Т” ҳарфи ёки айланадаги “Т” ҳарфи ёхуд бошқача тарзда ифодаланган “Т” ҳарфини жойлаштиради ва бу унинг Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинишини кўрсатади.

Бир нечта ҳуқуқ эгаларига тегишли ҳуқуқлардан фойдаланиш тартиби улар ўртасидаги шартномага биноан белгиланади.

“Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади селекция ютуқларини яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Асосий тушунчалар. Ушуб Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

зот – генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ биологик ва морфологик хусусиятлари ҳамда белгиларига қараб аниқланадиган ҳайвонлар (шу жумладан, паррандалар, ҳашоратлар, ипак қурти) ёки уларнинг дурагайлари гуруҳи бўлиб, бу хусусиятлар ҳамда белгиларнинг айримлари айнан шу гуруҳга хос бўлади ва уни ҳайвонларнинг бошқа гуруҳларидан фарқлаб туради. Зот гуруҳи, зот ичидаги (зонал) тип, завод типии, завод линияси, зот оиласи, партеноклонлар, линиялар, дурагайлар зотнинг муҳофаза қилинадиган объектларидир;

иш берувчи – селекция ютуғини яратиш тўғрисида топшириқ берган ва бу топшириқ бажарилишини молиялаштираётган юридик ёки жисмоний шахс;

лицензиар – селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензиатга лицензия шартномаси асосида олган юридик ёки жисмоний шахс;

нав – ўсимликлар гуруҳи бўлиб, у наслдан-наслга барқарор ўтувчи, муайян генотип ёки генотиплар комбинациясини бошқаларидан ажратиб турувчи белгиларга қараб аниқланади ва Айни бир ботаник таксондаги бошқа ўсимликлар гуруҳидан бир ёки бир неча белгилари билан фарқланади. Клон, линия, биринчи авлод дурагайи, популяция навнинг муҳофаза қилинадиган объектларидир;

патент эгаси – селекция ютуғига берилган патентнинг эгаси;

селекция ютуғи – ўсимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зоти;

талабнома берувчи – селекция ютуғига патент бериш ҳақида талабнома топширган юридик ёки жисмоний шахс.

Селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг ташкилий асослари. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси (бундан буён матнда Патент идораси деб юритилади) селекция ютуқларини ҳуқуқий

муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди.

Патент идораси селекция ютуқларига патентлар бериш ҳақидаги талабномаларни (бундан буён матнда патент бериш ҳақидаги талабнома деб юритилади) қабул қилиб олади ҳамда кўриб чиқади, улар бўйича расмий экспертиза ўтказади, Ўсимлик павлари давлат рејстрини ҳамда Ҳайвон зотлари давлат рејстрини (бундан буён матнда рејстр деб юритилади) юритади, селекция ютуқларига патентлар беради, талабнома материаллари ва Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинб, муҳофаза қилинаётган селекция ютуқлари ҳақидаги маълумотларни расмий равишда эълон қилади, селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашга доир қоидалар қабул қилади ҳамда тушунтиришлар беради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссияси, Чорвачиликда наслчилик ишлари бўйича бош давлат инспекцияси (бундан буён матнда ихтисослаштирилган ташкилотлар деб юритилади) талабномада кўрсатилган селекция ютуқларининг патентга лаёқатлилигини экспертизадан ўтказади.

Патент эгаси. Селекция ютуғига патент:

- селекция ютуғининг муаллифига (хаммуаллифларига) ёки унинг (уларнинг) меросхўрига (меросхўрларига);

- муаллиф ёки унинг меросхўри томонидан патент бериш ҳақидаги талабномада ёки селекция ютуғи рўхатдан ўтказулгунга қадар Патент идорасига топширилган талабнома талабнома берувчини ўзгартириш тўғрисидаги аризада кўрсатилган юридик ва (ёки) жисмоний шахсларга (улар рози бўлган тақдирда);

- ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган ҳолларда иш берувчига берилади.

3. ЭҲМ дастурлари ва маълумотлар базалари интеграл микросхемалар топологияларга талабнома тузиш, бериш ва гувоҳнома олиш

Талабнома ҳужжатларини расмийлаштириш. Ҳамма ҳужжатлар, зарур бўлган ҳолларда уларни бевосита репродукция қилиш мумкин бўлган тарзда расмийлаштирилади.

Ҳар бир варақнинг фақат бир томонидан, қаторларни варақнинг кичик томонига параллел жойлаштирилган ҳолда фойдаланилади.

Талабноманинг ҳужжатлари пишиқ, оқ, теки, ярқирамайдиган қоғозда бажарилади. Талабнома ҳужжатларини МЎТ да ҳам бериш мумкин.

Талабноманинг ҳар бир ҳужжати алоҳида варақдан бошланади. Варақлар 210x297 мм. Форматга эга бўлади.

Тавсиф ва муҳим аломатлар мажмуи ўз ичига олган варақлардаги хошияларнинг энг кичик ўлчами қуйидагиларни ташкил этади, мм.:

юқориги – 20;

ўндаги – 20;

пастки – 20;

чапдаги – 25.

Бу варақларда фойдаланилган ёки фойдаланишга яроқли сатҳ атрофида рамка чизилмаслиги лозим.

Талабноманинг ҳар бир ҳужжатида иккинчи ва кейинги варақлар рақамланишнинг алоҳида сериясидан фойдаланган ҳолда бирдан бошлаб араб рақамлари билан тартибма-тартиб рақамлаб чиқилади.

Талабнома ҳужжатлари қора рангли ширфт билан босмадан чиқарилади. Рефератнинг матнлари 1,5 интервал орқали бош ҳарфларининг баландлиги 2,1 мм дан кам бўлмаган ҳолда босмадан чиқарилади.

МЎТ да бериладиган материалларга қўйилган талаблар Патент идораси томонидан белгиланади.

Талабномани топшириш. Қонуннинг 9-моддаси биринчи қисмига мувофиқ ҳуқуқ эгаси талабномани топшириш ҳуқиқага эга.

Талабнома бевосита Патент идорасига топширилади ёки почта орқали юборилади.

Талабнома бевосита талабнома берувчи томонидан ёки ўзининг вакили орқали топширилиши мумкин.

Талабнома топширилгандан кейин юбориладиган материалларда талабнома рақамини ичига олган ва талабнома берувчи ёки унинг вакили томонидан измоланган бўлиши лозим.

Талабнома рақами кўрсатилмаган материаллар, агар рақамни билвосита аниқлаш имкони бўлмаса, қайтариб юборилади.

Патент идорасига талаблар бузилган ҳолда камчиликлар билан тақдим этилган материаллар бўйича сўровда кўрсатилган муддатда тузатилган ёки мавжуд бўлмаган материаллар тақдим этилиши таклиф қилинган сўров жўнатилади. Талабнома берувчи ёки унинг вакили бўлмаган шахслар томонидан берилган материаллар кўрилмайди. Бундай материалларни юборган шахсга тегишли билдиришнома юборилади.

Талабнома бўйича ишларни олиб бориш ва талабномани кўриб чиқишга ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун талабнома берувчи ишончнома бериш орқали вакил тайинлаш мумкин.

Патент идораси олдида вакиллик қилиш учун Ўзбекистон Республикасида расмийлаштириладиган ишончнома оддий ёзма равишда тузилади.

Агар ишончнома ўзбек ёки рус тилидан бошқа тилда берилган бўлса, унга ўзбек ёки рус тилидаги таржимаси илова қилинади.

Агар талабнома бир қанча шахслар номига берилган бўлса, у ҳолда ишлар уларнинг исталгани томонидан олиб борилиши мумкин.

Топологияни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома бериш. Топологияни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома муаллиф, иш берувчи ёки уларнинг ҳуқуқий вориси (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади) томонидан бевосита ёки ишончли вакил орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига (бундан буён матнда Патент идораси деб юритилади) берилади.

Топологияни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома бериш, агар топологиядан фойдаланилган бўлса, ундан биринчи марта фойдаланилган санадан эътиборан икки йилдан ошмаган муддатда амалга оширилиши мумкин.

Топологияни рўйхатдан ўтказишга доир талабнома битта топологияга тааллуқли бўлиши керак.

Топологияни рўйхатдан ўтказишга доир талабномани расмийлаштириш учун зарур бўладиган ҳужжатларга доир талаблар Патент идораси томонидан белгиланади.

Топологияни рўйхатдан ўтказишга доир талабноманинг давлат экспертизаси. Топологияни рўйхатдан ўтказишга доир талабноманинг давлат экспертизаси талабнома берилган санадан эътиборан икки ойлик муддат ичида Патент идораси томонидан ўтказилади. Давлат экспертизаси натижаларига биноан топологияни рўйхатга олиш ёки уни рўхатга олишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилиб, бу ҳақда талабнома берувчи хабардор қилинади.

Талабнома берувчи Патент идорасининг сўровига биноан ёки ўз ташаббуси билан топологияни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар талабнома материалларини тўлдириш, аниқлаштириш ва тузатишга ҳақлидир.

Топологияни рўйхатдан ўтказишга доир талабноманинг давлат экспертизасини ўтказиш тартиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Топологияни рўйхатга олиш. Давлат экспертизасининг хулосаси асосида Патент идораси патент божи тўлангани тўғрисидаги ҳужжат олинган санадан эътиборан бир ой ичида топологияни интеграл микросхемалар топологияларининг давлат рејстрида рўйхатга олади. Рејстрга

киритиладиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Таянч иборалар: Интеллектуал мулк; ЭҲМ учун дастурлар; маълумотлар базаси; объектив код; структура; адаптация дастурлар; реферат; интеграл микросхемалар топологияси; талабнома ҳужжатлари; МҰТ; топология муаллифи; иш берувчи лицензия; фирма номи; муаллифлик ҳуқуқи; талабномани топшириш; рационализаторлик.

Назорат учун саволлар:

1. “ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базасини ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги Ўз.Р. Қонуни моҳияти.
2. ЭҲМ учун дастур ва маълумотлар базасини рўйхатдан ўтказиш талаблари.
3. Интеграл микросхемалар топологиялари тушунчаси ва моҳияти.
4. Топология муаллифлари кимлар бўлиб ҳисобланади.?
5. Селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш асослари.
6. ЭҲМ дастурлари ва маълумотлар базаларининг талабнома ҳужжатларини расмийлаштириш.

Талабанинг мустақил иш топшириқлар:

1. Электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) учун дастурлар ва маълумотлар баъзалари тушунчаси, моҳияти ҳақида билимга эга бўлиш.
2. Интеграл микросхемалар топологиялар, селекция ишлари тушунчаси, уларнинг ҳуқуқий ҳимояланиши тўғрисида етарли маълумотларга эга бўлиш ва уни билиши керак.
3. ЭҲМ дастурлари ва маълумотлар баъзалари, интеграл микросхемалар топологияларига талабнома тузиш, бериш ва гувоҳнома олиш бўйича кўникмаларга эга бўлиш.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати: 5, 6, 7, 8

9.-Мавзу. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар, ихтирочиликда молиявий муносабатлар

1. Маърузанинг таълим технологияси

Вақти - 2 соат	Талабалар сони: 5-10 нафар
Уқув машгулотининг шакли	Визуал, ахборот маъруза
Маъруза машгулотининг	1. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар

режаси	тушунчаси, қонуний асосланиши 2. Патент божлари тушунчаси, божлари ставкалари. 3. Саноат мулки ва бошқаларнинг амалиётда қўлланилиши
<i>Ўқув машгулотининг миқсади:</i> Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар ва ихтирочиликда молиявий муносабатларни тушунтириш	
<i>Педагогик вазифалар:</i> • Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тушунчаси, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этиш моҳияти ёритилади • Патент божлари тушунчаси давлат рўйхатидан ўтказиш учун талабнома бериш, гувоҳнома олиш тартиби ҳақида маълумот берилади. • Саноат ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларнинг амалиётда қўлланилиши ҳақида ахборот берилади.	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: • Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тушунчаси, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этиш моҳияти билади. • Патент божлари тушунчаси давлат рўйхатидан ўтказиш учун талабнома бериш, гувоҳнома олиш тартиби ҳақида қуниқмага эга бўлади. • Саноат мулки тушунчаси, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ташкилий таркибий қисмларининг амалиётдаги тадбири билан танишади.
Уқитиш услуби ва техникаси	Ахборот-маъруза, инсерт, хдмкорликда уқитиш техникаси,.
Уқитиш шакли	Фронтал, гуруҳларда
Уқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, график органайзерлар.
Уқитиш шарт-шароити	Намунадаги аудитория

2. Маърузанинг технологи харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	уқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	1.1. Маъруза мавзуси ва режаси эълон қилинади. Аввалги мавзуга савол-жавоб орқали боғланади	1.1. Эшитадилар, ёзалилар

2-боскич. Асосий (60 мин.)	2.1. Мавзунни ёритиш учун муаммоли саволларни таклиф этади. 2.2. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тушунчаси, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этиш моҳияти ёритилади 2.3. Патент божлари тушунчаси давлат рўйхатидан ўтказиш учун талабнома бериш, гувоҳнома олиш тартиби ҳақида маълумот берилади. 2.4. Саноат ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларнинг амалиётда қулланилиши ҳақида ахборот берилади.	2.1. Муаммоли саволларга эътибор берадилар: «биламан-билдим» жадвалининг 1-устунини тулдирадилар. 2.2. Эшитадилар, ёзадилар. 2.3. Эшитадилар, ёзадилар. 2.4. Эшитадилар, ёзадилар.
3-боскич. Якуний (10 мин.)	3.1. Мавзуга хулоса чиқаради. Асосий масала устида тухталади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқлар беради:	3.1. Эшитадилар, саволларини беради ёзиб оладилар. 3.2. Топшириқларни ёзиб оладилар.

1. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тушунчаси, қонуний асосланиши

“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

асар нусхаси – асарнинг ҳар қандай моддий шаклда тайёрланган кўчирмаси;

асарни омма олдида намойиш этиш – асарнинг асл нусхаси ёки нусхасини бевосита ёхуд плёнка, диапозитив, телевизион кадр ёрдамида ёки бирон-бир бошқа техника воситалари орқали экранда кўрсатиш, шунингдек аудиовизуал асарнинг айрим кадрларини уларнинг кетма-кетлигига риоя этмасдан омма учун очиқ жойда ёки Айни бир оила аъзолари бўлмаган шахсларнинг кенг доираси ҳозир бўлган жойда кўрсатиш;

асарни ошкор қилиш – муаллифнинг розилиги билан амалга оширилган, асарни чоп этиш, омма олдида намойиш этиш, омма олдида ижро

этиш, эфирга узатиш ёки бошқача усулда юбориш йўли билан илк бор асардан барчанинг воқиф бўлиши учун имкон берадиган ҳаракат;

аудиовизуал асар – бир-бири билан боғланган (овоз жўрлигида ёки овоз жўрлигисиз) тасвирларнинг ёзиб олинган туркумидан иборат бўлган, тегишли техника воситалари ёрдамида кўриб ва эшитиб (овоз жўрлигида бўлганида) идрок этиш учун мўлжалланган асар, шу жумладан дастлабки ёки кейинги қайд этиш усулидан қатъи назар кинематография асарлари ва кинематографияниқига ўхшаш воситалар билан ифодаланган барча асарлар (теле- ва видеофильмлар, диафильмлар, слайдфильмлар ҳамда бошқа асарлар);

аудиовизуал асарни тайёрловчи – шундай асарни тайёрлаш ташаббуси ва масъулиятини ўз зиммасига олган юридик ёки жисмоний шахс;

барчанинг эътиборига теказиш – асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини симлар ёки симсиз алоқа воситалари орқали телекоммуникация тизимларидан фойдаланувчилар ўз танловига кўра исталган жойда ва исталган вақтда улардан фойдалана олиши мумкин бўлган тарзда барчанинг эътибор учун юбориш;

барчанинг эътибори учун юбориш – асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини эфирга узатиш, кабель орқали юбориш, шунингдек уларни юбориш жойида вакиллари бўлмаган омма эшитиб ва (ёки) кўриб идрок этиши учун, шу тарзда эшитиш ёки кўриш мумкин бўлган асарлар ёки турдош ҳуқуқлар объектлари амалда идрок этилиши-этилмаслигидан қатъи назар, ҳар қандай бошқача усулларда етказиш (нусхаларни тарқатиш бундан мустасно);

ёзув – овозлар ва (ёки) тасвирларни қайта-қайта идрок этиш, такрорлаш ёки юбориш имконини берадиган бирон-бир моддий шаклда техника воситалари ёрдамида қайд этиш;

ижро – асарни (шу жумладан халқ ижодиёти асарини), фонограммани, ижрони, сахна асарини ўйин, ифодали ўқиш, куйлаш, рақсга тушиш орқали жонли ижро ёки техника воситалари ёрдамида тақдим этиш;

ижрочи – актёр, хонанда, созанда, раққос ёки роль ўйнайдиган, куйлайдиган, ўқийдиган, ифодали ўқийдиган, рақсга тушадиган, талқин этадиган, мусиқа асбобини чаладиган ёхуд адабиёт ёки санъат асарини (шу жумладан халқ ижодиёти асарини) ўзгача тарзда ижро этадиган бошқа жисмоний шахс, шунингдек спектаклнинг сахналаштирувчи режиссёр ива диржёр;

кабель орқали юбориш – асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини кабель, сим ёки шунга ўхшаш воситалар ёрдамида барчанинг эътибори учун юбориш;

манзарали-амалий санъат асари – асл нусхалари ёки нусхалари амалда фойдаланиш ашёлари сифатида қўлланиладиган ёки ана шундай ашёларга кўчирилган икки ўлчовли ёки уч ўлчовли санъат асари, шу жумладан бадий хунармандчилик асари ёки саноат усулида тайёрланган асар;

маълумотлар базаси – объектив шаклда ифодаланган ва электрон ҳисоблаш машиналари (бундан буён матнда ЭХМ деб юритилади) ёрдамида топиш ҳамда ишлов бериш мумкин бўладиган тарзда бир тизимга солинган маълумотлар (мақолалар, ҳисоб-китоблар ва шу кабилар) мажмуи;

муаллиф – ижодий меҳанги билан асар яратган жисмоний шахс;

омма олдида ижро этиш – асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини ижро этиш ёки маълум қилишнинг ҳар қандай бошқа шакли воситасида, бевосита ёки техника воситалари ёрдамида, омма учун очик жойда ёки айни бир оила аъзолари бўлмаган шахсларнинг кенг доираси ҳозир бўлган жойда эшитиб ва (ёки) кўриб идрок этиш учун етказиш;

прокатга бериш – асарларнинг асл нусхасини ёки нусхаларини ёхуд турдош ҳуқуқлар объектларини даромад олиш мақсадида вақитчилик фойдаланиш учун бериш;

репрографик такрорлаш – фотоқўчирмасини олиш йўли билан ёки бошқа техника воситалари ёрдамида ёзма ва бошқа асарларнинг асл нусхаларини ёки уларнинг қўчирмаларини бир ёки ундан кўп нусхада, ҳар қандай ўлчамда ва шаклда факсимал такрорлаш, тасвирий санъат асарлари репродукцияларини босмаҳона усулларида фойдаланган ҳолда тайёрлаш ҳоллари бундан мустасно. Репрографик такрорлаш мазкур қўчирмаларни рақамли шаклда сақлаш ёки қўпайтиришни ўз ичига олмайди, репрографик такрорлаш учун фойдаланиладиган техника воситаларининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ муваққат қўчирма нусхалар яратиш ҳоллари бундан мустасно;

ретрансляция – эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи бир ташкилотнинг кўрсатув ёки эшиттиришини эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи бошқа ташкилот томонидан бир вақтда эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш;

такрорлаш – асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг ёхуд улардан бир қисмининг ҳар қандай усулда ва ҳар қандай моддий шаклда бир ёки ундан кўп нусхаларини тайёрлаш, шу жумладан икки ўлчовли асарнинг бир ёхуд ундан кўп нусхаларини уч ўлчовда ҳамда уч ўлчовли асарнинг бир ёки ундан кўп нусхаларини икки ўлчовда тайёрлаш, ЭХМ ва бошқа электрон қурилмалар хотирасига ёзиб олиш;

фонограмма – бирон-бир ижронинг, бошқа овозларнинг ҳар қандай мутлақо овозли ёзуви, аудиовизуал асарга киритилган овозли ёзув бундан мустасно;

фонограмма нусхаси – ҳар –андай моддий жисмдаги, фонограммадан бевосита ёки билвосита тайёрланган ва шу фонограммада қайд этилган овозларнинг ҳаммасини ёхуд бир қисмини қамраб олган фонограмма кўчирмаси;

фонограммани тайёрловчи – ижронинг ёки бошқа овозларнинг биринчи овозли ёзуви учун ташаббус ва масъулиятни ўз зиммасига олган юридик ёки жисмоний шахс;

халқ ижодиёти асарлари – аниқ муаллифи бўлмаган эртаклар, кўшиқлар, рақслар, манзарали-амалий санъат асарлари ҳамда бадий ва хаваскорлик халқ ижодиётининг бошқа натижалари;

чоп этиш – асарнинг, ижро ёзувининг ёки фонограмманинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда омманинг оқилона эҳтиёжларини қондириш учун етарлича миқдорда асарнинг, ижро ёзувининг ёки фонограмманинг нусхаларини асар муаллифининг, ижрочининг ёки фонограммани тайёрловчининг розилиги билан муомалага чиқариш;

эфир узатиш – асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини радио ёки телевидение, шу жумладан сунъий йўлдошлар (кабель телевидениеси бундан мустасно) орқали узатиш воситасида барчанинг эътибори учун юбориш. Асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини сунъий йўлдош орқали эфирга узатиш деганда сигналларни ердаги станциядан сунъий йўлдошга қабул қилиш ва сунъий йўлдошдан сигналларни узатиш тушунилади, улар воситасида аса рёки турдош ҳуқуқлар объектлари, уларни омма амалда қабул қилишидан қатъи назар, барчанинг эътиборига етказилиши мумкин;

эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот – эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш учун ташаббус ва масъулиятни ўз зиммасига олган ҳамда уларни белгиланган тартибда амалга оширувчи шахс;

эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттириши – эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ўзи томонидан, шунингдек унинг буюртмаси бўйича ва унинг маблағлари ҳисобига бошқа ташкилот томонидан яратилган кўрсатув ёки эшиттириш;

ҳуқуқ эгаси – муаллифлик ҳуқуқига нисбатан муаллиф ёки унинг меросхўрлари, турдош ҳуқуқларга нисбатан ижрочи ёки унинг меросхўрлари, фонограммани тайёрловчи, эфир ва кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш

берувчи ташкилот, шунингдек шартномада ёки ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа асос бўйича асарлардан ёхуд турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини олган бошқа юридик ёки жисмоний шахслар.

Муаллифлик ҳуқуқини амал қилиш соҳаси. Ушбу Қонунга мувофиқ муаллифлик ҳуқуқи:

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий туриш жойига эга бўлган муаллифларнинг ёки муаллифлик ҳуқуқининг бошқа дастлабки эгалик қилувчиларининг асарларига;

- муаллифларининг фуқаролиги ва доимий туриш жойидан қатъи назар, Ўзбекистон республикасида биринчи марта чоп этилган асарларга;

- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган асарларга татбиқ этилади.

Агар асар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида биринчи марта чоп этилган санадан сўнг ўттиз кун ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чоп этилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳам биринчи марта чоп этилган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларига мувофиқ асарга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муҳофаза берилган тақдирда, асар муаллифи муаллифлик ҳуқуқини олиш учу насос бўлиб хизмат қилган юридик факт қайси давлатнинг ҳудудида содир бўлган бўлса, ўша давлатнинг қонуни билан аниқланади.

2. Патент божлари тушунчаси

Патент божлари. Саноат мулки объектларига ҳуқуқий муҳофаза бериш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни бажарганлик учун патент божлари ундирилади. Патент божлари Патент идорасига тўланади.

Патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари, уларни тўлашдан озод қилиш, тўлов миқдорларини камайтириш ёки уларни қайтариб бериш учун асослар, шунингдек патент божларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Патент божлари талабнома берувчи, патент эгаси ва бошқа манфаатдор шахс томонидан тўланади.

Патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божини тўлаш мақсадида қўшимча патент божи тўланган тақдирда, патент эгасига олти ойлик имтиёзли муддат берилади.

Агар патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божи ва қўшимча патент божи имтиёзли муддат мобайнида тўланмаса, патентнинг амал қилиши белгиланган муддатда патент божи тўланмаган кундан эътиборан тугатилади.

Патент идораси патент божлари ставкаси

Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари

Бож коди	Божнинг вазифаси	Ставкилар		Бож тўланганлиги ҳақидаги ҳужжатлар тақдим этилиш муддатлари
		Энг кам ойлик иш ҳақи	Хорижий валютада	
1	2	3	4	5
1.1. Талабнома берилганлиги учун тўланадиган бож				
1.1.1.	Патент беришга ва расмий экспертиза ўтказишга талабнома бериш:			Талабнома берилган бир вақтда
	а) – битта ихтирога	5	421	Талабнома берилган бир вақтда
	- ихтиролар гуруҳига, қўшимча равишда биттадан ортиқ бўлган ҳар бир ихтирога	2,5	210	
	б) – битта фойдали моделга	5	421	
	- фойдали моделлар гуруҳига, қўшимча равишда биттадан ортиқ бўлган ҳар бир фойдали моделга	2,5	210	
	в) – саноат намунасининг битта вариантыга	5	420	
	- вариантларга, қўшимча равишда иккитадан ўнтагача бўлган ҳар бир вариант учун	2,5	210	
	- вариантларга, қўшимча равишда ўнтадан ортиқ бўлган ҳар бир вариант учун	5	420	
1.2. Экспертиза ўтказилганлиги учун тўланадиган бож				
1.2.1.	Қуйидагиларга нисбатан экспертиза ўтказиш:			Расмий экспертиза қарори

	- битта фойдали моделга	10	840	жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида
	- фойдали моделлар гуруҳига, биттадан ортиқ бўлган ҳар бир фойдали моделга	10	840	
	- формуланинг ўнтадан ортиқ бўлган ҳар бир боғлиқ бандига	1	84	
	- қўшимча равишда формуланинг йигирмадан ортиқ бўлган ҳар бир боғлиқ бандига	0,5	42	
1.2.2.	Қуйидагиларга нисбатан илмий-техник экспертиза ўтказиш:			
	а) битта ихтирога	15	1260	
	- ихтиролар гуруҳига, қўшимча равишда биттадан ортиқ бўлган ҳар бир ихтирога	15	1260	
	- қўшимча равишда формуланинг ўнтадан ортиқ бўлган ҳар бир боғлиқ бандига	1	84	
	- қўшимча равишда формуланинг йигирматадан ортиқ бўлган ҳар бир боғлиқ бандига	0,5	42	
	б) битта саноат намунасига	15	1260	
	- қўшимча равишда саноат намунасининг биттадан ўнтагача бўлган ортиқ бўлган ҳар бир варианти учун	5	420	
	- қўшимча равишда саноат намунасининг ўнтадан ортиқ бўлган ҳар бир варианти учун қўшимча	10	840	
	в) ихтиро учун берилган талабномада халқаро қидириш органларининг бири томонидан тайёрланган халқаро қидириш тўғрисида ҳисобот мавжуд бўлган тақдирда, Патент кооперацияси тўғрисидаги шартномага мувофиқ бож			

	миқдори қуйидагиларни ташкил этади:			
	- битта ихтиро учун	12	1000	
	- ихтиролар гуруҳига, қўшимча равишда биттадан ортиқ бўлган ҳар бир навбатдаги ихтирога	10	840	
	- қўшимча равишда формуланинг ўнтадан ортиқ бўлган ҳар бир боғлиқ бандига	1	84	
	- қўшимча равишда формуланинг йигирматадан ортиқ бўлган ҳар бир боғлиқ бандига	0,5	42	
1.3. Патентларни рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш ва бериш				
1.3.1.	Ихтирони, фойдали моделни, саноат намунасини рўйхатдан ўтказиш	3	250	Экспертиза қарори айтилган санадан бошлаб уч ой мобайнида
1.3.2.	Эълон қилиш:			
	а) расмий ахборотномада рўйхатдан ўтказилган ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари тўғрисидаги маълумотлар	1	84	
	б) ихтирога, фойдали моделга тавсиф: - 35 варақгача бўлган ҳажмда, шу жумладан формула, чизмалар, реферат ва бошқа материаллар	3	250	
	- қўшимча равишда 35 варақдан ортиқ бўлган ҳар бир навбатдаги варақ учун	0,1	8,4	
1.3.3.	- патентлар бериш	3	250	
1.4. Патентларнинг амал қилишини қўллаб-қувватлаганлик учун тўланадиган божлар				
1.4.1.	Фойдали моделга патентни ҳар йили талабнома топширилган санадан бошлаб унинг амал қилишининг ҳар бир йилига доир кучда сақлаб туриш:	10	840	Биринчи йил учун рўйхатдан ўтказилганлигини эълон қилинганлиги берилганлиги

	а) 5 йил дорисида	5	420	учун тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бир вақтда, кейингилар учун – жорий йилнинг патентни амал қилиш муддати тамом бўлганга қадар охириги йиллар мобайнида
	б) 6-8 йил дорисида	5	420	
1.4.2.	Рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб вақти-вақти билан итирога берилган патентни кучда сақлаб туриш:			Уч йил учун патент берилганлиги учун тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат берилган вақтда. Кейинги учун – патентнинг амал қилиш муддати тамом бўлгунга қадар уч ой мобайнида
	- уч йил учун	10	840	
	- етти йил учун	20	1680	
	- ўн бир йил учун	30	2500	
1.4.3.	Амал қилишининг учинчи йилидан бошлаб саноат намунасига патентни ҳар йили кучда сақлаб туриш:			
	- уч йил учун	5	420	
	- тўртинчи-еттинчи йиллар учун	7,5	630	
	- саккизинчи-ўнинчи йиллар учун	10	840	
	- ўн биринчи-ўн бешинчи йиллар учун (узайтирилган ҳар бир йил учун)	15	1260	
1.4.4.	Патентнинг амал қилиши муддати ўтгандан сўнг 6 ойлик муддат берганлик учун қўшимча бож	белгиланган бож миқдорининг 50 фоизи		Узайтириш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда
1.5. Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналарига бўлган ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш				
1.5.1.	Қуйидагилардан иборат бўлган лицензия шартномасини рўйхатдан ўтказиш:			Ариза бериш билан бир вақтда

	- ихтиро, саноат намунасига, фойдали моделга битта патент	10	840	
	- ихтиро, саноат намунасига, фойдали моделга бир нечта патентларни, лицензия шартномасида кўрсатилган ҳар бир патентга қўшимча равишда	5	420	
1.5.2.	Қуйидагиларга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш:			
	- ихтиро, саноат намунасига, фойдали моделга патент	15	1260	
	- ихтиро, саноат намунасига, фойдали моделга бир нечта патентларни, ҳуқуқни бериш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган ҳар бир патент учун қўшимча равишда	10	840	
1.5.3.	Ихтиродан, фойдали моделдан, саноат намунасида фойдаланишга ҳуқуқни исталган шахсга бериш (очиқ лицензия) тўғрисидаги ариза ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш	1	84	
1.6. Ўзгартиришлар киритиш				
1.6.1.	Талабнома берувчининг ташаббусига кўра ихтиро, фойдали модел, саноат намунасига доир талабномага, шу жумладан ихтиро, фойдали модел формуласига, саноат намунасининг муҳим белгилари рўйхатига давлат экспертизасининг қарори чиқарилгунга қадар тузатишлар, қўшимчалар ва аниқликлар киритиш	2,5	210	Ўзгартиришландан ва материаллар билан бир вақтда
1.6.2.	Ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси рўйхатдан	2,5	210	Ўзгартиришлар тўғрисида ариза

	Ўтказилгунгача талабнома берувчини ўзгартириш			Бериш билан бир вақтда
1.6.3.	Ихтиро, фойдали модел, саноат намунасига талабномани ажратиш, дастлабки талабномадан ажратилган ҳар бир талабнома учун (биргалик бузилган ҳолда)	10	840	Ажратилган талабнома бериш билан бир вақтда
1.6.4.	Рўхатдан ўтказилган лицензия шартномасига ва патентни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартномага ўзгартиришлар киритиш	2,5	210	Ўзгартиришландан ва материаллар билан бир вақтда
1.6.5.	Ихтирога талабномани фойдали моделга талабномага ўзгартириш	1,5	125	Талабномани ўзгартириш тўғрисидаги ариза бериш билан бир вақтда
1.6.6.	Фойдали моделга талабномани ихтирога талабномага ўзгартириш	2,5	210	
1.7. Ҳужжатларни бериш муддатларини узайтириш ва тиклаш				
1.7.1.	Ихтирога, фойдали моделга, саноат намуналарига талабномалар бўйича экспертиза сўровига жавоб беришнинг қонунда белгиланган муддатини узайтириш, узайтирилган ҳар бир ой учун:			Белгиланган муддатни узайтириш тўғрисида илтимоснома бериш билан бир вақтда
	- белгиланган муддат тугаган санадан бошлаб 6 ойгача доирасида	1	84	
	- 6 ойдан 12 ойгача	5	420	
1.7.2.	Ихтирога, фойдали моделга, саноат намунасига талабномалар саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясида белгиланган муддатдан кечикиб берилганда конвенцион устуворликни сўраш муддатини	2,5	210	Ариза бериш билан бир вақтда

	кўпи билан 2 ойга узайтириш			
1.7.3.	Қуйидаги муддатлар доирасида берилган илтимоснома бўйича, ихтироларга, фойдали моделларга, саноат намуналарига талабномалар юзасидан экспертиза сўровига жавоб беришнинг қонунда белгиланган, талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддатни тиклаш:			Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома билан бир вақтда
	- берилган муддат тугаган санадан бошлаб 6 ойгача	6	600	
	- 6 ойдан 12 ойгача	15	1260	

3. Саноат мулки ва бошқаларнинг амалиётда қўлланилиши

Агар саноат мулки объектдан ўз хоҳишича фойдаланиш бошқа патент эгаларининг ҳуқуқларини, шу жумладан бошқа шахсларнинг мазкур объектдан фойдаланишини тақиқлаб қўйиш ҳуқуқини бузмаса, бундай фойдаланиш патент эгасига тегишлидир, шу залда фойдаланиш ушбу Қонунга мувофиқ патент эгасининг ҳуқуқини бузиш деб ҳисобланмайдиган ҳоллар бундан мустасно.

Бир неча патент эгасига қаршли бўлган саноат мулки объектдан фойдаланиш борасидаги ўзаро муносабатлар улар ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, ҳар бир патент эгаси муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектдан ўз хоҳишича фойдаланиши мумкин, лекин қолган патент эгаларининг розилигисиз объектга мутлақ лицензия беришга ёки патентни ўзга шахсга топширишга ҳақли эмас.

Патент эгаси патент билан тасдиқланган саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқи патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартнома бўйича ёки саноат мулки объектдан фойдаланиш ҳуқуқини лицензия шартномаси бўйича ҳар қандай юридик ёхуд жисмоний шахсга (шахсларга) топшириши мумкин. Патентдан ўганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартнома ва лицензия шартномаси Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Патент эгаси фойдаланилаётган саноат мулки объектлари патентланганлигини кўрсатувчи огоҳлантириш тамғасидан фойдаланиши мумкин.

Патент эгалари патент рўйхатга олинган санадан бошлаб уч йил мобайнида саноат мулки объектидан фойдаланмаса ёки етарли даражада фойдаланмаса, ушбу муҳофаза этилаётган саноат мулки объектидан фойдаланишни хоҳловчи ва фойдаланишга тайёр ҳар қандай шахс, патент эгаси лицензия шартномаси тузишдан бош тортган тақдирда, ўзига мажбурий номутлақ лицензия беришни сўраб сулга илтимоснома билан мурожаа қилиши мумкин.

Патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши сифатида эътироф этилмайдиган ҳаракатлар. Қуйидаги ҳолларда патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши сифатида эътироф этилмайди:

- Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган қурилмаларни Саноат мулки муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси иштирокчиси бўлган бошқа давлатнинг транспорт воситасида мазкур восита вақтинча ёки тасодифан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган вақтда, башарти бу қурилмалардан фақат мазкур воситанинг эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бўлса, қўллаш;

- патент билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситалар устида илмий-тадқиқот ёки тажриба ўтказиш;

- патентлар билан муҳофаза қилинаётгана саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни табиий офатлар, ҳалокатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар қўллаш;

- патентлар билан муҳофаза қилинаётгана саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни, агар бу воситалар фуқаролик муомаласига қонуний йўл билан киритилган бўлса, қўллаш;

- патентлар билан муҳофаза қилинаётгана саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни даромад олмай шахсий мақсадларда қўллаш;

- дорихоналарда шифокор рецепти бўйича дориларни бир маротабалик тайёрлаш.

Патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши. Патент билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан ушбу Қонуннинг 11 ва 32-моддаларида назарда тутилган қоидаларга ҳилоф равишда фойдаланаётган ҳар қандай шахс патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузувчи ҳисобланади.

Патентланган саноат мулки объектидан фойдаланган ҳолда буюмларни рухсатсиз тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу муксадда сақлаб туриш, шунингдек ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни

қўллаш ёхуд ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулда бевосита тайёрланган буюмларни фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши деб эътироф этилади.

Саноат мулки объектидан патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузган ҳолда фойдаланаётган шахслар патент эгасининг талабига кўра:

- патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузувчи ҳаракатларни тўхтатишлари;

- патент эгасига етказилган зарарнинг ўрнини қонун ҳужжатларига мувофиқ қоплашлари шарт.

Саноат мулкига патент бериш ҳақидаги талабнома ва экспертизадан ўтказиш патентлаш ва унинг амал қилиши, фойдаланиши бўйича бажариладиган ишлар, кейинги маърузаларда унинг таркибий қисмлари бўйича келтирилган.

Таянч иборалар: муаллифлик ҳуқуқи; асар нусхаси; аудиовизуал асар; ёзув; ижро; маълумотлар базаси; муаллиф; репрографик такрорлаш; ретрансляция; фонограмма; эфир узатиш; ҳуқуқ эгаси; патент божлари; божлар ставкаси; саноат намунаси; фойдали модель; лицензия; сотиб олиш, сотиш; МПК.

Назорат учун саволлар:

1. Муаллиялик ҳуқуқи нима?
2. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни қонун асосида тушунтириб беринг
3. Патент божлари ҳақида тушунчалар.
4. Ихтиролар, фойдалимоделлар, саноат намуналарининг патент божлари.
5. Патентларни рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш ва бериш учун тўлаганадиган патент божлари.
6. Бож ставкаларининг аҳамияти нимада?
7. Саноат мулки тўғрисида тушунча беринг.
8. Саноат мулки амалиётда қандай қўлланилади?

Талабининг мустақил иш топшириқлар:

1. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тушунчаси, қонуний асосланиши бўйича ўрганиш ва етарли маълумотларга эга бўлиш.
2. Патент божлари тушунчаси, божлари ставкалари ҳақида маълумотларга эга бўлиш.
3. Саноат мулки ва бошқаларнинг амалиётда қўлланилиши тўғрисида чуқур билим олиш ва уни ўрганиш.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати: 5, 6, 7, 8

4-боб. Стандартлаштириш, метрология ва сертификация

10-мавзу. Стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг

Ўзбекистонда ташкиллаштирилиши

1. Маърузанинг таълим технологияси

Вақти - 2 соат	Талабалар сони: 5-10 нафар
Уқув машгулотининг шакли	Визуал, ахборот маъруза
Маъруза машгулотининг режаси	<p>1. Стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг мазмуни, моҳияти</p> <p>2. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш давлат марказининг ташкил этилиши</p> <p>3. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва уларнинг аҳамияти</p> <p>4. Стандартлаштириш бўйича атамалар ва уларнинг таърифи</p> <p>5. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими, соҳалари ва миллий органлари, стандартлаштириш хизмати</p>
<p><i>Ўқув машгулотининг мўсади:</i> Стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг Ўзбекистонда ташкиллаштирилиши ҳақида тушунчалар бериш</p>	
<p><i>Педагогчи вазифалар:</i></p> <p>1. Стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг мазмуни, моҳияти ва <i>стандартлаштириш</i> мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш режасининг таркибий қисми эканлиги очиб берилади.</p> <p>2. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш давлат марказининг ташкил этилиши ҳақида маълумот берилади</p> <p>3. Стандартлаштириш, метрология</p>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <p>Стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг моҳияти ва уларнинг мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш режасининг таркибий қисми эканлиги тушунилади.</p> <p>Шу бўйича давлат марказининг ташкил этилиши ва унинг вазифалари ҳақида маълумотга эга буладилар.</p> <p>Стандартлаштириш, метрология ва</p>

<p>ва сертификатлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва уларнинг аҳамияти тушунтириб берилади</p> <p>4.Стандартлаштириш бўйича атамалар ва уларнинг таърифи келтирилади.</p> <p>5.Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими, соҳалари ва миллий органлари, стандартлаштириш хизмати билан таништирилади.</p>	<p>сертификатлаштириш бўйича қонунларнинг таркиби ва мазмуни билан танишадилар.</p> <p>Мавзу бўйича атамалар ва уларнинг таърифи билан танишади.</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими, соҳалари, миллий органлари, стандартлаштириш хизмати билан танишиб уларга куйилган вазифа лар билиб олишади.</p>
Укитиш услуби ва техникаси	Ахборот-маъруза, инсерт, хдмкорликда укитиш техникаси,.
Укитиш шакли	Фронтал, гуруҳларда
Укитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, график органайзерлар.
Укитиш шарт-шароити	Намунадаги аудитория

2. Маърузанинг технологияи харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	укитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	1.1. Маъруза мавзуси ва режаси эълон қилинади. Аввалги мавзуга савол-жавоб орқали боғланади	1.1. Эшитадилар, ёзалилар

<p>2-боскич. Асосий (60 мин.)</p>	<p>2.1. Мавзуни ёритиш учун муаммоли саволларни таклиф этади.</p> <p>2.2.Стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг мазмуни, моҳияти ва <i>стандартлаштириш</i> мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш режасининг таркибий қисми эканлиги очиб беради.</p> <p>2.Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш давлат марказининг ташкил этилиши хақида маълумот беради</p> <p>3.Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва уларнинг аҳамияти тушунтириб беради</p> <p>4.Стандартлаштириш бўйича атамалар ва уларнинг таърифи келтиради.</p> <p>5.Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими, соҳалари ва миллий органлари, стандартлаштириш хизмати билан таништиради.</p>	<p>2.1.Муаммоли саволларга эътибор берадилар: «биламан-билдим» жадвалининг 1-устунини тулдирадилар.</p> <p>2.2.Эшитадилар, ёзадилар.</p> <p>2.3Эшитадилар, ёзадилар.</p> <p>2.4. Эшитадилар, ёзадилар.</p> <p>2.5. Эшитадилар, ёзадилар.</p>
<p>3-боскич. Якуний (10 мин.)</p>	<p>3.1. Мавзуга хулоса чиқаради. Асосий масала устида тухталади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқлар беради:</p>	<p>3.1.Эшитадилар, саволларини беради ёзиб оладилар.</p> <p>3.2.Топшириқларни ёзиб оладилар.</p>

1. Стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг мазмуни, моҳияти

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитидаги асосий вазифаларидан бири, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириш ҳамда аҳолининг халқ истеъмол товарларига бўлган талабларини тўлароқ қондириш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу муаммони ҳал этишда стандартлаштириш муҳим роль ўйнайди. Чунки, маҳсулот сифатини, асосан уларни стандартлаштириш орқали таъминланади. Маҳсулот сифатини

таъминлашга эса, унинг сифат кўрсаткичларини меъёрлаштириш орқали эришилади.

Ҳозирги вақтда иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда сифат ички ва ташқи бозорга чиқариладиган маҳсулот ҳажмини кўпайтириш гарови ва фойда олишнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Маълумки, мамлакатда сифатли маҳсулот қанча кўп ишлаб чиқарилса, шунча сифатсиз маҳсулотлар миқдорининг камайишига, унинг ҳисобига хом ашё ва яримфабрикатларнинг тежалишига, стандарт ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг талабларига риоя қилиш ҳисобига тайёр маҳсулот реализациясининг ошишига олиб келади.

Ҳозирги кунда Республикамиз биргина Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги (МДҲ) давлатлари билангина эмас, балки дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатлари билан ҳам савдо-сотиқ муносабатларини амалга ошириб келмоқда. Ҳеч кимга сир эмас, бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларнинг ривожланишида ташқи бозорга чиқариш учун мўлжалланган маҳсулот сифати ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сифатли маҳсулот давлатлараро савдо-сотиқ соҳасидаги техник тўсиқларни бартараф этишда гаров сифатида хизмат қилиши мумкин.

Демак, ички ва ташқи бозор учун мўлжалланган маҳсулотлар сифатини яхшилаш ўта муҳим заруратлардан бири бўлиб ҳисобланар экан, чунки маҳсулот сифати иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва давлат сиёсатини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Миллий маҳсулотни ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлигини таъминлаш учун унинг фақат сифатинигина яхшилаб қолмасдан, балки корхоналар (фермер хўжаликлари, фирмалар ва бошқалар) ва жисмоний шахслар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ҳам ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар, хизмат кўрсатувчилар ва истеъмолчилар соғлиги, уларнинг мол-мулки ҳамда атроф-муҳитга зарарсизлигини таъминлашни талаб этади.

Маълумки, маҳсулот сифати унинг асосий кўрсаткичлари орқали характерланади. Шунинг учун ҳам маҳсулот сифатига қўйиладиган талаблар ва меъёрий ҳужжатларга киритиладиган сифат кўрсаткичлари илғор фан ва техника, технология ва халқаро тажрибаларнинг талабларига жавоб берадиган бўлиши керак. Ундан ташқари, маҳсулотнинг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари ишлаб чиқарувчилар, назорат қилиш, соғлиқни сақлаш на табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишилган бўлиши керак.

Ҳеч кимга сир эмас, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қанча сифатли бўлса, у шунча жаҳон бозорида ўз ўрнини топади ва мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам ташқи бозорга чиқариладиган

маҳсулотнинг ҳажми мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига боғлиқ бўлади.

Шундай экан, маҳсулот сифатини таъминлашда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлади. 2та *Стандартлаштириш* мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш режасининг таркибий қисми ҳисобланади. Янги маҳсулот ишлаб чиқариш, илғор технологиялар, воситалар ва назорат усуллари яратиш, маҳсулотни ташиш ва сақлаш, стандартлар ва бошқа меъёрий техник ҳужжатлар (МТХ) яратиш ҳамда уларга қатъий риоя қилиш шароитидагина мумкин.

Ҳозирги кунда инсон фаолиятини стандартлаштиришсиз тасаввур этиш қийин, чунки инсон ўзининг фаолият доирасида доимо стандарлаштириш билан узвий боғланган.

Стандартлаштиришнинг маҳсулот сифатини таъминлашдаги аҳамияти биргина сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларини мувофиқлаштирибгина қолмасдан, балки тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун сарфланадиган хом ашё ва қўшимча материаллар миқдорини, хом ашё ва маҳсулотларни сақлаш ҳарорати, нисбий намлиги, муддати ҳамда технологик жараёнларнинг параметрларини миқдорий жиҳатдан меъёрлаштиришдан ҳам иборат. Ундан ташқари ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнларни ўтказиш, асбоб-ускунлардан фойдаланиш усуллари ва хом ашё ҳамда тайёр маҳсулотларнинг айрим сифат кўрсаткичларига ёзма талаблар қўяди.

Стандартлаштириш назарий, амалий, табиий ва аниқ фанлар (математика, физика, кимё) асосида ривож топади ва бошқа фанларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Стандартлаштириш бозор иқтисодиёти шароитида ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш вазифасини бажаради, чунки унинг қатъий техник ва технологик талаблари, яъни маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни барча турдаги маҳсулотларнинг энг яхши намуналарини тайёрлашга ундайди. Шунинг билан биргаликда стандартларга риоя қилиш буюм ҳаётий даврининг барча босқичларидаги ўтишини енгиллаштиради. Бу ҳол эса ўз навбатида, бутун ишлаб чиқариш маромини таъминлайди ва натижада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашга олиб келади.

Техниканинг ривожи машина ва асбоб-ускуналарнинг ўзаро боғланган тизимларини, хом ашё ва материалларнинг кенг доирадаги номенклатурасини қўллаган ҳолда, уларнинг ишлатиш режалари талабчанлигини янада кучайтириши билан чамбарчас боғлиқ. Бу ерда, албатта бирламчи хом ашё ва материаллар ҳамда бутловчи буюмлар сифатига бўлган талаблар янада кучаяди: илмий изланишлар,

лойихалаштириш, яратиш ва буюмни ишлатиш даврининг барча босқичларида маҳсулот сифати ва техник даражасини бошқариш тизимида энг муҳим звено сифатида стандартлаштиришнинг роли ортади.

Энди бир оз бўлсада стандартлаштиришнинг ривожланиш тарихига эътибор қаратамиз.

Стандартлаштириш элементлари - бу термин ҳали маълум бўлмаган пайдан пайдо бўла бошлаган. Масалан, бизнинг эраимиздан олдин 111-минг йилликда Египет пирамидаси - Хеопс қатъий равишда маълум ўлчамларда ишлов берилаётган тошдан ясалган. Ёки бўлмаса, аниқ ўлчамдаги 410x200x130 ммли ғишт ишлатиш билан Египетда фараонлар қурилган; қадимги Римда сув ғилдираги ва катапульт (ҳарбий тош отиш машинаси) қуришда пропорционал сонлар усули қўлланилган; Римда шаҳар сув қувурини қуришда маълум диаметрдаги қувурлардан фойдаланилган; Египет аскарлари бир хил «стандарт» ёй ва ўқлар билан таъминланган; IX-X асрларда Тожикистон ва Ўзбекистонда қурилиш учун бир намунадаги ғиштлардан фойдаланилган; Амир Темур лашкарлари ишлатган найза ва камонлари, Иван Грозний қўшинлари отган тўп стандарт ўлчамда бўлган. Шундай қилиб, аста-секинлик билан стандартлаштириш тарихи ривожлана борган.

Стандартлаштириш машиналар ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда йирик партиядаги буюмлар ишлаб чиқаришга ундовчи радикал восита сифатида пайдо бўлди. Масалан, 1841 йилдан Англияда Джон Витворт томонидан яратилган Цинт резьбаларининг ягона тизими қўлланила бошланган. Россияликлар биринчи бор стандартлаштириш XVI-асрнинг ўрталаридан бошлаб пушқалар учун снарядлар тайёрлашда қўлланилган. Кейинчалик XIX асрдан бошлаб темир йўл қурилишида стандартлаштириш янада ривожланди. Натижада темир йўл ғилдиракларининг кенглиги ва диаметри, вагонлар ранги, бирлаштирувчи воситалар ва бошқа элементлар стандартлаштирилди.

Собиқ иттифоқда стандартлаштиришга 18-19 йилдан бошлаб мустақкам асос солинди.

Маҳсулот сифатини таъминлашда стандартлаштириш билан бир қаторда метрологиянинг ҳам аҳамияти катта. Чунки, у хом ашё ва материаллар ва тайёр маҳсулот сифат кўрсаткичлари, уларни сақлаш ва технологик жараёнлар параметрларининг ҳамда бошқа меъёрий кўрсаткичларини стандарт ва техник шартларда белгиланган талабларга мос келишини аниқлаб беради. Шундай экан, стандартлаштиришда маҳсулот сифатига маълум меъёрлар ва талаблар қўйилса, метрология уларнинг стандартлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабига мослигини аниқлайди.

Маҳсулот сифатини таъминлашдаги яна бир омиллардан бири *сертификациялаштириш* ҳисобланади, чунки сертификатлаштириш маҳсулотнинг истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи соғлиги ҳамда атроф муҳит учун хавфсизлигини таъминлайдиган кўрсаткичларни стандарт ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келишини аниқлайди ва назорат қилади.

Демак, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг асосий вазифалари бир мақсадга, яъни ички ва ташқи бозор рақобатида қатнаша оладиган сифатли ва инсон ҳаёти ҳамда атроф-муҳит учун безарар маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлашдан иборат.

2. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш давлат марказининг ташкил этилиши

Собиқ иттифоқнинг парчаланишидан сўнг ўз мустақиллигига эришган республикамиз олдида давлатлараро иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш, миллий маҳсулот сифатини бозор иқтисодиёти талаблари даражасига етказиш, унинг инсон ҳаёти ва соғлиги ҳамда атроф-муҳит учун хавфсизлигини таъминлаш муаммолари пайдо бўлди. Бу муаммоларни ечиш учун мамлакатимизда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлат сиёсатини амалга оширадиган ва ушбу масалалар бўйича керакли ишларни ташкил қиладиган давлат идорасини ташкил қилиш ҳамда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ва маҳсулот сифати устидан давлат назоратини олиб боришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш вазифалари турар эди.

Республикамиз олдида турган ушбу муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонида 1992 йилнинг 2 мартида «Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил қилиш тўғрисида»ги 93-сонли қарор қабул қилинди. Ушбу қарорда республикамизда бу йўналиш бўйича бажариладиган ишлар Мустақил ҳамдўстлик давлатлари (МДХ) билан ўзаро хўжалик, савдо, илмий-техник ва бошқа муносабатларни сақлаш, дунё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик қилишда техник тўсиқларни йўқотиш мақсадида амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

Собиқ СССР «Давлат стандарти»нинг республика ҳудудида жойлашган ташкилотлари ва корхоналарини бирлаштириш асосида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида Ўзбек стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон давлат маркази (Ўздавстандарт) ташкил этилди (ҳозирги кунда «Ўзстандарт» агентлиги деб аталади). Ўздавстандарт собиқ СССР «Давлат стандарти»нинг вориси деб эълон

қилинди. Шунинг билан бир қаторда у собиқ СССР давлат стандарти малака ошириш институтининг республикадаги филиали Ўзбекистон стандартлаштириш ва маҳсулот сифатини бошқариш соҳаларидаги тадқиқот ва мутахассислар тайёрлаш институтига (ЎзТМТИ) айлантирилди. Ҳозирги кунда ЎзТМТИ Ўздавстандартнинг илмий базаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил қилиш тўғрисидаги 93-сонли қарорига асосан Ўздавстандарт таркибига қуйидаги корхона ва ташкилотлар киритилган:

- ЎзТМТИ;
- Ўзбекистон «Эталон» ишлаб чиқариш бирлашмаси;
- Тошкент «Стандартлар» 2-сон дўкони;
- Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича ҳудудий марказларга (ҲСМСМ) айлантирилган Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар стандартлар ва ўлчаш техникалари устидан давлат назорати лабораториялари.

Ҳозирги кунда ҲСМСМлар Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукус шаҳрида ва республика вилоятларининг марказларида ҳамда Ўздавстандарт идораларини йирик ишлаб чиқариш марказларига яқинлаштириш мақсадида Олмалик, Бекабод, Қўқон, Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларида ташкил этилган. Бу ердан кўриниб турибдики, республикамизда йирик ишлаб чиқариш марказларининг кўпайиши ҲСМСМлар сонини янада ошишига сабаб бўлмоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган Ўздавстандарт таркибига кирадиган барча ташкилотлар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида», «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги тўғрисида», «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 93-сонли қарори билан 1992 йилнинг 2 мартда тасдиқланган «Ўзбек стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш маркази тўғрисида Низом»га ва Ўздавстандарт томонидан тасдиқланган корхона ва ташкилотлар низомларига асосан фаолият кўрсатади. Шунинг билан биргаликда Ўздавстандарт ташкилотларига вазирликлар, муассасалар, шу жумладан ўқув юртлари, корхоналар ва уларнинг бирлашмаларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси ҳам юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида кўрсатиб ўтилган қарорига асосан корхона стандартларини ишлаб чиқишга ҳуқуқ

берадигаи меъерий ҳужжатларда қўллаш учун мажбурий ва тавсия этиладиган асосий талаблар, стандартлаштириш органлари ва хизматларининг вазифалари белгиланган ҳамда Ўзбекистон давлат стандартлаштириш тизимининг асосий тамойиллари тасдиқланган.

Республикамиз мустакилликка зоришгандан сўнг мамлакатда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ишларни ҳуқуқий таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республиканинг «Стандартлаштириш тўғрисида» (28.12.1993 й.), «Метрология тўғрисида» (28.12.1993 й.), «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида» (28.12.1993 й.) ва «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги (30.08.1997 й.) қонунлари қабул қилинди.

Республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ҳозирги замон талаблари даражасига етказиш бўйича қатнашадиган ташкилий ишларни ўз вақтида бажарилиши, мамлакатимизда Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш миллий тизими (ЎЗДСТ), Ўзбекистон ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизими ва Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизимини шаклланишига имкон яратиб берди.

3. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва уларнинг аҳамияти

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида» ва «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунларининг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш саноат корхоналарида, хусусий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари сифатини бозор иқтисодиёти талаблари даражасига етказиш ҳамда истеъмолчилар ҳаёти соғлиги, мол-мулки ва атроф-муҳит учун хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонуни 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган ва у 1994 йилнинг 28 феврал ойдан бошлаб кучга киритилди. Ушбу қонун 4 бўлим ва 12 моддани ўз ичига олади.

- 1- бўлим. Умумий қоидалар.
- 2- бўлим. Стандартлаштириш бўйича меъерий ҳужжатлар.
- 3- бўлим. Стандартлар устидан давлат назорати.
- 4- бўлим. Давлат стандартлаштириш ва назорати бўйича ишларни молиявий таъминоти. Стандартларни қўллашни рағбатлантириш.

Қонуннинг «Умумий қоидалар» бўлимида стандартлаштиришнинг асосий мақсади, стандартлаштиришнинг давлат тизими, стандартлаштириш бўйича ишларни бажариш тартиби, стандартлаштириш бўйича қонунлар ва халқаро

шартномалар ҳамда битимлар (1-5 моддалар) тўғрисидаги масалалар кўрсатилган.

Қонуннинг «Стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар» бўлими (6-7 моддалар) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланиладиган меъёрий ҳужжатларнинг тоифалари, уларга қўйиладиган асосий талаблар ва стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатларни сертификатлаштиришда қўлланишига доир маълумотларни ўз ичига олади.

Қонуннинг «Стандартлар устидан давлат назорати» бўлимида (8-10 моддалар) давлат назорати органлари (идоралари) ва объеклари, давлат инспекторларининг ҳуқуқлари ва маъсулиятлари, стандартлаштириш тўғрисидаги қонунларни бузганлиги учун жавобгарликлари тўғрисидаги маълумот кўрсатилган.

Қонуннинг «Давлат стандартлаштириш ва назорати бўйича ишларни молиявий таъминоти стандартларни қўллашни рағбатлантириш» бўлими давлат стандартлаштириш ва назорати бўйича ишларни молиявий таъминоти ва стандартларни қўллашни рағбатлантириш масалаларини ўз ичига олган (11-12 моддалар).

Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги қонуни ҳам 1993 йилнинг 28 декабрида қабул қилинган ва 1994 йилнинг 28 февралидан бошлаб кучга кирган. Бу қонун 5 бўлим ва 22 моддадан иборат бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1-бўлим. Умумий қоидалар

2-бўлим. Физикавий катталиқлар бирликлари, уларни тиклаш ва қўллаш.

3-бўлим. Ўзбекистон Республикасининг метрологик хизматлари.

4-бўлим. Давлат метрологик текшируви ва назорати.

5-бўлим. Метрология бўйича ишларни маблағ билан таъминлаш.

Қонуннинг «Умумий қоидалар» бўлимида метрологиянинг асосий тушунчалари, метрология тўғрисида қонунлар мажмуи, халқаро шартномалар ва битимлар, метрология бўйича фаолиятнинг давлат томонидан бошқарилиши кўрсатилган (1-4 моддалар).

Қонуннинг «Физикавий катталиқлар бирликлари, уларни тиклаш ва қўллаш» бўлими (5-8 моддалар) физик катталиқлар бирликлари, физик катталиқлар бирликларининг этолонлари, ўлчаш воситалари ва ўлчашни бажариш услубларини ўз ичига олган.

Ушбу қонуннинг «Ўзбекистон Республикасининг метрологик хизматлари» бўлимида Ўзбекистон Республикаси метрологик хизматининг тузилиши, давлат метрологик хизматларининг таркиби ва юридик шахслар метрологик хизматлари тўғрисида маълумотлар берилган (9-11 моддалар).

Қонуннинг «Давлат метрологик текшируви ва назорати» бўлимида (12-20 моддалар) метрологик текшируви ва назорат ўтказиш тартиби, уларнинг объектлари, давлат метрологик текшируви ва назоратнинг тадбиқ соҳаси, давлат метрологик текшируви ва назоратининг турлари, ўлчаш воситаларининг типларини тасдиқлаш, уларни қиёслаш ва калибрлаш тартиблари кўрсатилган.

Қонуннинг «Метрология бўйича ишларни маблағ билан таъминлаш» бўлими (21-22 моддалар) метрологик ишларни давлат томонидан маблағ билан таъминлаш ва метрологик ишлар ва хизматлар учун тўлов турлари ҳақидаги масалаларни ўз ичига олган.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонуни 1993 йилнинг 28 декабрида қабул қилинган ва 1994 йилнинг 28-декабридан кучга кирган.

Ушбу қонун 4 боб ва 23 моддадан иборат бўлиб, республикада маҳсулотлар, хизматлар ва бошқа объектларни сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари ҳамда сертификатлаштиришда қатнашувчи томонларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва масъулиятларини белгилайди.

Қонун куйидаги боблардан ташкил топган:

1-боб. Асосий қоидалар.

2-боб. Сертификатлаштириш фаолиятига доир умумий талаблар.

3-боб. Маҳсулотни мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш.

4-боб. Низоларни кўриб чиқиш. Сертификатлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларни бузганлиги учун жавобгарлик.

Қонуннинг «Асосий қоидалар» боби (1-6 моддалар) асосий тушунчалар: сертификатлаштириш миллий тизими», «Маҳсулотларни сертификатлаштириш», «Мувофиқлик сертификати», «Мувофиқлик белгиси», «бир турдаги маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) сертификатлаштириш тизими ва синов лабораториясини аккредитация қилиш», сертификатлаштиришнинг мақсад ва вазифалари, сертификатлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, халқаро шартномалар ва битимлар, Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш объектлари ва субъектлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган.

Қонуннинг «Сертификатлаштириш фаолиятига доир умумий талаблар» бобида мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик белгиси, сертификатлаштириш фаолиятига лицензия бериш, сертификатлаштириш тўғрисида ахборот ҳақида маълумотлар берилган (7-9 моддалар).

Қонуннинг «Маҳсулотни мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш» боби мажбурий сертификатлаштиришни жорий этиш, мажбурий сертификатлаштиришни ўтказиш шартлари, мажбурий сертификатлаштирилиши

лозим бўлган маҳсулотларга қўйиладиган талаблар, тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг) маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш вақтидаги мажбуриятлари, четдан олиб келинадиган ва четга олиб чиқиб кетиладиган маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш, мажбурий сертификатлаштириш ишларининг давлат томонидан молиявий таъминоти, мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя этилишини давлат томонидан текшириш ва назорат қилиш, ихтиёрий сертификатлаштириш, ихтиёрий сертификатлаштиришни амалга оширувчи субъектлар ва ихтиёрий сертификатлаштириш тизимлари ҳақидаги масалаларни ўз ичига олган (10-19 моддалар).

Қонуннинг «Низоларни қараб чиқиш. Сертификатлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарлик» бобида (20-23 моддалар) мазкур Қонунни қўллаш билан боғлиқ низоларни қараб чиқиш, шикоятларни кўриб чиқиш, сертификатлаштириш органларининг ва синов лабораторияларининг (марказларининг) жавобгарлиги, тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг) мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузганлиги учун жавобгарлиги ҳақида маълумотлар берилган.

4. Стандартлаштириш бўйича атамалар ва уларнинг таърифи

Стандартлаштириш бўйича чуқур билимга эга бўлиш учун стандартлаштириш соҳасидаги атамалар ва тушунчалар, маълум бир тушунчаларнинг номини билдирадиган сўз ёки сўз бирикмаларининг мазмунини яхшироқ билиб олишни тақазо этади. Шунинг учун ҳам атамаларнинг мазмунини тушуниш орқали ҳар қандай илмий-техник ва бошқа маълумотларни ўзлаштириб олиш мумкин бўлади. Стандартлаштириш соҳасида қўплаб стандартлаштирилган атамалар мавжуд, улар ишлаб чиқарувчи, тайёрловчи, сотувчи ва истеъмолчиларнинг ўзаро тушунадиган мазмунида бўлиб, илмий-техника ривожига мос келади ва халқаро талаб меъёрлари билан мувофиқлаштирилган. Ушбу атамалар Республикамиз миллий стандартлари, ишлаб чиқарувчи (таъминловчи) ва истеъмолчи ўртасида тузиладиган шартнома, далолатнома, қайдномалар ва бошқа расмий ҳужжатларнинг барча турларида, илмий-техник, ўқув ва маълумотнома адабиётларида қўлланилади. Бу атамалар қуйидагилардан иборат:

- стандартлаштириш;
- халқаро стандартлаштириш;
- минтақавий стандартлаштириш;
- миллий стандартлаштириш;
- стандартлаштириш объекти;
- стандартлаштириш соҳаси;
- стандарт;

- халқаро стандарт;
- минтақавий стандарт;
- уйғунлаштирилган стандарт;
- бирхиллаштирилган стандарт;
- айнан ўхшаш стандарт;
- стандартлар мажмуи;
- меъёрий ҳужжат;
- бирхиллаштириш;
- мослашувчанлик;
- ўзаро алмашувчанлик;
- маҳсулотни ҳимоя қилиш;
- бир турдаги маҳсулотлар гуруҳи;
- хавфсизлик;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.

Энди ушбу атамаларга қисқача бўлсада таъриф бериб ўтамиз.

Стандартлаштириш - бу маълум соҳада аниқ ва маълум мураккаб масалаларга нисбатан, ҳамма учун умумий, кўп марталаб фойдаланиш учун ўрнатилган тартиблар ёрдамида тартиблаштиришнинг энг мақбул даражасига эришишга қаратилган фаолият. Стандартлаштириш атамаси миллий, минтақавий ва халқаро стандартлаштириш тушунчалари билан узвий боғлиқ.

Миллий стандартлаштириш - бу муайян бир мамлакат (мисол учун Ўзбекистон Республикаси ёки саноати ривожланган маълум бир давлат) доирасида ўтказиладиган стандартлаштириш.

Халқаро стандартлаштириш - бу барча мамлакатларнинг тегишли идоралари эркин ҳолда иштирок этиши мумкин бўлган стандартлаштириш.

Стандартлаштириш жараёнида стандартлаштириш объектининг сифати ва инсон ҳаёти ҳамда атроф-муҳит учун хавфсизлигини таъминлайдиган меъёрлар, қоидалар ва талаблар белгиланади. Одатда стандартлаштириш объекти сифатида стандартлаштириладиган нарса (маҳсулот, жараён, хизмат ва бошқалар) тушунилади. Объектларга материаллар, таркибий қисмлар, асбоб-ускуналар, тизимлар, иш олиб бориш тартиби ёки фаолияти ва бошқалар киради. Стандартлаштириш ҳар қандай объектнинг муайян хусусиятлари билан чекланиши мумкин. Масалан, пойабзалларга нисбатан ёндашиладиган бўлса, унинг катта-кичиклиги (размери) ва пишиқ-пухталигини алоҳида стандартлаштириш мумкин.

Стандартлаштириш фаолиятида «Стандартлаштириш соҳаси» деган ибора ҳам кўп ишлатилади. *Стандартлаштириш соҳаси* деб, ўзаро боғланган стандартлаштириш объектларининг мажмуига айтилади.

Стандартлаштириш натижасида фаолият турлари ёки уларнинг натижаларига тегишли қоидалар ёки тавсифлар белгиланади. Буларни ўз ичига олган ҳужжат *меъёрий ҳужжат* деб айтилади. *Ҳужжат* – бу маълумотлар ёзилган манбадир.

Меъёрий ҳужжат атамаси «Стандарт», «Техник шарт», «Раҳбарий ҳужжат» «Ўйриқнома», «Қўлланма» ва бошқа тушунчаларни ўз ичига олади.

Стандарт инглиз сўзидан (standart) олинган бўлиб, *меъёр*, *намуна*, *эталон* деган маънони билдиради. Стандарт - бу кўпчилик манфаатдор томонлар келишуви (консенсус) асосида ишлаб чиқарилган, маълум соҳаларда энг мақбул даражали тартиблаштиришга йўналтирилган ҳамда фаолиятнинг ҳар хил ва турларига ёки натижаларига тегишли бўлган умумий қонун-қоидалар, тавсифлар, талаблар ва усуллар белгиланган ҳамда тан олинган идора томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжат.

Стандартлар фан, техника ҳамда илғор тажрибаларнинг умумлаштирилган натижаларига асосланади ва жамият учун юқори даражадаги фойдага эришишга қаратилган.

Стандартлар даражасига кўра халқаро, минтақавий ва миллий бўлади.

Халқаро стандарт - бу стандартлаштириш бўйича шуғулланадиган халқаро ташкилот томонидан қабул қилинган ва истеъмолчиларнинг кенг доираси учун яроқли бўлган стандарт.

Минтақавий стандарт - бу стандартлаштириш бўйича шуғулланадиган минтақавий ташкилот томонидан қабул қилинган ва истеъмолчиларнинг кенг доираси учун яроқли бўлган стандарт.

Миллий стандарт – бу стандартлаштириш бўйича шуғулланадиган миллий идора томонидан қабул қилинган ва истеъмолчиларнинг кенг доирасига яроқли бўлган стандарт.

Стандартлар уйғунлаштирилган, бирхиллаштирилган ва айнан ўхшаш стандартларга бўлинади. *Уйғунлаштирилган стандарт* деб, маҳсулот, жараён ва хизматларнинг ўзаро алмашинувчанлиги ва тақдим этилган ахборот ёки синон натижаларини ўзаро тан олишни таъминлайдиган стандартлаштириш бўйича шуғулланадиган турли идоралар билан биргаликда қабул қилинган ва бир хил объектларга тегишли бўлган стандартларга айтилади. Мазмунан ўхшаш, аммо тақдим этилиш шакли томонидан бошқача уйғунлаштирилган стандартлар *бирхиллаштирилган стандартлар* деб аталади. Ҳам мазмунан, ҳам шаклан уйғунлаштирилган стандартлар *айнан ўхшаш стандартлар* дейилади.

Стандартлар мажмуи - бу ўзаро боғланган стандартлаштириш объектларига келишилган талабларни белгиловчи ва маълум илмий-техник ёки ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечимини меъёрий ҳужжатлар

билан таъминлаш учун умумий мақсад билан бирлашган ўзаро боғланган стандартлар тўплами.

Стандартлаштиришнинг мақсади кўп қиррали бўлиб, уларга қуйидаги атамалар киради: маҳсулот, жараён ва хизматларнинг бирхиллиги, мослашувчанлиги, алмашувчанлиги, одам организми ва атроф-муҳит учун хавфсизлиги, маҳсулотни ҳимоя қилиш ва бошқалар.

Бирхиллаштириш - (унификациялаштириш) деганда, муайян эҳтиёжни қондириш учун зарур бўлган энг мақбул ўлчамлар сони ёки маҳсулот, жараён ва хизмат турларини танлаш тушунилади.

Мослашувчанлик - бу маҳсулотлар, жараёнлар ёки хизматларнинг ўзаро номақбул таъсир кўрсатмайдиган ҳолда биргаликда, топшириқдаги шароитларда белгиланган талабларни бажариш учун фойдаланишга яроқлилигидир.

Ўзаро алмашувчанлик деб, бир хил талабларни бажариш мақсадида бир хил буюм жараён ва хизматдан фойдаланиш ўрнига бошқа бир хил буюм, жараён ва хизматнинг яроқлилига айтилади.

Маҳсулотларни ҳимоя қилиш деганда, маҳсулотдан фойдаланиш, транспортда ташиш ёки сақлаш пайтида уни иқлим ва бошқа ноқулай шароитлар таъсиридан сақлаш тушунилади.

Хавфсизлик - бу зарар етказиш мумкин бўлган ножўя хавф-хатарнинг йўқлигидир.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш деб, атроф-муҳит, маҳсулотлар, жараёнлар ва хизматларни салбий таъсирлардан ҳимоя қилишга айтилади.

Амалдаги стандартларнинг талабларига риоя қилиш ва улар асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, жараён ва хизматлар устидан олиб бориладиган назорат *давлат назорати* дейилади. Давлат назорати – бу корхоналар, мансабдор шахслар ва фуқароларни стандартларнинг мажбурий талаблари ҳамда маҳсулотлар, жараёнлар ва хизмат сифати, шунингдек сертификатлаштирилган маҳсулотга нисбатан шартларга риоя этишни назорат қилиш бўйича ваколатга эга бўлган давлат идорасининг фаолиятидир.

5. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими, соҳалари ва миллий органлари, стандартлаштириш хизмати

Ҳозирги кунда стандартлаштириш билан боғлиқ бўлмаган бирорта фаолиятни топиш қийин. Чунки, ҳар қандай соҳа (фан, техника, савдо, саноат ва бошқалар) стандартлаштириш билан боғлиқ бўлган ўзига хос меъёрий-техник ҳужжатлар асосида ўз фаолиятини юргизади.

Стандартлаштириш маҳсулот сифатини яхшилаш, табиий бойликларни тежаш, бошқариш усулларини такомиллаштириш, аҳолининг иқтисодий

аҳволини яхшилаш, мамлакат иқтисодиётини янада мустахкамлаш, савдо-сотиқ, ишларни яхшилаш, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги алоқалар ва дўстликни мустахкамлаш учун хизмат қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган бир шароитда Ўздавстандарт республикамизда стандартлаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, метрология соҳасида илмий-техник прогресс талабларига жавоб берадиган стандартлаштириш тизими ривожининг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Маълумки, маҳсулот сифати, мамлакатда стандартлаштириш давлат тизимининг тўлиқ шаклланганлиги, маҳсулот ишлаб чиқариш учун мўлжалланган стандартларда белгиланган меъёрлар, талаблар ва қоидаларнинг дунёдаги илмий-техник ривожига даражасига мос келиши билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам маҳсулотларга белгиланган меъёрий ҳужжатлар халқаро, минтақавий ва саноат бўйича энг ривожланган хорижий давлатлариинг меъёрий ҳужжатлари билан доимо узвий боғлиқ бўлиши керак.

Мамлакатимизда стандартлаштириш билан боғлиқ бўлган барча ишлар миллий стандартлаштириш тизими талаблари асосида амалга оширилади. Миллий стандартлаштириш давлат тизими Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари ва ривожланган хорижий давлатларнинг стандартлаштириш бўйича миллий тизимлари билан уйғунлаштирилган ва дунё илмий-техник ривожига асосланган.

Стандартлаштириш давлат тизими деб, республикамизда стандартлаштириш (ишларини ташкиллаштириш, стандартлаштириш бўйича идора ва хизматларни ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси стандартлари ва техник шартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш, расмийлаштириш, уларга ўзгартиришлар киритиш, бекор қилиш ва амалдаги стандартлар талаблари асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар устидан назорат ўтказиш қонун-қоидаларини ичига олган меъёрий ҳужжатлар мажмуига айтилади.

Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш давлат тизимининг мазмуни ва унинг меъёрий ҳужжатлари мажмуи O'zDst 1.0-1998 (Ўзбекистон республикасини стандартлаштириш Давлат тизими. Асосий қоидалар)да тўлиқ акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш давлат тизимининг стандартларининг қоидалари барча давлат, жамоа, ижарачи, акционерлик, кўшма ва бошқа корхоналар ҳамда ташкилотлар, концернлар, уюшмалар, акционер жамиятлари ва бошқа бирлашмалар томонидан, уларнинг идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва давлат бошқарувининг бошқа идоралари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари, шунингдек ташаббускорлик фаолияти билан

шуғулланаётган фуқаролар томонидан бутун Ўзбекистон Республикаси худудида қўлланиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш - давлат тизими куйидагиларни ўз ичига қамраб олади: стандартлаштириш бўйича асосий атама ва тушунчалар, стандартлаштиришнинг мақсади ва вазифалари, тамойиллари, стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш доиралари ва стандартлаштириш билан шуғулланадиган ташкилотлар номлари ва вазифалари, стандартлаштириш объектлари, стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатларни қўллаш, улар тўғрисидаги маълумотларни чоп этиш, маълумотлар билан таъминлаш, меъёрин ҳужжатлар устидан давлат назоратини ўтказиш, давлат стандартлаштириш ва назорати бўйича ишларни маблағ билан таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш бўйича ишларида халқаро ҳамкорлик қилиш қоида ва тартибларини.

Ҳозирги кунда Ўздавстандартнинг маълумотнома - ахборот фонди (справочно-информационный фонд, СИФ) 70 мингдан кўпроқ меъёрий ҳужжатларни ўз ичига олади. Буларга ИСО, МЭК, EN ва бошқа ташкилотлар стандартлари ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси 1994 йилнинг 1 январидан бошлаб Стандартлаш бўйича халқаро ташкилот ИСОнинг аъзоси ҳисобланади. Ўздавстандарт бу ташкилотда Ўзбекистон Республикаси (давлати) номидан иш олиб боради. Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ДЕВКО ташкилотининг ҳам доимий аъзоси ҳисобланади. ДЕВКО – бу бозор иқтисодиётига ўтаётган ва ривожланаётган мамлакатлар учун ИСОнинг дастури ҳисобланади.

Таянч иборалар: Фан, техника, технология ва илғор тажриба; метрология; сертификатлаштириш; стандартлаштириш; ҲСМСМ, ЎЗДСТ; меъёрий ҳужжатлар; стандарт мажмуи; халқаро стандарт; миллий стандарт; маҳсулот сифати.

Назорат учун саволлар:

1. Миллий маҳсулотни ички ва ташқи бозордаги рақобабардошлигини таъминлашда нималар талаб этилади?
2. Стандартлаштиришда маҳсулот сифатини таъминлашдаги аҳамияти нимадан иборат?
3. Стандартлаштириш элементлари ва ривожланиш тарихи.
4. Ўзбекистонда стандартлаштириш ишлари қачон ташкил этилган?
5. «Ўздавстандарт» агентлиги таркибига нималар киради?
6. Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича қандай қонунлар қабул қилинди?

7. Ўзбекистон Республикасида «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонун қачон қабул қилинган ва у қандай бўлимларни ўз ичига олади?

8. Ўзбекистон Республикасида «Метрология тўғрисида»ги қонун қайси бўлимлардан ташкил топган?

9. Стандартлаштиришда қандай атамалар мавжуд?

10. Стандарт нима?

11. Стандартлаштириш давлат тизими деганда нимани тушунасиз?

12. Ўзбекистон Республикаси ИСОга қачон аъзо бўлган?

Талабанинг мустақил иш топшириқлар:

1. Стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг мазмуни, моҳияти бўйича тўлиқ маълумотларга эга бўлиши керак.

2. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш давлат марказининг ташкил этилиши, қонунлари ва уларнинг аҳамияти тўғрисида билиши ва тўлиқ ўрганиши лозим.

3. Стандартлаштириш бўйича атамалар ва уларнинг таърифи ва Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими, соҳалари ва миллий органлари, стандартлаштириш хизмати ҳақида чуқур билимларга эга бўлиши керак.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати: 11, 12, 13, 14, 15, 16, 20.

11-мавзу. Ўзбекистон давлат стандартларини ишлаб чиқиш, жорий этиш тартиби

1. Маърузанинг таълим технологияси

Вақти - 2 соат	Талабалар сони: 5-10 нафар
Уқув машгулотининг шакли	Визуал, ахборот маъруза
Маъруза машгулотининг режаси	1. Стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар 2. Стандартлаштириш объектлари 3. Давлат стандартларини ишлаб чиқиш тартиблари ва бошқалар 4. Стандартларни расмийлаштириш
<i>Ўқув машгулотининг мақсади:</i> Ўзбекистон давлат стандартларини ишлаб чиқиш, жорий этиш тартиби ҳақида маълумотлар бериш.	
<i>Педагогги вазифалар:</i> 1. Стандартлаштириш бўйича	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба:

<p>давлатлараро стандартлар,Узбекистон давлат стандартлари,тармоқ, стандартлари ,техник шартлар ,корхона стандартлари меъёрий хужжатлар хакида тушунча берилади.</p> <p>2.Стандартлаштириш объектлари хисобланмиш фан ва техника, саноат, кишлок хўжалиги, курилиш, транспорт, маданият, соғлиқни сақлаш, халқаро савдо ва бошқа соҳаларда ишлатиладиган аниқ маҳсулот, меъёр, қоида, талаб, услублар, атамалар на бошқалар хакида ахборот берилади.</p> <p>3. Давлат стандартларини ишлаб чиқиш тартиблари ва бошқалар билан таништирилади.</p> <p>4. Стандартларни расмийлаштириш Коида ва тартиби хакида маълумотлар келтирилади.</p>	<p>1.Давлатлараро стандартлар,Узбекистон давлат стандартлари,тармоқ, стандартлари ,техник шартлар ,корхона стандартлари меъёрий хужжатлар хакида тушунчага эга булишади.</p> <p>2. Халк хужалиги соҳаларда ишлатиладиган аниқ маҳсулот, меъёр, қоида, талаб, услублар, атамалар на бошқалар хакида ахборот оладилар.</p> <p>3. Давлат стандартларини ишлаб чиқиш тартиблари ва бошқалар билан танишадилар.</p> <p>4. Стандартларни расмийлаштириш Коида ва тартиби хакида маълумотларга эга буладилар.</p>
Укитиш услуби ва техникаси	Ахборот-маъруза, инсерт, хдмкорликда укитиш техникаси,.
Укитиш шакли	Фронтал, гурухларда
Укитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, график органайзерлар.
Укитиш шарт-шароити	Намунадаги аудитория

2. Маърузанинг технологик харитаси

Босқичлар, вакти	Фаолият мазмуни	
	укитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	1.1. Маъруза мавзуси ва режаси эълон килинади. Аввалги мавзуга савол-жавоб орқали боғланади	1.1. Эшитадилар, ёзалилар

<p>2-боскич. Асосий (60 мин.)</p>	<p>2.1. Мавзуни ёритиш учун муаммоли саволларни таклиф этади.</p> <p>2.2. Стандартлаштириш буйича давлатлараро стандартлар, Ўзбекистон давлат стандартлари, тармоқ, стандартлари, техник шартлар, корхона стандартлари меъёрий ҳужжатлар ҳақида тушунча берилади.</p> <p>2.3. Стандартлаштириш объектлари ҳисобланмиш фан ва техника, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, маданият, соғлиқни сақлаш, халқаро савдо ва бошқа соҳаларда ишлатиладиган аниқ маҳсулот, меъёр, қоида, талаб, услублар, атамалар на бошқалар ҳақида ахборот берилади.</p> <p>2.4. Давлат стандартларини ишлаб чиқиш тартиблари ва бошқалар билан таништирилади.</p> <p>2.5. Стандартларни расмийлаштириш Қоида ва тартиби ҳақида маълумотлар келтирилади.</p>	<p>2.1. Муаммоли саволларга эътибор берадилар: «биламан-билдим» жадвалининг 1-устунини тулдирадилар.</p> <p>2.2. Эшитадилар, ёзадилар.</p> <p>2.3. Эшитадилар, ёзадилар.</p> <p>2.4. Эшитадилар, ёзадилар.</p> <p>2.5. Эшитадилар, ёзадилар.</p>
<p>3-боскич. Якуний (10 мин.)</p>	<p>3.1. Мавзуга хулоса чиқаради. Асосий масала устида тухталади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқлар беради:</p>	<p>3.1. Эшитадилар, саволларини беради ёзиб оладилар.</p> <p>3.2. Топшириқларни ёзиб оладилар.</p>

1. Стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг О'zDst 1.0: 1998 (Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими. Асосий қоидалар стандартига асосан стандартлаштириш бўйича қўйидаги меъёрий ҳужжатлар қўлланилади:

- давлатлараро стандартлар - ГОСТ;
- Ўзбекистон давлат стандартлари – О'z DSt;
- тармоқ, стандартлари - TS;
- техник шартлар - TSh;

-корхона стандартлари - KS.

Стандартлаштириш бўйича меъёрий хужжатлар гуруҳига стандартлаштириш бўйича раҳбарий хужжатлар (РХ), турли хилдаги меъёрлар ва қоидалар, йўриқномалар, техник-иқтисодий ва ижтимоий маълумотлар таснифлагичи киради.

Стандартлаштириш бўйича ҳар бир тоифали меъёрий хужжатнинг ўзига хос объекти (талаблар, қоидалар, тавсифлар) ва қўлланиш доираси бўлади. Давлат стандартларига қуйидаги қоида, талаб ва тавсифлар киради:

- маҳсулот (хизмат) нинг асосий истеъмол тавсифлари ва унинг инсон ҳаёт соғлиги, мол-мулки, атроф-муҳит учун ва техник хавфсизлигини белгилайдиган талаблар;

- маҳсулотнинг техник на маълумотлар томонидан бир-бирига мос келиши ҳамда ўзаро алмашуви бўйича талаблар:

- назорат услублари, ўраб-боғлаш (упаковка), маркалаш, ташиш, сақлаш, ишлатиш, таъмирлаш ва утилизация қилишга қўйиладиган талаблар;

- маҳсулотни тадқиқ қилиш (лойиҳалаш), ишлаб чиқариш ва уни истеъмол қилиш, жараёнларни бажариш ва хизмат кўрсатиш, техника ва маълумотлар бирлигини таъминлаш бўйича қоидалар ва меъёрлар, шу жумладан. техник хужжатларни расмийлаштириш, қўйиш (допуск) ва ўтказиш (посадка), сифатни таъминлашнинг умумий қоидалари, ресурсларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш, атама ва тушунчалар, шартли белгилар, метрологик ва бошқа ташкилий-услубий ҳамда умумтехник қоида ва меъёрлар.

Давлат стандартлари, миллий стандарт сифатида қабул қилинган халқаро, минтақавий ва давлатлараро стандартлар Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида ва корхоналарида қўлланилади.

Тармоқ стандартлари (TS) шу тармоқда ишлаб чиқариладиган ва қўлланиладиган маҳсулот (хизмат)га агар шу маҳсулотга давлатлараро ва давлат стандартлари бўлмаса ишлаб чиқилади. *TS* лар шу маҳсулотни ишлаб чиқарадиган тармоқ корхоналари ва уни истеъмол қиладиган бошқа соҳа истеъмолчилари учун қонун кучига эга бўлади.

Техник шартлар (TSh) аниқ, маҳсулот учун ишлаб чиқилади: техник шартларда белгиланадиган талаблар бир турли маҳсулотлар гуруҳига мўлжалланган стандартларда белгиланадиган талабларга мувофиқ ёки улардан юқори бўлиши керак.

Корхона стандартлари (KSt) фақат шу корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун ишлаб чиқилади ва амалга киритилади. KSt

лар фақат шу корхона ва унинг маҳсулотини истеъмол қиладиган истеъмолчилар учун қонун кучига эга.

Маълумки, ҳар қандай тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга шартли белгилар берилади. Меъёрий ҳужжатларнинг шартли белгилари уларнинг индекси, рўйхатга олинган тартиб рақами ва тасдиқланган йилидан иборат бўлади. Масалан, O'z DSt 1.0:1998, O'z DSt 1.7:1998, ГОСТ 4353-91 ва бошқалар. Давлат тоифасидаги меъёрий ҳужжатларнинг индекси давлат ва ҳужжат номларининг қисқача ёзилган шартли белгиларидан, бошқа ҳужжатларнинг индекси эса фақат меъёрий ҳужжатларнинг қисқача номларидан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг O'z DSt 1.0:1998 стандартнинг 3-бўлимида кўрсатилганидек, давлат тоифасидаги меъёрий ҳужжатларининг индекслари қўйидагича ифодаланади:

- ГОСТ - давлатлараро стандарт;
- O'z DSt - Ўзбекистон давлат стандарти;
- O'z ДТ - Умумдавлат таснифлагичи;
- O'z RH - Ўзбекистон раҳбарий ҳужжати;
- O'zSt ДТ - Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими;
- O'z СДТ - Ўзбекистон сертификатлаштириш давлат тизими;
- O'z O'ДТ - Ўзбекистон ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизими;
- O'zAT - Ўзбекистон аккредитлаш тизими.

Тармоқ, тоифасидаги меъёрий ҳужжатлар индекси:

- TSt - тармоқ стандарти;
- TT – тармоқ таснифлагичи;
- RH - раҳбарий ҳужжат;
- T - тавсиянома.

Маъмурий-худудий тоифадаги меъёрий ҳужжатлар индекси:

- MH St - маъмурий худудий стандарт;
- KSt - корхона стандарти;
- Tsh - техник шартлар.

Бошқа ҳужжатларнинг қисқа шартли ифодаланиши:

- KHT - конструкторлик ҳужжатларнинг ягона тизими;
- THT - технологик ҳужжатларнинг ягона тизими;
- MST - маҳсулотни синаш тизими;
- HBT - ҳужжатларни бирхиллаштириш тизими;
- NKAT - наشريёт, кутубхона ва ахборот ишлари бўйича стандартлар тизими;
- TP - техник пухталиги;
- МУАТ - маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил

қилиш тизими;

- MSKT - маҳсулот сифат кўрсаткичлари тизими;
- ST - сифат тизими;
- ТКТ - техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотни таснифлаш ва кодлашнинг ягона тизими ва бошқалар.

Шу нарсани қайд этиш жоизки, ҳужжат номи латин алифбосида фақат давлат тилида ёзилади. Масалан, O'zDSt. Рус тилидаги давлатларaro стандартлар аввалгидек сақланиб қолинган, масалан, ГОСТ.

Агар халқаро ва ҳудудий стандартлар асосида Ўзбекистон Республикаси миллий стандартлари ишлаб чиқилган бўлса, у ҳолда унинг шартли белгисини кўрсатишда O'zDSt қисқача шартли ифодасидан сўнг халқаро ёки ҳудудий стандарт қабул қилинган рақамлар ва индексидан кейин икки нуқта қўйилиб, сўнгра миллий давлат стандарти сифатида қабул қилинган тўртта рақамдан иборат йил кўрсатилади. Масалан, ISO 9000-2 ва ISO 9000-1 халқаро стандартлар Ўзбекистон миллий стандарти сифатида қабул қилинган. Ўзбекистон стандартлаштириш Давлат тизимининг таркибига кирадиган стандартлар талабларига биноан уларга қуйидаги шартли белгилар берилган;

O'zDSt 9000-2:1999 ва O'zDSt ISO 9000-1:1999. Раҳбарий ҳужжатлар ҳам худди шундай белгиланади.

Ўзбекистон давлат стандарти сифатида қабул қилинган халқаро, ҳудудий ва бошқа мамлакатларнинг миллий стандартларига шартли белгилар қўйиш тартиби O'zDSt 1.7:1998 (ГСС Уз. Порядок применения международных, региональных, межгосударственных стандартов и нормативных документов других государств) миллий стандартида кўрсатиб берилган.

Стандартлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга бериладиган шартли белгилар уларни давлат рўйхатидан ўтказиш пайтида амалга оширилади.

Стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар стандартлаштириш даражаси бўйича қуйидагича бўлинади:

- давлат миқёсидаги меъёрий ҳужжатлар;
- тармоқ миқёсидаги меъёрий ҳужжатлар;
- корхона миқёсидаги меъёрий ҳужжатлар.

Давлат миқёсидаги меъёрий ҳужжатлар гуруҳи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлатларaro стандарт - ГОСТ;
- Ўзбекистон давлат стандарти – O'zDSt;
- умумдавлат таснифлагичи - O'zDT;
- меъёрлар ва қоидалар;

- Ўзбекистон раҳбарий ҳужжатлар – O'zRH;
- тавсияномалар – O'zT.

Давлат миқёсидаги меъёрий ҳужжатлар Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги) - Архитектура ва қурилиш, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари ва соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Тармоқ миқёсидаги меъёрий ҳужжатлар гуруҳига қуйидагилар киради:

- тармоқ стандарти - TSt;
- тармоқ таснифлагичи – TT;
- меъёрлар ва қоидалар;
- раҳбарий ҳужжат - RH;
- тавсияномалар - T.

Тармоқ миқёсидаги меъёрий ҳужжатлар, меъёрлар ва қоидалар тармоқ бошқарув органлари томонидан тасдиқланади.

Корхона миқёсидаги меъёрий ҳужжатларга қуйидагилар киради:

- техник шартлар - TSh;
- корхона стандарти - KSt.

Корхона миқёсидаги меъёрий ҳужжатлар корхона раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

2. Стандартлаштириш объектлари

Стандартлаштириш объектлари дейилганда, фан ва техника, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, маданият, соғлиқни сақлаш, халқаро савдо ва бошқа соҳаларда кўп марталаб ишлатиладиган аниқ маҳсулот, меъёр, қоида, талаб, услублар, атамалар на бошқалар тушунилади.

Стандартлаштириш бўйича ҳар бир меъёрий ҳужжат ўзига тегишли объектга эга. Масалан, халқаро стандартларнинг стандартлаштириш объектлари ГОСТ 1.0-92 (Правила проведения работ по межгосударственной стандартизации. Общие положения) ва Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш объектлари O'zDSt 1.0:1998 (Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими. Асосий қоидалар)да кўрсатилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлараро стандартларининг объектига барча ҳамдўстлик мамлакатларда истеъмол учун ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат)лар ва жараёнлар киради.

O'zDSt 1.0:1998 га асосан *Ўзбекистон давлат стандартларининг объекти* бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ташкилий-услубий ва умумтехник меъёрлар ва талаблар;
- маҳсулотга қўйиладиган талаблар, умумтехник меъёрлар ва қоидалар;
- тармоқлараро қўлланишга мўлжалланган маҳсулот;
- давлат аҳамиятига эга бўлган хўжалик объектларининг элементлари, шу жумладан, банк тизимлари, фойдаланиладиган табиат ресурслари, мудофаа транспорт, алоқа, энергосистема ва шунга ўхшашларга қўйиладиган

талаблар;

- давлат ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник дастурларининг объектлари.

Ташкилий-услубий ва умумтехник меъёрлар ва талабларнинг асосий қисми қуйидагилардан иборат:

- стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил қилиш ва ўтказиш тартиблари;

- маърифат (билим) ва фаолиятнинг турли соҳаларидаги терминологик тизимлар;

- маҳсулот ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришда ҳамда қўллашда ишлатиладиган ягона тил, бир-бирига мос келадиган дастурлаш, маълумотлар технологиисининг техник воситалари ва техник ҳужжатлар;

- техник-иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни таснифлаш ва кодлаш;

- техника хавфсизлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, меҳнат гигиенаси, эргономика ва техник эстетик талаблар;

- типик ўлчамлар қаторлари ва умуммашинасозликда қўлланиладиган буюмларнинг ўзига хос конструкциялари (шарик-подшипниклар, биркитиш болтлари, асбоб-ускуналар, деталлар ва бошқалар);

- маҳсулот сифати ва уни назорат қилишни таъминлаш тизимлари ва услублари;

- ўлчаш бирлигини таъминлайдиган ва метрология таъминоти билан боғлиқ меъёрлар, қоидалар, талаблар ва ташкилий ишлар тартиби;

- хом ашё ва материаларнинг константалари ҳамда асослари тўғрисидаги ахборотнома маълумотлари.

Тармоқ, стандартлари давлатлараро ва Ўзбекистон давлат стандартларига кирмайдиган маҳсулот (хизмат)лар ва жараёнлар учун ишлаб чиқилади. Шунинг учун ҳам тармоқ стандарлаштириш объектларига давлатлараро ва Ўзбекистон давлат стандадартлари объектлари бўлмаган ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, бошқариш ва сифатни таъминлаш соҳаларидаги меъёрлар, қоидалар ҳамда маҳсулотлар киради.

Корхона стандартлаштириш объектларига қуйидагилар киради;

- бошқа истеъмолчиларга сотиладиган маҳсулот;

- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, уни ва маҳсулот сифатини бошқариш қоидалари ва меъёрлар;

- фақат ушбу корхонада яратиладиган, қўлланиладиган ва ишлаб чиқариладиган буюмларнинг таркибий қисми бўлган деталлар ва қисмлар;

- технологик асбоб-ускуналар ва инструментлар, технологик меъёрлар, талаблар ва типик-технологик жараёнлар;

- корхонанинг истеъмолчиларга кўрсатадиган хизматлари.

3. Давлат стандартларини ишлаб чиқиш тартиблари ва бошқалар

Ўзбекистон давлат стандартлари ЎЗРСТ 1.1-92 (Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Ўзбекистон Республикасининг стандартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва қайд қилиш қоидалари) стандартига асосан давлат стандартлари техник кўмиталар, стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотлар, вазирликлар, давлат миқёсидаги идоралар, концернлар, уюшмалар, ширкат, давлат, акционерлик ва қўшма корхоналар ҳамда муассасалар томонидан; *тармоқ стандартлари ва техник шартлар* тармоқ, бошқарув идораларининг стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг стандартлаштириш бўйича бўлимлари томонидан ва корхона стандартлари ҳамда *техник шартлар* корхона стандартлаштириш хизматлари томонидан ишлаб чиқилади.

Давлат стандартлаштириш ишлари стандартлаштириш бўйича йиллик режа асосида амалга оширилади. Республика стандартлаштириш режасига биринчи навбатда миллий стандартлар талаблари билан уйғунлашиши, инсон ҳаётий ва соғлиги учун хавфсизлиги, атроф муҳитни муҳофаза қилиниш, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиниши, миллий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник дастурларни амалга оширилишини таъминлайдиган миллий стандартлар ишлаб чиқиш ишлари киритилади. Стандартлаштириш бўйича йиллик режа РХ Ўз 51.040-95 (Планирование республиканской стандартизации) раҳбарий ҳужжат талабларига асосан тузилади. Бунинг учун стандартлаштириш бўйича юқорида кўрсатиб ўтилган стандартлаштириш бўйича объект ва субъектларнинг стандартлаштириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган дастурлари ва иш режалари асос қилиниб олинади.

Давлатлараро стандартлар ва стандартлаштириш бўйича республика меъёрий ҳужжатлари давлатлараро стандартлаштириш ва республика давлат стандартлаштириш тизимларининг талаблари асосида ишлаб чиқилади. Давлатлараро стандартлар ГОСТ 1.2-97 ва О'z DSt 1.7-1998, давлат стандартлари РСТ Ўз 1.1-92 ва РСТ Ўз 1.5-93, тармоқ, стандартлари РСТ Ўз 1.9-95 ва РСТ Ўз 1.5-93, корхона стандартлари РСТ Ўз 1.3-92 ва РСТ Ўз 1.5-93 ва техник шартлар РСТ Ўз 1.2-92 ва РСТ Ўз 1.5-93 стандартлари талаблари асосида ишлаб чиқилади, тасдиқланади, қайта курилади, ўргартиришлар киритилади ва бекор қилинади.

Стандартларни ҳар хил ташкилотлар мутахассисларининг ишчи гуруҳлари томонидан ишлаб чиқишга руҳсат этилади.

Стандартнинг бир неча ташкилий томонидан ишлаб чиқишида, етакчи ишлаб чиқувчи ташкилот ҳамкорликда иш бажарувчи ҳар бир ташкилот билан иш кўлами ва муддатларини белгилайди. Етакчи ишлаб чиқарувчи ташкилот стандарт лойиҳасини ўз вақтида ишлаб чиқишга,

хамкорликда иш бажарувчи ташкилотлар ўзларига топширилган ишларни (вазифаларни) ўз вақтида бажарилишига жавобгар ҳисобланади.

Стандарт лойиҳасининг мазмуни ва техник-иқтисодий томонидан асосланганлиги, кўрсаткичларининг меъёр ва талабларини фан ва техниканинг ҳозирги ютуқларга мос келишига стандартни ишлаб чиқувчи ва тасдиқловчи ташкилот жавоб беради.

Республикада меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлашга тақдим этиш ва тасдиқлаш, жорий этиш, амалда стандартларни қайта кўриш, ўзгартиришлар киритиш ва бекор қилиш қоида ва тартиблари O'zDSt 1.4:1998 стандарт талаблари асосида амалга оширилади.

Стандартларни ишлаб чиқиш тўрт босқичдан иборат бўлади. Биринчи босқичда техник топшириқ, иккинчи босқичда - стандарт лойиҳаси (биринчи таҳрири) тайёрланади ва фикр-мулоҳазалар олиш учун юборилади, учинчи босқичда - фикр мулоҳазалар ва стандартларнинг охириги таҳрири устида ишланиб стандартнинг охириги таҳрири тайёрланади ҳамда тасдиқлашга тақдим этилади, тўртинчи босқичда эса стандарт тасдиқланади ва давлат рўйхатидан ўтказилади. Стандарт учун техник топшириқ, фақат зарурат туғилганда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Қолган ҳоларда бирданига стандарт лойиҳасининг биринчи таҳрири ишлаб чиқилади.

4. Стандартларни расмийлаштириш

Стандарт лойиҳаси техник қўмита иш режаси, тасдиқланган стандартлаштириш жадвали, янги маҳсулот турларини яратиш режаси, манфаатдор ташкилотлар таклифи ва бошқа ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ташаббусига асосан ишлаб чиқилади.

Агар стандарт лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида муомаладаги ўзаро боғлиқ бўлган меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш лозим топилса, у ҳолда етакчи ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш бўйича асосланган таклифлар тайёрланади ва улар асосий тадбирлар режасига киритилади.

Стандарт лойиҳасини ишлаб чиқишда унинг тоифаси, тури ва бўлиши зарур бўлган элементлари эътиборга олинади ва улар қўйидагиларни ўз ичига олади:

- титул варағи;
- сўз боши;
- кириш қисми;
- мундарижа;
- стандартнинг номи;
- қўлланиш доираси;

- меъёрий ҳаволалар;
- умумий қоидалар;
- белгиланиш ва қисқартиришлар;
- талаблар (меъёрлар);
- иловалар ва биографик маълумотлар.

Стандарт лойиҳасини ишлаб чиқиш билан бир вақтда стандарт лойиҳасига тушунтириш хати ҳам тузилади ва мақулланса стандартни жорий қилиш бўйича асосий ташкилий-техник тадбирлар режасининг лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Тушунтириш хатида стандарт тоифаси ва тўлиқ номи, стандарт лойиҳаси таҳрирининг тартиб рақами ва стандартни ишлаб чиқиш босқичлари тўғрисида маълумотлар берилади. Тушунтириш хатида кўрсатилиши бўйича стандарт лойиҳасининг бўлимлари қўйидагилардан иборат бўлади:

- стандартни ишлаб чиқиш учун асос;
- стандартни ишлаб чиқиш мақсади ва вазифалари;
- стандартлаштириш объектининг тавсифи;
- стандартнинг илмий-техник даражаси;
- стандартни жорий қилишдаги техник-иқтисодий самарадорлиги;
- стандартни жорий қилиш, ҳаракатга киритиш ва назорат қилиш;
- бошқа меъёрий ҳужжатлар билан ўзаро боғлиқлиги;
- фикр-мулоҳазалар олиш учун юборилганлиги тўғрисида маълумот;
- келишилганлиги тўғрисида маълумот;
- ахборот манбалари;
- қўшимча маълумотлар.

Тушунтириш хати стандарт лойиҳасининг ҳар бир таҳририга тузилади.

Агар ишлаб чиқарилаётган стандарт лойиҳаси стандартлаштириш режасига киритилмаган бўлса, у ҳолда юқори идоранинг ушбу стандартни ишлаб чиқиш учун асос қилиб олинган ҳужжати асос бўлади. Шунинг билан биргаликда стандарт лойиҳаси келишишни талаб этмаса, у ҳолда тушунтириш хатида стандартнинг келишилиши шарт эмаслиги кўрсатилади ва асослаб берилади.

Стандарт лойиҳасига тушунтириш хатининг охириги varaғида стандартни ишлаб чиқувчи етакчи ташкилот (корхона) раҳбарининг ўринбосари, стандарт лойиҳасини ишлаб чиқувчи раҳбар ва ҳамкорликда бажарувчи ташкилотлар раҳбарларининг имзолари бўлиши керак.

Стандарт лойиҳасига тушунтириш хати ва асосий тадбирлар режаси лойиҳасини фикр-мулоҳазалар олиш учун юборишдан олдин керак бўлган илмий-техник кенгаш ёки етакчи ишлаб чиқувчи ташкилотнинг техник кенгашида буюртмачи-ташкилот (асосий истеъмолчи) вакилининг

иштирокида кўриб чиқилади. Сўнгра стандарт лойиҳасига тушунтириш хатининг асосий тадбирлар режаси лойиҳалар билан биргаликда кўпайтирилиб, фикр-мулоҳазалар олиш учун қўйидаги манфаатдор ташкилотларга юборилади:

- буюртмачи ташкилот (асосий истеъмолчи) ёки унинг стандарт лойиҳасини келишиш бўйича таянч ташкилотларидан бири;

- давлат назорат бўлими, касаба уюшмаси ташкилоти, транспорт, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (агар стандарт лойиҳасида уларнинг ваколатига тегишли шартлар қўйилган бўлса);

- биркитилган маҳсулот ёки фаолият соҳаси юзасидан стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотлар (агар улар стандарт лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирок этмаган бўлса);

- стандартларни жорий қиладиган ва жорий қилишни таъминлайдиган ташкилот ва корхоналар;

- стандарт лойиҳасининг ишлаб чиқилиши билан боғлиқ бўлмаган равишда қайта кўриб чиқиш, ўзгартириш, бекор қилиш, лозим топилган тадбирда бир-бири билан боғлиқ бўлган амалдаги меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаган ташкилотлар.

Стандарт лойиҳаси корхона ва ташкилотлар томонидан кўриб чиқилганидан сўнг, ўз фикр-мулоҳазаларини стандарт лойиҳасини ишлаб чиқувчи ташкилоти 15 кун ичида (қабул қилган кундан бошлаб) кечикмасдан юборадилар ва фикр-мулоҳазалар охирида корхона ҳамда ташкилотлар ўзларига керакли стандарт сонини кўрсатадилар.

Корхона ва ташкилотлар томонидан юборилган стандарт лойиҳаси бўйича фикр-мулоҳазалар билан етакчи ташкилот танишиб чиққандан сўнг, уларга асосан фикр-мулоҳазалар мажмуини тузади.

Белгиланган вақтдан сўнг юборилган фикр-мулоҳазалар етакчи ташкилотнинг ихтиёрига кўра кўриб чиқилади ва маъқул бўлса фикр-мулоҳазалар мажмуига қўшилади. Сўнгра фикр-мулоҳазалар мажмуига асосан стандарт лойиҳасининг сўнги таҳрири ишлаб чиқилади ва асосий тадбирлар режаси ҳамда тушунтириш хатига аниқликлар киритилади.

Агар ишлаб чиқарувчи ташкилот билан бошқа манфаатдор ташкилотлар ўртасида стандарт лойиҳаси ёки асосий тадбирлар режаси лойиҳаси бўйича низолар пайдо бўлса, у ҳолда етакчи ишлаб чиқувчи ташкилот низоларни муҳокама қилиш мақсадида кенгаш чақиради ва манфаатдор ташкилотлар ҳамда истеъмолчиларнинг вакиллари иштирокида унинг мажлиси ўтказилади. Етакчи ташкилот кенгаш қатнашчиларига кенгаш бошлангунча 10 кун олдин оладиган муддатда фикр-мулоҳазалар мажмуидан кўчирма ва кенгаш таклифномаларни юборади. Кенгаш қарори унинг барча қатнашчилари имзо чеккан баённома бўйича расмийлаштирилади. Баённома

ёки унга илова қилинган алоҳида рўйхат кенгаш иштирокчиларининг исми, фамилияси, отасининг исми ва мансаби кўрсатилади. Кенгашда қабул қилинган қарор асосида стандарт лойиҳаси, тушунтириш хати ва асосий тадбирлар режасининг охириги таҳрири тузилади ва у биринчи таҳриридек истеъмолчилар ва манфаатдор ташкилотлар билан келишиб олинади.

Етакчи ишлаб чиқувчи ташкилот стандарт лойиҳасининг охириги таҳририни бир вақтнинг ўзида келишиладиган барча ташкилотларга тушунтириш хати, асосий тадбирлар режаси лойиҳаси ва низоларни муҳокама қилиш юзасидан қабул қилинган кенгаш баённомасининг кўчирмаси билан бирга юборади. Агар стандарт лойиҳаси, асосий тадбирлар режаси ва тушунтириш хати бўйича яна янги фикр-мулоҳазалар пайдо бўлса, улар юқорида кўрсатилган ҳужжатларни олган кундан бошлаб 15 кун ичида юборилиши керак. Ушбу муддат ичида фикр-мулоҳазалар ва таклифлар келиб тушмаса, у ҳолда стандарт лойиҳаси келишилган ҳисобланади.

Стандарт лойиҳаси бўйича ташкилотлар ўртасида давом этаётган низолар бўйича Ўздавстандарт, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўзларига тааллуқли фаолият турлари бўйича охириги қарорни қабул қилишади.

Келишилган стандарт ёки келишилганлик тўғрисидаги хат етакчи ишлаб чиқувчи ташкилотга юборилиши шарт.

Стандарт лойиҳасини охириги таҳририни тасдиқлашга юборишдан олдин таянч ташкилот ёки стандартлаштириш бўйича техник қўмита ўзига биркитилган маҳсулотлар ёки фаолият соҳаси бўйича стандартли илмий-техник ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади.

Ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан стандарт лойиҳаси тасдиқлаш учун қуйидаги тўплам шаклида берилади:

- илова хати;
- стандарт лойиҳасининг охириги таҳририга тушунтириш хати;
- асосий тадбирлар режасининг лойиҳаси;
- стандарт лойиҳасининг 4 та нусхаси, улардан икkitаси биринчи нусха бўлиши шарт;
- стандарт лойиҳаси тўғрисида фикр-мулоҳазалар мажмуи;
- стандарт лойиҳасининг келишилмаганлигини тасдиқловчи асл нусхаси;
- қолган келишмовчиликлар ҳақидаги маълумотнома.

Ўздавстандарт, Архитектура ва қурилиш, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўзларига тегишли стандарт лойиҳаси ва бошқа ҳужжатларни кўпи билан 15 кун ичида кўриб чиқилиши

ва экспертизадан ўтказилишини таъминлайди, камчиликлари бўлса қайта ишлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Стандарт уни тасдиқлаган ташкилот қарори билан жорий этилади ва унинг муддати чекланмаган ёки чекланган тарзда тасдиқланади. Шу пайтнинг ўзида стандартни жорий қилиш санаси, унинг биринчи текширув муддати ва кейинги текширувлар муддатлари ҳам белгиланади. Амал қилиш муддати чекланган стандартни текширишдан ўтказиш муддати унинг амал қилиш муддатига 9 ой қолганда стандарт муддатини чўзиш ёки бекор қилиш бўйича ҳужжатни тасдиқлашга такдим этиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Қўлланиш муддати тугаши билан стандарт қонуний кучини йўқотади.

Республика стандартини давлат рўйхатига олиш Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги) томонидан амалга оширилади. Давлат рўйхатидан ўтказиш учун стандарт 4 нусхада (2 нусха асли ва 2 нусха кўчирма) топширилади.

Стандартни давлат рўйхатидан ўтказиш учун китоб шаклига келтирилиб, муқоваланиб топширилиши ва у 5 кун ичида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Стандартнинг қайси ташкилот тасдиқлаганлигидан қатъий назар, унга рақамли белгини Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги) беради. Бериладиган белги қуйидагилардан иборат бўлади:

- ҳужжатнинг кўрсаткичи – O'zDSt;
- рўйхатнинг тартиб рақами;
- тасдиқланган йилининг рақам сонлари.

Масалан, O'zDSt 1.0:1998 "Ўзбекистон стандартлаш давлат тизими. Асосий қоидалар", ЎзРСТ 1.3-92 "Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартлаштириш тизими. Корхона стандартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш қоидалари" ва бошқалар.

Стандартни рўйхатга олган идора унинг асл нусхаси ва иккинчи нусхасини стандартни ишлаб чиққан ташкилотга қайтаради, иккинчи нусхаси Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги)да қолади. Стандарт Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги) рўйхатидан ўтказилгандан сўнг 15 кун ичида унинг бир нусхаси 1 Республика илмий-техник кутубхонасига юборилади.

Таянч иборалар: давлатлараро стандартлар; давлат стандарти; тармоқ, стандарти; техник шартлар; корхона стандарти; миллий стандарт шаклида қабул қилинган халқаро стандартлар шартли белгилари; давлат миқёсида, тармоқ, ва корхона миқёсида меъёрий ҳужжат; ГОСТ 1.0.- 92; O'zDSt 1.0: 1998; МДХ, мамлакатлари; меъёрлар қоидалар; талаблар хўжалик объектлари; ягона техник тил; техник восита ва ҳужжатлар; гигиена,

эргономика, эстетика; тармоқ, ва корхона стандартлаштириш объекти; асос бўлувчи, маҳсулотга қўйиладиган, жараёнларга қўйиладиган ва назорат услублари стандарти; тамғалаш, номенклатура ва белгилар стандарти; РХ Ўз 51-040-95; ГОСТ 1.2-97; O'z DSt 1.7:1998; РСТ Ўз 1.1-92; РСТ Ўз 1.5-93; РСТ Ўз 1.3-92; РСТ Ўз 1.2-92; O'z DSt 1.4:1998; меъёрий ҳужжатлар элементлари; стандарт лойиҳасига тушунтириш хати; фикр-мулоҳазалар; техник, топширик; илмий-техник кенгаш; буюртмачи; баённома.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси стандартлаштиришнинг меъёрий ҳужжатлари нималарни ташкил қилади?
2. Давлат стандарти, тармоқ стандарт ива техник шартлар деганда нимани тушунасиз?
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат тоифасидаги меъёрий ҳужжатларнинг индекслари қандай ифодаланади?
4. Стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар қайсиларни ўз ичига олади?
5. Стандартлаштириш объектлари деб нимага айтилади?
6. Ўзбекистон давлат стандартларининг объектларига нималар киради?
7. Ўзбекистон давлат стандартлари кимлар томонидан ишлаб чиқилади?
8. Стандартлар қандай расмийлаштирилади?
9. Стандарт лойиҳаси нималарни ўз ичига олади?
10. Стандарт лойиҳасини тасдиқлаш учун қандай шаклда берилади?

Талабанинг мустақил иш топшириқлар:

1. Стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар бўйича етарлича маълумотларга эга бўлиши керак.
2. Стандартлаштириш объектлари ва давлат стандартларини ишлаб чиқиш тартиблари тўғрисида чуқур билимга эга бўлиши зозим.
4. Стандартларни расмийлаштириш ҳақида маълумотларни тўлиқ ўрганиши ва билиши лозим.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати: 11, 12, 13, 14, 15, 16, 20

12-мавзу. Стандартлаштириш бўйича давлат назорати, халқаро стандартлаштириш

1. Маърузанинг таълим технологияси

Вақти - 2 соат	Талабалар сони: 5-10 нафар
Уқув машгулотининг	Визуал, ахборот маъруза

шакли	
Маъруза машгулотининг режаси	<p>1. Стандартлар бўйича меъёрий ҳужжатларни назорат қилиш тартиби</p> <p>2. Стандартларни ўзгартириш ва бекор қилиш тўғрисида</p> <p>3. Халқаро стандартлаштириш (ИСО, МЭК, ИСО-9000) ташкилотлари ва уларнинг асосий вазифалари</p>
<p><i>Ўқув машгулотининг мақсади:</i> Стандартлаштириш бўйича давлат назорати, халқаро стандартлаштириш ҳақида маълумотларни бериш</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <p>Ишлаб чиқариладиган маҳсулотга белгиланган меъёрий ҳужжатларнинг бажарилиши шарт бўлган талаблар ва стандартлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатларини бажарилиши устидан давлат назорати ҳақида ахборот берилади.</p> <p>Стандартларни ўзгартириш ва бекор қилиш тўғрисида қонунда келтирилган талаб ва тартиб тугрисида ахборот берилади</p> <p>Халқаро стандартлаштириш (ИСО, МЭК, ИСО-9000) ташкилотлари ва уларнинг асосий вазифалари, талаблари ва бошқалар тугрисида ахборот берилади.</p>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <p>Ўзбекистон ҳудудида стандартлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатларини бажарилиши устидан давлат назорати ҳақида ахборотга эга бўлади.</p> <p>Стандартлаштириш қонунда келтирилган талаб ва тартиб тугрисида ахборот оладилар.</p> <p>Стандартлаштириш ташкилотлари ИСО, МЭК, ИСО-9000 каби халқаро ташкилотлар ва уларнинг асосий вазифалари, талаблари ва бошқалар бўйича ахборот эга бўлади.</p>
Уқитиш услуби ва техникаси	Ахборот-маъруза, инсерт, хдмкорликда уқитиш техникаси,.
Уқитиш шакли	Фронтал, гуруҳларда
Уқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, график органайзерлар.
Уқитиш шарт-шароити	Намунадаги аудитория

2. Маърузанинг технология харитаси

Босқичлар, вакти	Фаолият мазмуни	
	укитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	1.1. Маъруза мавзуси ва режаси эълон қилинади. Аввалги мавзуга савол-жавоб орқали боғланади.	1.1. Эшитадилар, ёзадилар.
2-босқич. Асосий (60 мин.)	2.1. Мавзунини ёритиш учун муаммоли саволларни таклиф этади. 2.2. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотга белгиланган меъёрий ҳужжатларнинг бажарилиши шарт бўлган талаблар ва стандартлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатларини бажарилиши устидан давлат назорати хақида ахборот берилади. 2.3. Стандартларни ўзгартириш ва бекор қилиш тўғрисида қонунда келтирилган талаб ва тартиб тўғрисида ахборот берилади. 2.4. Халқаро стандартлаштириш (ИСО, МЭК, ИСО-9000) ташкилотлари ва уларнинг асосий вазифалари, талаблари ва бошқалавр тўғрисида ахборот берилади.	2.1. Муаммоли саволларга эътибор берадилар: «биламан-билдим» жадвалининг 1-устунини тулдирадилар. 2.2. Эшитадилар, ёзадилар. 2.3. Эшитадилар, ёзадилар. 2.4. Эшитадилар, ёзадилар.
3-босқич. Якуний (10 мин.)	3.1. Мавзуга хулоса чиқаради. Асосий масала устида тухталади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқлар беради:	3.1. Эшитадилар, саволларини беради ёзиб оладилар. 3.2. Топшириқларни ёзиб оладилар.

1. Стандартлар бўйича меъёрий ҳужжатларни назорат қилиш тартиби

Агар вазирликлар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар, давлат ишлаб чиқариш корхоналари, кооперативлар, қўшма, акционерлик, шахсий ва бошқа корхоналар, муассаса ва ташкилотлар, ишлаб чиқариш ва тижорат билан шуғулланадиган фуқаролар маҳсулотга белгиланган талабларга риоя қилишмаса, у ҳолда энг ривожланган хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари даражасида ишлаб чиқилган стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар ҳам маҳсулот сифатини кафолатлашга ожизлик қилади. Шунинг учун ҳам амалдаги стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан республикада давлат назорати ўрнатилади.

Ўзбекистон республикасида барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга белгиланган меъёрий ҳужжатларнинг бажарилиши шарт бўлган талаблар ва стандартлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатларини бажарилиши устидан давлат назорати Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонуни, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 12 август 1994 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 410-сонли қарори билан тасдиқланган «Стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назорати тўғрисида Низом» ва O'zDSt 1.0:1998 "Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими. Асосий қоидалар" стандарти талабларига асосан раҳбарий ҳужжатлар (РД Ўз. 51-033-97 ва РД Ўз 51-041-95) да белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган давлат назоратининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат: вазирликлар, идоралар, ассоциациялар, концернлар, давлат корхоналари, кооперативлар, қўшма ҳиссадорлик, ижара, кичик ва бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, уларнинг қайси идорага мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, улар томонидан стандартларни ўз вақтида амалда тадбиқ этиш ва уларнинг талабларига қатъий равишда риоя қилишини таъминлаш, стандартларнинг илмий-техник даражаларини таҳлил қилиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, илмий-техник тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлиги, маҳсулотнинг техник даражаси ва сифатини яхшилаш мақсадида фан ва техника ютуқларидан самарадорли фойдаланишга қўмаклашиш.

Ишлаб чиқарувчилар ва синов лабораториялари томонидан ҳаракатдаги стандартларнинг бажарилиши шарт бўлган талабларига риоя қилиниши устидан давлат назорати, уларнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари (хизматлари)ни ушбу талабларга мос келиш даражасини назорат қилиш орқали амалга оширилади. Шунинг учун ҳам меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқарилаётган мажбурий сертификатлаштириладиган ва сертификатлаштирилмайдиган ҳамда четдан келтирилган маҳсулотлар давлат назоратининг объекти бўлиб хизмат қилади. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан (сертификатлаштирилган ва импорт қилинган) маҳсулотга белгиланган стандартлаштириш бўйича меъёрий ва қонунчилик ҳужжатларининг бажарилиши шарт бўлган талабларига риоя қилиш устидан назорат ишлари қўйидаги идоралар томонидан амалга оширилади:

- Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги);

- Архитектура ва қурилиш, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмиталари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда уларнинг ҳудудий органлари;

- махсус вакил сифатида белгиланган бошқа давлат бошқарув органлари.

Стандартларнинг бажарилиши шарт бўлган талабларига риоя қилиш устидан қуйидаги шахслар назорат ўтказадилар:

- Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг стандартлар устидан назорати бўйича давлат бош инспекторлари;

- вилоят ва шаҳарларнинг стандартлар устидан назорати бўйича давлат бош инспекторлари;

- стандартлар устидан назорати бўйича инспекторлар.

"Ўзбекистон Республикаси стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назорати тўғрисида"ги Низомга асосан Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги) Архитектура ва қурилиш, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмиталари ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг раҳбарлари ўзлари эгаллаб турган лавозимларига кўра стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг бош давлат инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари эса - Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспекторларининг муовинлари ҳисобланадилар.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон давлат маркази Ўздавстандарт вориси «Ўзстандарт» агентлигининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ҳудудий (регионал) марказлари (СМСХМ), Архитектура ва қурилиш, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмиталари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси ва шаҳарлардаги ҳудудий марказларнинг раҳбарлари ўзларининг лавозимларига кўра стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назорати бўйича Қорақалпоғистон Республикасининг, вилоят ва шаҳарларининг бош инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари бош инспекторларининг муовинлари ҳисобланади.

Ўздавстандарт, Архитектура ва қурилиш, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмиталари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва сертификатлаштириш бўйича ҳудудий марказлар (СМСХМ)нинг бўлим бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ва бош мутахассислари ўзларининг эгаллаб турган лавозимларига кўра стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан назорати бўйича давлат инспекторлари ҳисобланади.

Қуйидаги идоралар Ўзбекистон Республикасида стандартлар устидан давлат назоратини амалга оширадилар:

- Ўзбекистон Республикаси бўйича - Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги);

- қурилиш, қурилиш саноати ҳамда лойиҳалаш ва конструкциялаш соҳаси бўйича Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси;

- табиат ресурсларидан фойдаланишни бошқариш, атроф-муҳитни ифлосланиш ва бошқа зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш соҳаси бўйича Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

- тиббиёт маҳсулотлари, тиббий техника буюмлари, дориворлар, даволаш воситалари ҳамда республика саноатларида ишлаб чиқариладиган ва импорт бўйича четдан келтирилган маҳсулотлар таркибида инсон организми учун зарарли бўлган моддаларни аниқлаш масалалари соҳаси бўйича - Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Қорақалпағистон Республикаси, вилоят ва шаҳарларида стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назорати Ўздавстандартнинг минтақавий стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш марказлари ҳамда ўзларининг ваколатлари доирасида Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий идоралари томонидан олиб борилади. Улар давлат назоратини бевосита корхона, ташкилот ва муассасаларда амалга оширадилар.

Стандартлар талабига риоя қилиниши устидан давлат назоратини Ўзбекистон ва Қорақалпағистон республикаларининг бош давлат инспекторлари, вилоят ва шаҳарларнинг бош давлат инспекторлари ва стандартлар устидан назорат қилиш бўйича давлат инспекторлари амалга оширадилар.

Стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан назоратнинг амалга оширувчи мансабдор шахслар ҳокимият органларининг вакили ҳисобланади ва улар давлат ҳимоясида бўлади. Улар Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги) томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтадилар.

Ўзбекистон Республикасининг барча бош давлат инспекторлари ва давлат инспекторларининг ҳуқуқ ва вазифалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 12 августда қабул қилинган 410-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси стандартлари ва ўлчаш воситалари устидан давлат назорати тўғрисидаги Низом»да тўлиқ кўрсатиб берилган.

Республикада қўлланилаётган стандартларни республика халқ хўжалиги, мамлакат аҳолиси ва экспорт эҳтиёжларига мос келишини таъминлаш ҳамда стандартларни қайта кўриш, ўзгартириш ва уларни бекор қилиш, стандартларни текширишдаги асосий мақсад ҳисобланади.

Стандартларни текшириш уларда кўрсатилган муддат бўйича, аввал стандартни ишлаб чиққан ташкилотлар, техник қўмиталар (агар мавжуд бўлса), стандартлаштириш бўйича таянч, буюртмачи ва бошқа манфаатдор ташкилотлар биргаликда келишилган ҳолда ўтказилади. Бунинг учун стандартларни ишлаб чиққан ташкилот раҳбари томонидан стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар, таянч, буюртмачи (асосий истеъмочилар) ва бошқа манфаатдор ташкилотлар вакилларида иборат комиссия тузилади.

Текшириладиган стандартлар рўйхати стандартлаштириш бўйича йиллик ва истиқбол режалари лойиҳаларига киритилади.

Стандартларни текшириш жараёнида кўрсаткичлар номенклатураси ва уларнинг миқдори, меъёрлар, қоидалар, тавсифлар, атамалар ва тушунчалар. белгилар, услублар, физик катталиқ бирликлари; шунингдек, маҳсулотнинг инсон ҳаёти ва соғлиги учун хавфсизлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ўзаро алмашувчанлигини таъминлайдиган ҳамда белги қўйиш ва назорат қилиш усулларида ҳаракатдаги қонунчилик, стандартлаштириш давлат тизими ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, халқаро минтақавий ва ривожланган хорижий давлатларнинг стандартлари (ИСО, МЭК ва бошқалар), МДХ Давлатлараро стандартлари, бир хил маҳсулот гуруҳларига мўлжалланган стандартлар ва улар билан ўзаро боғлиқ бўлган меъёрий ҳужжатлар талаблари ҳамда синов ва сертификатлаштириш миллий тизимларига мос келиши таҳлил қилинади. Булардан ташқари, маҳсулотга мўлжалланган стандартларни текшириш жараёнида солиштирма жадваллар ва синов натижалари, яъни маҳсулот яратиш бўйича тегишли илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ва тажриба ишлари натижалари бўйича манфаатдор ташкилот ва ишлаб чиқариш корхоналар томонидан тузилган таклифлар, стандартни қўллашдаги ҳақиқий самара, давлат ва тармоқ назоратлари, Транспорт вазирлиги ва касаба уюшмалари идораларининг таклифлари ҳам кўриб чиқилади. Шунинг билан биргаликда текширилган стандартнинг бугунги кундаги илмий-техника даражаси ҳам баҳоланади.

Стандартларни текшириш натижалари асосида ихтиёрий шаклда далолатнома тузилади. Далолатномада текширилган стандартнинг илмий-техник даражаси, қўлланишдаги самарадорлиги, стандарт талабларининг жаҳон бозори талаблари даражасига мос келиши ва стандартни бундан кейин қайта кўриб чиқиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш бўйича таклифлар берилади. Далолатнома имзолангандан сўнг 15 кун ичида комиссия томонидан буюртмачига юборилади.

Агар комиссия стандарт мазмунини ўзгартирмасдан фақат ҳаракат муддатини узайтириш, чегаралаш ёки чегарасини олиб ташлаш тўғрисида

қарор қабул қилган бўлса, у ҳолда стандартни, текшириш далолатномаси келишиш учун илгари келишилган манфаатдор ташкилотларнинг барчасига юборилади. Текшириш далолатномаси эса 15 кун ичида келишилиб бўлиши керак.

Агар стандартни текшириш натижаси бўйича уни чегараланмаган муддатлар ва ўзгартиришлар киритилмасдан бундан сўнг ҳам қўллаш мумкин ва унинг талаблари жаҳон талаблари даражасига мос келади деб топилса, у ҳолда текшириш далолатномаси стандартлар мажмуини сақлаш ташкилотига юборилади.

Стандартларни текшириш натижалари бўйича бир-бири билан боғлиқ бўлган меъёрий ҳужжатларни қайта кўриш, ўзгартириш ва бекор қилиш тўғрисидаги таклифларни текширишдан ўтказган ташкилот уларни стандартлаштириш бўйича тегишли техник қўмита ёки таянч ташкилотга ва таклифларнинг кўчирма нусхаларини эса Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги)га юборилади.

Агар маҳсулотга янги ва прогрессив талаблар қўйилса, у ҳолда стандарт қайтадан кўриб чиқилади. Лекин асос бўлувчи ва умумтехник стандартлар одатда қайта кўриб чиқилмайди, фақат улар янги талаблар киритиш орқали ўзгартирилади, холос.

Қайта кўриб чиқиш натижасида ҳаракатдаги стандарт ўрнига янги стандарт ишлаб чиқилади. Ишлаб чиқилган янги стандартди қайси стандарт ўрнига ишлаб чиқилганлиги кўрсатилади. Шунинг билан биргаликда қайта кўриб чиқилган стандартларга киритилган қўшимчалар ва улар билан боғлиқ бўлган меъёрий ҳужжатлар ҳам бир вақтда кўриб чиқилиши керак.

2. Стандартларни ўзгартириш ва бекор қилиш тўғрисида

Маҳсулот сифатига мўлжалланган стандартларга киритиладиган ўзгартиришлар ушбу стандартни ишлаб чиққан ташкилот томонидан киритилади ва ўзгартиришлар маҳсулотнинг амалдаги стандарт талаблари асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулоти билан ўзаро алмашувини бузишга олиб келмайдиган техник даражаси, сифати ва самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини ўзгартирмайдиган янги прогрессив талаблар бўлиши керак. Ўзгартиришлар лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлашга тақдим этиш ва расмийлаштириш янги стандартлар лойиҳасини тасдиқлаш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар стандартга киритиладиган ўзгартиришлар унинг илмий-техник даражасига таъсир этмаса, у ҳолда ўзгартириш лойиҳасига тушунтириш хатида таққослаш жадвалини келтирмаса ҳам бўлади. Шунинг билан биргаликда киритиладиган ўзгартиришнинг бошқа стандартлар билан боғлиқлиги бўлмаса, у ҳолда ўзгартиришлар лойиҳасини манфаатдор

ташкiлотларга тақриз учун юборилмаслиги ҳам мумкин. Ўзгартириш лойиҳасини тақризга юбориш ёки юбормаслиги тўғрисидаги қарор стандарлаштириш бўйича техник қўмига тегишли ташкiлот томонидан қабул қилинади.

Шунингдек киритиладиган ўзгартиришлар бошқа келишув ташкiлотларнинг манфаатлари учун тегишли бўлмаса, у ҳолда ўзгартиришлар фақат буюртмачи (асосий истеъмолчи) билан келишилади, холос. Агар стандарт муддатини узайтириш, чегаралаш ёки ҳаракат муддатини бекор қилиш ушбу стандарт мазмунининг ўзгариши билан бир пайтда амалга оширилса, у ҳолда стандарт муддатини чегаралаш ёки ҳаракат муддатини бекор қилиш ҳақидаги маълумотлар шу ўзгартиришлар ичига киритилади ва бу ўзгартиришлар ушбу стандартни тасдиқлаган идора томонидан амалга оширилади. Ўзгартиришлар тўғрисидаги ҳужжатлар (қарор, буйруқ ва бошқалар) стандарт муддатининг тамом бўлишига 6 ойдан кам бўлмаган вақт ичида юборилиши керак. Стандарт муддатининг ўзайтирилганлиги, чегараланмаганлиги ёки ҳаракат муддатини бекор қилинганлиги ҳақидаги маълумотлар стандарт ҳаракати тамом бўлиш муддатидан 3 ой олдин стандартларнинг библиографик кўрсаткичларида чоп этилади. Стандартга киритилган ўзгартиришга уни тасдиқлаган идора тартиб рақамини қўяди ва корхоналарни ўзгартиришлар билан таъминлаш ҳамда жорий этиш бўйича ташкiлот ва техник чораларни амалга ошириш учун кетадиган вақтни ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришларнинг жорий этиш санасини белгилайди. Киритиладиган ўзгартиришлар ҳар бир стандартга алоҳида расмийлаштирилади ва стандартга олдин тасдиқланган ўзгартиришлар кейинги ўзгартиришларга киритилмайди, улар алоҳида қўлланилади.

Амалдаги ёки ҳаракатдаги стандарт қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

- ушбу стандарт талаблари асосида маҳсулот ишлаб чиқариш бутунлай тўхтатилса;

- ушбу стандарт ўрнига бошқа меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилса.

Стандартни бекор қилиш тўғрисидаги қарор ёки буйруқ шу стандартни тасдиқлаган идора томонидан қабул қилинади ёки чиқарилади. Бунинг учун стандартга илова хати ва стандартни бекор қилиш зарурлиги асосланган далолатнома, асосий истеъмолчи (буюртмачи) ва илгари келишилган ташкiлотлар билан келишилмаганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг асл нусхалари билан биргаликда стандартни тасдиқлаган идорага юборилади. Стандарт текширилмасдан бекор қилинадиган бўлса, у ҳолда у далолатномасиз, аммо кўрсатилган ҳужжатлар билан бирга

юборилади. Агар стандарт янги меъёрий ҳужжатлар ишлаб келиши билан бекор қилинса, у ҳолда янги стандарт тасдиқлаш учун қабул қилинган қарорда унинг қайси меъёрий ҳужжат ўрнига ишлаб чиқилганлиги кўсатилади. Стандартнинг бекор қилиш тўғрисидаги барча ҳужжатлар давлат расмийлаштириш идорасига стандартни бекор қилиш муддатини тамом бўлишидан 6 ой олдин юборилиши керак.

МДХ давлатлараро стандартларини бекор қилиш учун керакли ҳужжатлар стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлатлараро Кенгашнинг техник котибиатига тақдим этилади ва стандартларнинг бошқа тоифаларини бекор қилиш учун барча ҳужжатлар Ўздавстандартга («Ўзстандарт агентлиги») юборилади.

Амалдаги стандартларни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар «Маълумотлар кўрсатмаси»да стандарт бекор қилинишидан 3 ой олдин эълон қилинади.

3. Халқаро стандартлаштириш (ИСО, МЭК, ИСО-9000) ташкилотлари ва уларнинг асосий вазифалари

Маълумки, ҳозирги замон иқтисодиётининг ривожини халқаро савдо алоқаларининг ўсиши билан ўзаро боғлиқ. Ҳеч кимга сир эмас, халқаро савдо алоқаларида божхона қоидаларининг бир хил эмаслиги, таърифлари ва маҳсулотларни жўнатиш қоидаларининг ҳар хиллиги ва бошқа айрим техник тўсиқлар халқаро савдо-сотик масалаларида маълум қийинчиликларга сабаб бўлади. Бу қийинчилик ва тўсиқларни бартараф этишда халқаро стандартлаштириш ташкилотлари муҳим роль ўйнайди. Чунки, халқаро стандартлаштириш ташкилотлари томонлар учун зарур бўлган маҳсулот сифатига умумий талаблар. Аниқ услублар, уларни сақлаш ва ташиш қоидаларига умумий талаблар белгиловчи стандартлар яратади.

Маълумотлар бўйича ҳозирги кунда дунёда - стандартлаштириш бўйича 50 дан ортиқ халқаро ташкилотлар фаолият кўрсатмоқдалар. Бу ташкилотлар жаҳондаги барча саноати ривожланган ва ўзларини ишлаб чиқарган маҳсулотларини ташқи бозорга чиқариш учун ҳаракат қилаётган мамлакатлар учун ва ривожланган мамлакатларнинг халқаро стандартлаштиришда иштирок этиши, уларнинг ўз иқтисодиётларини янада ривожлантириши ва ўз миллий стандартларини маблағ билан таъминлаши учун зарур бўлган маблағларни тежашда муҳим роль ўйнайди.

Ҳозирги кунда жаҳонда стандартлаштириш бўйича фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларидан ИСО халқаро ташкилоти йирик ташкилотлардан бири бўлиб ҳисоблангани ва 100 га яқин мамлакат унинг аъзоси ҳисобланади. Шу жумладан, Ўзбекистон ҳам 1994 йилнинг 1 январидан бошлаб ИСО халқаро ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Шунинг билан биргаликда

Ўзбекистон Республикаси ривожланаётган мамлакатларда стандартлаштиришни ривожлантириш бўйича кўмита ИСО/ДЕВКО ташкилотининг ҳам доимий аъзоси ҳисобланади.

Биринчи стандартлаштириш миллий ташкилот - Британия Ассоциация 1901 йилда ташкил этилган, сўнгра биринчи жаҳон уруши даврида Дания бюроси, Германия кўмитаси (1918 й), Америка кўмитаси (1918) ва бошқалар ташкил топди.

1926 йилда стандартлаштириш миллий ташкилотининг Халқаро Ассоциацияси (ИСА) пайдо бўлди. ИСАнинг таркибига 20 та мамлакат вакиллари кирди.

1938 йилда Берлинда стандартлаштириш бўйича халқаро съезд очилди. Унда техниканинг турли соҳалари бўйича 32 та кўмита ва кичик кўмиталар тузилди. 1939 йилда бошланган иккинчи жаҳон уруши ИСАнинг фаолиятини тўхтатиб қўйди. ИСА 1946 йилдан бошлаб ИСО Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (International Standards Organization) деб юритилди.

1946 йилда Бирлашган Миллатлар ташкилотининг (БМТ) стандарлаштиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг йиғилишида халқаро стандартлаштириш ташкилотини тузиш ҳақида қарор қабул қилинди ва шу йили бош ассамблеянинг йиғилишида 20 та мамлакат (давлат) иштирокида халқаро стандартлаштириш бўйича ташкилот ИСО ташкил этилди ҳамда шу йиғилишида ИСО устави қабул қилинди. Уставда ушбу ташкилотнинг ҳуқуқий ҳолати (статуси), унинг тузилиши (структураси), асосий идора (орган)ларининг функциялари ва ишлаш услублари белгиланди.

Ҳозирги вақтда ИСО халқаро ташкилоти ўзининг фаолиятида 400дан ортиқ ҳар хил соҳадаги халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади ва алоқа боғлаб туради. Унинг кўмиталари, яъни аъзолари стандартлаштириш бўйича миллий ташкилотлар ҳисобланади. Шу нарсани алоҳида қайд этиш жоизки, ИСО ташкилотига ҳар бир мамлакатдан фақат битта стандартлаштириш миллий ташкилоти аъзо қилиб қабул қилинади, чунки баъзи мамлакатларда стандартлаштириш бўйича бир неча миллий ташкилотлар фаолият кўрсатади.

1964 йилда ИСО кенгаши айрим давлатларда миллий стандартлаштириш ташкилотлари ҳали ташкил этилмаганлигини эътиборга олган ҳолда, бу мамлакатлардан ИСОга аъзоликка муҳбир аъзо қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Муҳбир аъзоларнинг ҳуқуқий ҳолати (статуси) бўйича улар ИСО бюджетига аъзолик бадалларини тўлаб турган ҳолдагина ИСOnинг халқаро стандартлар ва ахборотларидан фойдаланишга ҳақлидир. Шунинг билан биргаликда муҳбир аъзо бўлган давлатлар ИСOnинг техник кўмиталари йиғилишларига ўзларининг вакилларини фақат кузатувчи сифатида қатнашиш учун юборишлари мумкин.

ИСОнинг органларига қуйидагилар киради:

- Бош ассамблея, Кенгаш;
- кенгаш қўмиталари;
- техник идоралар (техник қўмиталар, кичик техник қўмиталар, ишчи органлар);
- марказий котибиат (секретариат).

Президент, Вице-президент, хазиначи ва бош котиб ИСОнинг расмий шахслари, Бош ассамблея эса ИСОнинг юқори раҳбарлик идораси (органи) ҳисобланади ва у барча миллий стандартлаштириш ташкилотларининг вакиллари ҳамда аъзоларидан ташкил топади. Ассамблея ушбу ташкилотнинг умумий техник сиёсатини белгилайди ва унинг фаолиятидаги асосий масалаларни ҳал этади.

Бош ассамблея Президентининг қарори билан бош котиб томонидан ёки кенгаш аъзоларининг камида 7 тасининг илтимосига биноан ҳар 3 йилда бир марта кенгаш чакарилади ва шу вақт оралиғида кенгаш раҳбарлик ишларини олиб боради.

Кенгаш (совет) президенти, вице-президенти, хазиначи ва 18 та аъзолардан иборат бўлади ва ҳар 3 йилда қайтадан сайланади. Кенгаш ИСО фаолияти билан боғлиқ бўлган барча масалаларни кўриб чиқади ва тегишли қарорлар қабул қилинади. Кенгаш йиғилишига аъзолар ҳар йили камида бир марта тўпланишадилар.

ИСО халқаро стандартларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ барча асосий техник ишларни ўзининг техник қўмиталари (ИСО/ТҚ) ва кичик техник қўмиталар (ИСО ТҚ/КҚ) орқали амалга оширади, чунки уларнинг ҳар бири муайян соҳа бўйича ихтисослашган. Ҳар бир қўмита ва кичик қўмиталарга унинг бажарадиган ишларини ихтисослашувини акс эттирувчи тартиб рақами ва ном берилади. Масалан, ИСО/ТҚ2 - "Болтлар, гайкалар ва маҳкамлаш деталлари", ИСО/ТҚ18 "Рух ва рухли қотишмалар"; ИСО/ТҚ23 - "Қишлоқ хўжалиги тракторлари», ИСО/ТҚ22 - «Автомобиллар», ИСО/ТҚ97- "Ҳисоблаш машиналари ва ҳисоблаш таҳлил асбоблари"; ИСО/ТҚ73 - «Истеъмол масалалари» ва бошқалар.

Техник қўмитанинг иш соҳаси жуда катта ва кўп қиррали бўлган ҳолларда унинг мувоффақиятли ишлаши учун қўмита доирасида бир мунча тор соҳадаги масалаларни ҳал қилиш мақсадида чекланган муддатга кичик қўмиталар (КҚ) ва ишчи гуруҳлар (ИГ) ташкил этилади ва уларнинг олдида қўйилган вазифалар бажарилгандан сўнг улар тарқатиб юборилади.

ИСОнинг техник қўмиталари уларнинг олиб бориладиган иш натижаларидан манфаатдор бўлган бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан фаол алоқалар олиб боришади.

ИСО ва унинг Марказий Котибиати ташкилотнинг ташкил топган вақтидан ҳозирги кунга қадар ўз фаолиятини Женева шаҳрида олиб бормоқда. Ташкилот тили инглиз, француз ва рус тиллари ҳисобланади ва техник қўмиталар ишлари ҳамда ташкилот ёзишмалари ушбу тилларнинг бирида олиб борилади.

ИСОНинг кенгаши қошида стандартларнинг айрим жиҳатларини малакали тарзда кўриб чиқиши таъминловчи бир неча маслаҳатчи қўмиталар мавжуд. Масалан, стандартлаштиришнинг принципларини ўрганиш бўйича доимий қўмита (ИСО/СТАКО), режалаштириш қўмитаси (ИСО/ПЛАКО), сертификатлаштириш бўйича қўмита (ИСО/СЕРТИКО), техник ахборотларини ўрганувчи доимий қўмита (ИСО/ИНФКО), ривожланаётган давлатларда стандартлаштиришни ривожлантириш бўйича қўмита (ИСО/ДЕВКО) ва истеъмол масалалари бўйича қўмита (ИСО/КОПОЛКО).

Стандартлаштириш принципларини ўрганиш бўйича доимий қўмита ИСО/СТАКО стандартлаштириш принциплари, унинг самарадорлиги, халқаро стандартларни қўллаш ва бошқа ишларни амалга оширади. Ушбу ташкилот томонидан «Стандартлаштириш самарадорлиги» номли китобнинг босилиб чиқиши халқаро стандартлаштириш ишлари билан шуғулланадиган барча манфаатдор ташкилотлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунинг билан биргаликда бу ташкилот томонидан ишлаб чиқилган атамалар ва уларнинг таърифи бўйича қўлланмалар муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, стандарт, стандартлаштириш, унификация, гармонизация, мувофиқлик сертификати каби атамалар ушбу қўлланмаларда ўз аксини топган.

Сертификатлаштириш бўйича қўмита ИСО/СЕРТИКО ёки ИСО/КАСКО маҳсулотларни сертификатлаштириш масалаларини ўрганади ва керакли тавсифлар ишлаб чиқади. Қўмитанинг фаолияти давлатларнинг миллий сертификация тизими, миллий ва халқаро сертификациялаш қонунларига асосан хавфсизлик, инсон саломатлигини сақлаш ва табиатни муҳофаза қилиш масалаларига қаратилган. Ундан ташқари қўмита ўзаро тан олиш ва тавсифлар ишлаб чиқиш билан ҳам шуғулланади.

СЕРТИКО (КАСКО) да барча ишлар ишчи гуруҳлар томонидан олиб борилади.

Ҳозирги кунда СЕРТИКО (КАСКО) томонидан қуйидаги қўлланмалар ишлаб чиқилган.

- маҳсулотларни сертификатлаштириш учун қўлланиладиган стандартларга қўйиладиган талабларга қўлланма;
- сертификатлаштириш тизимининг намунавий тизими;
- сертификатлаштириш органлари (идоралари)га қўйиладиган талаблар;
- назорат органлари (идоралари)га талаблар;
- синов лабораториясининг техник яроқлилиги.

Илмий-техник ахборотларни ўрганиш бўйича доимий қўмита ИСО/ИНФКО стандартлаштириш бўйича ахборотлаштириш марказларининг ишларини уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш масалалари билан шуғулланади. Жумладан, стандартлар ва бошқа ҳужжатларга автоматик ишловни ташкил этиш учун гуруҳлаш ва индексация масалалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқади, халқаро стандартларни ахборотлаштириш тизимларида қўллаш ва бошқа ишларни ташкил этади.

Истеъмол масалалари бўйича қўмита ИСО/КОПОЛКО қуйидаги вазифаларни бажаради:

- истеъмолчиларнинг миллий ва халқаро стандартлаштириш ишларида кенг иштирок этишини таъминлаш бўйича тегишли (керакли) тадбирлар ўтказиш;
- стандартлаштириш принциплари бўйича истеъмолчиларни ахборотлар билан таъминлаш ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича ишлар олиб бориш;
- истеъмолчиларни халқ истеъмол товарлари бўйича халқаро стандартлаш ишларида қатнашиш бўйича йиғилишлар ўтказиш;
- истеъмолчилар манфаатлари билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича ИСОнинг бошқа органлари (идоралари) билан алоқалар олиб бориш.

Истеъмол масалалари қўмитаси ИСО/КОПОЛКО томонидан истеъмол товарлари бўйича қуйидаги қўлланмалар ишлаб чиқилган;

- қўлланма 12 "Истеъмол товарларини қиёсий синаш";
- қўлланма 14 "Истеъмолчилар учун товарлар тўғрисида ахборот";
- қўлланма 36 "Истеъмол товарларининг эксплуатацион тавсифининг ўлчами, стандарти" ва бошқалар.

Кейинги вақтларда барча мамлакатларда халқаро стандартлар талаблар асосида стандартлаштириш ишларини олиб бориш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай эътибор кўплаб ривожланган мамлакатларнинг стандартлаштириш бўйича ишларида ўз аксини топган. Жумладан, Буюк Британиядаги мавжуд 9600 стандартнинг 2647 таси ИСО ташкилоти билан ҳамкордир, Франциядаги 1099 та стандартдан 428 таси белгиланган талаблар бўйича ИСО халқаро стандартлаштириш ташкилотининг талабларига жавоб беради. Халқаро стандартлар қўйидаги босқичларда ишлаб чиқилади:

- халқаро стандартларни ишлаб чиқиш бўйича техник қўмитанинг таклифларини кўриб чиқиш ва уларни дастурга киритиш;
- ишчи лойиҳани махсус ташкил этилган ишчи гуруҳлар томонидан ишлаш;

- котибиат томонидан лойиҳани техник қўмиталар, кичик техник қўмиталар ва фаол аъзоларга юбориш ҳамда техник қўмитанинг халқаро йиғилишини ўтказиш;

- лойиҳа тўғрисидаги фикрларни расмийлаштирилгандан сўнг уларни ИСОнинг Марказий котибиатига (секретариатига) бериш ва лойиҳани ТҚ ва КҚларга овоз бериш учун юбориш;

- овоз берилгандан сўнг лойиҳани қабул қилиш;

- Марказий котибиат томонидан халқаро стандартни чоп этиш.

Биринчи босқичда, халқаро стандартларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар котибиат томонидан барча техник қўмиталарга стандартни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ёки номувофиқлигини билиш мақсадида юборилади. Агар техник қўмиталар ва кичик қўмиталар ушбу таклифлар бўйича ижобий фикрлар билдиришса, у ҳолда ҳужжатнинг ишчи лойиҳасини ишлашга киришилади.

Иккинчи босқичда, ҳужжатнинг ишчи лойиҳаси кўп ҳолларда махсус ташкил этилган ишчи гуруҳлар томонидан қайта ишланади. Ишчи лойиҳалар маълум бир томонидан ҳам техник қўмиталар, ҳам кичик қўмиталарга кўриб чиқиш учун юборилиши мумкин. Ушбу ишчи лойиҳа умум келишувдан сўнг техник қўмита йиғилишида ёки хатлар орқали ИСОнинг Марказий котибиатига халқаро стандартнинг лойиҳаси сифатида қайд этиш учун топширилади, унга махсус тартиб рақами (номер) берилади ва бу тартиб рақами халқаро стандарт чоп этилганга қадар ўзгартирилмайди.

Учинчи босқичда, лойиҳа котибиат томонидан техник қўмиталар, кичик қўмиталар ва фаол аъзоларга юборилади ҳамда техник қўмитанинг халқаро йиғилиши ўтказилади. Албатта, бир мартадаги йиғилишда лойиҳа бўйича яхлит бир қарорга келишиш қийин. Шунинг учун қўмитанинг бир неча йиғилишларини ўтказишга тўғри келади. Ҳар бир йиғилишдан сўнг ҳосил бўлган ҳужжат 1-, 2- ва 3-лойиҳа деб номланади. Шунинг учун ҳам халқаро стандартларни ишлаб чиқиш муддатини қисқартириш мақсадида лойиҳаларнинг сони учтадан ортиқ бўлмаслиги белгиланиб кўйилган.

Тўртинчи босқичда, лойиҳа тўғрисидаги фикрларнинг ижобийлигига эришилганда сўнг, ИСО талаби бўйича расмийлаштирилган лойиҳа ИСОнинг Марказий котибиатига халқаро стандартнинг лойиҳаси сифатида қайд этилиши учун топширилади ва лойиҳа ТҚ ва КҚ аъзоларига овоз бериш учун юборилади. Ушбу лойиҳа техник қўмита аъзолари ижобий овоз берганликлари тўғрисидаги ҳужжат билан биргаликда Қўмиталарга - ИСО аъзоларига, яъни стандартлаштириш бўйича миллий идоралар (органлар)га жўнатилади. Ишни тезлатиш учун иккала жараёни биргаликда қўшиб, бир вақтнинг ўзида овоз бериш учун юбориш ҳам мумкин.

Халқаро стандартларни ишлаб чиқиш жуда мураккаб жараён, шунинг учун ҳам уларни ишлаб чиқиш муддати ўртача 5-6 йилга тенг, айрим ҳолларда уларни ишлаб чиқиш ҳатто 10 йил ва ундан ортиқ вақт ҳам талаб этади.

Халқаро электротехник комиссияси - МЭК 1906 йилда ташкил этилган бўлиб, 45 дан ортиқ мамлакатни ўз ичига олади. Ҳозирги кунда МЭКнинг аъзолари бўлган мамлакатларда Ер қиррасининг 80% аҳолиси яшайди ва 95% дунёдаги ишлаб чиқарилаётган электр қувватининг истеъмолчиси ҳисобланади. МЭК инглиз, француз ва рус тилларида иш олиб боради. Унинг 80 дан ортиқ техник қўмиталари мавжуд, шулардан 4 таси уй хўжалиги, электр асбоб-ускуналари (приборлари) ва радиоэлектрон аппаратлари бўйича қўмиталар ҳисобланади.

МЭК халқаро бозорда сотиладиган товарларнинг электр хавфсизлиги бўйича стандартлар ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Жумладан, ҳозирги кунга қадар МЭК томонидан 1600 дан ортиқ стандартлар ишлаб чиқилган.

МЭК халқаро стандартлаштириш ташкилоти ИСО дан сўнг нуфузли халқаро ташкилот ҳисобланади.

МЭК фаолияти электротехника, алоқа ва радиоэлектрон аппаратлар соҳасига қаратилган. Унинг устави бўйича МЭКнинг асосий мақсади электротехника, радиоэлектроника соҳаларида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ва халқаро алоқаларни юксалтиришдан иборат.

МЭКнинг олий органи Кенгаш ҳисобланади. Кенгаш таркибига президент, вице-президент, хазиначи, бош котиб ва мамлакатларнинг миллий вакиллари киради. Кенгаш йиғилиши бир йилда бир марта ўтказилади. Шунга қарамасдан МЭК президенти ва 4 та миллий қўмита талаби билан қўшимча равишда ўтказилиши мумкин.

МЭК стандартлари миллий қўмиталар томонидан қайта ишланади ва стандартларни ишлаб чиқиш учун миллий қўмиталар таклиф киритадилар. Стандартлар лойиҳасини ишлаш ҳақидаги охирги қарор техник қўмитани йиғилишида қабул қилинди. Ундан сўнг МЭК стандартларини ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳлар тузади ва буларга ҳар бир мамлакатнинг мутахассислари кириши мумкин. Ишчи гуруҳлар стандарт лойиҳасини ишлаб чиқиб, йиғилишда кўриб чиқади ва умум келишувдан сўнг ТҚнинг котибиатига топширади. Шунинг билан биргаликда МЭК стандартининг лойиҳаси сифатида қандайдир бир мамлакатни миллий стандарти ҳам қабул қилиниши мумкин.

Давлатларнинг лойиҳа бўйича фикр-мулоҳазалари техник қўмитада кўриб чиқилади ва фикр-мулоҳазалар маъқул деб топилса, у ҳолда улар котибиатга топширилади.

Давлат вакилларининг келишуvidан сўнг котибиат лойиҳани овоз беришга юборади.

Давлатларнинг миллий қўмиталари 6 ой мобайнида бюллетенларни тўлдиришиб, Марказий бюрога жўнатишлари керак, чунки котибиат 6 ой ўтгандан сўнг ҳисоб-китоб қилади. Агар лойиҳага овоз берувчиларнинг 1/5 қисми қарши бўлмаса, у ҳолда лойиҳа қабул қилинади.

ИСО стандартларини ишлаб чиқиш каби МЭК стандартларини ишлаб чиқиш ҳам мураккаб жараён ҳисобланади. Шунинг учун ҳам МЭК стандартларини ишлаб чиқиш ва уни тасдиқлаш учун тахминан 5 йил вақт кетади.

Метрология қонунияти бўйича МОЗМ (международная организация законодательной метрологии) ҳам стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот деб ҳисобланади. МОЗМ халқаро ташкилоти 1955 йилга ташкил топган бўлиб, унинг асосий фаолият йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- МОЗМга аъзо мамлакатлар учун ўлчов воситалари метрологик тавсифининг ягона бирлигини таъминлаш;
- текширув жиҳозлари, этолон, намуна ва ишчи ўлчов воситаларини уйғунлигини таъминлаш;
- халқаро масштабда ўлчовнинг ягона бирлигини таъминлаш;
- метрологик хизматларнинг энг мақбул (оптимал) шаклларини ишлаб чиқиш;
- ривожланаётган мамлакатларда метрологик хизматни ташкил этиш ва уюштириш ёки ташкил этишда илмий-техник ҳамкорликни амалга ошириш ва техник воситалар билан жиҳозлашда ёрдам кўрсатиш;
- метрология соҳасида ҳар хил даражадаги малака (квалификация) беришда кадрлар тайёрлашнинг ягона принципларини ўрнатиш ёки белгилаш ва бошқалар.

Метрология бўйича Халқаро конференция (анжуман) МОЗМнинг раҳбарий олий органи ҳисобланади ва у ҳар 4 йилда бир марта чақирилади. Анжуман ва қўмиталар ишлари Халқаро бюро томонидан амалга оширилади. Бюро таркибига директор, директор ўринбосарлари, мухандис (инженер) ва хизматчилар киради. Бюро Франциянинг маркази Париж шаҳрида жойлашган. МОЗМнинг расмий тили - француз тили.

Юқорида қайд этилган ташкилотларга ўхшаш ташкилотлардан яна бири Сифат назорати бўйича ЕВРОПА ташкилоти - ЕОКК. Бу ташкилот 1957 йилда ташкил топган бўлиб, унинг устави 1976 йилда қабул қилинган. Ташкилотнинг ўсишида кўрсатилган асосий вазифалари, маҳсулот сифатини ошириш (яхшилаш) мақсадида сифатни бошқаришнинг амалий услублари ва

назорат принципларини ҳар томонлама такомиллаштириш, тарғибот қилиш ва кўмаклашишдан иборат.

Ҳозирги кунда 50 га яқин Европа, Осиё, Америка ва Африка мамлакатлари ЕОКК ташкилотининг аъзоси ҳисобланади.

Яна бир нарсани қайд этиш жоизки, миллий органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш учун 1992 йилда собиқ СССР парчаланиб кетгандан сўнг (Болтиқбуйи республикаларидан ташқари) ҳамдўстлик мамлакатларининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро Кенгаши тузилди, (МГС) бу кенгашда Ўзбекистон Республикаси номидан Ўздавстандарт иштирок этади.

ИСО 9000 халқаро стандартлари фақат сифат тизимларини хужжатлаштиришга талаблар қўяди. Шунинг учун уларнинг талаблари маҳсулот ва хизматларнинг техник тавсифлари ва ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқ эмас. Унга қарамасдан, хужжатлаштириш талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда, маҳсулот сифатини ошириш ва хавфсизлигини таъминлашга эришиш мумкин. ИСО 9000 халқаро стандартлари истеъмолчиларнинг бугунги ва эртанги талабларини қондирилишини тўлиқ қафолатлайдиган умумий талабларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам бу стандартлар маҳсулот сифати ва хавфсизлигини таъминлашда дунёдаги энг муҳим стандартлардан ҳисобланади. Бу стандартлардан дунё мамлакатларининг аксарият корхоналари сифат тизимларини яратиш, сўнгра уларни сертификатлаштиришдан ўтказиш учун фойдаланилади.

Сифат тизимига талаблар белгилайдиган ва ИСО 9000 халқаро стандартлар оиласига қуйидаги рақамдаги халқаро стандартлари киради: ИСО 9000, ИСО 9001, ИСО 9002, ИСО 9003 ва ИСО 9004.

Шулардан ИСО 9000 (Сифат менежменти тизимлари. Асосий қоидалар ва (луғат) халқаро стандарти сифат менежменти тизимларининг асосий қоидаларини белгилайди ҳамда уларда қўлланиладиган атамалар мазмунини аниқлайди ва қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

- маҳсулот етказиб берувчиларнинг маҳсулот сифатига қўйган талаблари тўлиқ бажарилишига ишонч ҳосил қилишда;
- корхоналар томонидан сифат менежменти тизимларини жорий этиш орқали имтиёзларга эришишга интилаётганда;
- сифат менежментида ишлатиладиган атама ва тушунчалардан манфаатдор бўлишда ва сифат менежменти тизимларини баҳолашда;
- сифат менежменти бўйича маслаҳат бериш ва ўқитишда ҳамда сифат тизимларига тегишли стандартлар ишлаб чиқишда;

Демак, ИСО 9000 халқаро стандарт сифат менежменти тизимлари билан алоқадор бўлган ишлаб чиқариш корхоналари, истеъмолчилар ва ундан манфаатдор корхоналарнинг барчасида қўлланилар экан.

ИСО 9001 стандарт (сифат менежменти тизимлари. Талаблар) сифат менежменти тизимларига умумий талаблар белгилайдиган стандартлар комплекси ичида энг муҳимларидан бири ҳисобланади ва у маҳсулотни лойҳалашдан тортиб то уни ишлатиш жараёнларигача бўлган даврда маҳсулот сифатини таъминлаш бўйича сифат менежменти тизимларига талаблар қўяди. Шунинг учун ҳам бу стандарт маҳсулот ҳаёт даврининг барча босқичларида қўлланилади.

ИСО 9002 ва ИСО 9003 халқаро стандартлари ИСО 9001 халқаро стандартининг қисқартирилган шакли ҳисобланади. Шунга кўра бу стандартли маҳсулот сифати ва хавфсизлигини таъминлаш учун маҳсулот ҳаёт даврининг маълум бир босқичларида қўлланилади.

ИСО 9004 стандарти (Сифатни маъмурий бошқариш ва сифат тизимининг элементлари) умумий ном билан юритиладиган ва ҳар бири мустақил бўлган 8 та қисмдан тузилган. Масалан, 1-қисми (ИСО 9004-1. Раҳбарий қоидалар) ва 2-қисми (9004-2. Хизматлар бўйича раҳбарий қоидалар) хом ашё, ярим фабрикатлар ва ақлий меҳнат (интеллектуал) маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ва хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг сифат менежменти тизимларига талаблар қўйиш учун қўлланилади.

Умуман олганда, ИСО 9004 халқаро стандартдан истеъмолчилар талабларини юқори даражада қондириш мақсадида маҳсулот сифатини янада яхшилаш учун фойдаланилади.

ИСО 9000 халқаро стандарт оиласига кирувчи стандартларнинг маҳсулот сифатини ва хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамиятини эътиборга, олган ҳолда республикамиз ҳукумати томонидан ИСО 9000 халқаро стандартлари талабларига мувофиқ сифат менежменти тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш босқичма-босқич тайёрланиш дастури қабул қиллинган. Ушбу «Дастур»нинг бажарилиши ИСО 9000 стандартларининг 2000 йилдаги таҳририни қўллашга асосланган.

ИСО 9000 халқаро стандартларнинг талаблари асосида сифат тизим биргина тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва хизмат кўрсатадиган корхоналардагина эмас, балки маҳсулотларни сақлаш, ташиш, ортиш, тушириш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлган корхоналарда ҳам яратилади ва сўнгра сертификатлаштирилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган «Дастур»ни бажариш бўйича ва миллий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириш мақсадида ИСО 9000, ИСО 9001, ИСО 9002, ИСО

9003, ИСО 9004 ва ИСО 8402 халқаро стандартлари давлат тилига таржима қилиниб, республикамиз миллий стандарти (O'zDSt ISO 9000:2002, O'zDSt ISO 9001:2002, (O'zDSt ISO 9002:1999, O'zDSt ISO 9003:1999, O'zDSt ISO 9004:1999 ва РСТ Ўз. ИСО 8402:1998) сифатида қабул қилинган. Ҳозирги кунда O'zDSt ISO 9000:2002 стандарти талаблари асосида республикамизнинг қатор нуфузли корхоналарида («СамАвто» қўшма корхонаси, «Наманган мат» ОАЖ ва бошқаларда) сифат тизимлари яратилган ва амалда жорий этилган.

Таянч иборалар: РХ 51-033-97; РХ Ўз. 51-041-95; Низом; стандартнинг бажарилиши шарт бўлган талаблари; бош давлат инспекторлари ва инспекторлар; йиллик ва истиқболли режалар; текшириш далолатномаси; ўзгартиришлар лойиҳаси; ҳаракат муддати; стандартни бекор қилиш; ИСО; СТАКО; ПЛАКО; СЕРТИКО ёки КАСКО; ИНФКО; Техник қўмита ва кичик техник қўмита; ДЕВКО; КОПОЛКО; МЭЖ; МОЗМ; ЕОКК; бюро, конференция; Марказий котибиат.

Назорат учун саволлар:

1. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотга белгиланган меъёрий ҳужжатларнинг бажарилиши қайси қонун ва қарор асосида амалга оширилади?

2. Ўзбекистонда ўтказиладиган давлат назоратларининг асосий вазифалари нималардан иборат?

3. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маҳсулотга белгиланган стандартлаштириш бўйича меъёрий ва қонунчилик ҳужжатларнинг бажарилиши қайси идоралар томонидан назорат қилинади?

4. СМСХМнинг кенгайтирилган маъноси ва унинг фаолияти нималардан иборат?

5. Қайси идоралар Ўзбекистонда стандартлар устидан давлат назоратини амалга оширади?

6. Стандартларни ўзгартириш ва бекор қилиш қандай амалга оширилади?

7. ИСО қандай ташкилот ва унинг вазифалари нималардан иборат?

8. МЭЖ нима, қачон ташкил қилинган ва унинг вазифаларига нималар киради?

9. ИСО 9000 таркиби нималардан ташкил топган?

10. ИСО 9000 таркиблари Ўзбекистонда қандай миллий стандартлари ишлаб чиқилган?

Талабанинг мустақил иш топшириқлар:

1. Стандартлар бўйича меъёрий ҳужжатларни назорат қилиш тартиблари тўғрисида тўлиқ маълумотларга эга бўлиши ва билиши лозим?

2. Стандартларни ўзгартириш ва бекор қилиш тўғрисида етарли билимга эга бўлиши керак.

3. Халқаро стандартлаштириш (ИСО, МЭЖ, ИСО-9000) ташкилотлари ва уларнинг асосий вазифалари бўйича билимларга бўлиши ва уларни билиши лозим.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати: 11, 12, 13, 14, 15, 17, 18.

13-мавзу. Ўзбекистонда метрология, ўлчамлар бирлигини таъминлаш давлат тизими, метрологик назорат

1. Маърузанинг таълим технологияси

Вақти - 2 соат	Талабалар сони: 5-10 нафар
Уқув машгулотининг шакли	Визуал, ахборот маъруза
Маъруза машгулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ўзбекистон Республикаси «Метрология тўғрисида»ги қонуни аҳамияти ва вазифалари 2. Метрология бўйича асосий атамалар ва тушунчалар 3. Ўзбекистон Республикаси ўлчамлар бирлигини таъминлаш давлат тизими 4. Метрологик хизматлар ва метрологик таъминот меъёрий-ҳуқуқий асослари
<p><i>Ўқув машгулотининг мўсади:</i> Ўзбекистонда метрология, ўлчамлар бирлигини таъминлаш давлат тизими, метрологик назорат тўғрисида тушунчалар бериш.</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Республикада метрология бўйича ишларни ҳуқуқий таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги қонуннинг аҳамияти ва вазифалари тўғрисида ахборот берилади. <p>Метрология бўйича ягона</p>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги қонуннинг аҳамияти ва вазифалари тўғрисида ахборотга эга булади. <p>Метрология бўйича асосий</p>

<p>ўлчаи бирлиги, улчаи воситаси,бирлик зтолони, Давлат зтолони.,метрология хизмати. Назорати каби асосий атамалар ва тушунчалар тушунтирилади.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси ўлчамлар бирлигини таъминлаш давлат тизими билан таништирилиб уларнинг вазифалари ёритилади.</p> <p>Ўзбекистон метрологик хизматлари ва метрологик таъминот меъёрий-ҳуқуқий асослари тушунтирилади.</p>	<p>атамалар ва тушунчалар билан танишади.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси ўлчамлар бирлигини таъминлаш давлат тизими ва вазифалари билан танишиб ягона куникмага эга булади.</p> <p>Ўзбекистон метрологик хизматлари ва метрологик таъминот меъёрий-ҳуқуқий асослари билан танишадилар ва бу буйича маълум тасавурга эга буладилар.</p>
Укитиш услуби ва техникаси	Ахборот-маъруза, инсерт, хдмкорликда укитиш техникаси,.
Укитиш шакли	Фронтал, гурухларда
Укитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, график органайзерлар.
Укитиш шарт-шароити	Намунадаги аудитория

2. Маърузанинг технологии харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	укитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	1.1. Маъруза мавзуси ва режаси эълон қилинади. Аввалги мавзуга савол-жавоб орқали боғланади	1.1. Эшитадилар, ёзалилар

<p>2-боскич. Асосий (60 мин.)</p>	<p>2.1. Мавзуни ёритиш учун муаммоли саволларни таклиф этади. 2.2. Республикада метрология бўйича ишларни ҳуқуқий таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги қонуннинг аҳамияти ва вазифалари тўғрисида ахборот берилади. 2.3. Метрология бўйича <i>ягона ўлчаш бирлиги, ўлчаш воситаси, бирлик зтолони, Давлат зтолони, метрология хизмати. Назорати каби</i> асосий атамалар ва тушунчалар <i>тушунтирилади.</i> 2.4. Ўзбекистон Республикаси ўлчамлар бирлигини таъминлаш давлат тизими билан таништирилиб уларнинг вазифалари ёритилади. 2.5. Ўзбекистон метрологик хизматлари ва метрологик таъминот меъёрий-ҳуқуқий асослари тушунтирилади.</p>	<p>2.1. Муаммоли саволларга эътибор берадилар: «биламан-билдим» жадвалининг 1-устунини тулдирадилар. 2.2. Эшитадилар, ёзадилар. 2.3. Эшитадилар, ёзадилар. 2.4. Эшитадилар, ёзадилар. 2.5. Эшитадилар, ёзадилар.</p>
<p>3-боскич. Якуний (10 мин.)</p>	<p>3.1. Мавзуга хулоса чиқаради. Асосий масала устида тухталади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқлар беради:</p>	<p>3.1. Эшитадилар, саволларини беради ёзиб оладилар. 3.2. Топшириқларни ёзиб оладилар.</p>

1. Ўзбекистон Республикаси «Метрология тўғрисида»ги қонуни аҳамияти ва вазифалари

Метрология фани узок тарихга эга бўлиши билан бир қаторда, илмий-фалсафий нуқтаи назардан олганда иқтисодиётнинг барча тармоқларига эга бўлган, доимий равишда ва узлуксиз тарзда ривожланишда бўлувчи фанлар туркумига киради.

Метрология фани маҳсулот (хизмат)лар сифатини илмий-техник асосида назорат қилишнинг асоси ҳисобланади, чунки қаерда маҳсулотнинг ҳолати, ўлчамлари замонавий синаш ва ўлчов асбоблари орқали аниқланса, ўша ерда юқори сифатга эришиш мумкин.

Метрология фан сифатида ўлчашлар, уларга боғлиқ ва тегишли бўлган қатор масалаларни ўз ичига олади. Метрология сўзи юнонча сўздан олинган

бўлиб, ўлчаш, ўлчам, нутқ, мантиқ, илм ёки фан деган маъноларни билдиради.

Қайси бир фан ва унинг йўналишини олмайлик, албатта уларда ўлчашларни, уларнинг турли хил усуллари ва ўзаро боғланишларини кўрамиз. Шунинг учун ҳам бир фан ёки илмий йўналиш, у ҳоқ табиий, ҳоқ ижтимоий бўлмасин албатта, улар маълум даражада метрология билан узвий боғлиқ.

Метрология (ўлчашлар) ҳақидаги фаннинг тарихи қадим-қадимлардан маълум, чунки ўлчашларга бўлган эҳтиёж қадим замонларда пайдо бўлган. Кишилар ўзларининг кундалик ҳаётида ҳар хил катталикларни (масофа, Ер майдонининг юзаси, жисмларнинг ўлчамлари (размерлари), вақт ва бошқалар) юзага келиш сабаблари ва манбаларини билмасдан туриб, ўзларининг сезгилари ҳамда тажрибалари асосида ўлчай бошлаганлар. Масалан, антропометрик, яъни инсоннинг муайян аъзоларига мувофиқликка ёки мойиликка асосланган ҳолда келиб чиққан энг қадимги ўлчаш бирликлари ҳисобланади. Жумладан, Ладонь - бош бармоқни ҳисобга олмаганда қолган тўрттасининг кенглиги; фут-оёқ тагининг узунлиги; пядь - ёзилган бош ва кўрсаткич бармоқлар орасидаги масофа қарич, қулоч, қадам ва шу қабилар шулар жумласидандир. Асрлар ўтиши билан бизгача етиб келган баъзи бир ўлчов бирликлари ҳозирги кунда ҳам ишлатилмоқда. Масалан, қадимги жанубий-шарқда «Ловия дони», «Нўхатча» маъноларини билдирувчи турли хил қимматбаҳо тошларнинг ўлчов бирлиги сифатида ишлатилган «КАРАТ», доришуносликда оғирлик бирлиги қилиб қўлланилаётган инглиз, француз, лотин ва испан тилларида «Буғдой дони» маъносини билдирувчи «ГРАН» ва бошқалар.

Вақт ўлчовлари ҳам узоқ ўтмишга эга бўлган табиий ўлчовларнинг даслабкиларидан бири ҳисобланади. Мунажжимларнинг кўп йиллик кузатишлари ва натижасида қадимги Вавилонда вақт бирлиги сифатида йил, ой, соат тушунчалари ишлатилганлиги тасдиқланган. Кейинчалик Ернинг ўз ўқи атрофида тўлиқ айланишига кетган вақтнинг $1/86400$ қисми секунд номини олган. Қадимги Вавилонликлар бизнинг эрамиздан олдин 11-асрлардаёқ вақтни Миналарда ўлчашган. Мина тахминан икки астрономик соат вақт оралиғига тенг бўлиб, бу вақт мобайнида Вавилонда расм бўлган сув соатидан массаси тахминан 500 граммга тенг бўлган «мина сув» оқиб кетган. Кейинчалик мина ўзгариб минутга айланган.

Вақт ўтиши билан сув соатлари ўз ўрнини қум соатларига, улар ҳам вақт келиб маятникли механизмли соатларга ўз ўрнини бўшатиб берган.

Жаҳонда фан ва техниканинг доимий равишда ривожланиб бориши ҳар хил физик катталиклар ўлчамларини муайян ўлчовларга таққослаб

каратишни тақозо эта бошлади. Бундай фаолият жараёни ва ривожланиши натижасида ўлчашлар ҳақидаги фан – *метрология* пайдо бўлди.

Ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши ўлчов воситалари усулларини янада такомиллаштиришни талаб эта бошлади. Жумладан, амалиёт (практика) жуда кенг кўламдаги физик катталиклар қийматини, кўпинча жуда ҳам тез (секунднинг миллиарддан бир бўлагида), юқори аниқликда ва нафақат инсон сезги органлари тўғри илғай олмайдиган, ҳатто ҳаёт учун шароит бўлмаган ҳолларда ҳам аниқлашни талаб этади.

Ҳозирги кунда фанга 100дан ортиқ ҳар хил физик катталиклар маълум бўлиб, уларнинг 70 дан ортигини ўлчаш мумкин. Ундан ташқари фан ва техниканинг ривожланиб бориши туфайли илгари ўлчаб бўлмайдиган деб ҳисобланган катталикларни ҳам ўлчаш ва баҳолаш имкониятлари яратилмоқда. Масалан, Санкт-Петербург алоқа институти олимлари ҳидни ўлчаш бўйича бир мунча ютуқларга эришганлар. Бу борада буюк италиялик олим Галилео Галилейнинг қуйидаги сўзларини келтириш мақсадга мувофиқдир: - «Ўлчаш мумкин бўлганини ўлчанг, мумкин бўлмаганига эса имкон яратинг». Бу иборанинг маъноси жуда кенг. Бунга мисол қилиб, конденсаторнинг электр сиғими, нурланиш оқими, эриган металлнинг ҳарорати ва атомнинг магнит майдони кучланиши каби катталикларни махсус техник воситаларидан фойдаланмасдан ўлчашни амалга ошириш мумкин эмаслигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Тарихда кўплаб олимлар ўлчаш техникасининг ривожини учун муносиб ҳисса қўшганлар. Масалан, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний. Мирзо Улуғбек, Михаил Ломоносов, Дмитрий Менделеев ва бошқалар. Шулардан Аҳмад Фарғонийнинг «Миқёси Нил», яъни Нил дарёсининг саҳтини туташ идишлар қонунияти асосида ўлчаш ва унинг натижасига кўра йилнинг ёнғингарчилиги ва унинг экин ҳосилига таъсири тўғрисидаги маълумотлари. Мирзо Улуғбекнинг «Зиж жадваллари»да келтирган натижалари, ҳозирги кунда энг замонавий ўлчаш қурилмаларида олинган натижалардан жуда ҳам кам таввофут қилувчи маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. Шунинг билан биргаликда Фаробийнинг астрономик кузатишлар ва ўлчашлар учун махсус асбоб-ускуналар ясаш сирлари ҳақидаги қимматли маълумотлари ҳам жуда катта илмий, ҳам фалсафий аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида ҳам метрология ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимининг илмий асоси сифатида қабул қилинган.

Метрология ўлчаш техникасининг назарий асослари, этолонлар ва намунавий ўлчаш воситаларини яратиш ҳамда такомиллаштириш, ўлчаш бирликларининг назарий асосларини ишлаб чиқиш ва бошқа масалалар билан

шуғулланади. Ўзбекистон Республикасининг Ўз РСТ 8.001-98 (Ўзбекистон Республикаси ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизими. Ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизими. Асосий қоидалар) стандарти бўйича метрологиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ўлчашларнинг умумий назарияси;
- физик катталиклар birlikлари ва уларнинг тизимлари;
- ўлчаш усуллари ва воситалари;
- ўлчашлар бирлиги ва воситаларининг бир хиллигини таъминлаш асослари;
- этолон ёки намунавий ўлчаш воситаларидан ишчи ўлчаш воситаларига birlikларнинг ўлчамларини узатиш усуллари.

Метрология: назарий метрология, қонунлаштирувчи метрология ва амалий метрология қисмларидан ташкил топган. *Назарий метрология* назарий масалаларни ишлаб чиқса, қонунлаштирувчи метрология миллий идора томонидан амалга ошириладиган фаолиятга тегишли бўлган birlikлар, ўлчаш усуллари, ўлчаш воситалари ва ўлчаш (синов) лабораторияларига тегишли давлат талабларини ичига олади. *Амалий метрология*, яъни квалиметрия назарий метрология назариялари ва қонунлаштирувчи метрология қоидаларини амалий қўллаш бўйича метрологиянинг бир қисми ҳисобланади.

1993 йилнинг 28 декабрида республикада метрология бўйича ишларни ҳуқуқий таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди ва у 1994 йилнинг 28 февралдан бошлаб ҳуқуқий кучга кирди. Бу қонуннинг ҳаётга тадбиқ этилиши республикамиздаги мавжуд метрология хизматини янги ривожланиш босқичига кўтарилиши учун асос бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг "Метрология тўғрисида"ги қонуни 5 бўлим ва 22 моддадан иборат. Бу бўлимлар қуйидагилардан иборат:

- биринчи бўлим. Умумий қоидалар;
- иккинчи бўлим. Физик катталиклар birlikлари, уларни тиклаш ва қўллаш;
- учинчи бўлим. Ўзбекистон Республикасининг метрология хизматлари;
- тўртинчи бўлим. Давлат метрологик текшируви ва назорати;
- бешинчи бўлим. Метрология бўйича ишларни маблағ билан таъминлаш.

Қонуннинг "Умумий қоидалар" бўлими 1-4 моддалардан иборат. Унда метрологиянинг асосий тушунчалари, метрология тўғрисида қонунлар мажмуи, халқаро шартнома ва битимлар, метрология бўйича фаолиятнинг давлат томонидан бошқарилишига изоҳ берилган.

Ушбу қонуннинг "Физик катталиклар birlikлари, уларни тиклаш ва қўллаш" бўлимида физик катталикларнинг этолонлари, ўлчаш воситалари

ўлчашни бажариш услублари тўғрисида маълумотлар берилган (5-8 моддалар).

Қонуннинг "Ўзбекистон Республикасининг метрологик хизматлари" бўлими 9-11 моддаларни ўз ичига олади. Унда Ўзбекистон Республикасининг метрология хизматининг тузилиши, давлат метрологик хизматларининг таркиби ва юридик шахслар метрологик хизматлари ёритиб берилган.

Мазкур қонуннинг "Давлат метрологик текшируви ва назорати" бўлимида метрологик текширув ва назорат ўтказиш тартиби, уларнинг объектлари, давлат метрологик текшируви ва назоратининг тадбиқ этиш соҳаси, давлат метрология назорати ва текширувининг турлари, ўлчаш воситаларининг типларини тасдиқлаш, уларни таққослаш ва калибрлаш тартиблари кўрсатилган (12-20 моддалар).

Қонуннинг 5-бўлими "Метрология бўйича ишларни маблағ билан таъминлаш» 21 ва 22-моддалардан тузилган бўлиб, уларда метрологик ишларни давлат томонидан маблағ билан таъминлаш ва метрологик ишлар ҳамда хизматлар учун тўлов кўрсатиб берилган.

Ушбу қонунда кўрсатилгандек, ўлчаш воситаларининг давлат синовларини ўтказиш уларнинг турларини тасдиқлаш ва давлат рўйхатига киритиш Ўздавстандарт томонидан амалга оширилади.

Қонунда давлат рўйхати белгисини қўйиш масаласи тўғрисида маълумотлар баён этилган. "Метрология тўғрисида"ги қонунда кўрсатилишича, тасдиқланган ўлчаш воситаларига ёки унинг фойдаланиш ҳужжатларига ишлаб чиқарувчи давлат рўйхати белгисини қўйиши шарт.

Ушбу қонуннинг 17-моддасида илмий-тадқиқотлар билан боғлиқ бўлган ўлчаш воситалари, асбоб-ускуналари, қурилма ва ўлчовлари Ўздавстандартнинг даврий равишда таққослаш (қиёслаш) дан ўтказилиб туриши лозим бўлган ўлчаш воситалари гуруҳининг рўйхатига киритилиши керак.

2. Метрология бўйича асосий атамалар ва тушунчалар

Метрологияда энг кўп қўлланиладиган атама (тушунча)лар қуйидагилардан иборат:

Ягона ўлчаш бирлиги. Ягона ўлчаш бирлиги деб, ўлчаш натижалари қонунлаштирилган бирликларда ифодаланган ва ўлчашдаги хатоликлар муайян эҳтимолликда бўлган ўлчаш ҳолатига айтилади.

Ўлчаш воситаси. Ўлчаш воситаси бу ўлчаш учун фойдаланиладиган ва меъёрлаштирилган метрологик хусусиятларга эга бўлган техник воситадир.

Бирлик этолони. Бирлик этолони деганда, физик ўлчам бирлигини бошқа ўлчаш воситаларига узатиш мақсадида уни қайта ҳосил қилиш, сақлаш учун мўлжалланган ўлчаш воситаси тушунилади.

Давлат этолони. Давлат этолони деб, ваколат берилган Моддий органнинг қарори билан Ўзбекистон республикаси ҳудудида ўлчаш бирлигини ўлчаш сифатида эътироф этилган этолонига айтилади.

Метрология хизмати. Метрология хизмати бу давлат идоралари ва юридик шахсларнинг метрология хизматлари ва ўлчаш тармоғи томонидан ҳамда уларнинг ягона ўлчаш бирлигида бўлишини таъминлашга қаратилган фаолиятдир.

Давлат метрология назорати. Давлат метрология назорати, бу метрология қоидаларига риоя этилишини текшириш мақсадида давлат метрология хизмати идоралари томонидан амалга ошириладиган фаолиятдир.

Ўлчаш воситаларини текширувдан ўтказиш. Бу тушунчанинг асосий маъноси ўлчаш воситаларининг белгилаб қўйилган техник талабларга мувофиқлигини аниқлаш ва тасдиқлаш мақсадида давлат метрология хизмат идоралари томонидан бажариладиган амаллар мажмуидан иборат.

Ўлчаш воситаларини калибрлаш – бу метрологик жиҳатларнинг ҳақиқий қийматлари ва ўлчаш birlikларининг қўллашга яроқчилигини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш мақсадида калибрлаш лабораторияси бажарадиган амаллар мажмуидир.

Лицензия – бу ўлчаш воситаларини ишлаб чиқиш, яратиш, таъмирлаш, сотиш, ижарага бериш учун давлат метрология хизмати томонидан юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган, мазкур фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

Катталик – бу сифат томонидан кўпгина физик объектларга нисбатан умумий бўлиб, миқдор томонидан ҳар бир объект учун хусусий бўлган хоссадир.

3. Ўзбекистон Республикаси ўлчамлар бирлигини таъминлаш давлат тизими

Маълумки, ҳозирги кунда инсоният билан боғлиқ бўлган фаолиятларда жумладан, халқ хўжалиги ва давлатни бошқариш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, табиат ва жамият қонунларини ўрганиш, илм-фан ва техника ютуқларининг амалга тадбиқ этиш ва уларни ривожлантириш, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, илмий-техник ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш ҳамда юқори аниқликда маълумотлар олишда ўлчамлар ва уларнинг воситалари, турлари ва birlikларидан фойдаланилади. Юқорида таъкидлагандек, инсониятнинг ўлчашлар билан боғлиқ бўлмаган бирорта ҳам фаолияти йўқ, чунки улар инсон фаолиятининг энг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Шунинг билан биргаликда метрологик ўлчамлар ва воситалар ёрдамида олинган маълумотларнинг ишончлилиқ даражаси ўлчашлар бирлигига қатъий риоя қилинишига боғлиқ бўлиб, маҳсулотлар (хизматлар) сифатини яхшилаш ва

таъминлаш, уларнинг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириш, моддий ва маънавий бойликлар ҳамда вақтдан тежамкорлик билан фойдаланишнинг ҳам гарови ҳисобланади. Республика ўлчамлар бирлигини таъминлаш давлат тизими ҳалқаро тизимлар ва ривожланган мамлакатларининг тизимлари билан тўлиқ уйғунлаштирилган. Ўзбекистон Республикасининг Ўз РСТ 8.001-98 (Ўзбекистон Республикаси ўлчамлар бирлигини таъминлаш давлат тизими. Ўлчамлар бирлигини таъминлаш тизими. Асосий қоидалар) стандартида ўлчашлар бирлигини таъминлаш бўйича миллий давлат тизимининг асосий қоида ва тушунчалари тўлиқ кўрсатиб берилган. Ушбу тизимнинг асосий мақсади республикани метрологик томонидан таъминлашдан иборат. Метрологик таъминлаш тушунчаси мамлакатда керакли этолонлар, намунавий ва ишчи ўлчаш воситаларини яратиш, уларни мақсадли танлаш ва қўллаш, маҳсулот сифатини таъминлаш, унинг рақобатбардошлигини ички ва ташқи бозорда ошириш учун керак бўлган қоидалар, меъёрлар ва бошқа метрологик ишларни бажаришга қаратилган метрологик идоралар фаолиятини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикасининг ўлчамлар бирлигини таъминлаш давлат тизими деб, ўлчамлар бирлигини таъминлаш бўйича давлат томонидан бошқариладиган соҳаларда метрология бўйича миллий идора томонидан республика ҳудудида тасдиқланган ва жорий этиладиган талаблар, қоидалар, низомлар ва ишларни ўтказиш тартибини белгилайдиган ўзаро боғланган ва ўзаро алоқадор бўлган халқаро, давлатлараро ва миллий меъёрий ҳамда услубий ҳужжатлар мажмуига айтилади.

Ўлчамлар бирлиги деганда, ўлчамлар натижалари қонунлаштирилган бирликларда ифодаланган ва уларнинг хатоликлари берилган эҳтимоллик билан белгиланган чегарадан чиқмайдиган ўлчашлар ҳолати тушунилади. Республикада хўжалик юритувчи барча субъектлар, уларнинг қайси идорага мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона ва ташкилотлар ўлчашлар бирлигига риоя қилишлари шарт.

Ўлчамлар бирлигини таъминлаш деб, ўлчамлар бирлигини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилинадиган қонун ҳужжатлари, стандартлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, ўлчамлар бирлигига эришиш ва сақлаб туришга йўналтирилган хизматлар ва идоралар фаолиятига айтилади.

Ўлчамлар бирлигини таъминлаш тизими - бу ўлчамлар бирлигига эришиш ва уларни сақлаб туриш учун Республика халқ хўжалиги мажмуасини самарали иқтисодий ривожланиш талабларига боғлиқ бўлган ва илмий асосланган, техник томонидан тўғри келадиган ҳамда иқтисодий мақбул бўлган меъёрлар, қоидалар ва тадбирлар тизимидир.

Маълумки, ҳар бир фаолият, у қайси йўналиш ёки мақсад учун бўлмасин, албатта ўзининг мақсад ва вазифалари бўлганидек, Республика ўлчамлар бирлигини таъминлаш давлат тизимининг ҳам ўз мақсад ва вазифалари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси ўлчамлар бирлигини таъминлаш давлат тизимининг асосий мақсади қўйидагилар ҳисобланади:

- белгиланган ҳуқуқий тартиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ўлчашлар натижаларининг ишончли бўлмаган салбий оқибатларидан ҳимоя қилиш;

- ўлчаш воситаларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш, сотиш, ижарага бориш масалалари бўйича давлат бошқарув идоралари, хўжалик субъектлари ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш;

- Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги мажмуасининг барча соҳаларида ўлчамлар бирлигига ва талаб қилган аниқликка эришишни таъминлаш асослари ва шароитини яратиш;

- ўлчамлар бирлигини таъминлаш миллий тизими қоидалари ва тадбирлари, халқаро ҳамкорликдаги техник тўсиқларни бартараф этиш мақсадида халқаро ташкилотлар ва бошқа Давлатларнинг ўлчамлар бирлигини таъминлаш тизимлари тавсиялари билан уйғунлаштириш;

- метрология фаолияти соҳасида халқаро ва минтақавий мақсади, ҳамкорликни таъминлаш, ўлчашлар, таққослаш, калибрлаш (ўлчов асбобининг аниқлигини бошқа бир асбоб билан текшириб тўғрилаш), синаш, сертификатлаштириш ва метрологик идоралар ва хизмаларни аккредитлаш натижаларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги давлатлараро битимларни бажариш учун шароитлар яратиш;

- хўжалик субъектлари даражасида Ўзбекистон Республикасининг ўлчамлари бирлигини таъминлаш давлат тизими (ЎзЎДТ) талабларининг сифат тизимлари, корхона ва ташкилотларда амал қилаётган бошқа тизимларнинг талаблари ва қоидалари билан уйғунлаштириш.

Маълумки, бажариладиган вазифалар қўйилган мақсадлардан келиб чиқади. Шунга кўра Ўзбекистон Республикаси ўлчамлар бирлигини таъминлаш давлат тизимининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- халқаро бирликлар тизимини жорий этиш, унга риоя қилиш ва республикада ўлчамлар бирлигини таъминлаш тизимининг (Ўз ЎБТТ) метрологик меъёрлари, қоидалари ва талаблари, ўлчашлар бирлигини таъминлаш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва аккредитлаш бўйича халқаро ташкилотлар ва миллий тизимлар тавсияномалари билан уйғунлаштириш асосида республикани давлатлараро муносабатларига кўмаклашиш;

- Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги мажмуасининг ажралмас қисми сифатида Ўз ЎБТТ нинг ривожланишини олдиндан белгилаб бериш;

- ўлчамлар бирлиги, унинг талаб этилган аниқлиги ва ишончлигини таъминлаш ҳамда ўлчаш услублари, ўлчаш воситалари ва уларнинг аниқлигини унумдорлиги ҳамда ишончлигини оширишни мукаммаллаштириш асосида илмий-техник имкониятларни ошириш ва миллий иқтисодий ривожлаштириш;

- бозор муносабатлари шароитида ўлчамларнинг мақбул вариантларини ташкил этиш ва маҳсулот яратишнинг барча босқичларини метрологик таъминлаш асосида маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаш;

- барча соҳаларда (савдо, соғлиқни сақлаш, меҳнат хавсизлигини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқалар) жамоа манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ўлчамлар натижаларини керакли ишончлилик билан ўрнатиш ва таъминлашнинг юридик ҳамда ҳуқуқий асосларини яратиш.

Ўзбекистон Республикаси ўлчамлар бирлигини таъминлаш тизими белгиланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ишларни амалга ошириши лозим:

- катталиклар бирликларининг давлат этолонлари ва энг юқори аниқликдаги ўлчаш воситаларини яратиш ҳамда такомиллаштириш, катталиклар бирликларининг ўлчамларини этолонларда ўлчаш воситаларига узатиш меъёрлари ва қоидаларини белгилаш мақсадида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва ўтказиш;

- ўлчамлар бирлигини таъминлашнинг асосий низомлари, қоидалари ва меъёрларини стандартлаштириш ЎзЎБТТнинг ҳуқуқий, меъёрий ва услубий асосини яратиш ва сақлаб туриш;

- ишончсиз ўлчамларнинг салбий оқибатидан жамиятни ҳимоя қилиш учун метрологик меъёрлар ва қоидаларни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;

- фан, маълумотлар, ахборотлар, метрологик идоралар, техник, меҳнат ва моддий-молиявий манбалардан ташкил топган метрологик инфро тузилмани ташкил этиш ва бошқариш.

Маълумки, ҳар қандай фаолият (ишлаб чиқариш, савдо, республика ва халқаро ташкилотлар, фан, техника ва бошқалар) ўзининг маълум бир тизимига эга. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг ўлчамлар бирлигини таъминлаш тизими ҳам ўз тизимларига эга. Бу тизимлар қуйидагилардан иборат ва қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- мамлакат иқтисодининг ривожланиш талабларига мос равишда бирликларнинг қайта тикланишини таъминлайдиган катталиклар бирликларининг давлат этолонлари мажмуи ва энг юқори аниқликдаги бошланғич ўлчаш воситалари;

- катталиқлар бирликларининг ўлчамларини таққослаш схема (жадвал)лари асосида яратилган этолонлар;
- вазирликлар, муассасалар, корхоналар миқёсида ишлаб чиқиладиган, тасдиқланадиган ва ЎзЎДТ низомлари, қоида ва меъёрлари талабларини амалга оширишни таъминлайдиган меъёрий ва услубий ҳужжатлар мажмуи;
- ўлчаш воситаларини синаш, метрологик аттестациялаш, сертификатлаштириш;
- ўлчашларни бажариш услубларини метрологик аттестациядан ўтказиш орқали ўлчаш воситаларини таққослаш, калибрлаш ва солиштиришни ташкил этиш ҳамда уларни амалга ошириш;
- моддалар ва материаллар таркиби ва хоссаларини тавсифлайдиган каталликлар бирликларининг қайта тикланишини таъминлайдиган моддалар ҳамда материаллар таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналарини тасдиқлаш;
- моддалар ва материалларнинг физик константалари тўғрисида стандарт маълумотларидан фойдаланиш;
- метрология бўйича идоралар, ходимлар ва ишларни аккредитлаш ва сертификатлаштириш;
- метрологик ахборотни таснифлаш, кодлаш ва ахборотли технологияларни жорий этиш;

4. Метрологик хизматлар ва метрологик таъминот меъёрий-ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон ўлчамлар бирлигини таъминлаш давлат тизимининг меъёрий ва ҳуқуқий асослари метрология бўйича республика қонун ҳужжатлари, стандартлари ва халқаро ташкилотлар (ўлчов меъзонлар бўйича бош анжуман (конференция), метрологиянинг қонунлаштирувчи халқаро ташкилоти, стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот ИСО, метрология бўйича МДХ мамлакаглари доирасидаги халқаро ҳамкорлик ва бошқалар)нинг қарорларига амал қилади.

Ўзбекистон Республикасида метрологик таъминотнинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги қонуни ва республиканинг бошқа қонун ҳужжатларининг мажмуидан иборат бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида метрология бўйича барча муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари орқали тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги ва 2000 йил 29 майда қабул қилинган «Метрология ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунлари

республикадаги ўлчамлар бирлигини таъминлаш соҳасидаги ишларнинг қонунчилик асоси бўлиб ҳисобланади. Чунки, бу қонунларнинг асосий йўналишлари ноаниқ натижаларнинг салбий оқибатлари бўйича белгиланган ҳуқуқий тартибни, давлат ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, метрология масалалар бўйича давлат бошқарув идоралари (органлари) ва хўжалик субъектлари орасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Шу боисдан ҳам метрологик таъминотининг бажарадиган вазифаларини амалга ошириш мақсадида Ўздавстандартга катта ваколат ва ҳуқуқлар берилган. Масалан, ҳаракатдаги қонун ҳужжатларига асосан Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги)нинг метрологик қоидаларига риоя қилмаган ҳолда ишлаб чиқарилган, сақланган маҳсулотларни сотиш ва улардан фойдаланишни таъқиқлашдан бошлаб то айбдор шахслар устидан жиноий иш қўзғатиш учун таклифлар бериш ҳуқуқига эга.

Ўлчамлар бирлигини таъминлаш бўйича асосий қонун-қоидалар, талаб ва меъёрлар ЎБТТ (Ўзбекистон ўлчамлар бирлигини таъминлаш тизими)га кирадиган стандартларда белгиланган. Масалан, ЎзРСТ 8.003-92 (Ўзбекистон Республикаси ўлчамлар бирлигини таъминлаш давлат тизими. Ўлчаш воситаларин қиёслаш. Асосий қоидалар), Ўз.РСТ 8.002-92 (Ўзбекистон Республикасининг ўлчамлар бирлигини таъминлаш давлат тизими. Метрологик бошқарув ва назорат), Ўз.РСТ 8.010-93 (Ўзбекистон Республикаси ўлчамлар бирлигини таъминлаш давлат тизими. Метрология. Атамалар, таърифлар ва бошқалар).

Юқорида кўрсатиб ўтилган Ўзбекистон Республикасининг қонунлари республикада ўлчамлар бирлигини таъминлаш бўйича давлат стратегиясини белгилайди ва бу соҳада асос бўлувчи қонун ҳужжатлари бўлиб ҳисобланади. Ундан ташқари юқорида кўрсатилган ҳужжатлар метрология соҳасида расман тан олинган халқаро ва минтақавий (давлатлараро) қоидалар ва меъёрларга мувофиқ келади, бу эса мамлакатнинг жаҳон ҳам жамияти, саноат ва иқтисодий интеграцияси ҳамда савдодаги техник тўсиқларни бартараф этишга имкон яратиб беради.

Маълумки, ҳар қандай ўлчаш воситаси ҳам уни ишлатиш жараёнида ўз хусусиятларини ўзгартиради. Шунинг учун ўлчаш воситаларининг параметрлари вақти-вақти билан текширилиб турилади ва уларнинг текшириш натижалари асосида бу ўлчаш воситаларини бундан сўнг ҳам қўлланишига яроқлилигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилади. Ўлчаш воситаларининг параметрларини текшириш, уларни тасдиқлаш, қиёслаш (таққослаш) ва калибрлаш орқали амалга оширилди. Бу операциялар эса тасдиқланган услуб асосида Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги) томонидан ўтказилади.

Ўлчаш воситаларини қиёслаш тўғрисидаги асосий қоидалар ЎзРСТ 8.00-92 (Ўзбекистон Республикасининг ўлчамлар бирлигини таъминлаш давлат тизими. Ўлчаш воситаларини қиёслаш. Асосий қоидалар)да белгилаб берилган. Ушбу стандарт талаблари бўйича барча ўлчаш воситалари, шу жумладан, фойдаланилаётган, ишлаб чиқарилаётган, таъмирланаётган ва четдан келтирилган ўлчаш воситалари давлат ёки тармоқ қиёслашидан ўтказилиши шарт. Бундай вазифани бажариш давлат метрологик идоралари ва белгиланган тартибда аккредитланган хўжалик субъектлари (ташкilotлар, концернлар ва бошқалар)нинг метрологик хизматларига юклатилган.

Қиёслаш - бу меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган шароитларда ўлчаш воситаларининг яроқлилигини аниқлаш мақсадида давлат метрологик хизмати идоралари (органлари) томонидан ўтказиладиган операциялар мажмуидир. Шундай экан, қиёслашнинг асосий мақсади ўлчаш воситаларини фойдаланиш учун яроқлилигини аниқлашдир. Қиёслаш пайтида метрологик тавсифларни баҳолаш билан бир қаторда, ўлчаш воситаларининг хавфсизлик тавсифлари ҳам баҳоланади.

Ўлчаш воситаларини қиёслаш дастлабки, даврий, навбатдан ташқари, тафтишли ва эксперт қиёслаш турларига бўлинади.

Дастлабки қиёслаш деб, ишлаб чиқариш ёки таъмирлашдан чиқарилаётган ўлчаш воситаларини биринчи марта қиёслашга айтилади. Ўлчаш воситаларининг ҳар бири дастлабки қиёслашдан ўтказилади.

Даврий қиёслаш деганда, дастлабки қиёслашдан ўтказилган ўлчаш воситаларидан фойдаланиш жараёнида, уларни мажбурий даврий қиёслашдан ўтказиш тушунилади. Шундай экан, даврий қиёслашнинг асосий мақсади дастлабки қиёслашдан ўтган ва ишлатилаётган ҳамда вақтинча сақланиб турган ўлчаш воситаларининг яроқлилигини аниқлашдан иборатдир. Даврий қиёслашнинг муддатлари Ўздавстандарти («Ўзстандарт» агентлиги) томонидан белгиланади.

Намунавий ва ишчи ўлчаш воситалари давлат қиёслаши бўйича тузиладиган шартномаларда белгиланган муддатларда ва тармоқ қиёслаши бўйича хўжалик субъекти раҳбари томонидан тасдиқланган жадвал ёки шунга ўхшаш ҳужжатлар асосида ўтказилади.

Ўлчаш воситаларини *навбатдан ташқари қиёслаш* фойдаланаётган ўлчаш воситалари бузилганда, ўлчаш воситаларининг дастлабки ёки даврий қиёслашдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар йўқолганда, сақлашдан сўнг ишлатилганда, уларнинг яроқлилигини тасдиқловчи қиёслаш белгиси ёки ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугаганда ва бошқа ҳолларда ўтказилади.

Тафтишли қиёслаш деганда, ўлчаш воситаларини ишлатиш учун яроқлилигини аниқлаш бўйича давлат метрологик хизмати идоралари

(органлари) томонидан ўлчаш воситаларининг ҳолати, уларни қиёслаш ва қўллаш қоидаларининг бажарилишини текшириш тушунилади.

Ўлчаш воситаларини қиёслаш қатъий белгиланган ва бажариладиган иш тартиби (процедура) ҳисобланади ва юқорида таъкидланганидек, Ўзстандарт агентлиги томонидан тасдиқланган қиёслаш усулларига асосан амалга оширилади. Қиёслашнинг ишончлилиги учун жавобгарлик қиёслашни амалга оширувчи мансабдор шахсга юклатилади. Қиёслаш натижалари эса ўлчаш воситасига махсус (шахсий) белги қўйиш ёки қиёслаш ҳақида гувоҳнома бериш йўли билан расмийлаштирилади.

Эксперт қиёслаш ўлчаш воситалари маълумотномаларининг ишончлилиги ва фойдаланиш ёки ишлатиш учун яроқлилиги бўйича жанжалли ёки мунозарали масалаларни ҳал қилиш мақсадида ўтказилади.

Эксперт қиёслаш хўжалик субъектларининг аризалари ёки суд ва тергов органларининг талабларига биноан метрологик хизмат идоралари томонидан амалга оширилади. Бу пайтда манфаатдор томонларнинг вакиллари қатнашиши мумкин. Қиёслашнинг натижалари бўйича ёзма равишда хулосалар қилинади ва улар давлат метрологик хизмат идоралари раҳбарлари томонидан тасдиқлангандан сўнг аризачи ёки тергов, ёки суд органларига юборилади. Қиёслашнинг бошқа турларининг натижалари далолатнома (акт) орқали расмийлаштирилади.

Ўлчаш воситаларининг қуйидаги турлари давлат қиёслашидан мажбурий равишда ўтказилади:

- давлат метрологик хизматлари ва хўжалик субъектларининг намунавий ўлчаш воситалари;

- намунавий ўлчаш воситаси сифатида ишлаб чиқарилаётган ўлчаш воситалари;

- ион ҳолатда нурланадиган ва таркибида ион тарикасида нур ажратиб чиқарадиган манбали ўлчаш воситалари;

- бошқа хўжалик субъектлари учун таъмирлашдан чиқарилган ўлчаш воситалари;

- миллий ва халқаро спортнинг энг юқори натижалари (рекордлари)ни рўйхатга оладиган ўлчаш воситалари;

- давлат арбитражи томонидан экспертиза ўтказишда ва божхона назоратида қўлланиладиган ўлчаш воситалари;

- ишчи ўлчаш воситаси сифатида қўлланиладиган ўлчаш воситалари;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлашда қўлланиладиган ҳамда меҳнат, транспорт ҳаракати, хўжаликлараро ўзаро ҳисоб-китоб, савдо-сотик ва аҳолига қўрсатиладиган пуллик хизматларни таъминлайдиган ўлчаш воситалари.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ўлчаш воситаларига кирмаган бошқа ўлчаш воситалари тармоқ қиёслашидан ўтказилади.

Ўлчаш воситалари давлат метрологик хизматлари томонидан 15 кун муддат ичида ўтказилиши керак.

Ўлчаш воситаларини қиёслаш ҳуқуқи давлат ёки тармоқ қиёсловчиси деган гувоҳномага эга бўлган шахсларга берилади.

Қиёслашдан ўтган барча ўлчаш воситаларига қиёслаш белгиси қўйилади ва у белги ўлчаш воситасининг қиёслаш омили ва унинг ишга яроқлилигини тасдиқлайдиган белги ҳисобланади.

Агар жисмоний шахсларнинг ўлчаш воситалари индивидуал меҳнат учун қўлланиладиган бўлса, у ҳолда улар давлат қиёслашидан ўтказилиши шарт.

Ўқув воситалари ёки индикаторлар гуруҳига кирадиган ўлчаш воситалари қиёслашдан ўтказилмайди. Бундай ўлчаш воситаларининг олд томонига ЎзРХ 51-008-93га мувофиқ «И» (индикатор) ёки «У» (учебный) белгиси қўйилади ва уларни катталиклар қийматларини аниқлаш учун қўллаш тақиқланади.

Давлат метрологик текшируви ва назорати томонидан белгиланган доирадан ташқари қўлланиладиган ўлчаш воситалари калибрлашдан ўтказилиши керак. *Ўлчаш воситаларини калибрлаш* деб, ўлчаш воситаларининг ҳақиқий метрологик тавсифларини аниқлаш мақсадида калибрлаш лабораториялари томонидан ўтказиладиган операциялар мажмуига айтилади.

Калибрлаш ҳам дастлабки ва даврий калибрлаш турларига бўлинади.

Дастлабки калибрлаш қиёслаш каби ишлаб чиқариш ёки таъмирлашдан чиқарилаётган ва тасдиқланиши лозим бўлмаган ўлчаш воситалари бўйича ўтказилади. *Даврий калибрлаш* ҳам қиёслаш каби ўлчаш воситаларининг ишлатиш жараёнларида ўтказилади.

Юридик шахсларнинг метрологик хизматларини калибрлаш ишларини бажариш ҳуқуқи Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги)нинг ҳудудий марказлари (ҲСМСМ) томонидан Ўз РХ 51-071-98 ва Ўз РХ 51-081-99 талабларига мувофиқ аккредитланади.

Ўлчаш воситаларини калибрлаш вазифасини бажарувчи мутахассислар қиёсловчилар каби мажбурий даврий тайёргарлик ва аттестациядан ўтишлари керак.

Ўлчаш воситаларини калибрлаш Ўзстандарт агентлигининг ҳудудий марказлари (ҲСМСМ) билан келишилган ва корхона ёки ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган калибрлаш усули (методи) ёрдамида амалга оширилади.

Ўлчаш воситаларининг калибрланганлиги уларга *сертификат бериш йўли* билан тасдиқланади. Агар калибрлаш ҳақидаги шартнома шартларига кўра ўлчаш воситасини фақат меъёрий ҳужжатлар талабига мос келишини аниқлаш кўрсатилган бўлса, у ҳолда калибрлаш натижалари ижобий бўлганда

калибровчи шахс ўлчаш воситасига ўзининг шахсий калибрлаш тамғасини босади.

Ўзбекистон Республикасининг ўлчаш воситаларини калибрлаш тизимининг асосий қоидалари ЎЗРСТ 8.016-97 стандартида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги қонуни ва юқорида кўрсатиб ўтилган меъёрий ҳужжатлар талабларига кўра қиёслаш ҳамда калибрлашдан ўтмаган, қиёслаш ҳақидаги гувоҳномалари бўлмаган ёки калибрлаш ҳақидаги сертификатлар билан тасдиқланмаган ўлчаш воситаларининг амалда қўлланиши ман этилади.

Ўлчаш воситаларининг кўрсаткичларини ҳақиқий қийматлари тўғрисида объектив ва ишончли маълумотлар олиш ва меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келишини таъминлаш мақсадида улар *давлат синовларидан ўтказилади*.

Давлат синовларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- республикада ишлаб чиқарилаётган ёки четдан келтирилаётган ўлчаш воситаларининг меъёрий ҳужжатларга мос келишини текшириш ва уларнинг метрологик, техник-иқтисодий ҳамда фойдаланиш хусусиятларини баҳолаш;
- ўлчаш воситаларининг ҳозирги замон илмий-техник даражасига тўғри келишини текшириш ва қиёслаш меъёрий ҳужжатлари, қиёслаш ва таъмирлаш меъёрий воситалари билан таъминланганлигини текшириш;
- республикада ўлчаш воситаларини сериялаб ишлаб чиқарилиши ёки четдан келтирилишининг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш.

Барча ўлчаш воситалари *икки хил* - давлат қабул қилиши ва назорат синовларидан ўтказилади.

Қабул қилиш синови ўлчаш воситаларининг техник топшириқ ва меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келишини аниқлайди, техник даражасини баҳолайди ҳамда ишлаб чиқаришга қўйиш учун қарор чиқаради ва ўлчаш воситаларини четдан келтириш мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди. *Назорат синовлари эса*, республикада сериялаб ишлаб чиқарилаётган ўлчаш воситалари намуналарининг тасдиқланган хили, меъёрий ҳужжатлар ва техник шартларга мос келиши ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг метрологик томондан таъминланганлик даражасини аниқлаб беради.

Республикада сериялаб ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ўлчаш воситаларининг тажрибавий намуналари ва четдан келтириладиган ўлчаш воситалари давлат қабул қилиш синовларидан ўтказилади ва фақат ушбу синов натижалари буйича ўлчаш воситаларининг хиллари тасдиқланади, уларни *Давлат реестрига киритиш*, сериялаб ишлаб чиқариш ёки четдан келтириш буйича рухсат берилади.

Назорат синовларининг ижобий натижалари республикада ўлчаш воситаларини сериялаб ишлаб чиқариш ёки четдан келтириш учун асос

бўлади ва уларни ишлаб чиқариш ёки четдан келтириш учун 5 йил муддатга рухсатнома берилади.

Агар назорат синовлари бўйича салбий натижалар олинса, у ҳолда ўлчаш воситаларини Давлат реестридан чиқариш, уларни ишлаб чиқарилишини тўхтатиш ва республикада муомалага чиқармаслик ҳақида қарор қабул қилинади.

Нazorat ва давлат қабул қилиш синовларидан ўтган ҳамда Давлат реестрига киритилган ўлчаш воситалари қуйидаги пайтларда қайтадан синовлардан ўтказилади:

- ўлчаш воситаларининг янги серияли партияси ишлаб чиқарилганда;
- ўлчаш воситаларини бир корхонадан иккинчи (бошқа) корхонага ўтказишда;
- сериялаб ишлаб чиқариш ёки четдан келтириш бўйича рухсатнома муддати тугаганда;
- сериялаб ишлаб чиқарилаётган ёки четдан келтирилган ўлчаш воситаларининг сифати пасайганлиги тўғрисида маълумотлар бўлганда;
- ўлчаш воситаларининг конструкцияси ёки тайёрлаш технологияси ёки уларнинг метрологик тавсифларига таъсир этувчи ўзгартиришлар киритилганда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августдаги 410-сонли қарори билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назорати тўғрисида»ги Низомнинг 1-бандига асосан Ўзбекистон Республикасида давлат метрологик текшируви ва назорати давлат метрологик хизмати идоралари томонидан амалга оширилади.

Давлат метрологик текшируви ва назоратининг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонуни ва ЎЗРСТ 8.002-92 стандартида белгилаб берилган. Ушбу ҳужжатларда давлат метрологик текшируви ва назоратининг объектлари, турлари, шакллари ва жорий этиш доиралари белгиланган.

Давлат метрологик текшируви деганда, ўлчаш жараёнини бошқариш мақсадида ушбу жараён элементларини меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келишини баҳолаш бўйича ваколатланган идора ва шахсларнинг фаолияти тушунилади. Ўлчаш жараёнининг барча элементлари: катталиклар бирликлари, ўлчашни бажариш услублари, ўлчаш воситалари, шу жумладан этолонлар, хом ашё ва материалларнинг таркиби, хосса ва хусусиятларининг стандарт намуналари, ўлчаш тизимлари, метрологик фаолиятни амалга ошираётган ходимлар давлат метрологик текшируви ва назоратининг объекти ҳисобланади.

Давлат метрологик назорати - бу белгиланган метрологик меъёрлар ва қоидаларга риоя этилишини текшириш бўйича давлат метрологик хизматининг ваколатланган идораларининг фаолиятидир.

Давлат метрологик текшируви ва назорати қуйидаги доираларда ўтказилади: соғлиқни сақлаш, савдо-сотиқ, моддий ресурсларни ҳисобга олиш, меҳнат, маҳсулот, транспорт ҳаракати хавфсизлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, телекоммуникацион хизматлар, зарарли ва тез олов оладиган, портловчи ҳамда радиоактив моддаларни сақлаш, ташиш ва йўқ қилиш, миллий ва халқаро мусобақаларнинг юқори натижалари (рекорлари)ни рўйхатга олиш, ўлчаш воситаларини давлат синовларидан ўтказиш, қиёслаш, калибрлаш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасида давлат назорати Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги) томонидан амалга оширилади.

Давлат метрологик текшируви ва назоратинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- метрологик қоидаларни ўз вақтида тадбиқ қилинганлигини текшириш;
- белгиланган физик катталиклар бирликларини тўғри қўлланиши, ўлчаш воситаларининг ҳолати, уларни тайёрлаш, сақлаш, таъмирлаш, текшириш ва қўллаш, эскирган ўлчаш воситаларини ишлаб чиқаришдан ўз вақтида чиқариш ва уларни янгиларига алмаштириш шароитларини текшириш;
- ўлчаш воситалари устидан ўтказилган давлат назорати натижаларини умумлаштириш, метрологик қоидаларнинг бузилиш сабабларини таҳлил қилиш, ўлчаш воситалари устидан давлат назорати идораларининг таъсирини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва ўтказиш;
- ўлчаш услубларини тўғри қўллаш бўйича давлат назоратини амалга ошириш;
- синов лабораторияларининг фаолияти бўйича давлат текшируви ва назоратини амалга ошириш.

Таянч иборалар: Метрология, метрологик хизматлар; метрологик текширув ва назорат; Ўз.РСТ 010-93; Ўз.РСТ 8.001-98; назарий метрология, қонунлаштирувчи метрология, амалий метрология; ягона ўлчаш бирлиги, ўлчаш воситаси, бирлик этолони, давлат этолони; ўлчаш воситаларини калибрлаш, лицензия, катталиклар; метрологик таъминлаш; маҳсулот, рақобатбардошлик, ўлчамлар бирлиги: ўлчамлар бирлигини таъминлаш тизими: уйғунлаштириш; тан олиш; кўмаклашиш; потенциал ва миллий иқтисод; давлат эгалонлари; эгалонлар; давлат ресстри; аккредитлаш; метрологик таъминотнинг меъерий-ҳуқуқий асослари; қиёслаш, дастлабки ва мунтазам қиёслаш; навбатдан ташқари ва тафтишли қиёслаш; экспор қиёслаш:

мажбурий қиёслаш; қиёслаш муддати ва белгиси: метрологик текширув ва назорат; объект ва бошқалар.

Назорат учун саволлар:

1. Метрология қачондан бошлаб пайдо бўлган ва у қандай ривожланиб келган?
2. Ўзбекистонда қайси стандартга асосан метрологиянинг вазифалари белгилаб берилган?
3. Метрология нечта қисмдан ташкил топган?
4. Ўзбекистон Республикаси «Метрология тўғрисида»ги қонун нечта бўлим ва моддаларни ўз ичига олади?
5. Метрологияда кўп қўлланиладиган атама ва тушунчалар нималардан иборат?
6. Ўзбекистон Республикасининг ўлчамлар бирлигини таъминлаш давлат тизими деб нимага айтилади?
7. Ўлчамлар бирлиги ва уни таъминлаш деганда нимани тушунаси?
8. Ўзбекистон Республикаси ўлчамлар бирлигини таъминлаш давлат тизимининг асосий мақсадлари нималардан иборат?
9. Қиёслаш нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
10. Ўлчаш воситаларининг қайси турлари давлат қиёслашидан мажбурий ўтказилади?
11. Давлат синовларининг асосий вазифалари қайсилардан иборат?

Талабанинг мустақил иш топшириқлар:

1. Ўзбекистон Республикаси «Метрология тўғрисида»ги қонуни аҳамияти ва вазифалари ва метрология бўйича асосий атамалар ва тушунчалар бўйича етарли маълумотларга эга бўлиши ва билиши лозим.
2. Ўзбекистон Республикаси ўлчамлар бирлигини таъминлаш давлат тизими тўғрисида тўлиқ билимга эга бўлиши керак.
3. Метрологик хизматлар ва метрологик таъминот меъёрий-ҳуқуқий асослари ҳақида билиши ва уни чуқурроқ ўрганиши керак.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати: 11, 12, 14, 15.

14-мавзу. Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими, миллий идоралар ва уларнинг вазифалари

1. Маърузанинг таълим технологияси

Вақти - 2 соат	Талабалар сони: 5-10 нафар
Уқув машгулотининг шакли	Визуал, ахборот маъруза
Маъруза машгулотининг	1. Ўзбекистон Республикаси

режаси	<p>сертификатлаштириш миллий тизими тушунчаси, мақсади ва вазифалари</p> <p>2. Сертификатлаштириш қонуний асослари, асосий атамалари</p> <p>3. Сертификатлаштириш бўйича миллий идоралар ва уларнинг вазифалари</p> <p>4. Синов лабораториялари аккредитацияси, маҳсулотларни сертификатлаштириш</p>
<p><i>Ўқув машғулотининг мўсади:</i> Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими, миллий идоралар ва уларнинг вазифалари бўйича тўлиқ маълумотлар бериш.</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <p>Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими тушунчаси, мақсади ва вазифалари, сертификатлаштириш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари, тугрисида маълумот берилади.</p> <p>Сертификатлаштириш қонуний асослари, асосий атамалари, озик овкат маҳсулотлари, экологик сертификатлаштириш ва бошка атамаларга тушунча берилади.</p> <p>Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги), сертификатлаштириш бўйича идоралар, синов лабораториялари (марказлари), текшириш идоралари, маҳсулот тайёрловчилар (сотувчилар) мажбурий сертификатлаштириш субъектлари вазифалари ҳақида маълумотлар берилади.</p> <p>Синов лабораториялари аккредитацияси, ёки аккредитациядан ўтиш яъни мувофиқликни баҳолаш ва</p>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <p>Ссертификатлаштириш миллий тизими вазифалари, сертификатлаштириш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари, тугрисида маълумотга эга булишади..</p> <p>Сертификатлаштириш асосий атамалари, озик овкат маҳсулотлари, экологик сертификатлаштириш ва бошка атамалар тушунчаларига эга булади. берилади</p> <p>Синов лабораториялари (марказлари), текшириш идоралари, маҳсулот тайёрловчилар (сотувчилар) мажбурий сертификатлаштириш субъектлари вазифалари ҳақида маълумотлар олишади.</p> <p>Синов лабораториялари аккредитацияси, ёки аккредитациядан ўтиш яъни мувофиқликни баҳолаш ва</p>

тасдиқлаш, лаборатория ва идораларнинг лаёқатлигини баҳолаш тартиби тугрисида ахборот берилади.	тасдиқлаш, лаборатория ва идораларнинг лаёқатлигини баҳолаш тартиби тугрисида ахборотга эга булишади.
Укитиш услуги ва техникаси	Ахборот-маъруза, инсерт, хдмкорликда укитиш техникаси,.
Укитиш шакли	Фронтал, гуруҳларда
Укитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, график органайзерлар.
Укитиш шарт-шароити	Намунадаги аудитория

2. Маърузанинг технологии харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	укитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	1.1. Маъруза мавзуси ва режаси эълон қилинади. Аввалги мавзуга савол-жавоб сўраш ва жавоб бериш.	1.1. Эшитадилар, ёзадилар
2-босқич. Асосий (60 мин.)	2.1. Мавзунинг ёритиш учун муаммоли саволларни таклиф этади. 2.2. Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими тушунчаси, мақсади ва вазифалари, сертификатлаштириш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари, тугрисида маълумот берилади. 2.3. Сертификатлаштириш қонуний асослари, асосий атамалари, озик овкат маҳсулотлари, экологик сертификатлаштириш ва бошқа атамаларга тушунча берилади. 2.4. Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги), сертификатлаштириш бўйича идоралар, синов лабораториялари (марказлари), текшириш идоралари, маҳсулот тайёрловчилар (сотувчилар) мажбурий сертификатлаштириш субъектлари вазифалари ҳақида маълумотлар берилади.	2.1. Муаммоли саволларга эътибор берадилар: «биламан-билдим» жадвалининг 1-устунини тулдирадилар. 2.2. Эшитадилар, ёзадилар. 2.3. Эшитадилар, ёзадилар. 2.4. Эшитадилар, ёзадилар.

3-босқич. Якуний (10 мин.)	3.1. Мавзуга хулоса чиқаради. Асосий масала устида тухталади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқлар беради:	3.1.Эшитадилар, саволларини беради ёзиб оладилар. 3.2.Топшириқларни ёзиб оладилар.
-------------------------------	--	---

1. Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими тушунчаси, мақсади ва вазифалари

Сертификатлаштириш деб, маҳсулот ёки хизматларни муайян стандарт ёки техник шартларга мос келишини тасдиқлаш мақсадида ўтказиладиган фаолиятга айтилади.

«Сертификатлаштириш» ибораси лотинча сўздан олинган бўлиб, «*тўғри қилинган*» деган маънони билдиради. Маҳсулот, хизмат ёки жараённинг тўғри қилинганлиги ёки бажарилганлиги, уларнинг меъерий ҳужжатларда белгиланган талабларга мос келишини ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга тобе бўлмаган учинчи томон ёрдамида текшириш орқали аниқланади. Шунинг учун ҳам меъерий ҳужжатлар талабларига тўлиқ мос келадиган маҳсулот, хизмат ёки жараён сертификатлаштиришдан бемалол ўтади. Амалда маҳсулотдан ташқари, шу маҳсулотни ишлаб чиқараётган корхонанинг сифат тизимлари ҳам сертификатлаштиришдан ўтказилади. Сертификатлаштиришдан асосий мақсад – маҳсулот ишлаб чиқараётган корхонанинг меъерий ҳужжатлар талаблари ёки истеъмолчилар билан тузилган шартномаларда кўрсатилган талабларга мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига ишонч ҳосил қилишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам корхоналарнинг маҳсулотлари ва сифат тизимларининг сертификатлаштиришдан ўтказилиши миллий маҳсулотимизни жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонуни ва ЎЗРСТ 5.0:1998 (Ўзбекистон сертификатлаштириш миллий тизими. Асосий қоидалар)да маҳсулот, хизмат, жараён ёки бошқа объектларни сертификатлаштириш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари ҳамда сертификатлаштиришда қатнашувчи томонларнинг ҳуқуқлари, вазифалари ва жавобгарликлари белгилаб берилган.

Сертификатлаштириш миллий тизими – бу сертификатлаштириш бўйича ўзининг бошқарув ва ижро идоралари (органлари) ҳамда тартиб-қоидаларига эга бўлган ва давлат миқёсида амал қилинадиган тизим.

Республикамизда сертификатлаштириш миллий тизими тўлиқ, шаклланган ва у амалда. Унинг қоида ва тартиблари ИСО/МЭК ва ИСО халқаро стандартлари, EN 45000 Европа стандартлари, сертификатлаштириш билан шуғулланувчи бошқа халқаро меъёрлар ҳамда қоидаларга мувофиқ тузилган. Бундай чоралар, ўз навбатида сертификатлаштириш идоралари томонидан берилган мувофиқлик сертификатлари ва белгиларини чет мамлакатларда ҳам тан олишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими қоидалари ва «Маҳсулотлар ва хизматларни сертифицикаштириш тўғрисида»ги қонун биргина республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларгина эмас, балки четдан келтирилган маҳсулотлар учун ҳам тааллуқлидир.

Сертификатлаштириш соҳасидаги асосий атама ва тушунчаларнинг мазмуни, республикада сертификатлаштириш жараёнларини ўтказиш тартиб ва қоидаларини белгилаш, *сертификатлаш миллий тизимининг асосий мақсади ҳисобланади*. Сертификатлаштиришнинг асосий мақсади эса, инсон ҳаёти ва соғлиги ва атроф-муҳитни турли зарарли таъсирлардан сақлаш ҳамда товарлар ўзаро алмашуви ва мувофиқлиги бўйича истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш, халқаро тижорат ишларида тўсиқларни бартараф этиш ва миллий маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Шуларни эътиборга олган ҳолда, сертификатлаш миллий тизими қуйидаги масалалар бўйича иш олиб боради:

- сертификатлаштириш фаолиятида ишлатиладиган ва меъёрий ҳужжатларда қўлланиладиган асосий атама ва тушунчаларнинг номлари ва мазмунини белгилаш;
- бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича умумий қоида ва тартибларини белгилаш;
- сертификатлаштириш бўйича синовлар ўтказиш қоида ва тартибларини аниқлаш;
- сертификатлаштириш жараёнида қўлланиладиган меъёрий ва раҳбарий ҳужжатларни белгилаш;
- бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича идоралар ва синов лабораториялари (марказлари)нинг аккредитлаш қоидаларини белгилаш;
- сертификатлаштириш қатнашчиларининг давлат бошқарув идоралари (органлари) билан ўзаро ҳамкорлик қилишини ташкил этиш.

Сертификатлаштириш маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнларни меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини таъминлайди. Мувофиқлик турлари эса, Ўзбекистон сертификатлаштириш давлат тизимида белгиланган.

Маҳсулотларни сертифицикалаштириш бир турдаги маҳсулотларни сертифицилаштириш бўйича аккредитланган идоралар томонидан амалга оширилади. Сертифицилаштириш синовларини аккредитланган синов лабораториялари (марказлари) ўтказди.

Юқорида таъкидлагандек, сертифицилаштиришнинг вазифалари ҳам унинг асосий мақсадидан келиб чиқади ва бу вазифалар қуйидагилардан иборат:

- инсон ҳаёти ва соғлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун зарарли ёки хавфли бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан қатъий назорат ўрнатиш;

- жаҳон бозорида миллий маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш;

- миллий ва қўшма корхоналар ҳамда тадбиркорларнинг халқаро тижорат ишларида қатнашиши учун зарур бўлган шароитларни яратиш;

- истеъмолчини маҳсулот ишлаб чиқарувчи (сотувчи, бажарувчи)нинг ноинсофлигидан ҳимоя қилиш;

- истеъмолчиларнинг талабларида кўрсатилган талабларни маҳсулот сифати орқали таъминлаш.

2. Сертифицилаштириш қонуний асослари, асосий атамалари

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертифицилаштириш тўғрисида»ги қонунига асосан *сертификалаштириш* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамаси томонидан тасдиқланадиган мажбурий сертифицилаштиришдан ўтказилиши лозим бўлган маҳсулотлар ва хизматларнинг рўйхати ва қонун ҳужжатлари *талаблари асосида ўтказилади*. Сертифицилаштириш бўйича *қонун ҳужжатларининг асосини* Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертифицилаштириш тўғрисида»ги, «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги ва «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар ташкил қилади ва бу қонунлар талабларига кўра маҳсулотлар мажбурий сертифицилаштиришдан ўтказилади. Мажбурий сертифицилаштиришни ўтказиш бўйича ишларни ташкил қилиш Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги)га ёки унинг топшириғи бўйича мажбурий аккредитлаштирилган ҳолда сертифицилаштириш бўйича бошқа идораларга юклатилади.

Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги), сертифицилаштириш бўйича идоралар, синов лабораториялари (марказлари), текшириш идоралари, маҳсулот тайёрловчилар (сотувчилар) мажбурий сертифицилаштириш субъектлари ҳисобланади.

1996 йил 26 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан қабул қилинган «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни

сертификатлаштиришга яна қўшимча ҳуқуқий асослар яратиб берди. Ушбу қонунда мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулот реализация қилинганда истеъмолчига маҳсулотни сертификатлаштирилганлиги ҳақида ахборот берилиши кераклиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Чунки, ушбу ахборотнинг йўқлиги сабабли давлат бошқарув идораларининг кўрсатмаси бўйича маҳсулотнинг сотилиши тўхтатилиши мумкин.

«Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун юқоридаги Қонун сингари сертификатлаштириш учун қонуний асослардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу қонунда гигиена сертификатини расмийлаштириш зарурлиги кўрсатиб берилган бўлиб, унинг асосида озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатдан ўтказилади ва сертификатлаштирилади.

«Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонунга асосан 1997 йилдан бошлаб ўсимлик маҳсулотларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва ундан чиқариш қонун-қоидалари белгиланган. Ушбу Қонунда кўрсатилиши бўйича республика ҳудудига олиб кириладиган ўсимлик маҳсулотларига *фитосанитария* (ўсимликлар карантини бўйича давлат инспекцияси органи томонидан бериладиган) сертификатини расмийлаштириш талаб этилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари айрим ривожланган давлатлар маҳсулот (хизмат, жараён)ни экологик сертификатлаштириш бўйича ҳам маълум даражада тажрибаларга эга. Ўзбекистон Республикаси бу масала бўйича ҳали етарли даражада тажрибага эга эмас. Шунга қарамасдан, республикада бу соҳа бўйича маълум даражада ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, бу соҳада атроф-муҳитни бошқариш ва экологик аудит бўйича қўлланмаларни ўз ичига олган ИСОнинг 14000 серияли халқаро стандартларининг қабул қилиниши Ўзбекистонда экологик нуқтаи-назардан маҳсулотлар (хизматлар ёки жараёнлар)ни сертификатлаштириш бўйича ишларни янада ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Экологик сертификатлаштиришнинг асосий мақсади – табиий муҳитни минимал даражада ифлослантирадиган ва истеъмолчи ҳаёти, соғлиги, мол-мулки ва яшаш шароити учун маҳсулот хавфсизлиги кафолатини берувчи технологик жараёнлар жорий этиш ва товар ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиришдан иборат. Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими қуйидаги йўналишларга асосланган ҳолда ўз фаолиятини олиб боради:

- сертификатлаштириш объекти ҳақидаги ахборотни ишончлилиги ва белгиланган даражадаги аниқлигини таъминлаш;
- синов лабораториялари (марказлари)нинг тайёрлиги ва истеъмолчиларга нисбатан мустақиллигини таъминлаш;
- чет эл истеъмолчиларига нисбатан камситиш каби иллатларни бартараф этиш;

- аризачининг сертификатлаштириш ишлари бўйича сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораториялари (марказлари)ни ўзининг хоҳишига кўра танлаш ҳуқуқини таъминлаш;

- сертификатлаштириш томонлари ва эксперт-аудиторларнинг нотўғри ҳаракатлари учун қонун олдида жавобгарлигига эришиш;

- сертификатлаштириш фаолиятида ИСО/МЭК тавсияномалари ва қоидалари ҳамда бошқа халқаро ҳужжатлардан фойдаланиш;

- Ўзбекистон Республикаси иштирокидаги турли келишувлар ва битимлар асосида сертификатлаштириш бўйича чет эл идоралари ва синов лабораторияларини аккредитлаш, уларнинг сертификатлари ва мувофиқлик белгиларини тан олишга эришиш;

- тижорат сирлари билан боғлиқ бўлган ахборотларнинг махфийлигини таъминлаш ва уларга риоя қилиш;

- керак пайтларда сертификатлаштириш ишларига истъёмолчилар жамиятларини жалб этиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизимида қўлланиши шарт бўлган атама ва таърифлар амалдаги Ўз.РСТ 5.5-93 (Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими. Асосий атамалар ва таърифлар) стандарти ва Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонунида кўрсатилган.

Ушбу меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган атамалар расмий ҳужжатларда ҳам худди меъёрий ҳужжатларда қандай кўрсатилган бўлса, шундай ёзилиши шарт, чунки бундай ҳужжатларда стандартлаштирилган атамалар ўрнига уларнинг синонимларини қўллаш қатъиян ман этилади.

Сертификатлаштириш бўйича атамалар ва тушунчалар қуйидагича таърифланади:

Мувофиқлик - бу маҳсулот, хизмат ёки жараёнга белгиланган барча талабларга риоя қилиш ёки уларни бажаришлиқдир. Маҳсулот мувофиқлигини ишлаб чиқарувчи ва истъёмолчилардан манфаатдор бўлмаган учинчи томон (ташкилот ёки шахс) тасдиқлайди. Одатда, бу ҳолда учинчи томон вазифасини синов лабораториялари (марказлари) бажаради. Чунки, ҳар қандай синалган намунанинг маълум бир стандарт ёки бошқа меъёрий ҳужжат талабига мос келишини синов лабораториялари тасдиқлайди. Бундай фаолиятга *мувофиқликни сертификатлаштириш* дейилади. Мувофиқликни сертификатлаштириш фаолиятини ўтказиш учун ўз тартиб қоидаларига эга бўлган тизим, сертификатлаштириш тизимлари минтака ва халқаро даражасида жорий этилиши мумкин. Сертификатлаштириш тизимини бажарадиган ва назорат қиладиган марказий идора сертификатлаштириш соҳасидаги ўз

ваколати ва мувофиқликни сертификатлаштириш ҳуқуқини бошқа идорага бериши мумкин.

Маҳсулот, хизмат ёки жараённинг меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларга асосан ишлаб чиқарилганлигини тасдиқлаш учун учинчи томон ҳам маълум бир тартибда фаолият олиб боради. Бундай (учинчи томон) фаолиятнинг таркиби ва тартиби *сертификатлаштириш схемаси* дейилади.

Мувофиқлик сертификат - бу маҳсулот, хизмат ёки жараёнларини маълум бир стандарт ёки бошқа меъёрий ҳужжатларга мос келишини ишонтирадиган ва сертификатлаштириш тизими қоидалари асосида нашр этилган ҳужжат. Мувофиқлик сертификати, учинчи томондан маҳсулот, хизмат ёки жараёнлар уларга белгиланган талаблар асосида ишлаб чиқарилганлигини тасдиқлаган ҳолда берилади.

Мувофиқлик белгиси ҳам худди шу асосда берилади. *Мувофиқлик белгиси* деб, ушбу маҳсулот, хизмат ёки жараённи маълум стандарт ёки бошқа меъёрий ҳужжатга мос келишини ишонтирувчи сертификатлаштириш тизими қоидалари асосида берилган ёки ишлатиладиган ва маълум тартибда ҳимоя қилинадиган белгига айтилади.

Мажбурий сертификатлаштириш – бу сертификатлаштириш ваколатига эга бўлган идора томонидан маҳсулот (хизмат)нинг стандартлардаги мажбурий талабларга мувофиқлигини тасдиқлашдир.

Ўзбекистон Республикасида маҳсулот (хизмат)ни сертификатлаштириш мажбурий ва ихтиёрий равишда амалга оширилади.

Маҳсулот (хизмат)ларни мажбурий сертификатлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонуни асосида ишлаб чиқилган. Ушбу Қонун хавфсизлигини тасдиқлаш талаб этиладиган маҳсулотлар, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотларини Республика ҳудудида олиб келиш ва уларни четга чиқариш қоидаларини белгилайди ҳамда бу тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади. Шунинг билан биргаликда сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотлар рўйхати ҳам ҳар йили Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади ва бу рўйхатда сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотларнинг коди кўрсатилади.

Ихтиёрий сертификатлаштириш деганда, ишлаб чиқарувчи (бажарувчи), сотувчи (таъминловчи) ёки истеъмолчи ташаббуси билан ихтиёрий равишда ўтказиладиган сертификатлаштириш тушунилади.

Сертификатлаштириш соҳасидаги гувоҳнома - бу сертификатлаштириш тизими қоидаларига асосан нашр этилган ҳужжат. Бу ҳужжат сифат сертификати билан биргаликда маҳсулоти ёки хизмати

сертификатлаштиришдан ўтказилган шахс ёки идора (корхона, ташкилот)га берилади ва бу ҳужжат (лицензия) шахс ёки идорага ундан тегишли равишда фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Сифат сертификати - бу етказиб берилаётган молга илова қилинадиган ва унинг сифатини тасдиқлайдиган ҳужжат.

Маҳсулот, хизмат ва жараёнлардан ташқари корхона ёки ташкилотнинг ишлаб чиқариш шароитлари ҳам сертификатлаштиришдан ўтказилади. *Ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш* - бу сертификатлаштириш идораси ёки бошқа махсус ваколатга эга бўлган идора томонидан маълум маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур ва етарли шароитлар мавжудлигини, унга тегишли бўлган меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларнинг барқарорлиги ва сертификатлаштиришда назорат остига олинишини таъминлашнинг расмий тасдиғидир.

Сифат тизимини сертификатлаштириш деганда, тизимнинг халқаро ёки миллий стандарт талабларига мувофиқ келишини текшириш, баҳолаш ва сертификат бериш орқали тасдиқлаш ҳақидаги фаолият тушунилади. Сифат тизимини сертификатлаштириш таъминловчининг рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқара олишига тўлиқ ишонч ҳосил қилиш мақсадида ўтказилади.

Маҳсулотнинг тавсифлари миллий ва халқаро меъёрий-техник ҳужжатларга мос келишини аниқлаш учун ўтказиладиган синовларга *сертификатлаштириш синовлари* деб аталади. Сертификатлаштириш синовлари учун маҳсулотдан намуналар олинади ва ушбу намуналар бўйича сертификатлаштириш синовлари ўтказилади.

Синов лабораториялари (марказлари)нинг маълум синовлар ёки синовларнинг маълум хилларини амалга ошириш ҳуқуқларини расмий жиҳатдан тан олиш лабораторияларни аккредитлаш дейилади. Лабораторияларни аккредитлаш учун аккредитловчи идоралар ўз иш тартиби ва бошқариш қоидаларига эга бўлиши лозим. Ўз иш тартиби ва бошқариш қоидаларига эга бўлган тизим *лабораторияларни аккредитлаш тизими* деб аталади. *Лабораторияларни аккредитлаш мезони* деганда эса, синов лабораториясини аккредитлаш учун қаноатлантириши лозим бўлган аккредитлаш идораси томонидан ишлатиладиган барча талаблар мажмуаси тушунилади. Лабораторияни аккредитлаш мақсадида унинг мезонларига мувофиқлигини текшириш орқали аниқлаш *лабораторияни аттестациялаш* деб аталади. Аккредитлашдан ўтган синов лабораториялари эса *аккредитланган лаборатория* дейилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари сертификатлаштириш соҳасида «Эксперт-аудитор», «Текширувчан назорат» каби атамалар ва «бир, икки ва кўп томонлама келишувлар» деган тушунчалар ҳам ишлатилади.

Эксперт-аудитор деб, сертификатлаштириш соҳасида муассаса ва корхоналар фаолиятини баҳолаш ҳамда назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ва аттестациядан ўтган шахсга айтилади. *Текширувчан назорат* деганда эса, сертификатлаштириш учун аккредитланган идоралар синов лабораторияларининг фаолияти, маҳсулотнинг сертификатлаштирилганлиги ва ишлаб чиқарилишини назорат қилиш тушунилади.

Бир томонлама келишув - бу биринчи томон тарафидан иккинчи томоннинг иш натижаларини тан олиш ҳақидаги келишув. *Икки томонлама келишув* эса, икки томоннинг иш натижаларини қамраб олувчи ўзаро тан олиш ҳақидаги келишувдир. Иккидан ортиқ томонларнинг иш натижаларини ўзаро тан олиш ҳақидаги келишув *кўп томонлама келишув* деб аталади. Бу тушунчалар асосан сертификатлаштириш ва бошқа мамлакатларнинг сертификатларини тан олиш жараёнида ишлатилади.

Сертификатлаштириладиган маҳсулотнинг хавфсизлиги ва сифати бўйича ишлатиладиган атама ва тушунчалар Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунида ифодалаб берилган.

Шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонуни ва сертификатлаштириш бўйича бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига кўра сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотларини мувофиқлик сертификатисиз ёки мувофиқлик белгисиз реализация қилиш (сотиш) қатъиян ман этилади.

3. Сертификатлаштириш бўйича миллий идоралар ва уларнинг вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш маркази Ўздавстандарт Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасида кўрсатилгандек, Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш бўйича миллий идораси ҳисобланади ва у қуйидаги йўналишда ўз фаолиятини олиб боради:

- сертификатлаштириш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, сертификатлаштиришни ўтказиш бўйича умумий қоидалар белгилаш ва улар ҳақида расмий ахборотларни матбуотда босиб чиқиш;

- республикада сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни ҳукумат муҳокамасига тақдим этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда халқаро сертификатлаштириш тизимларига қўшилиш тўғрисида қарорлар қабул

қилиш ҳамда сертификатлаштириш натижаларини ўзаро тан олиш тўғрисида битимлар тузиш, сертификатлаштириш масалалари бўйича бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва Ўзбекистон Республикасини ушбу ташкилотлар фаолиятида қатнашишларини таъминлаш;

- мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатини белгилаш;

- бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича идоралар, синов лабораториялари (марказлари), сертификатлаштириш соҳаси бўйича назорат қилиш идоралари ҳамда сифат бўйича эксперт-аудиторларни аккредитлаш;

- сертификатлаштирилган маҳсулотлар, сифатни бошқариш тизимлари, сертификатлаштириш бўйича аккредитланган идоралар, синов лабораториялари (марказлари), сифат бўйича эксперт-аудиторларнинг Давлат реестрини юритиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларни тайёрлашда ишлатиладиган жиҳозларнинг давлат рўйхатидан ўтказиш;

- сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилиш ҳамда синов лабораториялари ва бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш идоралари томонидан сертификатлаштирилган маҳсулотлар устидан давлат текшируви ва назоратини амалга ошириш;

- мувофиқлик сертификатлари ва белгиларини амал қилишини бекор қилиш ва тўхтатиш, сертификатлаштириш бўйича идоралар (органлар)нинг аккредитланганлиги ҳақидаги гувоҳномаларини бекор қилиш, сертификатлаштириш бўйича қонуний меъёрларни бузганлиги учун синов лабораториялар (марказлари)нинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш.

Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги) томонидан аккредитланган идоралар қуйидаги вазифаларни бажаради:

- бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш тизимини тузиш ва уларнинг амал қилинишини таъминлаш;

- сертификатлаштиришни ташкил қилиш ва ўтказиш;

- миллий мувофиқлик ёки чет мамлакатларнинг мувофиқлик сертификат белгиларини бериш ва расмийлаштириш;

- сертификатлаштирилган маҳсулот устидан текширувларни амалга ошириш;

- республикада сертификатлаштириш миллий тизимининг талабларига асосан сертификатлаштириладиган маҳсулот турлари ва мажбурий сертификатлаштириш учун меъёрий ҳужжатларни белгилаш;

- сертификатлаштириш, аккредитлаш ва синовлар бўйича тизимининг давлат рўйхатини олиб бориш;

- маҳсулотларни сертификатлаштириш тартибларини аниқлаш.

Юқорида таъкидланганидек, республика ҳудудларида сертификатлаштириш бўйича миллий идора (орган)лар вазифаларини стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш метрологик хизматлар (СМСМХ) бажаради. Бу ҳужжатлар Ўздавстандарт ваколоти асосида қуйидаги ишларни бажаради:

- маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқарувчилар ва таъминловчиларга сертификатлаштириш қоидалари тўғрисида расмий равишда хабар бериш;
- сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилиш устидан давлат текшируви ва назорати ҳамда улар томонидан сертификатлаштирилган маҳсулотларнинг инспекцион текширувини амалга ошириш;
- ушбу ҳудудда сертификатлаштирилган маҳсулотлар реестрини юритиш;
- Ўздавстандарт топшириғига асосан сертификатлаштириш бўйича ҳудудий идоралар ва синов лабораториялари (марказлари)ни аккредитлаш бўйича комиссиялар ташкил қилиш, уларнинг иши, идора ва лабораториялари (марказлари) ҳамда инспекцион текширувларида иштирок этиш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўздавстандарт илмий-тадқиқот, синов ташкилотлари, илмий-техник ва жамоа ташкилотлари ҳамда истеъмолчилар жамиятларини жалб этади.

4. Синов лабораториялари аккредитацияси, маҳсулотларни сертификатлаштириш

Барча сертификатлаштириш идоралари ва сертификатлаштириш синовларини ўтказувчи лабораториялар (марказлар) мажбурий равишда аккредитациядан ўтишади.

Аккредитлаш ёки аккредитациядан ўтиш деганда, мувофиқликни баҳолаш ва тасдиқлаш, шунингдек инсон фаолиятининг иқтисодий, ҳуқуқий, техник ва бошқа турли соҳаларида сертификатлаштиришни амалга ошираётган лаборатория ва идораларнинг лаёқатлигини баҳолаш ҳамда тан олишнинг халқаро амалиётида тан олинган усули тушунилади.

Ҳар қандай лаборатория, унинг қайси тармоқ ёки мулк шаклига мансуб бўлиши ёки қайси идорага бўйсунганидан қатъий назар маҳсулотни сертификатлаштириш учун аккредитланиши мумкин. Бунинг учун лаборатория ҳолисона синов натижаларининг ишончлилиги ва аниқлигини таъминлайдиган ҳуқуқий ҳамда ташкилий ҳолат ва сифат тизимига эга бўлиши керак. Бундай лабораториялар белгиланган тартибда Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги)га буюртмалар беради ва унга «Аккредитациядан ўтган лабораторияси тўғрисида» Низомнинг лойиҳаси лаборатория паспорти ва тўлдирилган анкета саволномаси илова қилинади. Сўнгра талабнома

(буюртма) иловалари билан Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги) ёки унинг топшириғи бўйича сертификатлаштириш услубий маркази Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва маҳсулот сифатини бошқариш соҳасидаги тадқиқотлар ва мутахассислар тайёрлаш институти (ЎзТМТИ) томонидан кўриб чиқилади. Буюртмага илова қилинган ҳужжатларни экспертизадан ўтказди ва экспертиза натижалари бўйича Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги) тегишли қарор қабул қилади ва қарор тўғрисида талаблар лаборатория ҳамда сертификатлаштириш идорасига хабар беради. Агар экспертиза натижалари бўйича ижобий қарор қабул қилинса, у ҳолда Ўздавстандарт ёки унинг топшириғига асосан сертификатлаштириш идораси лабораторияни текшириш бўйича таркиби Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги) томонидан тасдиқланган махсус комиссия тузилади ва бу комиссия таркибига Ўзстандарт («Ўзстандарт» агентлиги) ёки сертификатлаштириш идорасининг вакили ёки ходими (раис), ЎзТМТИнинг мутахассиси, ишлаб чиқарувчи ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари ҳамда сертификатлаштириш давлат тизимининг эксперт аудиторлари киради.

Ушбу комиссия аккредитланадиган лаборатория ҳолатини асосий ҳужжатлар ва аккредитлаштириш талабларига жавоб бериш даражаси, техник лаёқатлиги ва ҳолислигини текширади. Шунинг билан биргаликда лабораториянинг техник лаёқатлигини баҳолаш пайтида лабораториянинг ташкилий ва бошқарув даражаси, раҳбариятнинг жавобгарликни ҳал қилиши, мутахассислар билан таъминланганлиги ва ходимларнинг малакаси, ишлаб чиқарувчилар билан ўзаро манфаатлик жойларининг йўқлиги ҳам текширилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари комиссия томонидан лабораториянинг қуйидаги кўрсаткичлари ҳам текширишдан ўтказилади:

- синовлар ўтказиладиган жойларда натижаларнинг аниқлиги ва ўлчаш натижаларига таъсир этадиган атроф-муҳит омиллари (ҳарорат, намлик, ҳавонинг тозаллиги, товуш, тебраниш, электр-энергия ва бошқалар);

- лабораторияда қўлланиладиган синаш усуллариининг меъёрий ҳужжатларда белгиланган талаблар, санитария меъёри ва қоидалари, техник ва ёнғин хавфсизлиги ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бериш даражалари;

- синов жиҳозлари ва ўлчаш воситаларининг ҳолати;

- ҳар бир жиҳоз ва ўлчаш воситаларининг рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (варақа, карта ва шунга ўхшашлар);

- жиҳоз ва ўлчаш воситаларининг номи, тури, ишлаб чиқарган корхона ёки фирма, завод ва инвентар тартиб рақамлари (номерлари), ишлаб

чиқилган санаси, ишлатилиб бошланган санаси, сотиб олинган вақтидаги ҳолати (янги, таъмирланган, аввал фойдаланилган), ўрнатилган жойи, кўриқдан ўтганлиги ва бошқалар;

- синаладиган маҳсулот учун техник талаблар белгиладиган ҳужжатлар, қўлланаётган ўлчаш воситаларини давлат кўригидан ва синаш жиҳозларини аттестациядан ўтказиш услублари, синаш натижалари тизимини белгиладиган ҳужжатлар (қарорлар, ишчи журналлар, ҳисоботлар ва бошқалар).

Комиссия ўтказилган текшириш натижалари асосида белгиланган тартибда далолатнома тузади ва унга барча комиссия аъзолари имзо чекканларидан сўнг унинг бир нусхаси аккредитланаётган лаборатория раҳбарига таништириш учун юборилади.

Агар текшириш натижалари бўйича аккредитланаётган лабораториянинг техник лаёқатлиги ва ҳолислиги бўйича ёки фақат техник лаёқатлиги бўйича аккредитлаш учун комиссия томонидан қарор қабул қилинса, у ҳолда лабораторияга у ёки бу кўрсаткичи бўйича мувофиқлик сертификати берилади.

Аккредитлаш аттестацияси 5 йил муддатга берилади ва шунинг билан биргаликда аккредитлашдан ўтган синов лаборатория тўғрисидаги «Низом» лойиҳаси ҳам Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги)нинг бош директори ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланади. Аккредитациядаи ўтган синов лабораторияси Давлат реестри (рўйхати)га киритилади ва шу кундан бошлаб синов лабораторияси аттестациядан ўтган деб ҳисобланади.

Давлат реестридан ўтган аккредитлаш ҳақидаги аттестат ва Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги) томонидан тасдиқланган «Низом» лойиҳаси аккредитланган синов лабораториясига юборилади.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва маҳсулот сифатини бошқариш соҳасидаги тадқиқотлар ва мутахассислар тайёрлаш институти (ЎЗТМТИ) Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизимининг илмий-услубий маркази сифатида маҳсулотларни сертификатлаштириш ва аккредитлаш бўйича асос бўлувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқади. Сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораториялари (марказлари) да ишлайдиган мутахассислар ҳамда эксперт-аудиторлар малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва сертификатлаштириш идораларига бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича услубий ёрдам кўрсатади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, маҳсулотларни сертификатлаштиришга тайёрлаш ва уни ўтказиш аккредитациядан ўтган сертификатлаштириш идоралари томонидан амалга оширилади.

Маҳсулотларни сертификатлаштиришдан ўтказиш бўйича Ўздавстандарт томонидан умумий қоидалар белгиланган ва улар миллий ҳамда чет эл сертификатлаштириш объектлари учун ҳам тегишлидир.

Ўзбекистон мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгиларини чет элда ҳам тан олиш имкониятини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими (ЎзСМТ) қоидалари ИСО/МЭК, ИСО халқаро стандартлари, EN 45000 Европа стандартлари, сертификатлаш-тириш ишларини амалга ошираётган бошқа халқаро меъёрлар ва қоидаларга асосан тузилган.

Ҳозирги кунда республикамизда сертификатлаштириш бўйича халқаро тажрибага асосланган миллий ва импорт қилинаётган маҳсулотларни мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштиришнинг умумий тартиби ва сертификатлаштириш схемаларини белгилайдиган Ўзбекистон давлат стандарти O'zDSt 5.7:2003 қабул қилинган ва у 2004 йилдан буён амалда.

O'zDSt 5.7:2003 Ўзбекистон давлат стандарти бўйича барча маҳсулотларни Ўзбекистон миллий стандартлаштириш тизимида мажбурий ва ихтиёрий равишда сертификатлаштиришдан ўтказиш учун 10 та (1.1^a; 2.2^a; 3.3^a; 4.4^a; 5; 6; 7; 8; 9.9^a; 10.10^a) сертификатлаштириш схемаси назарда тутилган. Шулардан 1-6, 9^a 10^a схемалари мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати даврида сериялаб ишлаб чиқариладиган, 7, 8 ва 9 схемалар сертификатсиз ишлаб чиқарилган маҳсулотлар партиyasi ва онда-сонда ишлаб чиқариладиган буюмларни сертификатлаштиришидан ўтказишда қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими томонидан қабул қилинган сертификатлаштириш схемалари қуйидагилардан иборат:

1-схема. Маҳсулот намунасини синовдан ўтказиш. Бу схема ёрдамида фақат маҳсулот намуналарининг турларини меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келишини (мувофиқлигини) махсус тасдиқланган синов ташкилотлари (идоралари)да синовдан ўтказилади, яъни синовга тақдим этилган намунани белгиланган талабларга мувофиқлиги тасдиқланади, холос. Бу схема бўйича сертификатлаштириш натижалари маҳсулот сифатининг доимийлигини кафолатлай олмайди. Сертификат берувчи идора синовдан сўнг ҳеч қандай текширув ёки назоратни ташкил қилмайди. Бу схема ўзининг оддийлиги ва кам чиқимлилиги сабабли миллий ҳамда халқаро савдо муносабатларида муайян даражада тарқалган.

2-схема. Бу схема бўйича маҳсулот намуна турлари махсус тасдиқланган синов ташкилотларида синовдан ўтказилади, сўнгра унинг сифатини савдо шахобчаларидан вақти-вақти билан олинадиган намуналар

асосида назорат қилиб турилади. Бу схема ёрдамида тақдим этилаётган намуналар сифатини баҳолаш билан бир қаторда четдан келтирилган серияли ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ҳам баҳолаш мумкин. Бухол унинг афзаллигини билдиради. Агар назорат синовлари натижаси бўйича маҳсулот сифати меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқ келмаса, у ҳолда маҳсулотни савдо шаҳобчаларидан чиқариб ташлаш мумкин бўлмайди ёки уни чиқариб ташлаш учун айрим қийинчиликлар туғилади, у ҳолда бу схеманинг камчилиги ҳисобланади.

3-схема. Бу схема намуналарга сертификат берилгандан сўнг сотувчи ёки истеъмолчига юбормасдан олдин вақти-вақти билан тайёрловчи корхонанинг тайёр маҳсулотлар омборидан олинadиган намуналарни синаш йўли билан инспекцион текширув ўтказишни назарда тутди. Бу схеманинг 2-схемадан фарқи шуки, маҳсулот савдога тушмасдан туриб синов назоратидан ўтказилади ва меъёрий хужжат талабларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда маҳсулотнинг истеъмолчига жўнатилиши тўхтатилиб, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришнинг олди олинади.

Бу схема бўйича сертификат 12 ой муддатга берилади ва ҳар 6 ойда бир марта назорат қилинади.

4-схема. Бу схема 3-схемадан шуниси билан фарқ қиладики, бунда кўшимча равишда сотувчидан олинadиган намуналарнинг ҳам инспекцион текшируви ўтказилади. 4-схема серияли ишлаб чиқариш маҳсулотларини ҳар томонлама ва қатъийроқ инспекция текширувини ўтказиш зарур бўлганда қўлланилади.

5-схема. Сертификатлаштиришнинг бу усули фақат маҳсулот сифатини назорат қилибгина қолмасдан, балки корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини керакли даражада бўлишини ҳам назорат қилади. Бу схема саноати ривожланган давлатларда ҳам халқаро сертификатлаштириш тизимларида энг кўп тарқалган схема ҳисобланади.

5-схеманинг бошқа схемалардан фарқи унинг мураккаблиги ва нисбатан кўп чиқим талаб қилишида, унинг фаоллиги эса истеъмолчининг маҳсулот сифат даражасининг юқори эканлигига ишонч ҳосил қилишидадир. Бу эса асосий мезон ҳисобланади.

6-схема. Бу усул айрим пайтларда корхона-тайёрловчинини аттестациялаш усули ҳам деб аталади ва у фақат корхонадаги маҳсулот сифатини таъминлаш орқали тизимни баҳоланишини ўтказишига асосланган (мўлжалланган) бўлиб, фақат корхонанинг белгиланган сифат даражасидаги маҳсулот ишлаб чиқариш қобилятини баҳолайди.

7-схема. Бу схема товарлар партиясини синаш учун мўлжалланган. Бунда корхона ишлаб чиқараётган ёки четдан келтирилган (импорт бўйича)

товарлар партиясидан белгиланган қоидалар бўйича ўртача кичик намуналар танлаб олинади ва аккредитланган лабораторияда синовлардан ўтказилади, сўнгра сертификат бериш процедураси бажарилади, инспекцион текширув ўтказилмайди.

8-схема. Бу усул тайёрланган ҳар бир ёки айрим буюмларнинг меъерий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини синовлар ўтказиш йўли билан аниқлашга асосланган бўлиб, маҳсулотни истеъмол қилиш жараёнларида унинг меъерий ҳужжатлар талабларига мос келмаслиги натижасида истеъмолчига катта иқтисодий зарар етказганидан қўлланилади. Сертификатлаштиришнинг бу усули кўпроқ қимматбаҳо металллар ва қотишмалардан тайёрланган буюмларда қўлланилади, чунки бу ерда қимматбаҳо металлларнинг белгиланган миқдори, таркиби ва уларнинг тозаллиги текширилади

Маҳсулот сифатини етказиб берувчи ташкилот декларациясида кўрсатилган талабларга мувофиқ келиш-келмаслигини тасдиқлаш учун 9-10 сертификатлаштириш схемалари қўлланилади.

Агар сертификатлаштириш бўйича аккредитланган идора ушбу маҳсулотни корхонада ишлаб чиқарилиши мумкинлиги ва унинг синовлар натижасида тасдиқланган тавсифларининг барқарорлиги ҳақида аниқ маълумотлар бўлмаса, у ҳолда 1, 2, 3, 4, 9 ва 10 сертификатлаштириш схемалари 1^а, 2^а, 3^а, 4^а, 9^а ва 10^а схемалари билан биргаликда қўлланилади. Бундай ҳолларда корхонанинг ишлаб чиқариш ҳолати, сифат тизими ёки маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича экспертлар томонидан таҳлил қилиниши керак бўлади.

Маҳсулотни 1^а, 2^а, 3^а, 4^а, 9^а ва 10^а схемалари бўйича мажбурий сертификатлаштиришдан ўтказиш пайтида ишлаб чиқарувчининг сифат тизими ёки ишлаб чиқаришга мувофиқлик сертификати мавжуд бўлса, у ҳолда ишлаб чиқариш ҳолати қайтадан баҳоланмайди.

Таянч иборалар: корхона сифат тизими; ИСО/МЭК, ИСО, EN 45000; тизим мақсади; корхона сифат тизими; виждонсизлик; қонун ҳужжатлари; фитосанитария сертификати; ахборот ишончилиги; ахборот махфийлиги; мувофиқлик, мувофиқлик сертификати ва белгиси; сертификатлаштириш тизими ва идораси; мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш; сертификатлаштириш соҳасида гувоҳнома (лицензия); сифат сертификати; лабораторияни аккредитлаш, аккредитланган лаборатория; сертификация синовлари; эксперт-аудитор; сертификатлаштириш учун намуна; бир, икки ва кўп томонлама келишув; текширувчан назорат; миллий идора йўналишлари ва вазифалари; СМСХМ вазифалари; «Ўзстандарт» агентлиги ва махсус комиссия;

лабораториянинг техник лаёқатлиги ва ҳолислиги; Давлат реестри; ариза-деюрация; намуна; сертификат; мувофиқлик белгиси ва сертификат; синов лабораторияси ва бошқалар.

Назорат учун саволлар:

1. Сертификатлаштириш деб нимага айтилади ва унинг маъносини тушунтиринг?
2. Сертификатлаштириш миллий тизими деганда нимани тушунаси?
3. Сертификатлаштириш миллий тизимининг асосий мақсади нимадан иборат?
4. Маҳсулотларни сертификатлаштириш қандай идоралар томонидан амалга оширилади?
5. Сертификатлаштиришнинг вазифаси нималардан иборат?
6. Сертификатлаштириш бўйича қонун ҳужжатларининг асосийси қайси қонунларни ташкил этади?
7. Экологик сертификатлаштиришнинг асосий мақсади нимадан иборат?
8. Сертификатлаштириш бўйича атама ва тушунчалар қандай таърифланади?
9. Сертификатлаштириш соҳасидаги гувоҳнома қандай ҳужжат ҳисобланади?
10. Ихтиёрий, сифат ва ишлаб чиқариш сертификатлаштириш деганда нимани тушунаси?
11. Ўзбекистонда сертификатлаштириш миллий идораси қайси ташкилот ҳисобланади?
12. Аккредитлаш ва аккредитациядан ўтиш деганда нимани тушунаси?
13. ЎзТМТИнинг вазифаси ва у қандай ҳужжатларни ишлаб чиқади?
14. Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими томонидан қандай сертификатлаштириш схемалари қабул қилинган?

Талабанинг мустақил иш топшириқлар:

1. Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими тушунчаси, мақсади ва вазифалари бўйича етарлича билимга эга бўлиши ва билиш керак.
2. Сертификатлаштириш қонуний асослари, асосий атамалари, миллий идоралар ва уларнинг вазифалари ҳақида билиш ва маълумотга эга бўлиши лозим.
3. Синов лабораториялари аккредитацияси, маҳсулотларни сертификатлаштириш тўғрисида тушунчаларга етарлича эга бўлиши лозим.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати: 13, 14, 15, 17

15-мавзу. Маҳсулотлар сертификацияси ва унинг назорати

1.Маърузанинг таълим технологияси

Вақти - 2 соат	Талабалар сони: 5-10 нафар
Уқув машгулотининг шакли	Визуал, ахборот маъруза
Маъруза машгулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none">1. Маҳсулотларни мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш2. Миллий маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби ва қоидалари3. Чет эл мамлакатларининг сертификатлаштириш аҳамияти4. Сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекцион назорат
<i>Ўқув машгулотининг мўсади:</i> Маҳсулотлар сертификацияси сертификатлаштириш тартиби ва қоидалари, сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекцион назорати бўйича маълумотлар бериш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> Маҳсулотларни мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш мажбурий сертификатлаштириш <i>босқичлари:</i> декларация, намуналар танлаш , - ишлаб чиқариш ёки сифат,- мувофиқлик сертификати мувофиқлик белгиси бериш ва <i>Давлат рўйхати</i> га (реестрига) киритиш хақида маълумотлар берилади. Миллий маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби ва қоидалари, қонуний асослари билан таништирилади. Чет эл мамлакатларининг сертификатлаштириш аҳамияти, уларнинг идоралари билан ҳамкорлик, четэл тажрибаларидан	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш <i>босқичлари</i> ва <i>Давлат рўйхати</i> га (реестрига) киритиш хақида маълумотлар олади. Миллий маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби ва қоидалари, қонуний асослари билан танишади. Чет эл мамлакатларининг сертификатлаштириш идоралари билан ҳамкорлик, четэл тажрибаларидан фойдаланиш хақида ахборот олади.

<p>фойдаланиш хакида ахборот берилади.</p> <p>Сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекцион назоратнинг ўтказилиши тартиби ва унинг даврийлиги маҳсулотнинг тури, унинг ўзига хос хусусиятлари, ишлаб чиқариш муддати, ҳажми ва бошқа омилларга боғлиқлиги ва утказиш идоралари хакида маълумот берилади.</p>	<p>Маҳсулот устидан инспекцион назоратнинг ўтказилиши тартиби ва унинг даврийлиги маҳсулотнинг тури, унинг ўзига хос хусусиятлари, ишлаб чиқариш муддати, ҳажми ва бошқа омилларга боғлиқлиги ва утказиш идоралари хакида маълумот олади.</p>
<p>Укитиш услуби ва техникаси</p>	<p>Ахборот-маъруза, инсерт, хдмкорликда укитиш техникаси,.</p>
<p>Укитиш шакли</p>	<p>Фронтал, гуруҳларда</p>
<p>Укитиш воситалари</p>	<p>Маъруза матни, проектор, график органайзерлар.</p>
<p>Укитиш шарт-шароити</p>	<p>Намунадаги аудитория</p>

3. Маърузанинг технологияи харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	укитувчи	талаба
<p>1-босқич. Кириш (10 мин)</p>	<p>1.1. Маъруза мавзуси ва режаси эълон қилинади. Аввалги мавзуга савол-жавоб орқали боғланади</p>	<p>1.1. Эшитадилар, ёзалилар</p>

<p>2-босқич. Асосий (60 мин.)</p>	<p>2.1. Мавзунни ёритиш учун муаммоли саволларни таклиф этади. 2.2. Маҳсулотларни мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш <i>босқичлари: Давлат рўйхати</i>га (реестрига) киритиш хақида маълумотлар берилади. 2.3. Миллий маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби ва қоидалари, қонуний асослари билан таништирилади. 2.4. Чет эл мамлакатларининг сертификатлаштириш аҳамияти, уларнинг идоралари билан ҳамкорлик, чет эл тажрибаларидан фойдаланиш хақида ахборот берилади. 2.5. Сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекцион назоратнинг ўтказилиши тартиби ва унинг даврийлиги маҳсулотнинг тури, унинг ўзига хос хусусиятлари, ишлаб чиқариш муддати, ҳажми ва бошқа омилларга боғлиқлиги ва ўтказиш идоралари хақида маълумот берилади.</p>	<p>2.1. Муаммоли саволларга эътибор берадилар: «Биламан-билдим» жадвалининг 1-устунини тулдирадилар. 2.2. Эшитадилар, ёзадилар. 2.3. Эшитадилар, ёзадилар. 2.4. Эшитадилар, ёзадилар. 2.5. Эшитадилар, ёзадилар.</p>
<p>3-босқич. Якуний (10 мин.)</p>	<p>3.1. Мавзуга хулоса чиқаради. Асосий масала устида тухталади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқлар беради:</p>	<p>3.1. Эшитадилар, саволларини беради ёзиб оладилар. 3.2. Топшириқларни ёзиб оладилар.</p>

1. Маҳсулотларни мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш

Маълумки, сертификатлаштириш маҳсулотнинг истеъмолчи соғлиги, унинг мол-мулки ва аτροφ-муҳит учун зарарли хусусиятларини меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган мажбурий талабларга мос келиш даражасини ўрганади. Ундан ташқари, сертификатлаштириш сертификатланган маҳсулот устидан давлат назоратини ҳам олиб боради. Ана шу кўрсаткичлари билан у маҳсулот сифатини назорат қилишдан фарқ қилади. Шунингдек, сертификатлаштириш синовларини бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш мақсадида аккредитланган синов лабораториялари

(марказлари), маҳсулот сифатини назорати эса давлат назорат идоралари томонидан олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларини сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунига асосан маҳсулот (хизмат)ни сертификатлаштириш ишларини ташкил қилиш бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича аккредитланган идораларга ёки миллий идора Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги)га юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси миллий сертификатлаштириш тизимида икки хил сертификатлаштириш турлари ишлатилади: мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш. Маҳсулот (хизмат)ларни у ёки бу турдаги сертификатлаштиришга мансублиги, уларнинг ташқи муҳит, инсон саломатлиги ва мол-мулкига *зарарли таъсири асосий меъзон бўлиб ҳисобланади*. Шунинг учун ҳам атроф-муҳит, инсон соғлиги ва унинг мол-мулкига таъсир кўрсатувчи маҳсулот (хизмат)лар, албатта мажбурий сертификатлаштиришдан ўтказилади, қолган маҳсулотлар эса ихтиёрий равишда сертификатлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 августдаги 409-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келтириладиган ва унинг ҳудудидан четга чиқариладиган, хавфсизлигини таъминлаш учун мажбурий сертификатлаштирилиши керак бўлган маҳсулотлар рўйхатини, сертификатлаштириш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан маҳсулотлар, шу жумладан сертификатлаштириш ва хавфсизлигини таъминлаш керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини Республика ҳудудига киритиш ёки уларни республика ҳудудидан четга олиб чиқиб кетиш тартиб-қоидалари кўрсатиб берилган. Шунингдек, ушбу қарор билан мажбурий сертификатлаштиришдан ўтказиладиган маҳсулотлар рўйхати ҳам тасдиқланган.

Ушбу қарорга асосан озиқ-овқат маҳсулотларининг барча турлари мажбурий сертификатлаштиришдан ўтказилади. Мажбурий сертификатлаштириш ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш-тириш маркази Ўздавстандартга ёки унинг топшириғига кўра бошқа аккредитациядан ўтган сертификатлаштириш идоралари (органлари) зиммасига юклатилади.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, агар инсон ҳаёти, соғлиги ва унинг мол-мулки ҳамда атроф-муҳитга зарари таъсир этиши мумкин бўлган маҳсулотлар тайёрлаш, улардан фойдаланиш, уларни ташиш ва сақлаш хавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар бўлмаса, у ҳолда давлат бошқарувининг тегишли идора (орган)лари бундай талабномани кечиктирмасдан ишлаб чиқиши ва уни амалда қўллаши шарт.

Миллий маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш қоида ва тартиблари Ўзбекистон Республикасининг раҳбарий ҳужжати (ЎзРХ 51-062-97 (Ўзбекистон сертификатлаштириш миллий тизими. Сертификатлаштиришни тайёрлаш ва уни ўтказиш тартиби. Умумий талаблар) да белгилаб берилган.

Мажбурий сертификатлаштириш деганда сертификатлаштириш ҳуқуқига эга бўлган сертификатлаштириш идораси томонидан маҳсулот, жараён ёки хизматнинг меъёрий ҳужжатларда белгиланган мажбурий талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш тушунилади.

Маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш *босқичларини* шартли равишда қуйидагиларга бўлиш мумкин:

- *декларация* - талабнома бериш ва у асосида қарор қабул қилиш;
- *намуналар танлаш* (олиш), идентификациялаш ва синовдан ўтказиш;
- *ишлаб чиқариш* ёки сифат тизимини сертификатлаштириш (агар сертификатлаштириш тартиби бўйича сертификатлаштириш лозим бўлса, ёки аризачи талабига кўра);

- *мувофиқлик сертификати* мувофиқлик белгиси *бериш* ва маҳсулотни *Давлат рўйхати*га (реестрига) киритиш;

Республика ҳудудида мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган, лекин мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган ҳолда ҳилоф равишда мувофиқлик белгиси босилган маҳсулотларни сотиш (реализация қилиш) ман этилади.

Тайёрловчи (таъминловчи ёки тадбиркор) ларнинг *маҳсулотлари* мажбурий сертификатлаштиришдан ўтиши лозим бўлганда, улар қуйидаги қоида ва тартибларга амал қилишлари керак:

- мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни сертификатлаштириш учун тақдим этиш;

- маҳсулотларни сертификатлаштириш идора (орган) лари ёки улар тан олган идоралар томонидан берилган мувофиқлик сертификати ёки белгиси мавжуд бўлгандагина реализация қилиш ёки сотиш;

- агар сертификатлаштирилган маҳсулот белгиланган меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб бермаса ёки ушбу маҳсулотга берилган мувофиқлик сертификати ёки белгисининг амал қилиш муддати тугаган бўлса, у ҳолда маҳсулотни реализация қилишни тўхтатиб қўйиш:

- маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнларига техник ёки бошқа ўзгартиришлар киритилганлиги тўғрисида сертификатлаштириш идораларига белгиланган тартибда хабар бериш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунининг 17-моддасида кўрсатилганидек, ҳар қандай маҳсулот юридик ва жисмоний шахсларнинг ташаббуси билан унинг

меъерий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш учун ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтказилиши мумкин.

Юқорида қайд қилинганидек, Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш тизими маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштиришдан ташқари, ихтиёрий сертификатлаштиришни ҳам амалга оширади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, мажбурий сертификатлаштириш рўйхатига киритилмаган маҳсулотлар таъминловчи (тадбиркор, бажарувчи), сотувчи (таъминловчи) ёки истеъмолчининг шахсий ташаббусига кўра ихтиёрий равишда сертификатлаштирилиши мумкин.

Ихтиёрий сертификатлаштириш деганда, ишлаб чиқарувчи, сотувчи ёки истеъмолчининг ташаббуси билан ихтиёрий равишда ўтказиладиган сертификатлаштириш тушунилади.

Ихтиёрий сертификатлаштиришнинг асосий мақсади маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш ва ўзини сифат тизимига ишонч ҳосил қилишдан иборат. Шунингдек, ихтиёрий сертификатлаштириш ўзига хос реклама вазифасини ҳам бажаради.

Ўз маҳсулотини сертификатлаштиришдан ўтказган талабгор (аризачи) ихтиёрий сертификатлаштириш қонун-қоидаларига биноан ўзининг ҳоҳлаган меъерий ҳужжатини танлаш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, талабгор (аризачи, юридик ёки жисмоний шахс) ўз маҳсулотини қандай кўрсаткичлар ва синаш услублари бўйича сертификатлаштиришни ҳам ўзи танлайди.

Маҳсулотларни ихтиёрий сертификатлаштириш қонун-қоидалари ва тартиблари ҳам маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш қонун-қоидалари ва тартибларига ўхшаш бўлиб, ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтган маҳсулотга ҳам мувофиқлик сертификати берилади.

Юқорида таъкидланганидек, четдан келтирилган ва сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар ҳам мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтказилади. Жумладан, чет эллик талабгор ёки аризачи (жисмоний ёки юридик шахс) ҳам ўзининг маҳсулотларини ихтиёрий равишда сертификатлаштиришдан ўтказиши мумкии. Бунда маҳсулотни ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтказиш тўғрисидаги қарорни белгиланган тартиб-қоидалар асосида талабгор ёки аризачининг ўзи қабул қилади. Чет эллик аризачининг маҳсулоти у ҳоҳлаган меъерий ҳужжат (миллий, халқаро, давлатлараро ёки ҳоҳлаган ривожланган мамлакат меъерий ҳужжатлар) талабларига асосан сертификатлаштирилади. Бундай маҳсулотларга ҳам мувофиқлик сертификати берилиб, республика

сертификатлаштириш миллий тизимнинг Давлат рўйхати (реестри) дан ўтказилади.

Сертификатлаштириш тартиб ва қоидаларини белгиловчи ихтиёрий сертификатлаштириш тизими Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги) билан келишилган ҳолда аккредитланган идоралар томонидан белгиланади.

2. Миллий маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби ва қоидалари

Юқорида айтиб ўтилганидек, сертификатлаштиришдан мажбурий ўтказилиши лозим бўлган, аммо хали сертификатлаштиришдан ўтмаган барча маҳсулот республика ҳудудида реализация қилиниши (сотилиши) ман этилган.

Сертификатлаштиришни Ўзбекистон сертификатлаштириш миллий тизими доирасида ўтказиш учун республика ёки чет эл сўровчи (аризачи)си бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича аккредитланган мувофиқлик идорасига декларация - *буюртманома* юборади. Декларация – талабномага сертификатлаштириш бўйича синовларни ўтказиш, сертификатни расмийлаштириш ва уни Давлат рўйхати (реестри)дан ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар илова қилинади. Сертификатлаштириш бўйича идора декларация - буюртманомани кўриб чиқади, уларни текширади ва таҳлил қилади, сўнгра 15 кундан кечиктирмасдан (ҳужжат келиб тушгандан сўнг) сертификатлаштириш бўйича барча асосий шартларни ўз ичига олган, яъни сертификатлаштириш схемаси ва сертификатлаштириш ўтказиладиган меъёрий ҳужжатлар кўрсатилган қарорни сўровчи (аризачи)га хабар қилади. Ундан ташқари қарорда синовларни ўтказадиган аккредитланган синов лабораториялари (марказлари) ва сифат тизими ёки ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш (агар бу сертификатлаштириш схемаси билан назарда тутилган бўлса) ким томонидан ўтказилиши ҳам кўрсатилади. Сертификатлаштириш идорасининг ижобий қарорини олган аризачи (талабгор) қарорда кўрсатилган синов лабораторияси (маркази) билан синов ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни тўлаш ҳақида хўжалик шартномасини тузади. Сертификатлаштиришнинг умумий муддати бир ойдан ошмаслиги керак.

Синовларни ўтказиш услублари, синовлар учун намуналар олиш (танлаш) қоидалари ва уларнинг мақсади ҳамда идентификациялаш (тенглаштириш, ўхшатиш) ва уларни сақлаш меъёрлари сертификатлаштириш меъёрий ҳужжатларида белгилаб берилган. Синов намуналари ЎзРХ 51-094-98 (Ўзбекистон сертификатлаштириш миллий тизими. Маҳсулотни идентификациялаш-тириш бўйича йўриқнома) раҳбарий ҳужжат талабларига биноан идентификациялаштирилади.

Синовларни ўтказишдан асосий мақсад – маҳсулот сифат кўрсаткичларининг ҳақиқий қийматлари ҳақида объектив ва ишончли ахборот олиш ва уларни ушбу маҳсулотни меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолашдан иборат.

Намуналар танлаб олиш сертификатлаштириш бўйича идора ёки синов лабораторияси томонидан сўровчининг иштирокида амалга оширилади ва далолатнома билан расмийлаштирилади. Агар унинг махфийлигига риоя қилиш керак бўлса, у ҳолда танлаб олинган намуналар ёпиқ идишларга солиниб, муҳрланиши ва кодланиши мумкин.

Бу пайтда далолатнома уч нусхада тузилади ва иккита нусхаси божхона идорасига юборилади.

Ўтказилган синов натижалари бўйича синов лабораторияси (маркази) қарор қабул қилади ва у ваколатланган мутахассислар томонидан имзо қўйилгандан сўнг лаборатория (марказ) бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Агар синов натижалари салбий бўлса, у ҳолда сертификатлаштириш идораси аризачи (сўровчи)га сертификат бермаслик тўғрисидаги рад хулосаси (жавоби)ни юборади.

Аризачи ва синов лабораторияси (маркази) ўртасида синов ўтказиш бўйича тузилган хўжалик шартномасига асосан синов намуналари сақланади, утиллаштирилади ёки аризачи (сўровчи)га етказиб берилади.

Сертификатлаштириш идораси ўтказган синов натижалари бўйича тузилган қарорни кўриб чиқади ва у ижобий бўлса, маҳсулотга мувофиқлик сертификат бериш тўғрисида қарор қабул қилади. Сўнгра расмийлаштирилган мувофиқлик сертификати сертификатлаштириш миллий тизимининг Давлат рўйхатига (реестрига) киритилади ва унга рўйхатга олинган тартиб рақами (номери) қўйилади. Акс ҳолда, у ҳақиқий деб ҳисобланмайди. Мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати уч йилдан ошмаслиги керак.

Маҳсулотларни сертификатлаштиришдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар даврий равишда Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги)нинг босма идоралари томонидан берилиб турилади.

Божхона таъминотида бўлган четдан келтирилган (импорт бўйича) маҳсулотдан намуналар танлаб олиш божхона идорасининг рухсати билан божхона инспектори ва товар эгаси ёки унинг вакили иштирокида сертификатлаштириш бўйича идора вакиллари томонидан бажарилади. Бунда уч нусхада танлаб олиш далолатномаси тузилади, улардан иккинчи нусхаси божхона идорасига топширилади. Қолган процедуралар (иш тартиби) юқорида қайд этилганидек амалга оширилади.

3. Чет эл мамлакатларининг сертификатлаштириш аҳамияти

Маҳсулотлар, жараёнлар ёки хизматлар хавфсизлигини текшириш бўйича ўтказиладиган ишлар бутун жаҳон миқёсида амалга оширилади. Маҳсулот хавфсизлигини тасдиқлаш эса, маҳсулотни сертификатлаштириш орқали ёки сертификатларни тан олиш ҳамда республикадан ташқарида товар ишлаб чиқарувчиларга товарлари учун берилган ташқи мувофиқлик гувоҳномалари орқали амалга оширилади.

Ҳозирги кунда турли идора (ташкилот)лар томонидан бажариладиган маҳсулот хавфсизлигини текширишнинг кўплаб процедуралари ва услублари мавжуд. Буларга стандартлар талабларига риоя қилиниши устидан давлат назорати, санитария-гигиена назорати, маҳсулотни маҳкама (учреждение) текшируви ва уни қабул қилиш, миллий истеъмолчи ташкилотлар томонидан бажарилаётган маҳсулот сифати ва хавфсизлигини текшириш бўйича фаолиятларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Чет мамлакатларда хавфсизлик ва хусусий бизнеснинг пайдо бўлган анъаналари соҳасида яхши ривожланган қонунчиликнинг мавжудлигида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот хавфсизлиги, уни текшириш, синаш ва яроқсизлантириш (утилизация) жавобгарлиги ишлаб чиқарувчига юклатилган. Давлатнинг текширувчи идоралари ялпи текширувларни амалга оширмайди, улар фақат жабрланган томон ёки унинг вакилини мурожаати бўйича ноинсоф ишлаб чиқарувчиларга нисбатан суд тартибида зарур чоралар қўллайди. Кўплаб чет мамлакатларининг қонунчилиги маҳсулотнинг муайян (мавжуд) турлари ва гуруҳларига бўлган талабларни белгиловчи алоҳида қонунлардан ташкил топган. Масалан, сертификатлаштириш бўйича француз ассоциацияси (AFNOR) нинг маълумотларига қараганда, Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕИХ) аъзо мамлакатларида ва Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕЭСА) да 500 дан ортиқ буюмлар сертификатлаштирилади, 300 дан ортиқ сертификатлаштириш тизимлари ва 700 дан ортиқ сертификатлаштириш идоралари фаолият кўрсатади.

Саноати ривожланган ва ривожланаётган давлатларда кўпдан буён ва кенг миқёсда қўлланилаётган сертификатлаштириш ўз мамлакатлари ва ўз бозорларига миллий стандартлар ёки мамлакатда амал қилаётган бошқа техник меъёрий хужжатларга мувофиқ келмайдиган маҳсулотларни кириб қолишидан ҳимоя қилади.

Шу нарсага алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, чет мамлакатларда битта маҳсулот учун мўлжалланган стандартлар ва бошқа *турли техник меъёрлар* бир-биридан фарқ қилади, натижада улар *халқаро савдода техник тўсиқлар келиб чиқишига сабаб бўлади*.

Шунинг учун ҳам жаҳон бозорида рақибларни тенг ҳуқуқли шерикчилигини таъминлаш учун уларни мувофиқлаштиришни тақоза этади.

Барча чет мамлакатларда сертификатлаштириш идораларидан ташқари уларнинг чегараларида жойлашган махсус хизматлар ҳам мавжуд. Бу хизматлар четдан олиб кириладиган маҳсулотнинг *ветеринария* (чорва ва чорвачилик маҳсулотлари), тез бузулувчи маҳсулотлар, алоҳида хавфли кимёвий моддалар, транспорт воситаларини текширув каби текшириш турларини амалга оширади. 1947 йилдан бошлаб таърифлар ва савдо бўйича фаолият кўрсатиб келадиган бош битим (ТСББ) жаҳон савдо қоидаларини ишлаб чиқувчи халқаро ташкилот ҳисобланади. 1993 йилнинг декабрида ТСББ таркибидаги Уругвай кўп томонлама савдо музокараларида ТСББни жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га ўзгартириш тўғрисида таклиф киритди ва уни ўзгартириш бўйича қарор қабул қилинди.

Ҳозирги кунда 25 давлат ушбу ташкилот аъзоси ҳисобланади, уларнинг умумжаҳон товар оборотини 90 фоизини ташкил қилади. Ундан ташқари 20 га яқин давлатлар Бош битимга қўшилиш арафасида турибди.

Синов ташкилотларини ўзаро тан олиш ва аккредитлаш соҳаларида халқаро даражада давлатлар орасидаги ҳамкорлик 1977 йилда чиқарилган синов лабораторияларини аккредитлаш бўйича халқаро конференция (ИЛАК) доирасида амалга оширилади.

ИЛАК – бу халқаро форум бўлиб, унинг вазифасига лабораториялар (марказлар)ни аккредитлаш мезонларини халқаро миқёсда уйғунлаштириш, халқаро савдода техник тўсиқларни бартараф қилишга кўмаклашиш, халқаро ва миллий даражада амал қиладиган сертификатлаштириш бўйича идоралар (органлар) билан фаол ҳамкорлик қилиш киради.

4. Сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекцион назорат

Шу нарсани таъкидлаш жоизки, маҳсулотга берилган ҳар қандай мувофиқлик сертификати ҳам ўзининг амал қилиш даврида корхонада сифатли, инсон соғлиги, унинг ҳаёти ва атроф-муҳит учун хавфсиз маҳсулот ишлаб чиқарилишини кафолатлай олмайди. Шунинг учун ҳам сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекцион назорат ўтказилади. Масалан, маҳсулотни сертификатлаштиришдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 28-бандига асосан сериялаб ишлаб чиқариладиган маҳсулот устидан йилига камида бир марта инспекцион назорат ўтказилади.

Инспекцион назоратнинг ўтказилиши на унинг даврийлиги маҳсулотнинг тури, унинг ўзига хос хусусиятлари, ишлаб чиқариш муддати, ҳажми ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сертификатлаштиришдан ўтказилган тавсиф ва меъёрларини меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида

назоратдан ўтказиш йўли билан уларнинг барқарорлигига ишонч ҳосил қилиш инспекцион текширувнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Агар маҳсулот сифати меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келмаса, у ҳолда инспекцион назорат натижаси бўйича берилган мувофиқлик сертификатининг муддати вақтинча тўхтатилади.

Инспекцион назоратнинг асосий вазифаси – сертификатлаш-тирилган маҳсулотнинг меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлашдан иборат.

Маҳсулотни сертификатлаштириш схемасига асосан инспекцион назоратнинг объекти қуйидагилар бўлиши мумкин:

- маҳсулотга белгиланган меъёрий ҳужжатлар, маҳсулот тавсифларини синаш усуллари ва ишлаб чиқариш технологияси;
- сертификатлаштирилган маҳсулот тавсифлари;
- ишлаб чиқариш ҳолати ва сифат тизимлари;
- сертификатлаштирилган маҳсулотни ишлаб чиқариш корхоналари ва савдо ташкилотларида сақланиш шароити;
- маркалаш ва ташиш жараёнлари;
- маҳсулотга тақдим этиладиган (сопровождающие) ҳужжатлар;
- маҳсулотни мувофиқлик белгиси билан маркаланиши.

Инспекцион назорат ўтказишда маҳсулотга мувофиқлик сертификатини берган сертификатлаштириш идораси ёки унинг топшириғига кўра аккредитланган бошқа назорат идоралари ходимлари иштирок этишади. Агар маҳсулот 5 ва 6 сертификатлаштириш схемалари бўйича сертификатлаштиришдан ўтказилган бўлса, у ҳолда инспекцион назоратга корхона сифат тизимини ёки ишлаб чиқариш ҳолатини сертификатлаштиришда иштирок этган идора ходимлари ҳам жалб этилади. Бу жараёнда сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва метрология соҳаси бўйича катта тажрибага эга бўлган эксперт-аудиторлар қатнашади. Агар зарур бўлса, шартнома асосида бошқа ташкилотларнинг мутахассислари ҳам қатнашиши мумкин.

Республикада сертификатлаштирилган маҳсулотларни инспекцион назоратдан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг O'zRH 51-104:2000 (Ўзбекистон Республика-сининг сертификатлаштириш миллий тизими. Сертификатлаш-тирилган маҳсулотларни инспекцион текширувини ўтказиш тартиби) раҳбарий ҳужжати билан белгиланади.

Сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекцион назорат бошлаш учун мувофиқлик сертификати бўйича маҳсулот ишлаб чиқарилаётган корхона ва сертификатлаштириш идораси ўртасида тузилган шартнома асос

бўлади. Шартномада бажариладиган иш турлари, уларни бажариш муддати ва назорат хизматлари учун тўлов шартлари кўрсатилади.

Сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекцион назорат қуйидаги тартиб ва босқичларда амалга оширилади:

- назоратга тайёрланиш;
- назорат объектларининг мувофиқлигини баҳолаш;
- назорат натижаларини расмийлаштириш;
- назорат натижалари бўйича қарор ва чора-тадбирлар қабул қилиш.

Нazorатга тайёрланиш босқичида сертификатлаштириш идорасининг инспекцион назоратга жалб этилган ходимлари томонидан корхонанинг ишлаб чиқариш ҳолати билан боғлиқ бўлган маълумотлар, амалдаги сифат тизими, сертификатлаштирилган маҳсулотдан фойдаланиш, уларни ташиш, ишлаб чиқариш корхонаси ва савдо ташкилотларида сақланиш шартлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга мажбурий талаблар қўядиган меъёрий ҳужжатлар тўлиқ ўрганиб чиқилади. Натижада назорат турлари, маҳсулотни синаш усуллари аниқланади ва инспекцион назорат дастури, анкета-саволномалари тузилади. Уларнинг бир нусхаси эса назоратдан ўтадиган корхонага берилади. Инспекцион назорат дастури назорат иштирокчилари билан келишилгандан сўнг сертификатлаштириш идораси раҳбари томонидан тасдиқланади ва у инспекцион назоратини бошлаш учун асос ҳисобланади.

Инспекцион назорат дастури қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади: комиссия таркиби, назорат ўтказиш муддати ва жойи, назорат мақсади ва объекти, назорат ишларининг ҳажми, мазмуни ва назорат натижаларининг махфийлигига қўйиладиган талаблар. Булар инспекцион назорат дастурининг қуйидаги бандларида ўз аксини топади:

- умумий маълумотлар;
- ишлаб чиқаришни назорат қилиш;
- маҳсулотни назорат қилиш;
- лицензион шартномалар шартларига риоя этилишини назорат қилиш;
- назорат далолатномасини расмийлаштириш.

Инспекцион назоратнинг «*Тегишувни ўтказиш*» босқичида назорат дастурининг «Умумий маълумотлар», «Ишлаб чиқаришни назорат қилиш», «Маҳсулотни назорат қилиш», «Лицензион шартномаларига риоя этилишини назорат қилиш» бандларидаги ишлар бажарилади.

Инспекцион назорат дастурининг «*Умумий маълумотлар*» бандида сертификатлаштирилган маҳсулотни ишлаб чиқараётган корхона реквизитлари, инспекцион назоратни ўтказиш жойи ва вақти, назоратнинг

асосий мақсади ва вазифалари ҳамда назорат комиссиясининг таркиби кўрсатилади.

«Ишлаб чиқаришни назорат қилиш» бандида маҳсулотни сертификатлаштириш схемасига асосан қуйидаги ишларни бажариш режалаштирилади:

- сертификатлаштирилган маҳсулотга белгиланган меъёрий ва техник ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларга ўз вақтида ўзгартиришлар киритилганлигини назорат қилиш;

- бекор қилинган стандарт ва техник шартлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш;

- мувофиқлик белгисининг тўғри қўлланилиши, мувофиқлик сертификатининг асл нусхаси ва нусхалардан тўғри фойдаланишни аниқлаш;

- сертификатлаштирилган маҳсулотга берилган рекламация ва истеъмолчиларнинг нарозичиликларини ҳисобга олиб борилганлиги ва рўйхатдан ўтказилганлиги ҳамда улар тўғрисида ўз вақтида сертификатлаштириш идораларига хабар қилинган-лигини таҳлил қилиш;

- корхона омборларида хом ашё ва бутловчи буюмларнинг эҳтиёж захирасининг мавжудлиги ва уларни сақлаш шароитини назорат қилиш;

- иш жойларида конструкторлик ва технологик ҳужжатлар ва корхонада ажратилган сифатсиз маҳсулотларни сақлаш учун махсус хоналарнинг мавжудлигини ўрганиш;

- синов жиҳозларининг ҳолати, синов усулларининг тўғри танланганлиги, ўлчаш асбоблари ва синов жиҳозларининг мавжудлиги ҳамда уларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш;

- технологик жараёнларга риоя қилиниши, шу жумладан технологик операцияларнинг тўғри бажарилишини аниқлаш;

- технологик жиҳозларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ишларни расмийлаштирилганлигини таҳлил қилиш;

- маҳсулотни ортиш, ташиш, тушириш, сақлаш ва омборларда жойлаштириш усулларини аниқлаш;

- кириш назоратининг ўтказилиши, хом ашё ва материаллари ҳамда ёрдамчи буюмлардан фойдаланишнинг тўғрилигини ўрганиб чиқиш;

- сертификатлаштириш идораси томонидан тасдиқланган камчиликларни тузатиш чора-тадбирлари бўйича ишларни ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш ва бошқалар.

Инспекцион назорат дастурининг «Маҳсулотни текшириш» банди маҳсулотга белгиланган амалдаги меъёрий ҳужжатларни назорат қилиш, синовлар учун намуналар олиш тартиби, синовлар ҳажми ва шарти, синовлар ўтказиш жойи, олдинлари ўтказилган синов натижаларидан фойдаланиш

чоралари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни идентификациялаш тартиби ва мувофиқлик сертификати бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини аниқлашни ўз ичига қамраб олади.

Ушбу дастурнинг «*Лицензион шартномалар шартларига риоя қилиш*» бандида қуйидаги масалаларни ўрганиш режалаштирилган:

- сертификатлаштирилган маҳсулотда мувофиқлик белгисининг мавжудлиги ва уни тўғри қўйилиши;

- мувофиқлик белгисини қўлланганлиги ва лицензион шартноманинг бошқа шартларига риоя қилинганлиги учун лицензион тўловларнинг тўғрилиги ва мунтазамлиги.

Инспекцион назорат дастурининг «*Ишлаб чиқаришни текшириш*» бандида кўрсатилган саволлар бўйича сертификатлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқараётган корхонанинг ҳолатини текшириш сертификатлаштириш схемалари асосида, маҳсулотни назорат қилиш эса назорат дастурининг тегишли бандидаги саволлари асосида амалга оширилади. Намуналар олиш махсус далолатнома билан расмийлаштирилади. Уларни синовдан ўтказиш эса аккредитланган сертификатлаштириш идораси томонидан синов лабораториялари (марказлари)да амалга оширилади. Бордию синов лабораториялари бўлмаса, у ҳолда синовлар белгиланган тартибда аттестациядан ўтган ишлаб чиқариш корхонасининг лабораториясида ҳам ўтказилиши мумкин. Бундай ҳолларда синов ўтказиш пайтида инспекцион назорат гуруҳи аъзолари ҳамда сертификатлаштириш идорасининг масъул ходими иштирок этади. Сўнгра синов натижалари асосида баённома тузилади.

Лицензион шартномалар шартларига риоя қилинишини назорат қилиш мувофиқлик белгисининг мавжудлигини аниқлашдан ва унинг буюмга, тарага, ўраб-боғлаш материалига ва кузатув ҳужжатларига тўғри қўйилганлигини ўрганишдан бошланади. Назорат бевосита ишлаб чиқариш корхонаси ёки савдо ташкилотида ўтказилади.

Инспекцион назорат далолатномасини тузиш ва назорат объектларининг мувофиқлигини баҳолаш ишлаб чиқариш, маҳсулот ва мувофиқлик белгисини назорат қилиш натижалари асосида амалга оширилади. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, назоратдан ўтказилган объектларни баҳолаш бўйича хулосалар (қарорлар) аниқ ва шубҳасиз тўғри бўлиши керак. Инспекцион назорат далолатномасида эса алоҳида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг муҳим тавсифлари баҳолари ва сертификатлаштирилган маҳсулотнинг меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келиши ҳақидаги хулосаларга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу далолатнома инспекцион назорат дастурининг «*Текшириш*

далолатномасини расмийлаштириши» бандининг талаблари асосида расмийлаштирилади ва унинг биринчи нусхаси (иловалари билан) назорат ўтказилган корхоналар, иккинчиси сертификатлаштириш идорасига берилади.

Агар далолатнома ижобий тузилган бўлса, у ҳолда сертификатлаштириш идораси мувофиқлик сертификати ва белгисини қўллашга ҳуқуқ берадиган лицензион шартномани 15 кун мабойнида тасдиқлайди. Бордию ииснекцион назорат натижасида маҳсулотнинг хавфсизлигига таъсир қилмайдиган тавсифларида камчиликлар аниқланган бўлса ва улар меъёрий ҳужжатларнинг мажбурий талаблари билан боғлиқ бўлмаса, у ҳолда ҳам сертификатлаштириш идораси мувофиқлик сертификати ва лицензион шартномани қайта тасдиқлаб, мавжуд камчиликларини бартараф этиш учун ишлаб чиқариш корхонасига муддат беради. Агар инспекцион назорат натижаси бўйича маҳсулотни меъёрий ҳужжатларнинг мажбурий талабларига мувофиқ келмаганлиги аниқланса, у ҳолда сертификатлаштириш идораси мувофиқлик сертификатининг амал қилишини вақтинча тўхтатади ва давлат назорат идораларига ишлаб чиқаришни тўхтатилиши ва мавжуд камчиликларни тузатиш учун керак вақтини келишиб олиш тўғрисида қарор юборади.

Агар корхона томонидан камчиликларни тузатиш бўйича тузилган чоратадбирлар белгиланган муддатда бажарилмаса, у ҳолда сертификатлаштириш идораси маҳсулотга берилган мувофиқлик сертификатини бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилади ва қарорни ўзининг китобида рўйхатдан ўтказиши. Сўнгра қарорни маҳсулот ишлаб чиқараётган корхонага ва 5 кун муддат ичида Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги), божхона идоралари ва керак бўлса оммавий ахборат воситаларига беради. Мувофиқлик сертификати бекор қилинган ишлаб чиқариш корхонаси қарорини далолатнома орқали сертификатлаштириш идорасига қайтариб, тезлик билан маҳсулот ишлаб чиқаришни тўхтатади. Агар савдо корхоналарида сотилмасдан қолган маҳсулот бўлса, уларни қайтариб олади.

Шунинг билан биргаликда инспекцион назоратдан ўтказилаётган маҳсулот илгари 5 ва 6 сертификатлаштириш схемалари бўйича сертификатлаштирилган бўлса, у ҳолда унга берилган мувофиқлик сертификати ва лицензион шартномасининг амал қилиш муддати ишлаб чиқариш ёки сифат тизимини сертификатлаштириш бўйича идора қарори билан ҳам вақтинча ёки бутунлай тўхтатилиши мумкин. Бунинг учун ишлаб чиқариш ёки сифат тизимини сертификатлаштириш идораси ишлаб чиқариш ёки сифат тизимига берилган мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддатини вақтинча ёки бутунлай тўхтатиш бўйича қарор қабул қилиши керак. Бундай ҳолларда маҳсулотга

мувофиклик сертификатини берган идора унинг амал қилиш муддатини вақтинча ёки бутунлай тўхтатиш бўйича қарор қабул қилади.

Таянч иборалар: 1994 йил 14 августдаги 409-сонли қарор; мажбурий сертификатлаштириш; рўйхатга киритилмаган маҳсулот; меъёрий хужжатни танлаш; ихтиёрий сертификатлаштириш; Давлат рўйхати (реестри); ИСО/МЭК, ИСО; EN 45000; декларация буюртма; хўжалик шартномаси; идентификациялаш; ижобий қарор, рад жавоби; намуна; AFNOR, ЕИХ, ЕЭСА, ТСББ, ЖСТ, ИЛАК; инспекцион назорат объекти ва босқичлари; текширувга тайёргарлик; инспекцион назорат объекти ва босқичлари; текширувга тайёргарлик; маҳсулотни текшириш; назорат дастури ва далолатномаси; лицензион шартнома; мувофиклик сертификати; намуна олиш далолатномаси; идора қарори ва бошқалар.

Назорат учун саволлар:

1. Қайси қонунга асосан «Ўзстандарт» агентлигига сертификатлаштириш ишларини ташкил қилиш юклатилади?
2. Мажбурий сертификатлаштириш нима ва унинг қандай босқичлари мавжуд?
3. Ихтиёрий сертификатлаштириш нима?
4. Декларация нима, у қандай амалга оширилади?
5. Синовларни ўтказишдан асосий мақсад нималардан иборат?
6. Чет эл мамалакатларининг сертификатлаштириш аҳамиятлари нималардан иборат?
7. ИЛАК нима ва унинг вазифалари нималардан иборат?
8. Қайси низомга асосан инспекцион назорат қачон ўтказилади?
9. Маҳсулотни сертификатлаштириш схемасига асосан инспекцион назоратнинг объектлари қайсиларни ташкил қилади?
10. Сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекцион назорат қандай тартиб ва босқичларда амалга оширилади?
11. Инспекцион назорат дастури қандай маълумотларни ўз ичига олади ва улар дастурнинг қайси бандларида келтириб ўтилган?
12. Инспекцион назорат далолатномасини тузиш ва назорати қандай амалга оширилади?

Талабанинг мустақил иш топшириқлар:

1. Маҳсулотларни мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш тўғрисида билимга эга бўлади.
2. Миллий маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби ва қоидалари бўйича тўлиқ маълумотларга эга бўлади ва уни кенгроқ ўрганади.

3. Чет эл мамлакатларининг сертификатлаштириш аҳамияти ва сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекцион назорат ҳақида етарли билимга эга бўлиши ва у янада чуқурроқ ўрганиши лозим.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати: 13, 14, 15, 16, 18

16-мавзу. Сертификатланган маҳсулотлар сифатини таъминлаш ва бошқариш

1. Маърузанинг таълим технологияси

Вақти - 2 соат	Талабалар сони: 5-10 нафар
Уқув машгулотининг шакли	Визуал, ахборот маъруза
Маъруза машгулотининг режаси	1. Маҳсулотлар сифати тўғрисида тушунча 2. Маҳсулот сифатини таъминлаш ва бошқаришда сертификатлаштиришнинг аҳамияти 3. Сифатни бошқариш тизимлари 4. Сифат тизимларининг сертификатлаштиришдан ўтказиш
<i>Ўқув машгулотининг мўсади:</i> Сертификатланган маҳсулотлар сифатини таъминлаш ва бошқариш тўғрисида тушунчалар бериш.	

<p><i>Педагогши вазифалар:</i></p> <p>Маҳсулот сифати, истемол товарларнинг сифати, сифатни ошириш ёки яхшилаш тушунчалари тугрисида маълумотлар берилади.</p> <p>Маҳсулот сифатини таъминлаш ва бошқаришдасертификатлаштиришнинг аҳамияти, маҳсулот (хизмат) сифатига қўйиладиган талаблар ҳам стандартлар ва стандартлаштиришнинг бошқа меъёрий ҳужжатлари орқали белгиланиши ёритилади.</p> <p>Маҳсулот сифатини таъминлаш ва бошқаришда сифатни бошқариш тизимлари уларнинг талаби хақида ахборот берилади.</p> <p>Сифат тизимларининг сертификатлаштиришдан ўтказиш тартиби ва талаблари билан таништирилади.</p>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <p>Маҳсулот сифати тугрисидаги тушунчаларга эга бўлишади.</p> <p>Сертификатлаштиришнинг аҳамияти, маҳсулот (хизмат) сифатига қўйиладиган талаблар, стандартлар ва стандартлаштиришнинг бошқа меъёрий ҳужжатлари буйича маълумотга эга бўладилар.</p> <p>Маҳсулот сифатини таъминлаш ва бошқаришда сифатни бошқариш тизимлари уларнинг талаби хақида ахборотга эга бўладилар.</p> <p>Сифат тизимларининг сертификатлаштиришдан ўтказиш тартиби ва талаблари билан танишадилар.</p>
Укитиш услуби ва техникаси	Ахборот-маъруза, инсерт, хдмкорликда укитиш техникаси,.
Укитиш шакли	Фронтал, гуруҳларда
Укитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, график органайзерлар.
Укитиш шарт-шароити	Намунадаги аудитория

2. Маърузанинг технологияи харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	укитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	1.1. Маъруза мавзуси ва режаси эълон қилинади. Аввалги мавзуга савол-жавоб орқали боғланади	1.1. Эшитадилар, ёзалилар

<p>2-боскич. Асосий (60 мин.)</p>	<p>2.1. Мавзуни ёритиш учун муаммоли саволларни таклиф этади. 2.2. Маҳсулот сифати, истемол товарларнинг сифати, сифатни ошириш ёки яхшилаш тушунчалари тугрисида маълумотлар берилади. 2.3. Маҳсулот сифатини таъминлаш ва бошқаришда сертификатлаштиришнинг аҳамияти, маҳсулот (хизмат) сифатига қўйиладиган талаблар ҳам стандартлар ва стандартлаштиришнинг бошқа меъёрий ҳужжатлари орқали белгиланиши ёритилади. 2.4. Маҳсулот сифатини таъминлаш ва бошқаришда сифатни бошқариш тизимлари уларнинг талаби хакида ахборот берилади. 2.5. Сифат тизимларининг сертификатлаштиришдан ўтказиш тартиби ва талаблари билан таништирилади.</p>	<p>2.1. Муаммоли саволларга эътибор берадилар: «биламан-билдим» жадвалининг 1-устунини тулдирадилар. 2.2. Эшитадилар, ёзадилар. 2.3. Эшитадилар, ёзадилар. 2.4. Эшитадилар, ёзадилар. 2.5. Эшитадилар, ёзадилар.</p>
<p>3-боскич. Якуний (10 мин.)</p>	<p>3.1. Мавзуга хулоса чиқаради. Асосий масала устида тухталади. 3.2. Мустакил иш учун топшириқлар беради:</p>	<p>3.1. Эшитадилар, саволларини беради ёзиб оладилар. 3.2. Топшириқларни ёзиб оладилар.</p>

1. Маҳсулотлар сифати тўғрисида тушунча

Маълумки, маҳсулот сифати унинг ҳаётий боскичларида-тадқиқот қилиш ва лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишда (муомалада) шаклланади.

Сифат - бу объектнинг таъриф ёки тавсифлари мажмуи бўлиб, белгиланган ва қўзда тутилган талабларни қондириш хусусиятидир ёки бўлмаса *сифат* деб, истеъмолчи талабини қондириш даражасига айтилади.

Ишлаб чиқариш объектларида маҳсулот сифати деганда, ушбу маҳсулотни меъёрий ҳужжатлар талабига мувофиқлиги тушунилади.

Истеъмол товарининг сифати деб, уни номинал шароитда ўз вазифаси бўйича истеъмол қилишда ёки ишлатишда харидорлар (истеъмолчилар)нинг маълум эҳтиёжларини қондира олиш хусусиятларининг мажмуига айтилади.

Демак, юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, сифат бу маҳсулотнинг ижобий кўрсаткичлари йиғиндиси ёки сифат маҳсулотнинг истеъмол хусусиятларини белгилаб берувчи мезонлар мажмуи экан.

«Сифат» тушунчасига ассортимент тўлалиги ва хилма-хиллигини ҳам қўшиш мумкин, чунки булар истеъмолчилар талабларини тўлиқ қондиришнинг шартларидан бири ҳисобланади.

Агар сифатни фақат товарнинг меъёрий ҳужжатлар томонидан белгиланган талабларга мос келишини белгиловчи омил сифатида қарайдиган бўлсак, у ҳолда биз фақатт ишлаб чиқариш сифати тушунчасини таърифлаган бўламиз, холос. Шунинг учун ҳам «сифат» тушунчаси кенг маънога эга.

Маҳсулот сифатига талаб ва таклиф ҳам боғлиқ бўлади. Чунки, юқори сифатли маҳсулот ёки товар аҳоли талабини қондиради ва юқори талабга эга бўлади. Сифатсиз товар эса, савдо шахобчаларининг пештоқларида туриб қолади ва аҳоли талабига эга бўлмасдан, натижада корхона ёки хусусий тадбиркорни инқирозга учрашига сабаб бўлади.

Маҳсулот сифатини ошириш ёки яхшилаш - бу республикамиз халқ хўжалигининг асосий вазифаларидан биридир. Тайёр маҳсулот сифатини яхшилаш ёки бажариш билан унинг истеъмол қилиш муддати узаяди, таннархи ва меҳнат сарфи камаяди, жаҳон бозорида рақобатбардошлиги ошади, корхона иқтисодиёти яхшиланади ва истеъмолчининг талаби тўлароқ қондирилади. Шунинг учун ҳам товар (маҳсулот) сифати давлат миқёсида режалаштириш ва сифатни бошқариш объекти ҳисобланади. Шунингдек, маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига олиб келади.

Товар (маҳсулот) сифатининг юқорилиги у ёки бу ишлаб чиқариш тармоғида фан, техника ва технологиянинг яхши ривожланганлигидан далолат беради.

Маҳсулот сифатини яхшилаш ва уни таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади, чунки бу вазифа бозор иқтисодиёти ёки муносабатларининг талабларидан келиб чиқади.

Республикада амал қилаётган қонун қоидаларга асосан истеъмолчилар талаби ва амалдаги моддага мос келмайдиган паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқарган корхонага нисбатан иқтисодий жарима (санкция)лар қўлланилади. Агар бунга ишчилар айбдор бўлса, у ҳолда уларга нисбатан маъмурий ёки жиноий жазолар қўлланилади.

Маҳсулот сифатининг шаклланишида унга жуда кўплаб омиллар таъсир этади ва бу омиллар шартли равишда техник, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий омилларга бўлинади. Бу омиллар ўз навбатида объектив ва субъектив омилларга ажратилади. *Объектив омилларга* кўпроқ техник

омиллар киради: буюм конструкцияси, ишлаб чиқаришни механизация ва автоматизациялаштириш, ишлаб чиқариш базасининг техник даражаси, назоратнинг техник воситалари, замонавий технология ва бошқалар.

Субъектив омиллارга инсон фаолияти билан боғлиқ омиллар (кишиларнинг қобилияти, ишлаб чиқариш вазифалари (функциялари)ни бажаришга муносабати) киради.

Техник омилларга асбоб-ускуналарнинг жиҳозланиши, назорат воситалари ва техник хужжатларнинг ҳолати, дастлабки материаллар ҳамда ярим фабрикатларнинг сиёсати янги техник воситалар (жиҳозлар)нинг мавжудлиги, дастлабки материаллар ҳамда ярим фабрикатларнинг сифати ва шунга ўхшашлар киради.

Ташкилий омиллар режали ва бир маромда ишлаш, техник хизмат ва жиҳозларни таъмирлаш, материаллар, бутловчи буюмлар, жиҳозларни технологик хужжатлар ва назорат воситалари билан таъминланганлиги, ишлаб чиқариш маданияти, меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш каби омилларни ўз ичига олади.

Иқтисодий омиллар меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, ойлик маошининг миқдори, юқори сифатли маҳсулот ва ишни рағбатлантириш, маҳсулот яроқсизлиги учун иш ҳақидан ушлаб қолиш, маҳсулотнинг сифат даражаси, таннархи ва баҳоси каби омиллардан ташкил топади.

Ижтимоий омилларга кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, малака оширишни ташкил қилиш, илмий техник ижод, ижодкорлик ва ихтирочиликни ташкил этиш, жамоанинг турмуш шароитлари, ўзаро муносабатлар, жамоадаги психологик муҳит ва тарбиявий ишлар киради.

Бу омиллар сифатига алоҳида ёки биргаликда таъсир этиши мумкин.

2. Маҳсулот сифатини таъминлаш ва бошқаришда сертификатлаштиришнинг аҳамияти

Маҳсулот сифатини таъминлаш, унинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш ва уни бошқариш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу муаммони ҳал этишда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш муҳим роль ўйнайди, чунки фаолиятнинг бу йўналиши маҳсулот сифатини ошириш ва таъминлашнинг меъерий-ҳуқуқий асосларини яратишга ва дунё стандарти даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқишини таъминлаш, жаҳон бозорига чиқиш ҳамда ички бозорни эгаллашга йўл очиб беради.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1-сессиясида сўзлаган нутқида республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим масалалари ҳақида: «Яъни, бир

долзарб масала ишлаб чиқаришни кенгайтириш, дунё стандарти даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг рақобатбардошлигини оширишдир» деган эди.

Президентимизнинг ушбу сўзлари мамлакатимизни бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишида дастури амал бўлади десак, хато қилмаган бўламиз, чунки бозор муносабатларининг талабларидан бири, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, рақобатбардошлигини ошириш ва таъминлашдан иборат. Албатта, бу муаммоларни ҳал этишда стандартлаштиришнинг ҳам ўз роли бор. Стандар таштириш маҳсулот (хизмат)нинг белгиланган даражада функционал вазифасига мос келиши даражасини ошириш, савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш ва илмий-техник ўсишни таъминлайди. Шунингдек, маҳсулот (хизмат) сифатга талаблар ва меъёрлар белгилайди.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш маҳсулот сифатини таъминлашнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Метрология маҳсулот (хизмат)лар сифатини илмий-техник назорат қилишнинг асоси ҳисобланади. Қаерда маҳсулот ҳолати, ўлчамлари замонавий ишлаш ва ўлчаш воситалари орқали аниқланса, ўша ерда юқори сифатга эришиш мумкин.

Маҳсулот (хизмат)ни сертификатлаштириш эса уларни стандартлар талабларига жавоб беришини исботловчи иш тартибларини белгилайди. Бу эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини таъминлаш горови ҳисобланади.

Маҳсулот (хизмат) сифатига қўйиладиган талаблар ҳам стандартлар ва стандартлаштиришнинг бошқа меъёрий ҳужжатлари орқали белгиланади. Стандарда фан, техника ва халқаро тажрибанинг илғор ютуқлари шаклланади, чунки стандартларни тузишда маҳсулот сифатига қўйиладиган ички ва ташқи бозор, инсон ҳаёти, мол-мулки ва атроф-муҳит учун хавфсизлик талаблари белгиланади. Шунингдек, миллий стандарт ва техник шартларнинг халқаро, минтақавий ва МДХ давлатлараро стандартлари билан уйғунлаштириш ҳам сифатни яхшилаш, уни таъминлаш ва бошқаришда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, маҳсулот учун мўлжалланган стандарт талабларига қатъий риоя қилиш (ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш пайтларида) маҳсулот сифатини талаб даражада таъминлашга кўплаб имкон яратиб беради. Стандарлар маҳсулот сифатини таъминлаш учун: биринчидан - маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича кўп марта такрорланиб туриладиган технологик жараёнлар ва унинг сифатига қўйиладиган талабларни акс эттириши; иккинчидан - энг яхши мақбул ечимга асос бўлиши; учинчидан - амалга киритилган стандарт маълум муддат даврида ўзгармайдиган ҳамда самарали бўлиши ва шунга ўхшаш хусусиятларга эга бўлиши шарт.

Стандартлаштиришнинг ушбу хусусиятларидан охиргиси (ўзгармайдиган ва самарали бўлиши) эътиборга кўпроқ лойиқ, чунки стандарт тез-тез ўзгарувчан ва самараси пасайса, у ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ҳам пасаяди, сифатни таъминлаб бўлмайди ва охирида ишлаб чиқаришнинг ҳам самарадорлиги камаяди, ниҳоятда уни инқирозга учрашига ҳам сабаб бўлади. Шунинг учун стандартлар ҳам мунтазам равишда баҳоланиб турилади, керак бўлса қайта кўриб чиқилади, керакли ўзгартиришлар киритилади, бекор қилинади ёки унинг ўрнига фан ва техниканинг илғор ютуқларига асосланган янги стандартлар яратилади.

Ҳозирги кунда ҳам янги ишлаб чиқариладиган ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келадиган маҳсулотнинг сифатини янада яхшилаш ва уни таъминлаш ҳамда бошқариш устида самарали ишлар олиб борилмоқда. Бундай чора-тадбирлар ички ва ташқи бозор, инсон ҳаёти, унинг мол-мулки ва атроф-муҳит учун хавфсиз ва жамият талабларига мувофиқ келадиган маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Кўплаб меъёрий ҳужжатлар ва илмий манбаларда маҳсулот ёки хизматга нисбатан «сифатни ошириш ёки яхшилаш», «сифатни таъминлаш», «сифатни бошқариш» каби атамалар ёки тушунчалар ишлатилади.

Сифатни таъминлаш деб, маҳсулот ёки хизмат сифатига белгиланган маълум талабларни қондиришга ишонч ҳосил қилиш учун даврий равишда режалаштириладиган ва ўтказиладиган чора-тадбирлар мажмуига айтилади.

Сифатни таъминлаш бўйича ўтказиладиган чора ва тадбирларга қуйидагилар киради:

- бозорни ўрганиш;
- хом ашё ва материаллар етказиб берувчи корхоналарни қайта тайёрлаш;
- ишчи ходимлар ва мутахассисларни янги технология талабларига мувофиқ малакасини ошириш;
- технологик жиҳозлар қисмларини ўз вақтида алмаштириш ва уларга техник хизматлар кўрсатиш;
- ўлчаш воситаларининг ҳолатини ўрганиш ва уларни қиёслашдан ўтказиш;
- сифат тизимларини қайта кўриб чиқиш ва уларни халқаро сифат тизимлари билан уйғунлаштириш ва бошқариш.

Маҳсулотни яратиш, ишлатиш ёки истеъмол қилиш даврида унинг сифатини аниқлаш, таъминлаш ва етарли даражада сақлаш бўйича ўтказиладиган ишлар мажмуини сифатли бошқариш жараёнини ташкил этади.

Маҳсулот сифатини бошқариш сифат тизими бўйича белгиланган халқаро стандартларни қўллаш орқали маҳсулот (хизмат) сифати ва

рақобатбардошлигини ошириш чораларини ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга тадбиқ этишда ижобий ёндашишни таъминлайди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаётий даврининг бошланғич, яъни тадқиқот ва лойиҳалаш ҳамда ишлаб чиқариш босқичларида бажариладиган техник ва бошқа жараёнларни пухталиқ билан амалга оширишга қарамасдан, маҳсулотни кўп партияли ёки серияли ишлаб чиқаришда унинг сифати бўйича айрим камчиликлар (чекланишлар) пайдо бўлиши мумкин. Бу камчиликлар ёки чекланишларнинг келиб чиқишига объектив ва субъектив омиллар сабаб бўлади. Масалан, ишлаб чиқариш технологиясининг талаб даражасида эмаслиги ёки эскириши, жиҳоз ва асбоб-ускуналарнинг эскириши ёки бузилиши, ишлаб чиқариш базасининг техник, даражасининг талабга жавоб бермаслиги, ишчи ходимлар ва мутахассислар малакасининг пастлиги ёки уларнинг ўз вазифаларига лаёқатлик билан қараши, хом ашё ва материаллар сифатининг талаб даражасидан пастлиги, тайёр маҳсулотни сақлаш режимининг бузилиши ва бошқалар.

Маҳсулот сифатини пасайиши ёки унинг сифатида айрим чекланишларнинг келиб чиқиши ишлаб чиқариш корхонасидаги давлат, ишлаб чиқариш ва технологик интизомнинг бузилиши ҳамда ишчи ва раҳбар ходимларнинг маҳсулот сифати таъминлашдаги масъулиятлари билан ўзаро боғлиқ.

Ҳар бир маҳсулот сифатидаги чекланишлар ёки айрим камчиликлар меъёрий ҳужжатларда белгиланган чегарадан чиқмаса, у ҳолда бундай чекланишлар *рухсат этиладиган чекланишлар* дейилади ва бу маҳсулот реализация қилиш учун яроқли ҳисобланади. Акс ҳолда эса, маҳсулот *нуқсонли* деб аталади ва бундай маҳсулотни реализация қилиш учун яроқсиз ҳисобланади.

Маҳсулот сифатида тузатиб бўлмайдиган нуқсонлар (камчиликлар) мавжуд бўлса, бундай маҳсулот *сифатсиз* (яроқсиз) ёки *брак* дейилади. Бундай маҳсулотни муомалага чиқариш мумкин бўлмайди.

Шундай қилиб, сифатни бошқариш юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, яъни маҳсулот сифатини меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларига мослаштириш бўйича қўлланиладиган услублар ва фаолиятдан иборат экан.

Сифатни бошқариш бир вақтнинг ўзида жараённи бошқариш ва мақбул иқтисодий самарага эришиш учун маҳсулот ҳаёт даврининг тегишли босқичларида қилинган нотўғри ҳаракат сабабларини бартараф этишга қаратилган тезкор характердаги услуб ва фаолият турларини ҳам ўз ичига олади.

Собиқ иттифоқ республикаларида қабул қилинган методология чекланишларни аниқлаш, уларнинг сабабларини бартараф этиш, маҳсулотни назоратдан ўтказиш, чекланиш ва истеъмолчилар таклифларини инобатга олиш ҳамда улар асосида қарорлар қабул қилишга асосланган.

Сифатни бошқариш бўйича қарорлар кундалик мавжуд ва бундан олдин тўпланган маълумотлар асосида тузилиб, чекланишлар сабабларини бартараф этишга қаратилган ва аниқ ёзилган бўлиши керак. Қарорда масъул ходимлар ва бажариш муддатлари кўрсатилиши шарт. Бундай қарорлар маҳсулот ҳаёт даврининг ҳар бир босқичи бўйича алоҳида-алоҳида қабул қилинади.

Кўплаб ривожланган давлатлар тажрибасида ишлаб чиқариш технология жараёнларини бошқариш назорат карталарини қўллаш асосида статистик услублар ёрдамида амалга оширилади. Бундай усул маҳсулот сифати ва бошқа кўрсаткичларидаги чекланишларнинг сабабини олдиндан бартараф этиш ҳамда сифатсиз (нуқсонли) маҳсулот ишлаб чиқаришнинг олдини олиш учун имкон яратиб беради.

Демак, маҳсулотдаги мавжуд нуқсонларнинг келиб чиқиш сабабларини максимал даражада бартараф этишга қаратилган чоратадбирлар ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш сифатни бошқаришнинг асосий моҳияти ҳисобланар экан.

Сифатни бошқариш объектига қайта ишлаб чиқаришни шакллантириш жараёнлари, бошқаришнинг барча даражаларида маҳсулот сифатини сақлаш ва қайта тиклаш ҳамда меҳнат воситалари ва предметлари, меҳнат ресурслари, меҳнат сифати, ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун керак бўлган ҳужжатлар ва маълумотлар киради.

Сифатни бошқариш объектига 9000 серияли халқаро стандартларнинг мафкуриси (идеологияси)га асосан корхона (компания) ёки ташкилотнинг сифат тизимлари ҳам киради, чунки сифатни таъминлаш бўйича уларда белгиланган чора-тадбирлар бозор ва истеъмолчи талаблари ва технологик жараёнларнинг ўзгариши асосида ўзгартирилади.

Сифатни бошқариш меъёрлари ёки воситаларига қуйидагилар киради: маҳсулот сифат кўрсаткичлари ва мақсад мувофиқлигига регламент белгиловчи меъёрий ҳужжатлар, меҳнат жараёнларини бошқариш ва ташкил қилиш вазифалари (функциялари), назорат-синов, ўлчаш, маълумотлар берувчи (справочные) ва ҳисоблаш воситаларини ўз ичига олувчи ахборотлар ва метрологик таъминотлар.

Маҳсулот сифатини режалаштириш ва прогноз қилиш, маҳсулотни аттестациялаш, маҳсулот ишлаб чиқаришини тадбиқ қилиш ва йўлга қўйиш,

сифатни оширганлиги учун иқтисодий рағбатлантириш, сифатни назорат қилиш ва метрологик таъминот *сифатни ошириш элементлари* ҳисобланади.

3. Сифатни бошқариш тизимлари

Ҳар бир корхона (компания) ёки ташкилот ўзининг сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши ёки яхши хизмат кўрсатишидан манфаатдор бўлади, чунки бу бозор иқтисодиёти талабларидан биридир. Шунингдек, ҳар қандай сифатли маҳсулот ёки хизмат қуйидаги талабларга мувофиқ келиши керак:

- истеъмолчининг маълум бир эҳтиёжини қондириши;
- эксплуатация қилинишини мақсадга мувофиқ келиши;
- истеъмолчиларнинг талабларини тўлиқ қондириши;
- амалдаги меъёрий ҳужжатлар талаблари ва ҳаракатдаги қонун-қоидалар ҳамда жамиятнинг бошқа талабларига жавоб бериши;
- истеъмолчиларга рақобат нархида таклиф қилиниши;
- корхона томонидан фойда олинишини таъминлаш ва бошқалар.

Бу вазифаларни бажариш учун ишлаб чиқарилаётган ёки ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизмат сифатига таъсир этувчи барча техник, технологик, маъмурий, ижтмоий, тарбиявий ва бошқа омилларни корхона (компания) ёки ташкилот раҳбарлари ҳамда сифат учун масъул ходимларнинг доимий назоратида бўлиши керак. Шунингдек, ишлаб чиқарилган сифатсиз маҳсулот миқдорини аниқлаш, нуқсонли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кескин қисқартириб бориш ва сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришнинг олдини олиш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳам корхона (компания) ёки ташкилот раҳбарларининг кундалик режаси бўлиши керак. У ҳолда, корхона (компания) ёки ташкилот маҳсулот сифатини бошқариш фаолиятида ижобий натижаларга эришиши мумкин.

Сифатни бошқариш халқаро тизимларининг миллий сифат тизимларидан фарқи ҳам айнан юқорида кўрсатиб ўтилган мақсад ва вазифаларни назарда тутишидадир.

Кўп ҳолларда маҳсулот (хизмат) сифатини таъминлаш қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- корхона (компания) ёки ташкилотнинг сифатни таъминлашга эришган даражаси ҳамда сифат соҳасидаги сиёсатининг мақсади;
- сифатни таъминлаш бўйича масъул ходимларнинг масъулиятликни сезиш даражалари;
- техник, технология, маъмурий, инсоний, ижтимоий ва тарбиявий тадбирлар комплексида сифатга бевосита ёки билвосита таъсир этувчи омилларни тўлиқ қамраб олиш ва бошқалар.

Демак, ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси (компанияси) сифатни доимо таъминлаш ва унга самаралироқ раҳбарлик қилиш мақсадида умумий тизимга

эга бўлиши шарт ва у корхона (компания) сифатини бошқариш бўйича белгиланган мақсадга эриш учун хизмат қилишга қаратилиши керак. Сифатга умумий раҳбарлик қилиш тизимининг мазмуни эса корхона (компания) фаолияти йўналиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури, ишлаб чиқариш технологияси ва маҳсулот ассоритиментининг мураккаблигига боғлиқ бўлади.

Маълумки, корхона (компания) ёки ташкилотнинг умумий мақсади ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини белгиланган даражасига эришиш ва уни сақлаб туришига қаратилган бўлади. Бунинг учун корхона (компания) ёки ташкилот ўзидаги мавжуд техник, технология, инсоний ва бошқа ресурсларини тўғри режалаштириши ва улардан самаралироқ фойдаланиши керак. Булардан ташқари корхона (компания) ёки ташкилот ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулот (хизмат)нинг юқори сифатли эканлиги ва бу сифатни сақлаб тура олиш имкониятига эга эканлиги тўғрисида истёъмолчида ишонч ҳосил билдира олишига эришиш керак. Бу муаммоларнинг ечими маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона (компания) ёки хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг сифатга умумий раҳбарлик қилиш тизими билан тўғридан-тўғри ўзаро боғлиқ. Шунинг учун ҳам маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона (компания) ёки хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг сифатга умумий раҳбарлик қилиш тизимлари корхона (компания) ёки ташкилот эҳтиёжи ва талаблари ҳамда истёъмолчилар эҳтиёжлари ва талаблари билан ўзаро боғлиқ бўлиши керак.

Корхона (компания) ёки компаниянинг сифат тизими сифатга умумий раҳбарлик қилиш фаолиятининг асосини ташкил этади ва бу асос корхона (компания) ёки ташкилотнинг сифат бўйича сиёсатини амалга ошириш воситаси сифатида қўлланилади ва у бошқаришнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Тизим деганда, бир-бири билан ўзаро муносабатда ва боғлиқ бўлган ҳамда маълум бир бутунликни (умумийликни) ҳосил қилувчи элементлар тўплами тушунилади ёки *тизим* - бу умумий белгилари бўйича бирлашган қандайдир элементлар ёки бирликлар мажмуидир.

Демак, тизим дейилганда, бир-бири билан ўзаро узвий боғланган элементлар ёки бирликлар тўплами тушунилар экан. Тўпламнинг ҳар бир элементи ёки бирлиги эса тизимнинг таркибий қисмини ташкил қилади.

«Тизим» тушунчаси техника ва технология соҳасида график шаклида ифодаланади ва у халқаро тажрибада ҳам қўлланилади.

Ташкилий тузилиш, маъсулиятлар, бажариладиган вазифалар ва ишлар, жараёнлар, хом ашё ва инсоний ресурслар маҳсулот сифати тизимининг асосий элементлари ҳисобланади. Бу элементларнинг сони маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишда қўлланиладиган технология ва жиҳозлар ҳамда асбоб-ускуналарнинг мураккаблиги, назорат ва маҳсулот турларига боғлиқ бўлади,

чунки бу омиллар қанча кенг ва замонавий бўлса, тизим элементлари шунча кўп бўлади. ИСО 8402-86 (Качество. Словарь) халқаро стандартида «сифат тизими» қуйидагича таърифланади. *Сифат тизими* - бу сифат бўйича умумий раҳбарликни таъминлайдиган ташкилий тизимлар, масъулиятлар, ишлар (вазифалар), жараёнлар ва ресурслар мажмуидир.

Яна бошқа бир талқинда «сифат тизими» қуйидагича таърифланади. *Сифат тизими* - бу биринчи навбатда корхона (компания)да истеъмолчига керак бўлган маҳсулотни етказиб бериш ёки ташкилотга хизмат кўрсатишга имкон яратиб берувчи ишларни ташкил этишдаги муайян усулдир.

«Сифат тизими» ҳақидаги бу иккала таърифнинг ҳам маъноси деярли бир хил, чунки улар биринчидан - сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчига етказиб бериш; иккинчидан - истеъмолчига яхши ва сифатли хизмат кўрсатиш ва учинчидан сифат бўйича умумий раҳбарликни таъминлашга қаратилган.

Демак, сифат тизими корхона (компания) ёки ташкилотнинг сифатни бошқариш бўйича фаолияти, жамият ва истеъмолчилар талаблари асосида тузилар экан.

Жаҳон амалиётида кўпчилик фирмалар ва компаниялар ўзларининг таъминловчилари билан аллақачонлар сифат тизимлари асосидаги ўзаро муносабатларга ўтишган.

Сифатни бошқариш тизимларида «сифат тизими», «тизим» каби тушунчалардан ташқари «жамият талаблари», «истеъмолчи», «компания», (корхона)», «ташкилот» каби тушунчалар ҳам кўп ишлатилади. Ушбу тушунчаларга ИСО 8402-86 (Качество. Словарь) халқаро стандартида тўлиқ таърифлар берилган.

Ташкилот - бу филиал ёки мустақил бўлган жамоа ёки шахсий компания, корпорация, фирма ёки корхона. *Компания* - бу маҳсулот ёки хизмат билан таъминловчи биринчи томон.

Истеъмолчи – бу фойдаланувчи, буюртмачи, мижоз ёки қабул қилиб олувчи шахс ёки корхона (фаолият).

Жамият талаблари - қонунлар, қонун ҳужжатлари, қонунлар тўплами, жамият талаб ва қоидалари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, инсон соғлигини сақлаш, хавфсизлик омиллари ҳамда энергия ва материалларни тежаш мезонларидир.

Маҳсулот сифатини таъминлаш, уни бошқариш ва ошириш бўйича масъулиятлар, ресурслар (инсоний, техник, меҳнат ва бошқалар), технологик жараёнлар, сифатни бошқариш йўналишлари ва маҳсулот ҳаётининг умумий даври *сифат тизими элементлари* ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сифат тизимининг элементлари ва маҳсулот сифатини таъминлаш, ошириш ҳамда

бошқариш бўйича бажариладиган вазифалар (ишлар) корхона (компания) ишлаб чиқараётган маҳсулот ассортименти ва технологик жараёнларининг мураккаблиги билан ўзаро боғлиқ бўлади.

ИСО 9004-87 (Общее руководство качеством и стандарты по обеспечению качества) халқаро стандартида кўрсатилиши бўйича корхона сифат тизимларини ишлаб чиқишда қўлланиши мумкин бўлган элементлар қуйидагилардан иборат:

- далиллар (исботлар);
- корхона сифат тизимида ишлатиладиган асосий тушунчалар;
- сифат бўйича раҳбариятнинг масъуллиги ёки масъулиятлар;
- сифат тизимининг йўналишлари (тамойиллари);
- иқтисод ва сифатни таъминлаш ҳаражатлари бўйича фикр ва мулоҳазалар;
- маркетинг доирасидаги сифат;
- техник шартларни лойиҳалаш ва уларни ишлаб чиқишдаги сифат;
- моддий техник-таъминот сифати;
- ишлаб чиқариш жараёнидаги сифат;
- ишлаб чиқаришни бошқариш;
- маҳсулот назорати ёки текшируви;
- назорат - ўлчаш техник воситалари ва синаш жиҳозларини таъминлаш бўйича ишлар;
- номувофиклик;
- номувофикликларни бартараф этиш учун чора-тадбирлар;
- маҳсулотни ортиш ва тушириш ишлари ҳамда ишлаб чиқаришдан сўнгги операциялар;
- ҳужжатлар ва сифат тўғрисидаги маълумотларни рўйхатга олиш;
- ходимлар (ишчи, мутахассис, раҳбар);
- маҳсулот хавфсизлиги ва юридик масъулият;
- статистик услубларни қўллаш.

Сифат тизимининг «Далиллар (исботлар)» моддасида корхона сифат тизимини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган қуйидаги меъёрий ҳужжатлар манбалари кўрсатилган:

- ИСО 8402. Сифат. Луғат;
- ИСО 9000. Сифатга умумий раҳбарлик қилиш ва сифатни таъминлаш бўйича стандартлар. Танлаш ва қўллаш бўйича раҳбарий кўрсатмалар;
- ИСО 9001. Сифат тизимлари. Лойиҳалаш ва тузиш, ишлаб чиқариш, монтаж қилиш ва хизмат кўрсатишда сифатни таъминлаш учун андоза (модель);

- ИСО 9002. Сифат тизимлари. Ишлаб чиқариш ва монтаж қилишда сифатни таъминлаш учун андоза (модель);

- ИСО 9003 Сифат тизимлари. Охирги назорат ва синашда сифатни таъминлаш учун андоза (модель);

Сифат тизимининг «Корхона сифат тизимини ишлаб чиқишда қўлланиладиган тушунчалар» моддасидаги тизимда қўлланиладиган атама ва тушунчаларнинг таърифи берилган. Булар қуйидагилардан иборат:

- ташкилот - филиал ёки мустақил бўлган жамоа ёки шахсий компания, корпорация, фирма ёки корхона;

- компания (корхона) - маҳсулот ёки хизматни етказиб берувчи (таъминловчи) биринчи томон;

- жамият талаблари - қонунлар, қонун ҳужжатлари, қонунлар тўплами, жамият талаблари ва қоидалари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, инсон соғлигини сақлаш, хавфсизлик омиллари, энергия ва материалларни тежаш мезонлари;

- истеъмошчи - охирги истеъмош қилувчи, фойдаланувчи, буюртмачи, миждоз, олувчи ёки иккинчи томон.

Ушбу стандартнинг «Сифат бўйича раҳбарият масъулияти» моддасида корхона (компания) раҳбариятининг сифат соҳасидаги корхона сиёсати ва унинг мақсадини шакллантиришдаги масъулиятлари ҳамда сифат тизимининг ишлаш шартлари кўрсатилган. «Сифат тизимлари йўналишлари (тамоийлари)» моддасида эса, сифат тизимига асос қилиб олинган йўналишлар, маҳсулотнинг ҳаёт даври босқичлари, сифат тизимининг тузилиши, тизим ҳужжатлари, сифат тизимини назорат қилиш, сифат бўйича умумий раҳбарлик, таҳлил қилиш ва баҳолаш мезонлари кўриб чиқилган.

Сифат тизимининг «Иқтисод ва сифатни таъминлаш ҳаражатлари бўйича мулоҳазалар» моддасида керакли тизим элементларини танлаш, сифат билан боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган ҳаражатларга умумий тушунчалар ва уларни таъминлаш бўйича умумий кўрсатмалар тартиби кўрсатилган. «Маркетинг доирасида сифат» моддасида эса маҳсулот сифатини белгиловчи истеъмошчилар ва бозор талаблари ҳамда истеъмошчилар томонидан маҳсулот сифати тўғрисида маълумотлар олиш ва таҳлил қилиш тартиблари кўрсатиб берилган.

«Номувофиқликларни бартараф этиш учун таъсир этиш тартиблари» моддасида камчилик ёки номувофиқликларни бартараф этиш учун масъул ходимлар тайёрлаш, уларнинг муҳимлигини баҳолаш, умуман номувофиқликлар муаммосини ўрганиш ва уларни олдини олиш чоратадбирлари ҳамда технологик жараёнларни бошқариш бўйича ҳаракат

турлари ва номувофик маҳсулотларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш тартиблари кўрсатиб берилган.

Сифат тизимининг «Ортиш ва тушириш ишлари ва ишлаб чиқаришдан сўнгги операциялар» моддасида ортиш-тушириш ишлари, омборга жойлаш, ажратиш, маркалаш, ўраб-боғлаш, қадоқлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган ишлар тўғрисида кўрсатмалар берилган. «Хужжатлар ва сифат тўғрисидаги маълумотларни рўйхатга олиш» моддасида бошқариш жараёнларида ишлатиладиган ва рўйхатдан ўтказиладиган хужжатлар рўйхати келтирилган.

Ушбу тизимнинг «Ходимлар» моддасида ходимларни тайёрлаш, уларнинг малакасини баҳолаш ва рағбатлантириш тартиблари кўрсатиб берилган.

«Маҳсулот хавфсизлиги ва юридик масъулият» моддасида маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш бўйича юридик масъулиятлар ва «Статистик усулларни қўллаш» моддасида ушбу услубларни қўллаш соҳалари кўриб чиқилган ва бошқалар.

4. Сифат тизимларининг сертификатлаштиришдан ўтказиш

Сифат тизимини сертификатлаштиришдан ўтказиш учун корхона (компания) сертификатлаштириш идорасига буюртманома ва унда қилинган илова юборилади. Иловада сифат бўйича қўлланма, сифат ҳақидаги ахборот, рекламалар ҳақидаги маълумотлар, мувофиқлик сертификати ва шунга ўхшаш хужжатлар бўлади.

Сертификатлаштириш идорасининг илтимосига кўра, корхона сифат тизим ҳақида бошқа қўшимча маълумотлар ҳам тақдим этилиши мумкин.

Сифат тизимини сертификатлаштириш қўйидаги икки асосий босқичдан иборат бўлади:

- сифат тизимини дастлабки текшириш (ИСОга айнан ўхшашлик аудити);
- сертификатлаштириш аудити ва мувофиқлик сертификатини бериш.

Сифат тизимини дастлабки текшириш (баҳолаш) босқичи сертификатлаштириш бўйича ишларни кейинчалик ўтказилишини мақсадга мувофиқлигини аниқлаш ва сифат тизимининг аудит дастурини ишлаб чиқиши учун амалга оширилади. Аудитни ўтказиш учун эса текширув раҳбари (бош эксперт-аудитор) бошқарадиган комиссия ташкил этилади. Комиссия таркибига сифат тизимларини сертификатлаштиришдан ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиш учун аттестацияланган эксперт-аудиторлар ҳам киради.

Сифат тизимини дастлабки баҳоланиши (текшириш) сертификатлаштириш аудитни ўтказиш ҳақидаги баённома (қарор) ҳамда

сўровчи (аризачи) ва сертификатлаштириш идораси ўртасида шартнома тузилиши билан якунланади. Аудит дастури аудит бошланишидан олдин сўровчи (аризачи) билан келишиб олинади.

Иккинчи босқич юқорида кўрсатиб ўтилган қонун ва қоидалар асосида амалга оширилади.

Сифат тизимларини жорий этиш ва уларни сертификатлаштириш корхона (компания) ёки ташкилотга қуйидаги афзалликларни беради:

- самарали бошқариш таъминланади;
- маҳсулот сифатининг барқарорлигига раҳбариятда ишонч ҳосил бўлади;
- истеъмолчилардан маҳсулотни қайтиб келиш шикоятлари камаяди;
- корхона ходимларига қизиқарли, барқарор ва кўп ҳақ тўланадиган иш шаклланади;
- корхона обрўи ва давлат буюртмасини олиш истиқболлари ошади;
- корхонанинг рақобатбардошлигини ошиши ва эксперт потенциали ривожланади;
- ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сарф-ҳаражатларни камайтириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ҳисобига корхона даромадини жиддий ўсиши ва бошқалар.

Таянч иборалар: Самара ва самарадорлик; сифатни таъминлаш; уйғунлаштириш; сифат ва ишлаб чиқариш сифати; товар сифати; ассортимент; объектив ва субъектив омиллар; техник, ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий омиллар; сифатни бошқариш; сифатни бошқариш объекти; чекланишлар; рухсат этилган чекланиш; яроқли ва яроқсиз маҳсулот; назорат карталари; меҳнат ресурси ва предметлари; прогноз қилиш; маҳсулотни атесстациялаш, справочник; эҳтиёж; бевосита ва билвосита таъсир этувчи омиллар; сифатга умумий раҳбарлик қилиш тизими; корхона, компания, ташкилот; истеъмолчи; жамият талаблари; далиллар; тушунчалар, маъсулият; маркетинг ва сифат; моддий техник таъминот; номувофиқлик; ходимлар статистик усуллар; модель; сифат тизимини дастлабки текшириш; қарор ва бошқалар.

Назорат учун саволлар:

1. Сифат деганда нимани тушунасиз ва унинг вазифалари нималардан иборат?
2. Маҳсулот сифатини ошириш ёки яхшилаш нима?
3. Маҳсулот сифатининг шаклланишида қайси омиллар таъсир қилади?
4. Сифатни таъминлаш нима ва улар бўйича қандай чора-тадбирлар амалга оширилади?

5. Сифатни бошқаришда қандай ишлар амалга оширилади?
6. Сифатли маҳсулот ва хизматлар қандай талабларга мувофиқ келиши керак?
7. Маҳсулот (хизмат)нинг сифатини таъминлашда қандай омилларга боғлиқ бўлади?
8. Тизим деганда нимани тушунаси?
9. Сифат тизимига қандай таърифлар берилади?
10. Қайси халқаро стандартга асосан корхонанинг сифат тизимларини ишлаб чиқаришда қандай элементлар қўлланилади?
11. Сифат тизимлари бўйича қандай халқаро стандартлар мавжуд?
12. Сифат тизимлари қандай сертификатлаштиришдан ўтказилади?

Талабанинг мустақил иш топшириқлар:

1. Маҳсулотлар сифати тўғрисида тушунча, сифатини таъминлаш ва бошқаришда сертификатлаштиришнинг аҳамияти бўйича етарли билимга эга бўлади.
2. Сифатни бошқариш тизимлари ҳақида маълумотларни ўрганади ва маълумотларни тўплайди.
3. Сифат тизимларининг сертификатлаштиришдан ўтказиш ҳақида маълумотларга эга бўлиши лозим.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати: 14, 15, 17, 18.

17-мавзу. Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш ва сифатни таъминлаш тизими истиқболлари

1. Маърузанинг таълим технологияси

Вакти - 2 соат	Талабалар сони: 5-10 нафар
Укув машгулотининг шакли	Визуал, ахборот маъруза
Маъруза машгулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Стандартлаштириш ва сифатни таъминлаш тизимини такомиллаштириш йўллари 2. Стандартлаштириш ва сифатни таъминлаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш концепцияси 3. Маҳсулот ва хизмат сифатини таъминлашда ИСО 9000 халқаро стандартларининг аҳамияти 4. Халқаро тизим стандартларининг турлари ва уларни қўллаш соҳалари 5. Маҳсулот ҳақидаги маълумотларни стандартлаштириш ва кодлаш

<p><i>Ўқув машгулотининг миқсади:</i> Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш ва сифатни таъминлаш тизими истиқболлари, сифатни бошқариш халқаро тизимлари ва маҳсулот тўғрисида маълумотларни стандартлаштириш ва кодлаш ҳақида билимлар бериш.</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <p>. Стандартлаштириш ва сифатни таъминлаш тизимини такомиллаштириш йўллари, халқаро алоқалар, тизимнинг мунтазам такомиллаштирилиши ҳақида маълумотлар берилади.</p> <p>Стандартлаштириш ва сифатни таъминлаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш концепцияси чора-тадбирлари Дастури»ни тўлиқ амалга ошириш билан меъёрий ҳужжатларининг даражаларини халқаро стандартлар даражасига тенглаштиришга имкони курсатилади.</p> <p>Маҳсулот ва хизмат сифатини таъминлашда ИСО 9000 халқаро стандартларининг аҳамияти, тизим стандартларининг турлари ва уларни қўллаш соҳалари ,маҳсулот ҳақидаги маълумотларни стандартлаштириш ва кодлаш ҳақида ахборотлар келтирилади.</p>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <p>Стандартлаштириш ва сифатни таъминлаш тизимини такомиллаштириш билан, тизимнинг мунтазам такомиллаштирилиши ҳақида маълумотлар оладилар.</p> <p>Концепциядаги чора-тадбирлар Дастури билан танишади ва меъёрий ҳужжатларининг даражаларини халқаро стандартлар даражасига тенглаштиришга кераклиги ҳақида тушунчага эга булишади.</p> <p>Ишлабчиқарилаётган маҳсулот ва хизмат сифатини таъминлашда ИСО 9000 халқаро стандартларининг талаблари, унинг турлари ва Ўзбекистонда кулланилиши буйича ахборотларга эга булади.</p>
Укитиш услуби ва техникаси	Ахборот-маъруза, инсерт, хдмкорликда укитиш техникаси,.
Укитиш шакли	Фронтал, гуруҳларда
Укитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, график органайзерлар.
Укитиш шарт-шароити	Намунадаги аудитория

2. Маърузанинг технологи харитаси

Босқичлар, вакти	Фаолият мазмуни	
	укитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	1.1. Маъруза мавзуси ва режаси эълон қилинади. Аввалги мавзуга савол-жавоб орқали боғланади.	1.1. Эшитадилар, ёзадилар.
2-босқич. Асосий (60 мин.)	2.1. Мавзунинг ёритиш учун муаммоли саволларни таклиф этади. 2.2. Стандартлаштириш ва сифатни таъминлаш тизимини такомиллаштириш йўллари, халқаро алоқалар, тизимнинг мунтазам такомиллаштирилиши хақида маълумотлар берилади. 2.3. Стандартлаштириш ва сифатни таъминлаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш концепцияси чора-тадбирлари Дастури»ни тўлиқ амалга ошириш билан меъёрий ҳужжатларининг даражаларини халқаро стандартлар даражасига тенглаштиришга имкони курсатилади. 2.4. Маҳсулот ва хизмат сифатини таъминлашда ИСО 9000 халқаро стандартларининг аҳамияти, унинг Ўзбекистонда кулланилиши буйича ахборотлар келтирилади.	2.1. Муаммоли саволларга эътибор берадилар: «биламан-билдим» жадвалининг 1-устунини тулдирадилар. 2.2. Эшитадилар, ёзадилар. 2.3. Эшитадилар, ёзадилар. 2.4. Эшитадилар, ёзадилар.
3-босқич. Якуний (10 мин.)	3.1. Мавзуга хулоса чиқаради. Асосий масала устида тухталади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқлар беради:	3.1. Эшитадилар, саволларини беради ёзиб оладилар. 3.2. Топшириқларни ёзиб оладилар.

1. Стандартлаштириш ва сифатни таъминлаш тизимини такомиллаштириш йўллари

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакатда стандартлаштиришни мунтазам равишда ривожлантириб ва такомиллаштириб борилиши аҳоли соғлиғи, унинг мол-мулки ва атроф-

муҳитни қандай салбий таъсирлардан ҳимоя қилишда ва аҳолининг моддий ҳамда маънавий фаровонлигини оширишида муҳим аҳамият касб этар экан. Ҳақиқатдан ҳам стандартлаштириш, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, маҳсулот (хизмат)нинг аҳоли ҳаёти, соғлиги, мол-мулки ва атроф-муҳит учун хавфсизлигини таъминлашда, савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорликда учрайдиган техник тўсиқларни бартараф этишга ҳамда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларни ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини оширишга қаратилган энг самарали восита ҳисобланади. Демак, стандартлаштириш ва сифатни таъминлаш тизимларини ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга экан. Шу сабабли «Ўздавстандарт» маркази ва унинг вориси бўлган «Ўзстандарт» агентлиги, вазирликлар, стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар, таянч ташкилотлар республикаимизда миллий стандартлаштириш тизимини барпо этиш ва стандартлаштириш инфраструктурасини шакллантириш бўйича маълум даражада ишларни амалга ошириб келмоқда. Бунинг натижасида республикаимиз ва халқаро тажрибага асосланган стандартлаштиришни бошқаришнинг ўзига хос модели яратилди. Мамлакатда миллий стандартлаштириш ва сифатни таъминлаш тизимларини ислоҳ қилиш 1997 йилдан бошланган ва Ўзбекистан ҳамда Жаҳон савдо ташкилоти билан савдодаги техник тўсиқлар бўйича тузилган битим билан бевосита боғлиқ. Ислоҳ қилишнинг асосий мақсади эса республикаимизни Жаҳон Савдо Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб киришига тайёрлашда иборат.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Европа иттифоқли эксперт ўзининг ҳисоботида республикаимизнинг стандартлаштириш бўйича қонунлари Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ) ва Европа иттифоқнинг қонунларига тўлиқ мувофиқлаштирилмаганлиги кўрсатиб ўтилган. Шунинг учун республикаимизнинг амалдаги қонунларига ЖСТнинг асосий тамойиллари ва меъёрий ҳужжатларидаги фарқларни ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритилиши кераклиги таъкидлаб ўтилган. Ҳозирги кунда Европа иттифоқи экспертнинг кўрсатиб ўтган камчиликлари бўйича республикаимизнинг амалдаги қонунларига стандартлаштириш, сертификатлаштириш тизимларининг асосий қоидаларига қўшимчалар киритилган.

Стандартлаштириш ва сифатни таъминлаш тизимларини такомиллаштириш халқаро савдодаги тўсиқларни бартараф этиш, мамлакат экспорт имкониятларини кенгайтириш, халқаро стандартларни қўллаш ва уларнинг талабларига мувофиқ ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш учун шартшароитлар яратиш беради.

Демак, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширишда халқаро стандартлар билан бир қаторда миллий стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатларни етакчи чет эл мамлакатларининг меъёрий ҳужжатлари билан ҳам уйғунлаштиришни тақоза этади. Бунинг учун «Ўзстандарт» агентлиги халқаро ва етакчи чет эл мамлакатларининг стандартлаштириш ташкилотлари билан стандартларнинг қўлланилиш қонунийлиги ва уларга киритиладиган ўзгартиришларни бири-бирига мунтазам равишда тақдим этилиши тўғрисида икки ва кўптомонлама битимлар тузиши керак бўлади.

2. Стандартлаштириш ва сифатни таъминлаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш концепцияси

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, республика стандартлаштириш тизимларидаги айрим номувофиқларни эътиборга олган ҳолда ва уни бартараф этиш мақсадида ҳамда халқаро стандартлаштиришнинг ҳозирга ва келажакдаги талаблар асосида Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш ва сифатни таъминлаш тизимларини янада такомиллаштириш мақсадида «Ўзстандарт» агентлиги томонидан 2003-2010 йилларга мўлжалланган «Ўзбекистон Республикасида 2003-2010 йилларда халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда стандартлаштириш, сифатини таъминлаш тизимларини ривожлантириш ва такомиллаштириш «Концепцияси» ва уни амалга ошириш чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилган ва у стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш бўйича Идоралараро кенгашнинг 2003 йил 26 мартда бўлиб ўтган мажлисида қабул қилинган.

Ҳозирги кунда республика давлат бошқарув идоралари, юридик шахслар бирлашмалари ва бошқа тегишли ташкилотлар маҳсулот (хизмат)ларга белгиланган меъёрий ҳужжатларнинг барча фондиди Жаҳон Савдо Ташкилоти талабларига мувофиқ халқаро стандартлари асосида илмий-техник экспертизадан ўтказиш ишлари тасдиқланган чора-тадбирлар режаси асосида амалга оширилмоқда.

«Концепция»да стандартлаштиришнинг қонуний, меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, миллий стандартлар мақомини халқаро стандартлар мақомига яқинлаштириш, маҳсулот (хизмат)ларини сертификатлаштириш тизимини қайта кўриб чиқиш ва соддалаштириш, халқаро стандартларни миллий стандартлар сифатида қабул қилиш масалалари, хавфсизлик ва экология, ахборот технологиялари, ресурсларни тежаш ва маҳсулот сифатини таъминлаш каби устувор йўналишлар ўз ифодасини топган.

Республикада «Концепция чора-тадбирлари Дастури»ни тўлиқ амалга оширилиши миллий стандартлаштириш ва сифатини таъминлаш тизимлари

меъерий ҳужжатларининг даражаларини халқаро стандартлар даражасига тенглаштиришга имкон яратиб бериш билан бир қаторда Ўзбекистонни Жаҳон Савдо Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириши учун ҳам барча зарурий шарт-шароитларни яратади.

Стандартлаштириш ва сифатни таъминлаш тизимларини ривожлантириш ва такомиллаштириш Концепцияси кириш қисми ва 9 бўлимдан тузилган бўлиб, унинг 1-бўлими *«Маҳсулот рақобатбардошлигини ва сифатини оширишнинг қонуний ва меъерий ҳуқуқий асосларининг ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштириш вазифалари»* деб аталади. Унда амалдаги меъерий ҳужжатлар даражаси ва уларнинг халқаро стандартлар талабларига мувофиқдигини аниқлаш, техник регламентлараро стандартлаштириш тизимларини шакллантириш ва қўллаш, меъерий ҳужжатларни халқаро техник регламентлар ва стандартларга мувофиқлигини аниқлаш процедураси (иш тартиби) тўғрисидаги вазифалар режалаштирилган.

Концепциянинг *«Республикани Жаҳон Савдо ташкилотига киришига тайёрлаш шартларида халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда давлат стандартлаштириш тизимини такомиллаштириш»* деб номланган 2 бўлимида Жаҳон Савдо Ташкилоти аъзолари бўлган давлатлар билан ахборотлар алмашиш усуллари, техник қонунлар мажмуини шакллантириш ва ривожлантириш йўналишлари, хавфсизлик ва экология, ахборотлар технологиялари, ресурсларни тежаш, маҳсулот сифатини меъерий таъминлаш, тармоқлараро стандартлаштириш тизимлари, хизматлари ва стандартлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари соҳаларидаги вазифалар кўрсатиб берилган.

Концепциянинг 3 - *«Стандартлаштириш соҳасида халқаро ҳамкорлик»* бўлимида Республиканинг ушбу соҳада халқаро ҳамкорлигидаги асосий вазифалари белгиланган. Ушбу Концепциянинг 4-бўлимида стандартлаштиришни ахборотлар билан таъминланиши ва маҳсулотни каталоглаш давлат тизимининг ишлаб туришини таъминлаш масалалари ўз аксини топган. Мудофаа маҳсулотларини стандартлаштириш масалалари ушбу концепциянинг 5-бўлимида кўрсатиб берилган.

Концепциянинг 6 - *«Стандартлар устидан давлат текшируви ва назорати»* бўлимида стандартлар устидан давлат текшируви ва назоратини келажакда техник регламентларга риоя қилиш устидан назорат қилишга айланиши тўғрисида маълумотлар берилган. Концепциянинг *«Маҳсулот ва хизматларнинг мувофиқлигини тасдиқловчи миллий тизимни такомиллаштириш»* деб номланган 7-бўлимида мувофиқликни тасдиқлашнинг амалий йўналишлари кўрсатилган.

Концепциянинг 8-бўлимида Халқаро стандартлар даражасида ишлаб чиқаришни ўзлаштирганлиги ва маҳсулот ишлаб чиқарганлигини рағбатлаштириш масалалари ўз аксини топган.

Концепциянинг «*Кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни такомиллаштириш*» деб номланган 9-бўлимида Ўзбекистонни Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиб киришга тайёрлаш даврида ўқув жараёнини комплекс бошқариш масалаларига эътибор қаратилган.

Концепцияни амалга ошириш чора-тадбирлар Дастури уч қисмга ажратилган:

- «Стандартлаштиришни такомиллаштириш»;
- «Ишлаб чиқариш, маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштиришни такомиллаштириш»;
- «Кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш».

Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш бўйича Концепцияда кўрсатилган ишларнинг аксарият қисмини бажарилиш муддати 2003-2005 йилларга мўлжалланган.

Дастлабки қабул қилинган Миллий сертификатлаштириш давлат тизими республикада ишлаб чиқарилаётган ва четдан келтириляётган маҳсулот турларининг барчасини мажбурий сертификатлаштиришдан ўтказишни назарда тутар эди. Бу ҳол ўз навбатида сертификатлаштириш бўйича ишларни ҳаддан ташқари ошиб кетишига олиб келди. Бундан ташқари, қабул қилинган сертификатлаштириш тартиби жуда кўп вақтни талаб қилар эди. Шу сабабли келгусида ушбу камчиликларни бартараф этиш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун қўлайликлар яратиш, сертификатлаштириш жараёнларини соддалаштириш ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004 йилнинг 6 июлида «Маҳсулотни сертификатлаштириш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 318-сонли қарор қабул қилинди. Ушбу қарор асосида биринчи марта мажбурий сертификатлаштиришдан ўтказиладиган маҳсулотлар турлари деярли 1/3 баробарга қисқартирилган. Мажбурий сертификатлаштириладиган маҳсулотлар рўйхатига кирмаган маҳсулотларни 2004 йилнинг 1-октябридан бошлаб декларация орқали белгиланган талабларга мувофиқлиги тасдиқланиш зарурлиги назарда тутилган. Шунинг билан биргаликда четдан келтирилган маҳсулотларнинг синовлари учун намуналарнинг энг юқори чегараланган миқдори белгиланган ҳамда сертификатлаштириш хизматлари учун ҳаражатлар тўлови тартибини ўзгартириш ҳам назарда тутилган. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда «Маҳсулотни сертификатлаштиришдан ўтказишнинг тартиби тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилди (яратилди) ва

Вазирлар Маҳкамасининг юқорида кўрсатиб ўтилган 318-сонли қарори билан тасдиқланган.

3. Маҳсулот ва хизмат сифатини таъминлашда ИСО 9000 халқаро стандартларининг аҳамияти

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодни ислоҳатлар натижасида республикамизнинг ички бозорида товар ва хизматларнинг эркин айланиши ва бозор механизмларидан фойдаланиш учун керакли шароитлар шакллантирилди, бозор инфраструктураси (тузилмаси) ва рақобат муҳити яратилди. Шу асосда ишлаб чиқариш маданияти ҳамда маҳсулот сифати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишлаб чиқарувчилар ва бошқа товар етказиб берувчиларнинг ҳам масъулиятлари ошиб бормокда. Шунинг билан биргаликда республикамиз миллий корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари ва кўрсатадиган хизматлари билан ташқи бозорга чиқиш учун ҳам қулай имкониятлар яратилмоқда.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг билан ташқи бозорда қатнашишни таъминлаш ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини янада яхшилаш ва корхонада кўпроқ фойда олишни таъминлайдиган сифат тизимини яратишга имконият яратиб беради. Бундан сифат тизимларини яратишда эса ИСО 9000 серияли халқаро стандартининг роли жуда катта. Чунки, барча ривожланган мамлакатларда ИСО 9000 серияли халқаро стандартлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этишда ажралмас қисм, ташқи бозор эшигини очувчи «калит» сифатида хизмат қилади. Шунинг билан биргаликда республикамизда ИСО 9000 серияли халқаро стандартлар талаблари асосида миллий корхоналар сифатни бошқариш тизимларини амалга ошириш ва улардан самарали фойдаланиш, юқори сифатли, инсон ҳаёти учун зарарсиз маҳсулот ва хизматлар яратиш, уларнинг ташқи бозорда чет мамлакатларда ишлаб чиқарилган ўхшаш маҳсулотлар билан рақобатда қатнашиш ва маҳсулотни импорт қилинадиган мамлакатлар ҳудудларида сертификатлаштириш ва стандартлаштириш билан боғлиқ бўлган айрим техник тўсиқларни камайишига имкон яратади. Яна шу нарсани таъкидлаш жоизки, ИСО 9000 халқаро стандарт оиласига кирувчи стандартларнинг жорий этилиши биргина ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаб ва унинг хавфсизлигини таъминлаб қолмасдан, балки улар универсал характерга эга бўлганлиги сабабли, уларни ҳар қандай ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида ҳам қўллаш мумкин.

Республикамизнинг ишлаб чиқариш корхоналарида ИСО 9000 халқаро стандарти базасида сифатни бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун юқорида таъкидлаб ўтилганидек,

кўплаб қўлайликлар яратади. Шунингдек, ИСО 9000 халқаро стандартлари бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг барқарор фаолият кўрсатиши ва ривожланиши учун ҳам маълум даражада фойда олиш гарови ҳисобланади. Масалан, Жаҳон бозорида иштирок этаётган мамлакатлар тажрибасида маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва уни етказиб берувчилар уч гуруҳга ажратилади:

1) етказиб берилган товар сифати бўйича мутлоқ ишончли (корхона)лар. Яъни, бундай гуруҳга ИСО 9000 стандартлари талаблари асосида сертификатлаштирилган сифат тизимлари мавжуд корхоналар киради. Улар шартли равишда «А» гуруҳ корхоналари дейилади.

2) етказиб берилган товар сифати бўйича нисбатан ишончли корхоналар. Бу гуруҳга кирувчи корхоналар ИСО 9000 халқаро стандартлари талаблари асосида сифат тизимларини эндигина амалга ошираётган корхоналар киради ва шартли равишда улар «В» гуруҳ корхоналари дейилади.

3) етказиб берилган товар сифати бўйича ишончсиз корхоналар. Уларга ИСО 9000 стандарти талаблари асосида сифат тизимлари яратилмаган корхоналар киради ва улар шартли равишда «С» гуруҳи деб аталади.

Бозор экспертларининг маълумотларига қараганда, «А» гуруҳига кирувчи корхоналарнинг маҳсулотлари «С» гуруҳига кирувчи корхоналарнинг маҳсулотларига нисбатан деярли 50 фоизга ортиги билан сотилар экан.

ИСО 9000 халқаро стандартларининг юқорида таъкидлаб ўтилган афзалликларини ҳисобга олган ҳолда, айрим Мустақил Давлат Ҳамдўстлиги давлатларида уларни жорий этиш корхоналарга қўшимча имтиёзлар берилади. Масалан, Россия Федерациясида ишлаб чиқариш бўйича давлат буюртмалари фақат ИСО 9000 халқаро стандартлари талаблари асосида сифат тизимлари сертификатлаштиришдан ўтказилган корхоналарга берилади.

4. Халқаро тизим стандартларининг турлари ва уларни қўллаш соҳалари

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот сифати ички ва ташқи бозорда унинг рақобатбардошлигини белгиловчи ўлчов (мезон) ҳисобланади. Шунинг учун ҳам республикада Ўздавстандарт («Ўзстандарт» агентлиги) мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига мўлжалланган меъёрий ҳужжатлар (стандартлар, техник шартлар) талабларини халқаро стандартлар ва жаҳон бозори билан мувофиқлаштириш сиёсатини олиб бормоқда. Бундай тадбирлар миллий ва қўшма корхоналар

маҳсулотларини чет мамлакатлардан келтириладиган маҳсулотлар сифатидан паст бўлмаслигига кафолат бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, маҳсулот сифати истеъмолчилар эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, меъерий ҳужжатлар, амалдаги қонунчилик, экологик ва хавфсизлик талабларига жавоб берадиган бўлиши керак. Шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқараётган корхонага иқтисодий самара келтиришга ҳам қаратилган бўлиши керак. Шу боисдан ҳам маҳсулот ишлаб чиқараётган ҳар бир корхона (компания)да сифатни таъминлаш тизими ишлаб чиқарилиши лозим.

Жаҳон амалиётида кўпчилик фирма ва компаниялар ўзларининг таъминловчилари билан кўпдан буён сифат тизимлари асосида ўзаро муносабатларга ўтишган.

Сифат тизимининг биринчи стандартлари Буюк Британияда 1970 йилларла ишлаб чиқилган эди, 1987 йилда АҚШ, ГФР, Канада ва бошқа мамлакатлар иштирокида стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот ИСО томонидан маҳсулот сифатини таъминлаш тизимларига аниқ талаблар кўядиган 9000 серияли бешта халқаро стандартлар ишлаб чиқилди, тасдиқланди ва жорий этилди. Бу стандартларда сифат тизимини яратиш бўйича халқаро тажрибалар умумлаштирилган.

Ушбу стандартлар жаҳоннинг кўплаб давлатлари (Австрия, АҚШ, ГФР, Буюк Британия, Финляндия, Франция, Швеция, Швейцария ва бошқалар) ўзларининг миллий стандартлари сифатида қабул қилиб олишган. 1988 йилда 9000 серияли халқаро стандартлар собиқ Иттифоқда ҳам миллий стандартлар сифатида қабул қилинган эди ва уларни қўллаш бўйича тегишли меъерий-услубий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Масалан, ГОСТ 40. 9001-88, ГОСТ 40. 9002-88 ва ГОСТ 40. 9003-88 рақамли стандартлар.

Қуйидаги сифат тизими стандартлари халқаро стандартлар таркибига киритилган;

- ИСО 9000-87 Сифатни бошқариш бўйича умумий қўлланма ва сифатни танлаш бўйича стандартлар;

- ИСО 9001-87 Сифат тизимлари. Лойиҳалаш ёки тайёрлашда, ишлаб чиқариш, монтаж қилишда ва хизмат кўрсатишда сифатни таъминлаш модели;

- ИСО 9002-87 Сифат тизимлари. Ишлаб чиқариш ва монтаж қилишда сифатни таъминлаш модели;

- ИСО 9003- 87 Сифат тизимлари. Охириги назорат ва синовдан ўтказишда сифатни таъминлаш модели;

- ИСО 9004-87 Сифатни умумий бошқариш ва сифат тизимининг элементлари.

- ИСО 9001, ИСО 9002 ва ИСО 9003 халқаро стандартлари маҳсулот ҳаётий даврини турли босқичлари учун сифат тизимига бўлган талабларни ўз ичига олади.

- ИСО 9004 стандарти сифат тизимига қўйиладиган талабларни изоҳловчи раҳбарий кўрсатмаларни ифода этади ва тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда тайёрловчи корхона томонидан қўлланишга мўлжалланган.

- ИСО 8402-86 (Сифат. Луғат) халқаро стандарти атамашунослик стандарти ҳисобланади.

Кейинги йилларда услубий қўлланма сифатида хизмат қилувчи яна ўндан ортиқ стандартлар ишлаб чиқилган. Масалан, ИСО нинг 10011 стандарти аудитни ўтказиш билан боғлиқ. Бугунги кунда ушбу сериянинг 20 та стандартлари амал қилишмоқда.

ИСО нинг бошқа стандартлари сингари ИСО нинг 9000 серияли стандартлари ҳам уларни актуаллаштириш мақсадида вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилади. Жумладан, 1994 йилда ИСО нинг 9001, 9002 ва 9003 стандартлари қайта кўриб чиқилди ва уларга аниқликлар киритилди ҳамда стандартларни ўзаро боғланишини кузатиб боришлиги соддалаштирилди.

Ҳозирги вақтда 2000 йил тарихидаги ИСО 9001 стандарти жорий этилган ва у ИСО 9001, 9002 ва 9003 стандартларини умумлаштирган.

ИСО 9000 серияли стандартлари қуйидаги ҳолларда қўлланишига мўлжалланган:

а) рақобатбардошликни ошириш мақсадида маъмурий бошқариш учун;

б) биринчи ва иккинчи томонлар орасидаги шартнома (контракт) шароитларида сифат тизимининг айрим элементларини текшириш учун;

в) етказиб берувчининг сифат тизимини ИСО стандартининг барча элементлари бўйича истеъмолчи томонидан баҳоланишидан иборат бўлган шартнома талаблари бўйича;

г) учинчи томондан сертификатлаштириш учун.

5. Маҳсулот ҳақидаги маълумотларни стандартлаштириш ва кодлаш

Агар биз дўкондан ёки бошқа бир савдо корхоналаридан товар харид қиладиган бўлсак, албатта товар этикеткаси ёки унинг ёнидаги ҳар хил қалинликдаги чизиқлар ва рақамлар билан белгиланган шаклни кўрамиз, чунки ҳозирги пайтда товарлар(маҳсулотлар)нинг аксарият қисми шундай белгили шакллар билан муомалага чиқарилмоқда. Бундай белгининг номи *штрихли код* деб юритилади. Аммо бу белгили шакл ёки штрихли код ҳақидаги маълумотлар кўпчилик истеъмолчиларга ҳали тўлалигича етиб борган эмас. Шунинг учун ҳам биз ушбу саволни ёритиш учун штрихли кодлаш ҳақида етарлича маълумотлар беришга ҳаракат қиламиз.

Штрихли кодлаш тўғрисида берилган тарифлар кўп лекин уларнинг асл маъноси бир хил. Шулардан айримларини келтириб ўтамиз.

Штрихли код - бу оптик усулда, кўндаланг канерлаш йўли билан ўқиладиган ҳар хил қалинлик ва қадамларга (шаг) эга бўлган параллел штрихлар (чизиқлар) тўплами ёрдамида ташкил топган код.

Штрихли кодлаш - бу махсус ишлаб чиқилган халқаро ахборотлаштириш тизими ёрдамида маҳсулотларнинг асосий параметрларини белгиловчи услуб. Ёки *штрихли код* - бу белгилар, рақамлар ва ҳарфларни штрих (чизиқ) ва оралиқлар кетма-кетлиги кўринишидаги кодлаш йўли бўлиб, ахборотни тез ва аниқ компьютерга киргиши учун хизмат қиладиган шакл. Ёки штрихли кодлаш - бу белгиланган шакл, ўлчам, ранг.

Бошқа бир талқинда *штрихли код* (ШК) - бу ҳар хил кенгликдаги қора ва ёруғ (ёки оқ) чизиқларнинг алмашиб туришидир деб тушунтиради.

Ҳақиқатдан ҳам юқорида штрихли код (ШК) ҳақида келтирилган талқинлар ҳар хил бўлишига қарамасдан уларнинг маъноси бир-бирига жуда яқин ва ўхшаш.

Шаклдаги маълум бир кенгликдаги йўл-йўл чизиқлар ҳамда уларнинг бирлиги (бирга қўшилиши) ахборот тарқатувчилар ҳисобланади. Товарнинг штрихли коди ўзича унинг сифати ҳақида маълумот ёки ахборот бермайди, у фақат ушбу товар тўғрисидаги барча ахборотларни сақловчи электр ҳисоблаш машинаси (ЭХМ) хотираси уячаларининг адреси ҳисобланади, холос. Бу маълумотлар тўплами товар ҳақидаги маълумотлар базасини ҳосил қилади.

Штрихли коддаги «Давлат байроғи» деб аталувчи ёки товар келиб чиққан мамлакатни аниқлаш имконияти истеъмолчи учун энг муҳим ҳисобланади. Штрихли кодда жойлашган барча қолган ахборотлар махсус оптик асбоб - сканер орқали ҳисобланиши (ўқилиши) ёки ЭХМ га берилиши мумкин. Сканердаги декодер ёрдамида штрихли кодда кодланган маълумотни олиш мумкин. ЭХМ ўз навбатида олинган ахборотларни ҳисоблайди, қайта ишлайди ва олинган натижа бўйича товар ҳаракатини аниқлайди.

Штрихли кодни маҳсулотларга нисбатан тадбиқ этиш (қўллаш) ғояси илк бор 1930 йилларда АҚШнинг Гарвард бизнес мактабида яратилган бўлиб, ундан амалда фойдаланиш 1960 йилдан бошланган. Штрихли кодлаш илк бор истеъмол товарларини кодлаш учун ишлатилган.

Изданишлар натижасида товар ҳаракатини жадаллаштириш (интенсификациялаш) ва ҳужжатлаштиришни сериялаштириш мақсадида 1960 йилларнинг охирларида товарларни тартиб рақами (номери) бўйича

айнан ўхшатишга (идентификациялашга) асосланган универсал тизимлар яратиш ҳақида биринчи ғоялар пайдо бўла бошлади. Жумладан, 1973 йили АҚШда *Маҳсулотнинг Универсал Коди (UPC)* қабул қилинди ва 1977 йилдан бошлаб эса *Европа Кодлаш тизими* (номерлаш ассоциацияси) (EAN) таъсис этилди.

Бу тизим (ассоциация)га яна бошқа мамлакатлар ҳам аъзо бўлиб кирганлиги сабабли, 1981 йилдан бошлаб номерлаш ассоциацияси *Халқаро номерлаш ассоциацияси* деб атала бошланди. Бугунги кунда унинг таркибига 80га яқин давлатлар аъзо бўлиб кирган. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам 1999 йилдан бошлаб, бу ташкилотнинг ҳақиқий аъзоси ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунё мамлакатларида 30 дан ортиқ ҳар хил типдаги штрихли кодлар қўлланилмоқда. Шулардан EAN кодлаш тизими универсал бўлиб, амалда ҳар қандай турдаги товарга қўлланиши ва ҳар қандай «ишлаб чиқарувчи – улгуржи корхона - чакана савдо корхонаси» шаклидаги занжир (цеп) нинг нуқтасида қўлланиши мумкин. EAN тизими доирасида ахборотларни электрон усулда алмаштириш стандарти (EANCOM) ишлаб чиқилган (яратилган) ва у жаҳоннинг кўплаб давлатларида кенг қўламда қўлланилмоқда.

ШК ўзига хос сифат белгиси ҳисобланади, яъни товарга штрихли код беришда уни халқаро стандартларга мос келиши текшириб кўрилади. ШКнинг мавжудлиги сабабли, бу сифат белгиси кўпдан буён жаҳоннинг аксарият давлатларида меъёр (норма) бўлиб қолган. Жумладан, АҚШ, Ғарбий Европа ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида товарнинг упаковкиси ёки этикеткасига ШК қўйиш мажбурий талаб бўлиб қолган ва бу мамлакатларнинг аксарият қисмида штрихли коди бўлмаган маҳсулотларни четдан олиш ва бозорда сотиш ман этилган. Масалан, ЕС (Европа иттифоқи) таркибига кирувчи давлатларга 1994 йилдан бошлаб штрихли коди бўлмаган импорт маҳсулотларини киритиш ман этилган.

ШКнинг моҳиятларидан бири шуки, товар тўғрисидаги барча ахборотларни (маълумотларни) компьютерга жойлаштириш мумкин. Штрихли код жуда аниқ бўлиб, улар қўл ёрдамида маълумотларни киритишдаги хатоликларни олдини олади. Ўтказилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, Штрихли кодларни ўқишда хатоликлар фоизнинг мингдан бир бўлагидан кам эканлигини кўрсатиб берган. Ўтказилган тестлар натижаси эса, штрихли код ёрдамида кодланган маълумотлар 10 млн. белгига 1 та хато тўғри келишини исботлаб берди. Қўл ёрдамида киритилган маълумотларда 10 белгига 1 та хато тўғри келади. Энди

уларни таққослаб кўрадиган бўлсак, штрихли кодлашнинг аҳамияти жуда ҳам катта ва муҳим эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Штрихли кодлаш - бу маълумотни тез киритиш демакдир. Штрихли кодлар тез ва осон ҳосил қилинади ва умумий ишлатиладиган принтерлар ёрдамида босилиши мумкин. Бу услуб биргина хатоликларни камайтирибгина қолмай, балки у ахборотни тез ва арзон йиғади, сақлайди ва қидиради ҳамда самарали алоқани таъминлайди. Бу хусусиятлар унумдорлик ва ахборот аниқлигини оширади, етказиб бериш жараёнлари жадвали (графики)ни яхшилади ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган вақт, куч, ишчи ресурслари, материал ва маблағлар ҳаражатини камайтиради. Ундан ташқари, штрихли код - маълумот йиғишда саноат ва савдо манфаати учун хизмат қилади, халқаро аҳамиятга эга, бошқа фойдаланувчиларга боғлиқ эмас, жаҳон миқёсида кўп моҳиятли код ёрдамида ҳар қандай товар бирлигини айнан ўхшатиш (индетификациялаш) ишларини бажаради ва хоказолар.

Штрихли код - бу ишлаб чиқарувчисининг визит карточкаси дир, деб таъкидланади яна бир манбада. Ҳақиқатдан ҳам ушбу таъриф айнан унга жуда монанд.

Штрихли кодлашдан компьютерга маълумотларни қўлда киритиладиган барча жойда фойдаланиш мумкин. Масалан, ишлаб чиқарувчилар, чакана савдо қилувчилар, молия хизмати, маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар, телефон компаниялари, давлат агентликлари, соғлиқни сақлаш муассасалари, транспорт компаниялари ва бошқа тармоқларда компьютерга ахборотни қўлда киритмаслик учун штрихли кодлардан фойдаланишадилар. Айниқса, штрихли кодлаш хом ашё ва тайёр маҳсулотни ҳисобга олиш, товар айирбошлаш ва ишлаб чиқариш соҳаларида кўпроқ қўлланилади.

Штрихли кодларнинг элементлари штрихлар ва ораликлар, кишилар ўқийдиган белгилар ва ёруғ зоналардан ташкил топган. Булардан штрихлар ва ораликлар маълумотларни кодлаш шаблонини белгилайди (аниқлайди). Инсон ўқийдиган белгилар бу - штрихлар ва ораликлар ёрдамида кодланган ахборотлар (маълумотлар)ни кишилар ўқиши учун матн сифатида берилишидир. Ёруғ зоналар эса штрихлар ва ораликларгача ва ундан кейинги тоза майдон бўлиб, бу зоналарнинг мавжудлиги штрихли кодни ўқиш учун энг зарур элементларидан бири бўлиб ҳисобланади (18.1-расм).



17.1-расм. 13 разрядли EAN коди.

Дўконлар ва харидорлар билан ҳисоб-китоб қилиш нуқталарида 90 фоиз атрофидаги муаммолар штрих коднинг икки томонидаги (чеккасидаги) ёруғ майдонни кичрайишидан келиб чиқади. Шунинг учун номинал ўлчамда нашр (чоп) қилинган штрихли код EAN-13 учун ўзидан чап томондан 3,63 мм ва ўнг томонидан 2,31 мм ёруғ майдон қолиши керак. Штрихли код EAN-8 учун эса, чап ва ўнг майдонлар 2,31 мм дан кичик бўлмаслиги керак.

Штрихли коднинг назорат рақами маълумот ёки ахборотларни тўғри ўқиладиганлигини текшириб туради. Назорат рақами кодланган рақамларнинг охирига қўшилади (18.1-расм).

Ҳозирги кунда энг кўп тарқалган штрихли коднинг иккита асосий тури - EAN ва Америка коди - UPC мавжуд бўлиб, буларнинг ичида энг кўп ишлатиладиган код – EAN-13 ва EAN-8 ҳисобланади. Бу кодларни биз чакана савдога келаётган барча товарларда учратамиз. Чунки, 70 йиллар бошида пайдо бўлган бу штрихли код бутун дунёга ёйилиб кетган ва улар бир хилда ўқилади.

EAN-13 ва EAN-8 кодлари чакана савдога келаётган товарлар учун стандарт штрихли код ҳисобланади. Бу код фақат 13 ёки 8 хонали рақамлар тўпламини ўз ичига олади. Бу атамада EAN (European Article Number) сўз тўпламининг аббревиатураси (қисқартма сўз, масалан, почта), холос.

13 рақамга эга бўлган код *EAN-13* деб аталади. Бундаги 1, 2 ва 3 рақамлар EAN ассоциацияси томонидан ўрнатилган тартибда берилади ва улар *мамлакат (давлат) кодини* билдиради. Кейинги тўртта рақам - *товар тайёрловчисининг индекси*. Коднинг қолган бешта рақами ишлаб чиқарувчига ўзининг хоҳиши бўйича маҳсулотни кодлаш учун тақдим этилади. Бунда кодни нулдан бошлаб, 99999 гача давом эттириши мумкин. Коднинг охириги 13 - рақами *назорат рақами* дейилади.

EAN коди 1998 йили Ўзбек стандартлари (O'zDSt 6.17 01:1999, O'zDSt 6-17 04:2000) га киритилган ва бу кодлар халқаро стандартларга асосланганлиги учун, улар Европа, Осиё, Марказий ва Жанубий Америка ва

Океания давлатларида қўлланиладиган EAN кодлари билан ўзаро алмашувчандир.

Ҳар бир давлатда коднинг тузилиши ҳар хил бўлиши мумкии. Масалан, Ўзбекистонда коднинг биринчи уч рақами - *миллий ташилотнинг префикси*, кейинги олти рақам - *корхона маҳсулот эгасининг рақами*, ундан кейинги учта рақам - *товарни индентификациялаштириш* (айнан ўхшатиш ёки тенглаштириш) *блоки ва охири рақам назорат рақами*.

EAN-13 кодининг таркиби қуйидаги кодлардан иборат:

- давлат коди ("давлат байроғи");
- корхона (фирма, компания) - тайёрловчи коди;
- маҳсулот коди;
- назорат сони (18.1-расм).

EAN ассоциацияси томонидан ҳар бир давлат (мамлакат) учун кодлар диопозонлари берилди. Кодлар кўпинча икки белгидан тузилади (масалан, Франция 30-37, АҚШ ва Канада 00-09, Япония 45-49), лекин тайёрловчи кодни бир белгига қисқартириш ҳисобига уч белгилари ҳам бўлиши мумкин. Масалан, Россия 460-469, Германия 400-440 ва бошқалар (18.1-жадвал).

ШК ҳақида ахборотлар жойлашган банклар - давлатлар коди ҳақидаги маълумотлар.


17.1-жадвал

Давлат номи	Давлат коди	Давлат номи	Давлат коди	Давлат номи	Давлат коди
АҚШ ва Канада	00-09	Швеция	73	Латвия	4605
Франция	30-37	Мексика	750	Тайвань	471
Болгария	380	Венесуэла	759	Эстония	474
Германия	400-440	Швейцария	76	Филлипин	480
Россия	460-469	Аргентина	779	Мальта	535
Сянгань	489	Чили	780	ЖАР	600-601
Япония	45-49	Бразилия	789	Марокко	611
Буюк Британия	50	Италия	80-83	Тунис	619
Греция	520	Испания	84	Гавтемала	740-745
Кипр	529	Ўзбекистон	478	Сальвадор	740-745
Ирландия	539	Куба	850	Гондурас	740-745
Бельгия ва Люксембург	54	Чехия	859	Панама	740-745
Португалия	560	Югославия	860	Никарагуа	740-745

Исландия	559	Туркия	869	Коста-Рика	740-745
Дания	57	Нидерландия	87	Колумбия	770
Польша	590	Жанубий Корея	880	Уругвай	773
Венгрия	599	Сингапур	889	Перу	775
Финляндия	64	Австрия	90-91	Эквадор	786
Хитой	690	Австралия	93	Тайланд	885
Янги Зеландия	94	Словения	383	Индонезия	899
Исроил	729	Хорватия	385	Малайзия	955

ЕАН - 8 код қуйидаги кодлар таркибидан иборат:

- давлат коди («давлат байроғи»);
- корхона (фирма) - тайёрловчи код;
- назорат сони (18.2-расм).



17.2-расм. 8 разрядли ЕАН коди.

ЕАН-8 кодида баъзан, тайёрловчи корхона кодининг ўрнига маҳсулотнинг қайд этиш тартиб рақами (номери) ҳам келтирилиши мумкин.

Бу код (ЕАН-8) маркалаштириш, жойлаш ёки унча катта бўлмаган товарлар учун ишлатилади (қўлланилади). Ушбу типдаги ШК ЕАН-13 типдаги ШК дан қисқартирилган ахборотлар ва кичик ўлчамлари (размерлари) билан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам унинг рақамлари тўлиқ жойлашмаганлиги сабабли кичик (майда) габаритли товарларга босилади.

ЕАН-13 ҳар қандай упаковка ёки товарларга босилади (агар унинг майдонига сифса).

ЕАН-14 фақат транспорт (юкли) упаковкалари учун қўлланади. Бу ШК нисбатан йирикроқ бўлганлиги сабабли уни босиш (чоप этиш) учун юқори сифатли печат талаб этилмайди. Агар товар упаковкаси билан сотилса, у ҳолда фақат ЕАН-13 қўлланилади, чунки ЕАН-14 товар ҳақида ахборотга эга

эмас ва дўконда ўрнатилган сканерловчи мосламада ҳисоблаб ёки санаб (ўқиб) бўлмайди.

Коддаги рақамлар қатори сканер учун эмас, балки харидор (истеъмолчи) учун мўлжалланган. Харидор учун маълумот фақат маҳсулот тайёрланган давлатни билдириш билан чегараланади, чунки давлат коди махсус нашрлар ва ахборотномаларда босилиб турилади ёки ахборот базалари ва банкларда сақланиши мумкин.

Тўлиқ ШК эса, ташқи савдо ташкилотлари ёки савдо объектларига маҳсулотнинг аниқ келиб чиқиш реквизитларини билиш ва керак бўлган ҳолларда маҳсулотнинг шартнома (контракт) талабларига мос келмайдиган параметрлари ва кўрсаткичлари ҳақида аниқ бир манзилга (нуқтага) *радия* ёки *норозилик* билдириш имконини яратади.

Ҳозирги кунда республикамызда ҳам штрихли кодлашни кенг миқёсда тадбиқ этиш бўйича маълум даражада ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 1999 йилда Ўздавстандарт қошидаги Ўзбекистон стандартлаштириш метрология, сертификатлаштириш ва маҳсулот сифатини бошқариш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва тадқиқотлар институти (ЎзТМТИ)да штрихли кодлаш (кодлар) билан шуғулланувчи марказ ташкил этилди. Бу марказнинг асосий мақсади маҳсулотни автоматлаштирилган тарзда идентификациялаш (айнан ўхшатиш, тенглаштириш ёки бирдай қилиш) бўйича муаммоларни ҳал этиш ва бу фаолиятни кенг равишда тарғиб қилишдан иборат.

Таянч иборалар: «Ўзстандарт» агентлиги; Ўздавстандарт маркази; Жаҳон Савдо Ташкилоти; Европа иттифоқи; Концепция; чора-тадбирлар Дастури; Маҳсулот рақобатбардошлиги; стандартлаштиришни такомиллаштириш; 318-сон қарор; декларация; ИСО 9000; «Л», «В» ва «С» гуруҳлари. ИСО 9000-87; сертификатлаштириш; ИСО 9001, 9002, 9003, 9004-87 ва ИСО 8402-86 қўлланилиши; штрихли код; штрихли кодлаш; зона; префикс; товар коди; корхона рақами; назорат сони; товар айрабошлаш; ишлаб чиқариш; EAN – 8, 13, 14; сканер; декадер ва бошқалар.

Назорат учун саволлар:

1. Стандартлаштириш ва сифатни таъминлаш тизимини такомиллаштириш йўллариининг аҳамияти нималардан иборат?
2. Ўзбекистонда стандартлаштириш ва сифатни таъминлаш тизимини такомиллаштириш қайси йиларга мўлжалланган?
3. Такومиллаштириш концепциясида қандай чора-тадбирлар дастури келтириб ўтилган ва унинг нечта бўлими мавжуд?

4. ИСО 9000 халқаро стандартининг маҳсулот ва хизматни таъминлашдаги аҳамияти нималардан иборат?

5. Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва уни етказиб берувчилар нечта гуруҳ ажратилади?

4. Сифат тизимининг биринчи стандарти қаерда ва қачон ишлаб чиқилган?

5. Сифат тизими стандартлари қайси халқаро стандартлар таркибига киритилган?

6. ИСО 9000 халқаро стандарти қайси ҳолларда қўлланилади?

7. Штрихли кодларга таъриф беринг.

8. Штрихли код илк бор қаерларда ишлатила бошланган?

9. Ҳозирги вақтда штрихли коднинг нечта асосий тури мавжуд?

10. EAN-13 ва EAN-8 штрихли код нималардан таркиб топган?

11. Нечанчи йилда Ўзбекистонда штрихли код билан шуғулланувчи қандай марказ ташкил этилган?

Талабанинг мустақил иш топшириқлар:

1. Стандартлаштириш ва сифатни таъминлаш тизимини такомиллаштириш йўллари, уни ривожлантириш ва такомиллаштириш концепцияси тўғрисида етарлича билимларга эга бўлиши ва уни ўрганиши лозим.

2. Маҳсулот ва хизмат сифатини таъминлашда ИСО 9000 халқаро стандартларининг аҳамияти ҳақида маълумотларга эга бўлиши керак.

3. Халқаро тизим стандартларининг турлари ва уларни қўллаш соҳалари бўйича тўлиқ маълумотга эга бўлади ва уни чуқурроқ ўрганади.

4. Маҳсулот ҳақидаги маълумотларни стандартлаштириш ва кодлаш ҳақида билимга эга бўлиши ва уни билиши лозим.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати: 11, 14, 15, 17, 18.

4 –БОБ. ЛИЦЕНЗИЯЛАШ.

19-мавзу. Лицензия, лицензиялаш ва уни олиш тартиби

1. Маърузанинг таълим технологияси

Вақти - 2 соат	Талабалар сони: 5-10 нафар
Уқув машгулотининг шакли	Визуал, ахборот маъруза
Маъруза машгулотининг режаси	1. Лицензия, лицензиялаш тушунчаси 2. Лицензиялашнинг қонуний асослари 3. Лицензия олиш тартиби

<p><i>Ўқув машгулотининг мўсади:</i> Лицензия ва уларнинг сотиб олинishi ва сотилиши, молиявий муносабатлар ҳақида етарлича билимлар бериш.</p>	
<p><i>Педагогги вазифалар:</i></p> <p>Лицензия, лицензиялаш тушунчаси ва лицензияларнинг турланиши намунавий (оддий) ва якка тартибдаги бўлиши, лицензияларни бериш тартиби, қоидалари, органлари ҳақида ахборот берилади.</p> <p>Лицензиялашнинг қонуний асослари, фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, лицензиялашнинг ўзига хос жиҳатлари, муддати қонун билан белгиланиши тушунтирилади.</p> <p>Лицензия олиш тартиби, лицензия олиш учун лицензия даъвогари тегишли лицензияловчи органга тақдим этадиган ҳужжатлар, лицензияни амал қилишни тўхтатиб туриш ёки тўла тугатиш ёки умуман бекор этиш ҳақида маълумотлар берилади.</p>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <p>Лицензия, лицензиялаш тушунчаси ва лицензияларнинг турланиши, лицензия бериш органлари ҳақида ахборот олади.</p> <p>Лицензиялашнинг қонуний асослари, лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, лицензиялашнинг ўзига хос жиҳатлари, муддати қонун билан белгиланиши билиб олади.</p> <p>Лицензия олиш тартиби, лицензия олиш учун лицензияловчи органга тақдим этадиган ҳужжатлар, лицензияни амал қилишни тўхтатиб туриш ёки тўла тугатиш ёки умуман бекор этиш ҳақида маълумотлар га эга булишади.</p>
Укитиш услуби ва техникаси	Ахборот-маъруза, инсерт, хдмкорликда укитиш техникаси,.
Укитиш шакли	Фронтал, гуруҳларда
Укитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, график органайзерлар.
Укитиш шарт-шароити	Намунадаги аудитория

2. Маърузанинг технологии харитаси

Босқичлар, вакти	Фаолият мазмуни	
	укитувчи	талаба

1-босқич. Кириш (10 мин.)	1.1. Маъруза мавзуси ва режаси эълон қилинади. Аввалги мавзуга савол-жавоб орқали боғланади.	1.1. Эшитадилар, ёзадилар
2-босқич. Асосий (60 мин.)	2.1. Мавзунинг ёритиш учун муаммоли саволларни таклиф этади. 2.2. Лицензия, лицензиялаш тушунчаси ва лицензияларнинг турланиши намунавий (оддий) ва яқка тартибдаги бўлиши, лицензияларни бериш тартиби, қоидалари, органлари хақида ахборот берилди. 2.3. Лицензиялашнинг қонуний асослари, фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, лицензиялашнинг ўзига хос жиҳатлари, муддати қонун билан белгиланиши тушунтирилади. 2.4. Лицензия олиш тартиби, лицензия олиш учун лицензия даъвоғари тегишли лицензияловчи органга тақдим этиладиган ҳужжатлар, лицензияни амал қилишни тўхтатиб туриш ёки тўла тугатиш ёки умуман бекор этиш хақида маълумотлар берилди.	2.1. Муаммоли саволларга эътибор берадилар: «биламан-билдим» жадвалининг 1-устунини тулдирадилар. 2.2. Эшитадилар, ёзадилар. 2.3. Эшитадилар, ёзадилар. 2.4. Эшитадилар, ёзадилар.
3-босқич. Яққуний (10 мин.)	3.1. Мавзуга хулоса чиқаради. Асосий масала устида тухталади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқлар беради:	3.1. Эшитадилар, саволларини беради ёзиб оладилар. 3.2. Топшириқларни ёзиб оладилар.

1. Лицензия, лицензиялаш тушунчаси

Лицензиялашда асосий тушунчаларига қуйидагилар киради:

лицензия — лицензияловчи орган томонидан юридик ёки жисмоний шахсга берилган, лицензия талаблари ва шартларига сўзсиз риоя этилгани ҳолда фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошириш учун рухсатнома (ҳуқуқ) тушунилади.

Лицензияларнинг турланиши намунавий (оддий) ва яқка тартибдаги бўлиши мумкин.

Намунавий (оддий) лицензиялар жумласига чекланмаган доирадаги юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган лицензиялар киради, агар ушбу

шахслар тегишли фаолият турини амалга оширишга нисбатан қўйиладиган ягона шартлар ва талабларга жавоб берсалар.

Якка тартибдаги лицензиялар жумласига юридик ва жисмоний шахсларга алоҳида талаблар ва шартлар асосида бериладиган, лицензиатларга фаолиятнинг мазкур турини амалга оширишда мутлақ ҳуқуқлар берувчи, миқдорий чекланган лицензиялар киради. Якка тартибдаги лицензиялар амал қилиш ҳудуди, фаолият объекти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган бошқа асосларга кўра миқдорий чекланади.

Якка тартибдаги лицензияларни бериш, қоида тариқасида, танлов (тендер) асосида амалга оширилади.

Якка тартибдаги лицензияларни бериш тартиби ва шартлари, шу жумладан танловларни (тендерларни) ўтказиш шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Фаолиятнинг лицензияланаётган тури — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилиши учун лицензия олиш талаб қилинадиган фаолият тури;

лицензиялаш — лицензия бериш тўғрисидаги аризани топшириш ва кўриб чиқиш, лицензияни қайта расмийлаштириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш жараёни билан боғлиқ тадбирлар комплекси;

лицензия талаблари ва шартлари — фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошираётганда лицензиат томонидан бажарилиши мажбурий бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар ва шартларнинг мажмуи;

лицензияловчи органлар — қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялашни амалга оширувчи махсус ваколатли органлар;

лицензия даъвогари — лицензияловчи органга фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензия бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган юридик ёки жисмоний шахс;

лицензиат — фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш лицензияси бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

лицензия шартномаси — фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензиатнинг лицензия олиши ва ундан фойдаланиши борасидаги лицензияловчи орган билан лицензия даъвогари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турадиган ва улар ўртасида тузиладиган шартнома;

лицензиялар реестри — берилган, тўхтатиб турилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган лицензиялар, шунингдек амал қилиши тугатилган лицензиялар тўғрисидаги

маълумотларни ўз ичига олган лицензияловчи органларнинг маълумотлар базалари мажмуи.

Лицензиялаш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда лицензияловчи органлар амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг лицензиялаш соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар киради:

лицензияловчи органларни ва фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тартибини белгилаш, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида лицензиялар реестрини юритиш тартибини белгилаш;

фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш соҳасидаги қонун ҳужжатларига лицензияловчи органларнинг риоя этишларини назорат қилиш;

лицензиялашнинг айрим турларини амалга ошириш.

Лицензияловчи органларнинг ваколатларига эса, фаолиятнинг айрим турларини қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялаш, қонунда назарда тутилган ҳолларда фаолиятнинг тегишли турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш, лицензия талаблари ва шартларига лицензиялар риоя этишини назорат қилиш, лицензияларни қайта расмийлаштириш, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, лицензияларнинг амал қилишини тугатиш, лицензияларни бекор қилиш, лицензиялар реестрини юритиш киради.

Лицензияловчи органлар шу органлар лицензиялайдиган фаолият турлари билан шуғулланаётган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар тузишга ёки улар фаолиятида муассислар (қатнашчилар) сифатида иштирок этишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

2. Лицензиялашнинг қонуний асослари

Ўзбекистон Республикасининг «**Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида**»ги (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 2000 й., 5-б-сон, 142-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 110-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда*) Қонуни фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Фаолиятнинг баъзи бир турларини лицензиялашнинг ўзига хос жиҳатлари қонун билан белгиланади.

Ушбу Қонун товарларни (ишларни, хизматларни) экспорт ва импорт қилишни лицензиялашда, интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишда, шунингдек комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси (франшизинг тўғрисидаги шартнома) бўйича юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Фаолиятнинг лицензияланадиган турлари жумласига (7-модда) амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳамда тартибга солиб турилиши лицензиялашдан ташқари усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолият турлари киради.

Амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари қонунлар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар) фаолиятнинг лицензияланадиган айрим турларини амалга оширишини тақиқлаб қўйиши мумкин, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тузилган давлат унитар корхоналари ва муассасалари, башарти уларни ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатларда фаолиятнинг мазкур турини амалга ошириш назарда тутилган бўлса, фаолиятнинг лицензияланадиган турини тегишли лицензияни олмасдан амалга оширишга ҳақлидир. Мазкур қоида кўрсатилган корхоналар ва муассасаларни лицензия талаблари ва шартларини, шунингдек фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириш билан боғлиқ, қонун ҳужжатларига мувофиқ қўйиладиган бошқа талабларни бажаришдан озод этмайди.

Лицензиянинг амал қилиши (11-модда) ҳар бир лицензияланадиган фаолият тури учун алоҳида берилади. Лицензия даъвогарининг аризасига мувофиқ лицензия лицензияланаётган фаолият турининг бир қисмига (қисмларига) берилиши мумкин.

Амалга оширилиши учун лицензия олинган фаолият тури фақат лицензияни олган юридик ёки жисмоний шахс томонидан амалга

оширилиши мумкин. Лицензияларни ёки уларга доир ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

Амалга оширилиши учун лицензия берилган фаолият, агар лицензия талаблари ва шартларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширилиши мумкин.

Лицензиянинг амал қилиш муддати (12-модда) қоида тариқасида, чекланмайди.

Лицензия қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда лицензия даъвогарининг аризасида кўрсатилган муддатга берилади. Қонун ҳужжатларида лицензиянинг чекланган амал қилиш муддати белгиланиши мумкин, лекин бу муддат беш йилдан кам бўлмаслиги лозим.

Лицензиянинг амал қилиш муддати тугагач, у лицензиатнинг аризасига биноан узайтирилиши мумкин. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати тугашидан камида икки ой олдин берилиши лозим. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензияни берувчи учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Лицензия талаблари ва шартлари қонуннинг 13-моддасида келтирилган.

Фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга оширишда роя этиладиган лицензия талаблари ва шартлари фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомлар билан белгиланиб, улар қуйидаги нормаларни ўз ичига олиши лозим:

лицензиатнинг қонун ҳужжатларига роя этиши шартлиги тўғрисидаги;

фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга оширишга даъвогар шахсларга қўйиладиган малака талаблари, жумладан махсус билимларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги;

фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга оширишнинг махсус шартларига қўйиладиган талаблар, жумладан фойдаланиладиган моддий-техника базаси, асбоб-ускуналар, бошқа техник воситаларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги.

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларда лицензияланаётган фаолият тури хусусида қўшимча лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

3. Лицензия олиш тартиби

Лицензия олиш учун лицензия даъвогари тегишли лицензияловчи органга қуйидагиларни тақдим этади:

лицензия бериш тўғрисидаги ариза – унда: юридик шахс учун - юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисобварағи рақами; жисмоний шахс учун - фамилияси, исми ва отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг маълумотлари; юридик ёки жисмоний шахс амалга оширишни мўлжаллаган фаолиятнинг лицензияланаётган тури (унинг бир қисми), шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда фаолиятнинг мазкур тури.

юридик шахслар учун - юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси; жисмоний шахслар учун - якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

лицензияловчи орган лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиқиши учун лицензия даъвогари йиғим тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

фаолиятнинг айрим турига лицензия олиш учун қўйиладиган талаблар ва шартларни лицензия даъвогари бажариши мумкинлигини тасдиқловчи ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган бошқа ҳужжатлар.

Лицензия даъвогаридан ушбу Қонунда ҳамда фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги ўзга қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Ҳужжатлар лицензия даъвогари томонидан лицензияловчи органга бевосита ёки почта алоқаси воситалари орқали, улар олингани ҳақидаги тасдиқни олган ҳолда, етказиб берилади.

Лицензия олиш учун тегишли лицензияловчи органга юборилган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилиниб, рўйхатнинг нусхаси мазкур орган томонидан ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана кўрсатилган ҳолда аризачига юборилади (топширилади).

Нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тақдим этганлиги учун лицензия даъвогари қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Лицензияловчи орган лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиққанлиги учун йиғим (15-модда) ундирилади.

Лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиққанлик учун йиғим миқдори ҳар бир лицензияланадиган фаолият тури бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бунда йиғимнинг энг кўп миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ошиб кетиши мумкин эмас.

Лицензия даъвогарларининг аризаларини кўриб чиққанлик учун йиғим суммалари лицензияловчи орган ҳисобварағига ўтказилади.

Лицензия даъвогари берган аризасидан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

Лицензия даъвогарининг аризасини барча зарур ҳужжатлар билан бирга олган кундан эътиборан ўттиз кундан ошмаган муддат ичида лицензияловчи орган намунавий (оддий) лицензия бериш ҳақида ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Намунавий (оддий) лицензия бериш ҳақида ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилишнинг энг кам муддатлари фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларда белгилаб қўйилиши мумкин.

Лицензияловчи орган, зарур ҳолда, ўз маблағлари ҳисобидан тегишли хулосаларни тайёрлаш учун экспертларни шартнома асосида жалб этишга ҳақли.

Лицензияловчи орган лицензия даъвогарини қабул қилинган қарор тўғрисида мазкур орган тегишли қарорни қабул қилганидан кейин уч кун ичида хабардор қилиши шарт.

Лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилингани ҳақидаги хабарнома лицензия даъвогарига ёзма шаклда банк ҳисобварағи реквизитлари ва давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади).

Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарнома лицензия даъвогарига ёзма шаклда, рад этишнинг сабаблари ва лицензия даъвогари кўрсатилган сабабларни бартараф қилиб, ҳужжатларни кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади).

Лицензия даъвогари лицензия бериш рад этилиши учун асос бўлган сабабларни бартараф этган тақдирда, лицензия даъвогарининг аризасини барча зарур ҳужжатлар билан бирга олган кундан эътиборан ўн кундан ошмаган муддат ичида лицензияловчи орган ҳужжатларни қайта кўриб чиқади. Лицензия даъвогарларининг аризаларини қайта кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди. Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтгач, берилган ариза — янгидан берилган деб ҳисобланади.

Лицензия даъвогари давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этган тақдирда ҳамда у лицензия шартномасини имзолаганидан кейин лицензия берилади.

Агар лицензиат унга лицензия бериш тўғрисидаги қарор қабул қилингани ҳақидаги хабарнома юборилган (топширилган) пайтдан эътиборан уч ой ичида лицензияловчи органга лицензия берганлик учун давлат божи

тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаган ёки лицензия шартномасини имзоламаган бўлса, лицензияловчи орган мазкур лицензияни бекор қилишга ҳақли.

Қонуннинг 17-моддасига биноан лицензия беришни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

лицензия даъвогарининг ҳужжатларни лозим тарзда расмийлаштирмай тақдим этиши;

лицензия даъвогари тақдим этган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

лицензия даъвогарининг лицензия талаблари ва шартларига, шунингдек танлов (тендер) шартларига номувофиқлиги.

Бошқа асосларга кўра, шу жумладан лицензия бериш мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия даъвогари лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

Лицензиялар тегишли бланкларда расмийлаштирилади (18-модда). Лицензияларнинг бланклари қатъий ҳисобот ҳужжатлари ҳисобланади, улар ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлиши лозим. Лицензия бланklarининг намуналари ва уларни тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Лицензия йўқолган тақдирда, лицензиатнинг аризасига биноан унинг дубликати берилади. Дубликат беришда ушбу Қонуннинг [15-моддасида](#) назарда тутилган йиғим суммасининг ярми ундирилади.

Сўнг лицензия шартномаси тузилади. Лицензия шартномаси лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгиловчи ҳужжатдир.

Лицензия шартномаси қуйидагиларни ўз ичига олган бўлиши лозим: шартномани имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими;

тарафларнинг реквизитлари;

амалга оширилиши учун лицензия берилётган фаолият турининг номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

чекланган амал қилиш муддатига бериладиган лицензиялар учун — лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензия шартномасининг талаблари ва шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги;

лицензия шартномасининг талаблари ва шартларини лицензиат қандай бажараётганлигининг лицензияловчи орган томонидан назорат қилиниши тартиби;

фаолиятнинг айрим турини лицензиялаш тўғрисидаги низомга мувофиқ бошқа маълумот.

Лицензия шартномаси икки нусхада — лицензиат ҳамда лицензияловчи орган учун биттадан нусхада тузилади.

Лицензияни қайта расмийлаштириш ҳам мумкин. Бунда юридик шахс бўлмиш лицензиат қайта тузилган, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтганидан кейин бир ҳафталик муддатда лицензияловчи органга, кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Жисмоний шахс бўлмиш лицензиат фамилияси, исми ва отасининг исми ёки турар жойи ўзгарган тақдирда, лицензиат қайта рўйхатдан ўтганидан кейин бир ҳафталик муддатда лицензияловчи органга, кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Ҳужжатлар лицензиат томонидан лицензияловчи органга бевосита ёки почта алоқаси воситалари орқали, улар олингани ҳақидаги тасдиқни олган ҳолда, етказиб берилади.

Лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар лицензиат унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

Лицензия қайта расмийлаштирилганда лицензияловчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартишларни киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани олган кундан эътиборан беш кун ичида амалга оширилади.

Лицензия қайта расмийлаштирилганда лицензия даъвогарининг лицензия бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси лицензияловчи орган ҳисобварағига ўтказилади.

Лицензияланадиган фаолиятни ушбу модданинг [биринчи](#) ва [иккинчи қисмидаги](#) талабларни бузган ҳолда амалга ошириш фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат амалга ошириладиганда лицензияловчи органлар ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

лицензиатлар лицензия талаблари ва шартларига риоя этаётганлиги устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текширувлар ўтказиш;

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилганлигидан гувоҳлик берувчи фактлар мавжуд бўлган ҳолларда, лицензиат лицензия талаблари ва шартларига риоя этаётганлиги устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режадан ташқари текширувлар ўтказиш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан текширувлар ўтказиладиганда юзага келадиган масалалар бўйича лицензиатдан зарур маълумотларни талаб қилиш ва олиш;

текширув натижалари асосида лицензиат йўл қўйган лицензия талаблари ва шартларининг аниқ қоидабузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиат зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай қоидабузарликларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш.

Лицензияловчи органлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

Назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилишларига йўл қўйилганлигини аниқлаганлари тақдирда ўз ваколатлари доирасида лицензияни берган лицензияловчи органга аниқланган қоидабузарликлар ҳақида хабар қиладилар.

Лицензияни амал қилишни тўхтатиб туриш ёки тўла тугатиш ёки умуман бекор этиш мумкин.

Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларини бузганлиги аниқланганда;

лицензияловчи органнинг аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини лицензиат зиммасига юкловчи қарори лицензиат томонидан бажарилмаганда.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш лицензияловчи орган ёки суд томонидан амалга оширилади. Лицензиянинг амал қилиши

лицензияловчи орган томонидан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга, суд томонидан эса ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилади. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги суд қарори лицензиатга ва лицензияловчи органга қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.

Лицензияловчи орган ёки суд лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этиши учун муддат белгилаши шарт. Бунда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этиши учун суд қарорида белгиланган муддат олти ойдан кўп бўлиши мумкин эмас.

Лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этган тақдирда, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилган лицензияловчи орган ёки суд кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги тасдиқномани олган кундан эътиборан лицензиянинг амал қилишини тиклаш тўғрисида ўн кун муддат ичида қарор қабул қилиши шарт.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Суд лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришни асоссиз деб топган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклаш тўғрисидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

лицензиат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

юрidik шахс тугатилганда - тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда - қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, унинг ўзгартирилиши бундан мустасно;

якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилганда;

якка тартибдаги тадбиркорнинг муомалага лаёқатлилиги белгиланган тартибда чекланганда ёки у муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талабларини ва шартларини мунтазам равишда ёки бир мартаба қўпол равишда бузганда;

лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришига олиб келган ҳолатларни лицензияловчи орган белгилаган муддатда бартараф этмаганда;

лицензияловчи органнинг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга хилофлиги аниқланганда;

лицензиянинг амал қилиш муддати тугаганда.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш лицензияловчи орган қарорига биноан амалга оширилади, ушбу модданинг [учинчи қисмида](#) назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш ушбу модданинг биринчи қисми [олтинчи-саккизинчи хатбошиларида](#) кўрсатилган ҳолларда суд тартибида амалга оширилади, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилади. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги суд қарори лицензиатга ва лицензияловчи органга қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади. Лицензиат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичида лицензия лицензияловчи органга қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан лицензиянинг амал қилиши тугатилади.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин. Суд лицензиянинг амал қилишини тугатишни асоссиз деб топган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

Лицензия қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

ушбу Қонун 16-моддасининг [тўққизинчи қисмида](#) назарда тутилган ҳолда;

лицензиат лицензияни бекор қилиш тўғрисида ариза билан муурожаат қилганда;

лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

Лицензияни бекор қилиш ушбу модданинг биринчи қисми [тўртинчи хатбошида](#) назарда тутилган ҳолда суд қарорига, бошқа ҳолларда эса, лицензияловчи органнинг қарорига биноан амалга оширилади.

Лицензияловчи органнинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилади. Лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги суд қарори лицензиатга ва лицензияловчи органга қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади. Лицензиат лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичида лицензия лицензияловчи органга қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак.

Лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, лицензия у берилган санадан эътиборан бекор қилинган деб ҳисобланади.

Лицензияловчи органнинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Суд лицензиянинг бекор қилинишини асоссиз деб топган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади».

Лицензияловчи органлар ўзлари лицензиялашни амалга ошираётган фаолиятнинг ҳар бир тури учун алоҳида лицензиялар реестрларини юритадилар.

Лицензиялар реестрининг ҳар бирида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

- лицензиатлар тўғрисидаги асосий маълумотлар;
- лицензиялар берилган сана ва лицензияларнинг тартиб рақамлари;
- чекланган амал қилиш муддатига бериладиган лицензиялар учун - лицензияларнинг амал қилиш муддатлари;
- лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш асослари ҳамда саналари;
- лицензияларнинг амал қилишини тугатиш асослари ва саналари;
- лицензияларни бекор қилиш асослари ва саналари;
- фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларда белгиланган бошқа маълумотлар.

Лицензиялар реестрларида мавжуд бўлган ахборот юридик ва жисмоний шахслар танишиши учун очиқ бўлиб, улар ҳақ эвазига лицензияловчи органлардан лицензиялар реестрларидан муайян лицензиатлар тўғрисида кўчирмалар тариқасида ахборот олишга ҳақлидирлар. Мазкур ахборотни тақдим этганлик учун ҳақ олиш тартиби ва

унинг миқдори фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларда белгиланади.

Лицензияловчи органлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига лицензияларнинг реестрларидан ахборотни бепул беришлари шарт.

Лицензия берганлик ва лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун давлат божи ундирилади.

Лицензия берганлик ва лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун давлат божи миқдорлари ва уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Фаолиятнинг лицензияланадиган турининг бир қисми учун лицензия берганлик ва лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун давлат божи ставкаларининг камайтирилган миқдорлари белгиланиши мумкин.

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Лицензияга боғлиқ барча ишлар Патент идорасининг 21.09.2006 йил №56 “Патент эгасининг очиқ лицензия ва шу тўғрида ариза маълумотлари ҳақида аризаларнинг берилиши ва кўрилиши ҳақидаги Қоида” асосида олиб борилади.

Ушбу қоида уч параграфдан 14 пунктдан иборат бўлиб, умумий қоидасида: “Ихтиролар, фойдали модел ва саноат намуналари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан (30 модда) патент эгасига лицензия очиш ҳақида Патент идорасига ариза бериш ҳуқуқи берилган.

Лекин агар, патент лицензион шартномада бўлса, унинг тугаши муддатигача ариза берилмайди, берилган тақдирда у кўриб чиқилмайди.

Лицензия ишларини патент эгаси мустақил равишда олиб боради, расмийлаштирилиши қонун ва Патент идорасининг қоидаси бўйича олиб борилади. Барча лицензия ишлари учун ҳам маълум миқдорда патент божи тўланади.

Патент эгасининг ҳоҳлаганича саноат мулкидан фойдаланишга ҳуқуқ – лицензия бериш учун Патент идорасига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

а) форма асосида лицензия очиш тўғрисида ариза. Ариза ўзбек ва рус тилида бўлиши мумкин.

Битта патентга битта ариза берилади ва ҳамма муаллифлар қўл қўйиш шарт;

б) патентнинг ҳақиқий ўзи;

в) меросхўрлик ҳақидаги ҳужжат;

г) вакилликга ишончнома (агар бўлса);

д) патент божлари тўланганлиги ҳақида ҳужжат.

Ушбу ўз вақтида топширилмаса, ариза кўриб чиқилмайди.

Барча ҳужжатлар топширилгандан сўнг Патент идораси, ҳужжат келган кундан 15 кун ичида ҳужжатлар текширилиб қабул қилиниши ёки йўқлиги маълум қилинади. Агар бирор ҳужжат етишмаса 3 ой муддатда берилиши керак бўлади.

Патент идораси бюллетенига, қабул қилинган патент номери, ариза номери, регистрация ҳақидаги маълумотлар ва Халқаро патент классификацияси индекси (МПК), саноат мулки патенти объектининг номи, патент эгаси ва ёзиш учун адреслар бюллетенда эълон қилинади.

Патент лицензияларининг сотилиши, олиниши қонунда ва қоидада кўрсатилган тартибда шартнома асосида бажарилади, шартномада кўрсатилган муддат асосида, келишилган шароитда фойдаланилади.

Таянч иборалар: Лицензия; лицензиялаш; лицензиялаш тушунчаси; лицензия шартномаси; лицензия реестри; фаолиятнинг лицензияланаётган тури; лицензиат; лицензия бўйича қонунлар; патент олишдаги лицензия.

Назорат учун саволлар:

1. Лицензиялашнинг асосий тушунчалари қайсыларни ташкил қилади?
2. Лицензиянинг неча хил тури мавжуд?
3. Дизенциялаш деганда нимани тушунаси?
4. Якка тартибдаги лицензияларни бериш тартиби қайси орган томонидан ва қандай тартибда амалга оширилади?
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг лицензиялаш соҳасидаги ваколатларига нималар киради?
6. Лицензиялашнинг қандай қонуний асослари мавжуд?
7. Лицензия олиш учун даъвогар лицензия берувчи органга қандай ҳужжатларни тақдим этади?
8. Лицензияни беришни рад этиш қандай ҳолларда амалга оширилади?
9. Лицензиянинг амал қилиши қайси вақтларда тўхтатилади?
10. Лицензия қандай ҳолларда бекор қилинади?
11. Лицензияга давлат божии ва уни тўллаш тартиби қайси орган томонидан белгиланади?
12. Лицензияга боғлиқ ишлар қайси идора томонидан олиб борилади?

Талабанинг мустақил иш топшириқлар:

1. Лицензия, лицензиялаш тушунчаси бўйича билимга эга бўлади ва уни чуқур ўрганади.
2. Лицензиялашнинг қонуний асослари тўғрисида маълумотларга эга бўлиш керак.

3. Лицензия олиш тартиби ҳақида тўла билиши ва у ҳақда етарли маълумотларга эга бўлиши лозим.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати: 19, 20.

Г Л О С С А Р И Й.

Интеллект - инсоннинг ақли, тафаккури, билими ва илми, заковати, қобилияти ва ҳ.к. ташкил этади.

Интеллектуал мулк - инсоннинг интеллекти билан яратилган, ижод этган маҳсулот ёки мулкга айтилади.

Интеллектуал мулкнинг манбаи - инсоннинг илмий-тадқиқот фаолияти, инсон яшаб турган жамиятнинг бу фаолиятга, билимига, илмига, умуман фан- техникавий ривожланишга бўлган муносабати ва мамлакатнинг илмий ва технологик салоҳияти ҳисобланади

Инновация – ингиллиз тилидан келиб чиққан, янгиланиш, узгартириш, янгилик киритиш деган маънони билдиради.

Инновацион ривожланиш вазирлиги- инновацион ривожланишнинг асосий йўналишлари билан шугулланадиган вазирлик..

Патент - интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи расмий ҳужжатҳисобланади.

Патент идораси- интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Фирма номи- деганда: Фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади.

Саноат мулки - интеллектуал мулкнинг таркибий қисми бўлиб у ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналарини ҳамда товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номларини ўз ичига олади.

Ихтиро – янги қурилмалар, усуллар, моддалар, микроорганизмларнинг штаммлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар турлари, аввалдан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддаларни янги вазифада қўлланилишига айтилади.

Фойдали модел - қонунга асосан, қурилмаларнинг конструктив бажарилиши тушунилади

Саноат намунаси - бу саноатда ишлаб чиқариладиган буюмнинг (товарнинг) ташқи оригинал кўриниши белгиларидан унинг бадий конструкторлик ечимига айтилади

Патент талабномаси - , бу қонун-қоидага биноан патент олиш учун тузилган ҳужжатлар мажмуаси ҳисобланади.

Аналог(ухшаш, мос) – ухшаш булмаган объектларнинг айрим жихатлари, хоссалари ва муносабатларидаги ухшашлик.

Прототип – аналогга нисбатан янада ухшаш, мос объектга айтилади.

Ихтиронинг формуласи - ихтиро тавсифига ва чизмаларга тўлиқ асосланган бўлган, яъни ихтирони унинг тавсифида мавжуд бўлган ва чизмаларда кўрсатилган тушунчалар билан берилган таъриф.

Товар белгиси - тасвирий, сўзли, ҳажмий ва бошқа белгилар ёки уларнинг исталган рангдаги ёки ранглар бирикмаси сифатида қурилишига айтилади

Хизмат кўрсатиш белгиси - тасвирий, сўзли, ҳажмий ва бошқа белгилар ёки уларнинг исталган рангдаги ёки ранглар бирикмаси сифатида қурилишига айтилади.

Товар келиб чиққан жой номи - жўғрофий объектнинг белгилаш учун ишлатиладиган омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган номи товар жой номи эътироф этилиши тушунилади..

Патент божи – интеллектуал маҳсулотнинг Давлат реестеридан утқишиш учун Қонунда назарда тутилган вазифаларни бажаришга доир ҳаражатларини қоплаш учун Патент идорасига тўланадиган тулов.

Патент вакили - Патент идорасида юридик ва жисмоний шахсларнинг вакиллик ҳуқуқини амлага оширувчи шахс.

Носаноат мулк - таркибига ЭҲМ дастурлари, ЭҲМ маълумот базалари; Интеграл микросхемалар топологиялари, Селекция ютуқлари ва фирма номлари оладиган мулкга айтилади..

интеграл микросхема – электрон вазифаларни бажаришга мўлжалланган, микроэлектрон буюм бўлиб, буюмдаги боғланишларнинг бу буюм тайёрланган жисмлар таркибида ва (ёки) сиртида узвий шакл топган бўлади;

интеграл микросхема топологияси – интеграл микросхема элементларининг ва улар ўртасидаги боғланишлар мажмуининг моддий жисмда қайд этилган фазовий-геометрик жойлашуви;

ҳуқуқ эгаси –интеллектуал мулк муаллифи, унинг меросхўри, шунингдек фойдаланиш мулкый ҳуқуқларини қонунга ёки шартномага асосан олган ва уларга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

Фирма номи - юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади.

Рационализаторлик – ихтиродан, ҳар хил кўринишда бериладиган новаторлик ишларидан , ўзининг тузилиши билан фарқ қилучи техникавий ечим айтилади.

Маълумотлар базаси - ЭҲМ ёрдамида топиш ва қайта ишлаш мумкин бўлган системалашган, объектив формада мақолалар, ҳисоблар ва ҳ.к. кўринишидаги маълумотлар мажмуаси тушунилади.

ЭҲМ учун дастурлар - объектив формада ЭҲМ ишлаши ва ЭҲМ тармоқларининг маълум натижа олиш учун маълумотлар ва кўрсатмалар мажмуи.;

Бошланғич текст – дастурлаш тилида ёзилган, компилятор ёрдамида қайта ишлови мумкин бўлган текст;

Объектив код – бошланғич текстни машина кодига айлантиришда вужудга келган дастур;

ЭҲМ декомпилировланган дастури - деб, структура ва ЭҲМ кодлашни ўрганиш мақсадида объект коддини бошланғич текстга айлантириш техникавий приёми;

Маълумотлар базаси адаптация дастури – конкрет шароитларда ЭҲМ дастурларини ишлаши учун, муаллифлик бошланғич текстни ўзгартирмаган ҳолда маълумотлар базасига қўшимчалар критиш;

База дастурларини адаптацияси (қайта ишлови) – бошланғич текстни ўзгартирмаган ҳолда критилган ўзгартиришлар;

Зот – генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ биологик ва морфологик хусусиятлари ҳамда белгиларига қараб аниқланадиган ҳайвонлар (дурагайлари) га хос бўлган ва г бошқа гуруҳларидан фарқлаб турвчи белгилар..

Лицензиар – селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензиатга лицензия шартномаси асосида олган юридик ёки жисмоний шахс;

Нав – ўсимликлар гуруҳи бўлиб, у наслдан-наслга барқарор ўтувчи, муайян генотип ёки генотиплар комбинациясини бошқаларидан фарқлаб турувчи белгилар.

Клон, линия - биринчи авлод дурагайи, популяция навнинг муҳофаза қилинадиган объектидир;

Селекция ютуғи – ўсимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зоти;

Асар нусхаси – асарнинг ҳар қандай моддий шаклда тайёрланган кўчирмаси;

Асарни омма олдида намойиш этиш – асарнинг асл нусхаси ёки нусхасини бевосита техника воситалари орқали экранда кўрсатиш, шунингдек айна бир оила аъзолари бўлмаган шахсларнинг кенг доираси ҳозир бўлган жойда кўрсатиш;

Асарни ошкор қилиш – муаллифнинг розилиги билан амалга оширилган, асарни чоп этиш, омма олдида намойиш этиш, омма олдида ижро этиш, эфирга узатиш ёки бошқача усулда юбориш йўли билан илк бор асардан барчанинг воқиф бўлиши учун имкон берадиган ҳаракат;

Аудиовизуал асар – бир-бири билан боғланган тасвирларнинг ёзиб олинган туркумидан иборат бўлган, тегишли техника воситалари ёрдамида кўриб ва эшитиб идрок этиш учун мўлжалланган асар.

Аудиовизуал асарни тайёрловчи – шундай асарни тайёрлаш ташаббуси ва масъулиятини ўз зиммасига олган юридик ёки жисмоний шахс;

Барчанинг эътиборига етказиш – асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини алоқа воситалари орқали исталган жойда ва исталган вақтда улардан фойдалана олиши мумкин бўлган тарзда барчанинг эътибор учун юбориш;

Ёзув – овозлар ва (ёки) тасвирларни қайта-қайта идрок этиш, такрорлаш ёки юбориш имконини берадиган бирон-бир моддий шаклда техника воситалари ёрдамида қайд этиш;

Ижро – асарни (шу жумладан халқ ижодиёти асарини), фонограммани,, ижрони, сахна асарини ўйин, ифодали ўқиш, куйлаш, рақсга тушиш орқали жонли ижро ёки техника воситалари ёрдамида тақдим этиш;

Ижрочи – актёр, хонанда, созанда, раққос ёки роль ўйнайдиган, куйлайдиган, ўқийдиган, ифодали ўқийдиган, рақсга тушадиган, талқин этадиган, мусиқа асбобини чаладиган ёхуд адабиёт ёки санъат асарини ижро этадиган бошқа жисмоний шахс.

Кабель орқали юбориш – асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини кабель, сим ёки шунга ўхшаш воситалар ёрдамида барчанинг эътибори учун юбориш;

Манзарали-амалий санъат асари – асл нусхалари ёки нусхалари амалда фойдаланиш ашёлари сифатида қўлланиладиган санъат асари, шу жумладан бадиий хунармандчилик асари ёки саноат усулида тайёрланган асар;

Муаллиф – ижодий меҳанги билан асар яратган жисмоний шахс;

Омма олдида ижро этиш – асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини омма учун очик жойда ёки айна бир оила аъзолари бўлмаган шахсларнинг кенг доираси ҳозир бўлган жойда эшитиб ва (ёки) кўриб идрок этиш учун етказиш;

Прокатга бериш – асарларнинг асл нусхасини ёки нусхаларини ёхуд турдош ҳуқуқлар объектларини даромад олиш мақсадида вақитнчалик фойдаланиш учун бериш;

Репрографик такрорлаш –техника воситалари ёрдамида ёзма ва бошқа асарларнинг асл нусхаларини ёки уларнинг кўчирмаларини бир ёки ундан кўп нусхада, ҳар қандай ўлчамда ва шаклда факсимал такрорлаш.

Ретрансляция – эфир ёки кабель орқали кўрсатув .

Такрорлаш – асарларни кўп нусхаларини тайёрлаш, ЭҲМ ва бошқа электрон курилмалар хотирасига ёзиб олиш;

Фонограмма – бирон-бир ижронинг, бошқа овозларнинг ҳар қандай мутлақо овозли ёзуви, аудиовизуал асарга киритилган овозли ёзув бундан мустасно;

Фонограмма нусхаси – ҳар –андай моддий жисмдаги, фонограммдан бевосита ёки билвосита тайёрланган ва шу фонограммада қайд этилган овозларнинг ҳаммасини ёхуд бир қисмини камраб олган фонограмма кўчирмаси;

Фонограммани тайёрловчи – ижронинг ёки бошқа овозларнинг биринчи овозли ёзуви учун ташаббус ва масъулиятни ўз зиммасига олган юридик ёки жисмоний шахс;

Халқ ижодиёти асарлари – аниқ муаллифи бўлмаган эртақлар, кўшиқлар, рақслар, манзарали-амалий санъат асарлари ҳамда бадиий ва ҳаваскорлик халқ ижодиётининг бошқа натижалари;

Чоп этиш – асарнинг, ижро ёзувининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда омманинг оқилона эҳтиёжларини қондириш учун етарлича миқдорда асар муаллифининг, ижрочининг ёки фонограммани тайёрловчининг розилиги билан муомалага чиқариш;

Стандартлаштириш - бу маълум соҳада аниқ ва маълум мураккаб масалаларга нисбатан, ҳамма учун умумий, кўп марталаб фойдаланиш учун ўрнатилган тартиблар ёрдамида тартиблаштиришнинг энг мақбул даражасига эришишга қаратилган фаолият.

Миллий стандартлаштириш - бу муайян бир мамлакат (мисол учун Ўзбекистон Республикаси ёки саноати ривожланган маълум бир давлат) доирасида ўтказиладиган стандартлаштириш.

Халқаро стандартлаштириш - бу барча мамлакатларнинг тегишли идоралари эркин ҳолда иштирок этиши мумкин бўлган стандартлаштириш.

Стандартлаштириш объекти – бу стандартлаштириладиган нарса (маҳсулот, жараён, хизмат ва бошқалар) тушунилади.

Стандартлаштириш соҳаси - деб, ўзаро боғланган стандартлаштириш объектларининг мажмуига айтилади.

Стандартлаштириш меъёрий ҳужжати - фаолият турлари ёки уларнинг натижаларига тегишли қоидалар ёки тавсифлар белгиланган ҳужжатга айтилади.

Ҳужжат – бу маълумотлар ёзилган манбаа.

Стандарт - инглиз сўзидан (standart - меъёр, намуна, эталон) - бу кўпчилик манфаатдор томонлар келишуви (консенсус) асосида ишлаб чиқарилган, энг мақбул даражали тартиблаштиришга йўналтирилган умумий қонун-қоидалар, тавсифлар, талаблар ва усуллар белгиланган ,тан олинган идора томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжат.

Халқаро стандарт - бу стандартлаштириш бўйича шуғулланадиган халқаро ташкилот томонидан қабул қилинган ва истеъмолчиларнинг кенг доираси учун яроқли бўлган стандарт.

Минтақавий стандарт - бу стандартлаштириш бўйича шуғулланадиган минтақавий ташкилот томонидан қабул қилинган ва истеъмолчиларнинг кенг доираси учун яроқли бўлган стандарт.

Миллий стандарт – бу стандартлаштириш бўйича шуғулланадиган миллий идора томонидан қабул қилинган ва истеъмолчиларнинг кенг доирасига яроқли бўлган стандарт

Стандартлар мажмуи - бу ўзаро боғланган стандартлаштириш объектларига келишилган талабларни белгиловчи ва маълум илмий-техник ёки ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечимини меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш учун умумий мақсад билан бирлашган ўзаро боғланган стандартлар тўплами.

Унификациялаштириш – (бирхиллаштириш) деганда, муайян эҳтиёжни кондириш учун зарур бўлган энг мақбул ўлчамлар сони ёки маҳсулот, жараён ва хизмат турларини танлаш тушунилади.

Мослашувчанлик - бу маҳсулотлар, жараёнлар ёки хизматларнинг ўзаро номақбул таъсир кўрсатмайдиган ҳолда биргаликда, топшириқдаги шароитларда белгиланган талабларни бажариш учун фойдаланишга яроқлилигидир.

Ўзаро алмашувчанлик, - бир хил талабларни бажариш мақсадида бир хил буюм жараён ва хизматдан фойдаланиш ўрнига бошқа бир хил буюм, жараён ва хизматнинг яроқлилига айтилади.

Маҳсулотларни ҳимоя қилиш - маҳсулотдан фойдаланиш, транспортда ташиш ёки сақлаш пайтида уни иқлим ва бошқа ноқулай шароитлар таъсиридан сақлаш тушунилади.

Хавфсизлик - зарар етказиш мумкин бўлган ножўя хавф-хатарнинг йўқлиги.

Атроф-муҳитни муҳофазаси - атроф-муҳит, маҳсулотлар, жараёнлар ва хизматларни салбий таъсирлардан ҳимоя қилишга айтилади.

ДЕВКО – бу бозор иқтисодиётига ўтаёган ва ривожланаётган мамлакатлар учун ИСОнинг дастури ҳисобланади.

ГОСТ - давлатлараро стандартлар

О'z DSt - Ўзбекистон давлат стандартлари –тармоқ, стандартлари - TS;

TSh - техник шартлар.

KS - .корхона стандартлари .

TSh - аниқ, маҳсулот учун ишлаб чиқарилган ёки турли маҳсулотлар гуруҳига мўлжалланган стандартларда белгиланган талабларга мувофиқ ёки улардан юқори бўлган техник шарт .

KSt - корхона стандартлари фақат шу корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун ишлаб чиқилади ва амалга киритилади.

O'z DSt - Ўзбекистон давлат стандарти;

O'z DT - Умумдавлат таснифлагичи;

O'z RH - Ўзбекистон раҳбарий ҳужжати;

O'zSt DT - Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими;

O'z SDT - Ўзбекистон сертификатлаштириш давлат тизими;

O'z O'DT - Ўзбекистон ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизими;

O'zAT - Ўзбекистон аккредитлаш тизими.

TSt - тармоқ стандарти;

TT – тармоқ таснифлагичи;

RH - раҳбарий ҳужжат;

T – тавсиянома

MH St - маъмурий ҳудудий стандарт;

KSt - корхона стандарти;

Tsh - техник шартлар.

KHT - конструкторлик ҳужжатларнинг ягона тизими;

THT - технологик ҳужжатларнинг ягона тизими;

MST - маҳсулотни синаш тизими;

HBT - ҳужжатларни бирхиллаштириш тизими;

NKAT - нашриёт, кутубхона ва ахборот ишлари бўйича стандартлар тизими;

TP - техник пухталиги;

MUAT - маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил

қилиш тизими;

MSKT - маҳсулот сифат кўрсаткичлари тизими;

ST - сифат тизими.

TKT - техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотни таснифлаш
ва кодлашнинг ягона тизими ва бошқалар.

ISO 9000-2 ва **ISO 9000-1** - халқаро стандартлар Ўзбекистон миллий
стандарти сифатида қабул қилинган.

O'zDSt 9000-2:1999 ва **O'zDSt ISO 9000-1:1999.**- Ўзбекистон
стандартлаштириш Давлат тизимининг таркибига кирадиган стандартлар
талабларига биноан **ISO 9000-2** ва **ISO 9000-1** берилган шартли белгилар.

ИСО - халқаро стандартлаштириш ташкилоти (International Standards
Organization) деб юритилди. ИСО халқаро ташкилоти йирик ташкилотлардан
бири бўлиб ҳисобланган ва 100 га яқин мамлакат унинг аъзоси ҳисобланади

МЭК - халқаро электротехник комиссияси - 1906 йилда ташкил этилган
бўлиб, 45 дан ортиқ мамлакатни ўз ичига олади

МОЗМ - метрология қонунияти бўйича (международная организация
законодательной метрологии) ҳам стандартлаштириш бўйича халқаро
ташкилот деб ҳисобланади. МОЗМ халқаро ташкилоти 1955 йилга ташкил
топган.

ЕОКК - Сифат назорати бўйича ЕВРОПА ташкилоти.

МГС - ҳамдўстлик мамлакатларининг стандартлаштириш, метрология ва
сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро Кенгаши. (бу кенгашда
Ўзбекистон Республикаси номидан Ўздавстандарт иштирок этади.)

Назарий метрология - назарий масалаларни ишлаба, қонунлаштирувчи
метрология миллий идора томонидан амалга оширилаётган фаолиятга
тегишли бўлган бирликлар, ўлчаш усуллари, ўлчаш воситалари ва ўлчаш
(синов) лабораторияларига тегишли давлат талабларини ичига олади

Амалий метрология - квалиметрия назарий метрология назариялари ва
қонунлаштирувчи метрология қоидаларини амалий қўллаш бўйича
метрологиянинг бир қисми ҳисобланади

Ягона ўлчаш бирлиги - ягона ўлчаш бирлиги деб, ўлчаш натижалари қонунлаштирилган бирликларда ифодаланган ва ўлчашдаги хатоликлар муайян эҳтимолликда бўлган ўлчаш ҳолатига айтилади.

Ўлчаш воситаси - . улчаш воситаси бу ўлчаш учун фойдаланиладиган ва меъёрлаштирилган метрологик хусусиятларга эга бўлган техник воситадир.

Бирлик этолони - бирлик этолони деганда, физик ўлчам бирлигини бошқа ўлчаш воситаларига узатиш мақсадида уни қайта ҳосил қилиш, сақлаш учун мўлжалланган ўлчаш воситаси тушунилади

Давлат этолони - Давлат этолони деб, ваколат берилган Муддий органнинг қарори билан Ўзбекистон республикаси ҳудудида ўлчаш бирлигини ўлчаш сифатида эътироф этилган этолонига айтилади.

Метрология хизмати. Метрология хизмати бу давлат идоралари ва юридик шахсларнинг метрология хизматлари ва ўлчаш тармоғи томонидан ҳамда уларнинг ягона ўлчаш бирлигида бўлишини таъминлашга қаратилган фаолиятдир.

Давлат метрология назорати. - Давлат метрология назорати, бу метрология қондаларига риоя этилишини текшириш мақсадида давлат метрология хизмати идоралари томонидан амалга ошириладиган фаолиятдир.

Ўлчаш воситаларини текширувдан ўтказиш. Бу тушунчанинг асосий маъноси ўлчаш воситаларининг белгилаб қўйилган техник талабларга мувофиқлигини аниқлаш ва тасдиқлаш мақсадида давлат метрология хизмат идоралари томонидан бажариладиган амаллар мажмуидан иборат.

Ўлчаш воситаларини калибрлаш – бу метрологик жиҳатларнинг ҳақиқий қийматлари ва ўлчаш бирликларининг қўллашга яроқлилигини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш мақсадида калибрлаш лабораторияси бажарадиган амаллар мажмуидир.

Лицензия – бу ўлчаш воситаларини ишлаб чиқиш, яратиш, таъмирлаш, сотиш, ижарага бериш учун давлат метрология хизмати томонидан юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган, мазкур фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

Катталиқ – бу сифат томонидан кўпгина физик объектларга нисбатан умумий бўлиб, миқдор томонидан ҳар бир объект учун хусусий бўлган хоссадир.

Давлат метрологик назорати - бу белгиланган метрологик меъёрлар ва қоидаларга риоя этилишини текшириш бўйича давлат метрологик хизматининг ваколатланган идораларининг фаолиятидир

Сертификатлаштириш - (лотинча, тўғри қилинган) маҳсулот ёки хизматларни муайян стандарт ёки техник шартларга мос келишини тасдиқлаш мақсадида ўтказиладиган фаолиятга айтилади.

Мувофиқлик сертификати - бу маҳсулот, хизмат ёки жараёнларини маълум бир стандарт ёки бошқа меъёрий ҳужжатларга мос келишини ишонтирадиган ва сертификатлаштириш тизими қоидалари асосида нашр этилган ҳужжат.

Мажбурий сертификатлаштириш – бу сертификатлаштириш ваколатига эга бўлган идора томонидан маҳсулот (хизмат)нинг стандартлардаги мажбурий талабларга мувофиқлигини тасдиқлашдир.

Ихтиёрий сертификатлаштириш - ишлаб чиқарувчи (бажарувчи), сотувчи (таъминловчи) ёки истеъмолчи ташаббуси билан ихтиёрий равишда ўтказиладиган сертификатлаштириш тушунилади.

Сертификатлаштириш соҳасидаги гувоҳнома - бу сертификатлаштириш тизими қоидаларига асосан нашр этилган ҳужжат.

Сифат сертификати - бу етказиб берилмаётган молга илова қилинадиган ва унинг сифатини тасдиқлайдиган ҳужжат.

Аккредитлаш ёки аккредитациядан ўтиш - мувофиқликни баҳолаш ва тасдиқлаш, шунингдек инсон фаолиятининг иқтисодий, ҳуқуқий, техник ва бошқа турли соҳаларида сертификатлаштиришни амалга ошираётган лаборатория ва идораларнинг лаёқатлигини баҳолаш ҳамда тан олишнинг халқаро амалиётида тан олинган усули тушунилади.

Сифат - бу объектнинг таъриф ёки тавсифлари мажмуи бўлиб, белгиланган ва кўзда тутилган талабларни қондириш хусусиятидир ёки бўлмаса сифат деб, истеъмолчи талабини қондириш даражасига айтилади.

Истеъмол товарининг сифати - уни номинал шароитда ўз вазифаси бўйича истеъмол қилишда ёки ишлатишда харидорлар (истеъмолчилар)нинг маълум эҳтиёжларини қондира олиш хусусиятларининг мажмуига айтилади.

Штрихли код - бу оптик усулда, кўндаланг канерлаш йўли билан ўқиладиган ҳар хил қалинлик ва қадамларга (шаг) эга бўлган параллел штрихлар (чизиқлар) тўплами ёрдамида ташкил топган код.

Штрихли кодлаш - бу махсус ишлаб чиқилган халқаро ахборотлаштириш тизими ёрдамида маҳсулотларнинг асосий параметрларини белгиловчи услуб.

Лицензия — лицензияловчи орган томонидан юридик ёки жисмоний шахсга берилган, лицензия талаблари ва шартларига сўзсиз риоя этилгани ҳолда фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошириш учун рухсатнома (хуқуқ) тушунилади.

Лицензиялаш — лицензия бериш тўғрисидаги аризани топшириш ва кўриб чиқиш, лицензияни қайта расмийлаштириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш жараёни билан боғлиқ тадбирлар комплекси;

Лицензиат — фаолиятнинг лицензияладиган турини амалга ошириш лицензияси бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

Лицензия шартномаси — фаолиятнинг лицензияладиган турини амалга ошириш учун лицензиатнинг лицензия олиши ва ундан фойдаланиши борасидаги лицензияловчи орган билан лицензия даъвогари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турадиган ва улар ўртасида тузиладиган шартнома;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси қонуни “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида (янги таҳрири)”. – “Халқ сўзи” газетаси. 2002 й. 29 август.
2. Ўзбекистон Республикаси қонуни “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқиш тўғрисида”. – “Халқ сўзи” газетаси. 2001 й. 30 август.

3. Ўзбекистон Республикаси қонуни “Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар баъзаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”. – “Халқ сўзи” газетаси. 1994 й. 6 май. Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиришлар 05.04.2002. №364-11. 30.08.2002 й. №405-11.
4. Ўзбекистон Республикаси қонуни “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”. – “Халқ сўзи” газетаси. 2001 й. 30 август.
5. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 июн 209 – сонли қарори: Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси тўғрисида Низом.
6. Как зарегистрировать товарный знак в Республике Узбекистан. – Ташкент, ГПВ РУз. 2006 г.
7. Ўзбекистон Республикаси қонуни “Селекция ютуқлари тўғрисида”. – “Халқ сўзи” газетаси. 2002 й. 29 август.
8. Ўзбекистон Республикаси қонуни “Фирма номлари тўғрисида”. – “Халқ сўзи” газетаси. 2006 й. 18 сентябр.
9. Ўзбекистон Республикаси қонуни “муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”. – “Халқ сўзи” газетаси. 2006 й. 9 июн.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сон фармони қабул қилинди
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сон фармони Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ахборотномаси.
12. Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонуни.
13. Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги қонуни.
14. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонуни.
15. Худойшукуров Т., Каримов М. Стандартлаштириш, метрология ва сифатни бошқариш. Маърузалар матни. Самарканд, 2004.
16. К.Отамурадов. Туризмда стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Маърузалар матни. Самарканд, 2007.
17. O’zDst 1.0: 1998 Ўзбекистон стандартлаштириш Давлат тизими. Асосий қоидалар.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил қилиш тўғрисида»ги 93-сонли қарори.
19. ГОСТ 1.0.-92 Правила проведения работ по межгосударственной стандартизации. Общие положения.
20. Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини

лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент ш., 2000 йил 25 май.
21. www.Patent.uz/uzb/prootz.uz.htm.